



Хàçðàò À.х. Áхàêðèââàí òà Ñâàí è Ì ðàáxóí àäà.  
Êðèøí àí è àí äéàø Õàëçàðí æàì èýòèí èí á àñîñ÷è-à÷àðýñè



Урганч - 2002



Ҳазрат А.Ч. Бҳактиведанта Свами Прабхупада мазкур асарда инсон ҳаётининг энг комил ҳолати - бҳакти-йога ёрдамида руҳий ўзлигини англаб етиш ҳақида гапириб беради.

Шрила Прабхупадани бутун жаҳон олимлари қадимий Ҳиндистон руҳий маданиятининг энг буюк намоёндаси, ведавий донишмандлик илмининг билимдони деб тан олганлар. Унинг маорузаларидан иборат бўлган бу рисолада ҳар бир инсон ҳаётида энг муҳим бўлган онг, муроқаба, карма, ажал, рух, у дунёдаги ҳаёт каби тушунчаларнинг чуқур маъноси тушунтириб берилган.

Асарда қўрсатилган жуда осон усул ёрдамида ҳар бир инсон ўзининг онгини, қалбини поклаб, илохий поғонага кўтарила олади. Бу эса инсоннинг қалбига хотиржамлик, осойишталик келтирибгина қолмасдан, ҳар бир одамга ҳаётда дуч келадиган турли азоб-укубатларга, кутилмаган мусибатларга бардош беришга, сабр-тоқатли бўлишга ёрдам берадиган илохий қудрат ато этади.

А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада

Путь к совершенству

Áðàêðèâââàí òà áóê ððàñò  
ISBN 91-7149-433-2

Перевод на узбекский язык  
(í à í ðàââð ðóêî í èñè)

Êðèøí àí è àí áëàø - ýí á áóþê éî áà  
“Øaøñèé êóðóáðî í à”

Xàçðàò Á.×. Áxàêðèâââàí òà Ñâàì è Í ðàáxóí àâàí èí á  
ÿçáâê òëëëâà í àøð кëëëí áàí àñàðëàðè

Í àxí áxí ðàò - Áxàâââàä Áèðà  
Í àñèxàðëàð ëàççàðè  
Øðè Èøí í àí êøàä  
Áî øкà ñàë , ðàëàðàä áí áëë ñà , xàò  
Үçëëëí è áí áëàø ðàëëèí í ðè  
Éí áà áàí í èí ðè  
Ó äöí , äââè xà , ò  
Í óéàì í àë ñàâî ëàð áà í óéàì í àë æàâî áëàð  
Xà , ò xà , òäàí í àéäî áÿëàëè

## Сўзбоши

Мазкур асарнинг “Камолотга эришиш йўли” деб аталишини кўрган захоти миямизга одатда дарров, истеҳзо билан шундай фикр келиши мумкин: “Оҳо, ҳаётда ҳамма муаммоларни ҳал қилишга, изланувчан одамни қийнаб юрган барча саволларга жавоб беришга ваъда берадиган яна битта китоб чиқибди-да!” Охирги пайтларда маданиятли одамларнинг китобларга бўлган бундай ишончсиз муносабатда бўлишини тушуниш мумкин, чунки ҳозирги даврда ҳар хил қаллоблар ҳар хил сохта ваъдалар бериш билан одамларнинг айнан хақиқий ўзлигини англашга, ҳаётда ўз ўрнини топиб, баҳт ва озодликка эришишга бўлган табиий интилишидан ўзларининг шахсий манфаатида фойдаланиб қолишга кўпроқ уринадилар. Замонавий теологлардан бири мана шу ҳолни “руҳиятнинг, маънавиятнинг ҳалокатли тубанликка юз тутиши” деб атаган эди. Руҳиятнинг, маънавиятнинг тубанликка юз тутиши - одамларга зулм ўтказишнинг энг бешафқат, энг ёвуз кўринишидир. Бу ҳол жамиятдаги одамлар қалбида мағрурликни, манманликни юзага келтиради, бундай иллатларга чалинган одамлар қалбида эса инсон ҳаётининг олий мақсадига қизиқиши бутунлай йўқолиб кетади, натижада одамлар улуғвор максадга интилиб яшашни бутунлай тарқ этиб, тобора бемақсад, иймон-эътиқодсиз, виждонсиз, факат еб-ичиш билан кун кўрадиган ҳайвонсифат одамларга айланиб кетаверадилар.

Ҳозирги пайтда китоб магазинларининг пештоқлари одамларга бир пасда руҳий ва маънавий камолотга эришишнинг ҳар хил сохта, сунъий равища осонлаштирилган усуулларини тавсия қиласидан турли китобларга тўлиб кетган. Аммо ана шундай сохта, юзаки китобларга дуч келавериб ҳафсаласи пир бўлган, чукур мулоҳаза юрита оладиган одам учун “Камолотга эришиш йўли” асари тақдирнинг кутилмаган ва ёқимли совғаси бўлади. Ўкувчи бу асарда руҳий камолотга эришишнинг энг қадимий усуulinинг - ҳаёт фалсафаси ва йога жараёнининг замонавий ва қизиқарли, энг муҳими амалий талқини билан танишади.

“Йога” деган иборани эшитганда одатда баъзи одамларнинг тасаввурида дарров озиб-тўзиб кетган, танасини ҳар хил шаклга келтириб жисмоний машқ қилаётган одам гавдаланади, баъзи бирорлар эса спортчиларнинг кора триколарини кийиб олиб, соғлигини яхшилаш, семизликдан қутулиш ёки жинсий фаоллигини ошириш учун оёғини осмонга кўтариб калласида тик туришни

ўрганаётган семиз аёлларни кўз олдига келтирадилар. Лекин аслида “йога” деганда биз умуман бошқа нарсани тушунамиз. Йога хақида гапирганда биз қадим замонлардан бери миллионлаб донишманд одамлар ҳаётда руҳий камолотга эришиш учун қўлланиб келаётган энг қадими фалсафага асосланган мурокаба усулини назарда тутамиз. Ҳозирги кунга келиб шунчаки соғломлаштириш гимнастикасига ва сохта мурокаба усулiga айланиб, баъзи бир фирибгар қаллоблар қўлида факат пул топиш воситасига айланиб қолган йога жараёни қадимда энг мукаммал ва ҳамма бирдай қўллана олиши мумкин бўлган руҳий юксалиш усули бўлган.

“Камолотга эришиш йўли” асари Илохий Ҳазрат А. Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупаданинг муқаддас “Бхагавад Гита” бўйича қилган тарихий маъruzalari асосида ёзилган бўлиб, унда Шрила Прабхупада ўзининг қадими хинд донишмандлик асари “Бхагавад Гита”га ёзган изоҳларида айтган гояларини узвий давом эттиради. Ўзининг қизикарли маъruzalari Шрила Прабхупада “Бхагавад Гита”нинг олтинчи ва саккизинчи бобида баён этилган йога фалсафасини чуқур таҳлил қиласди ва бу мангу таълимотни ҳозирги кунда ҳам бемалол амалда қўллаш мумкин ва зарур эканини ишонарли қилиб исботлаб берган. Шрила Прабхупада ўзининг маъruzalari инсон онгининг табиати, мурокаба усуслари, карма, ажал, руҳнинг бир танадан иккинчи танага ўтиши ва ҳатто жазавали руҳий лаззат хақида мулоҳаза юритади.

“Бхагавад Гита” - Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Шри Кришна билан Унинг шогирди, жангчи Аржун орасида бўлиб ўтган гайритабиий сухбат, савол-жавобдан иборат. Бир машхур психолог врач бу сухбатни “одамни депрессия ҳолатидан чиқаришнинг ажойиб усули” деган эди. Гоффиллиги сабабли ўзининг аслида ким эканини, ҳаётда ўзининг асосий бурчи, мақсади нимадан иборат эканини англай олмай қолган Аржун ёрдам сўраб Кришнага мурожаат қиласди, шунда Парвардигор Кришна Ўзининг қобилиятли шогирдига “Руҳий камолотга эришиш йўли”ни кўрсатади. Кришнанинг Аржунга берган насиҳатларининг мазмун-моҳияти шундан иборатки, инсон ўзининг бутун ҳаётини йога билан машғул бўлишга бағишлиши, яъни йог бўлиши лозим. Йога дегани нима? Санскрит тилида “йога” ибораси “бирлашиш”, “боғланиш” деган маънени билдириб, алоҳида онг билан Олий онгнинг, алоҳида руҳ билан Олий Рух - Худои Таолонинг ўзаро мухаббатга асосланган бузилмас бирлигини англатади. Йогани ҳақиқатан ҳам камолотга эришиш йўли деб аташ мумкин, чунки инсон йога жараёни ёрдамида ҳаётнинг энг юксак, олий мақсадга эришади.

“Бхагавад Гита”дан биз йоганинг асосий тўрт тури мавжуд эканини биламиз. Инсоннинг ҳаётдаги ўз бурчини, хар бир ишини

эвазига ҳеч нарса таъма қилмасдан Худога садоқат билан холис хизмат қилиш сифатида бажариши Карма-йога деб аталади. Гыйана-йога билан шуғулланаётган одам чуқур фалсафий фикрлаш, мулохаза юритишлар орқали онгини рухий поғонага кўтаришга эришади. Аштанга-йога ёрдамида эса одам ҳар хил жисмоний машқлар бажариш ёрдамида ўзининг сезгиларини, ақлини жиловлаб олиб, ўзининг бутун диккат-эътиборини Худои Таолода жамлашга ўрганади, ҳозирги замонда кенг тарқалган хатха-йога Аштанга-йоганинг энг соддалаштирилган оддий кўриниши ҳисобланади. Йоганинг мана шу уч тизими охир-оқибатда одамни бхакти-йогага, яъни Худои Таолога, ягона Парвардигор Кришнага садоқат ва муҳаббат билан хизмат қилиш даражасига кўтаради. Парвардигор Кришнанинг Ўзи "Бхагавад Гита"нинг олтинчи бобининг охирги шеърида шундай дейди: "Барча йоглар орасида ҳамиша ўзининг қалбидаги мавжуд бўлган Мен ҳақимдаги фикрларга ғарқ бўлиб юрган, Менга чуқур иймон билан ишонадиган, Менга сажда қиласдиган, Менга садоқат билан хизмат қилиб юрган одам Мен билан энг мустаҳкам ришталар билан боғланган ва камолотнинг энг олий погонасига эришган йогдир".

"Рухий камолотга эришиш йўли" асарида Шрила Прабхупада бхакти-йога - энг содда ва айни пайтда барча йога усуулларининг ҳаммасини ўз ичига олган бу усулдан ҳар қандай одам ҳам фойдаланиши мумкинлигини тушунтирас экан, унинг асосларини усталик билан баён этади. Ҳатто ҳозирги замондаги худобехабар дунёвий ҳаёт гирдобига тушиб, ҳаётда бутунлай адашиб қолган омадсиз одам ҳам, йоганинг мана шу осонгина йўлидан фойдаланиб, ақлини барча ҳаёт ташвишларидан халос қилиши ва Худои Таоло билан боғланиши мумкин.

Балки Шрила Прабхупаданинг энг юксак ютуғи ҳам мана шундадир. Шрила Прабхупада Ҳиндистоннинг қадимий рухий маданиятининг ҳамда қадимий санскрит тилининг ҳамма тан олган машхур билимдони эди. Лекин у шунчаки оддий филолог ёки файласуф, қизиқарли фалсафий ва теологик ғоялар кашф этган билимдон рухоний эмас эди. У ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган қадимий Ҳиндистон илоҳий донишмандлик илмини ҳар бир замонавий одамга тушунарли тилда изоҳлаб, уни инсониятга ҳозирги замон шароитида ҳам бемалол қўллаш мумкин бўлган амалий таълимот кўринишда тақдим этган ҳақиқий илоҳий гений, донишманд инсон, рухий устоздир. Шрила Прабхупаданинг гайритабиий талантини тан олиб, Ҳиндистоннинг собиқ премьер-министри Шри Лал Баҳодур Шастри унинг асарларини "инсониятни мусибатлардан кутқариш йўлида қўшилган буюк ҳисса" деб атаган эди. Шрила Прабхупаданинг асарларидаги инсон қалбини бутунлай ўзgartириб

юбориш хусусиятини машхур социолог Элвин Г. Поуэлл ҳам тан олган эди. Шрила Прабхупада таржима қилган "Бхагавад Гита" асарига тақриз ёзиб, у шундай деган эди: "Шарқнинг илоҳий сеҳргарлик илми Фарбий давлатларнинг ғоғиллик ботқоғига ботган худобехабар маданиятига келиб чуқур томир отиб, жуда кўп одамларга инқирозга йўл тутаётган ҳозирги замон маданиятидан қандай халос бўлиш йўлини кўрсата бошлади... Агар Ҳакикатни ҳакикатан ҳам амалда синаб кўриш мумкин бўлса, унда "Бхагавад Гита" асарида ҳакикатан ҳам қандайдир илоҳий бир ҳакикат мавжуд, чунки унга амал қилиб яшаб юрган одамлар одатда ҳамиша юзларидан нур сочиб, беғубор, шодон юрадилар. Ҳар куни бир хил турмуш ташвишлари билан банд бўлиб кун кечираётган замонавий сўниқ, нурсиз одамлар орасида бундай баҳтиёр одамларни учратиш жуда қийин".

Нашриётдан.

# **Баркамоллик йўли**

## **Биринчи боб. Йоганинг фаолият сифатида кўриниши.**

"Бҳагавад Гита"нинг олтинчи ва саккизинчи бобларида Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Шри Кришна тушунтириб айтганки, саккис погонали йога жараёни - ақл ва хиссиётларни жиловлаш йўлидир. Лекин йоганинг бу тури жуда мушкул йўл, айниқса гофилик ва пала-партишликлар даври бўлган ҳозирги Кали югада яшаётган одамлар учун бу жуда мураккаб усул.

Гарчи "Бҳагавад Гита"нинг олтинчи бобида Худои Таоло Аржунга саккиз погонали йога усулини тавсия қилган бўлса ҳам, айни пайтда У таъкидлаб айтяптики, карма-йога, яъни Кришна онгидаги қилинган фаолият бу усулдан анча устун туради. Моддий оламда ҳар бир одам ўзининг оиласини таъминлаш учун меҳнат қилади ва бунда ҳамиша таъмагирлик билан шахсий манфаат кўзлаб меҳнат қилади: ўзининг ёки якинларининг эҳтиёжларини қондириш билан лаззатланишга интилади. Аммо, ҳар қандай фаолият Кришна онгидаги бажарилсагина, яъни натижаларига боғланмаган ҳолда, холис бажарилсагина мукаммал ҳисобланади.

Кришна онги билан ҳаракат қилиш - бизнинг бурчимиз, чунки бизлар Парвардигори оламнинг ажралмас бўллаклари, зарраларимиз. Тананинг ҳар хил аъзоларининг ҳар қайсиси ўз ҳолича алоҳида эмас, балки бутун танага хизмат қиладилар. Худди шунга ўхшаб, тирик мавжудот ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб, фақат ўзи лаззатланиши учун эмас, балки тўла бутун - Худонинг Олий Шахсини рози қилиш, мамнун қилиш учун ҳаракат қилиши керак. Ҳаётини ана шундай ҳаракатлар билан ўтказаётган кишини ҳақиқий саниаси ёки йог деб атайдилар. "Бҳагавад Гита"нинг санкхья йогага бағишланган олтинчи бобининг биринчи шеърида Худои Таоло Шри Кришна шундай дейди:

*анаширитаҳ карма-пхалам карйам кароми йаҳ*

*са саннийаси ча йоги ча на нирагнир на чакрийаң*

"Мөхнатининг натижаларига боғланиб қолмаган, аммо ўз бурчига содик ҳолда вазифасини холис бажараётган киши ҳақиқатан ҳам таркидунё қилиб яшаётган одамдир. Муқаддас олов ёқишини тарк қилган ва ўз бурчини бажаришни тарк этган одам эмас, айнан ана шундай одам ҳақиқий йогдир".

Баъзида саннийасилар(каландар-зоҳидлар) адашиб, энди барча дунёвий ишларнинг барчасидан қутулдик, биз энди *агни-хотра*, ягия ўтказиб юришимизнинг ҳожати йўқ деб ўйладилар. Лекин бу хато фикр. Шундай яйалар, ёки қурбонликлар борки, уларни ҳар бир одам ўз ҳаётини поклаши учун, қалби покланиши учун албатта бажариши шарт. Одатга кўра саннийаси ягия ўтказиши шарт эмаслиги сабабли, саннийасиларнинг баъзилари ўйладиларки, қурбонлик маросимини ўтказишни тарк этиб, улар озодликка эришадилар. Аммо, аслида, то Кришна онгига ҳаракат қилиш даражасига кўтарилемагунча озодликка чиқиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ягия ўтказишдан бош тортадиган саннийасилар аслида ўзларининг шахсий хуносаларидан келиб чиқадилар, шахсий манфаат кўзлайдилар, чунки улар шахсиятсиз Брахманга қўшилиб кетишга интиладилар. Мана шу майавадиларнинг, имперсоналистларнинг асосий мақсадидир. Лекин Худонинг содик хизматкорига бундай истаклар мутлақо ёт, бегона. У ўзининг холис хизмати билан Худони, Кришнани мамнун қилаётганидан баҳтиёр, ва бунинг эвазига Худодан ҳеч нарса таъма қилмайди. Мана шу соф садоқат белгисидир.

Худованд Чайтаня Махапрабху содиқнинг кайфиятини қуидагича таърифлайди:

*на дханам на джанам на сундарим кавитам ва джгадииша камайе  
мама джсанмани джсанманишваре бхаватад бхактир ахайтуки тваи*  
"Эй курратли Парвардигор, Мен Сендан мол-мулк, гўзал аёллар, кўплаган издошларим бўлишини тиламайман. Уларнинг Менга мутлақо кераги йўқ. Мен Сендан фақат бир нарсани - англаш қийин бўлган Ўзингнинг чексиз марҳаматинг билан Менга умрлар оша Сенга садоқат билан хизмат қилиш имкониятини беришингни илтижо қиласман". Бхакти-йога жараёнининг маъноси шундан иборат. Худога соф садоқатнинг намоён бўлишига бошқа жуда кўп мисоллар бор. Худованд Нрисимхадева бир куни Прахлад Махаражга шундай деди: - Ўғлим, Мен сабабли сен ҳаётингда шунча азиятлар чекдинг. Мен сенинг ҳар қандай истагингни бажаришга тайёрман". Лекин, Худонинг содик хизматкори бўлган Прахлад Махараж Ундан ҳеч нарса сўраб ўтирумади. У шундай дейди: - Эй Парвардигор, менинг сенга бўлган муҳаббатим ҳар қандай таъмагирликдан пок. Қилаётган хизматим учун Сендан ҳеч қандай мукофот таъма қилаётганим йўқ.

Мен Сендан ҳеч нарса қабул қилмайман". Мана сизга соф садоқат намунаси!.

Йоглар ва гйанилар Худо билан қўшилиб кетишга интиладилар, чунки моддий дунёдаги ҳаёт уларни чидаб бўлмас изтиробга солиб қўяган. Улар моддий оламдаги шартланган шахсий ҳаёт келтирадиган оғир изтироблардан қутулиш учун Худонинг борлиғига сингиб, йўқолиб кетишни истайдилар. Аммо, Худонинг содик хизматкори ҳеч қачон бундай кайфиятга тушмайди. Ҳатто у Худо билан бирга бўлмаса ҳам, у Худога хизмат килиш билан қалбида тўла мамнуният ҳосил қиласи. Албатта, гйаниларнинг шахсиятсиз Брахман билан қўшилишга ёки Худонинг борлиғига сингиб кетишга интилишлари ҳар қандай моддий истаклардан устун туради, лекин бу ҳолат ҳам барибир таъмагирлик асосида курилган. Сехргар-йогалар ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин, улар лаззатланиш мақсадида кўзларини юмиб, ҳар қандай моддий фаолиятни тарк этиб, йога муроқабасига ғарк бўладилар. Бу йогалар моддий қудратга эга бўлишга интиладилар, ва шу мақсадига эришиш йоганинг камолотидир деб ҳисоблайдилар. Аслида бундай муроқабанинг йога камолоти билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Улар шунчаки оддий моддий фаолиятдир, холос.

Йогнинг ҳаётини тартибга солувчи қонун-қоидаларига амал қиласар экан, инсон сеҳр қудратининг саккиз турига эга бўлиши мумкин. Уларни эгаллаган киши энг енгил нарсадан енгил ёки энг оғир нарсадан оғир бўла олади. У истаган нарсасига дарров эга бўлиши ва ҳатто бутун бир сайёрани яратса олиши мумкин. Гарчи ундан қудратли йоглар ҳозир жуда кам бўлса ҳам, барибир улар мавжуд. Кунларнинг бирида масалан, Вишвамитра деган йог одамларни палма дараҳтида яратмоқчи бўлди. "Одамлар онасининг қорнида шунча вақт қийналиб ётадилар, - ўйлаганди у, - нега уларни худди мевалардек дараҳтда ўстириш мумкин эмас?" Шунда Вишвамитра одамларни худди кокос ёнгоқлари сингари, дараҳтда етиштира бошлади. Баъзи йоглар шунга ўхшаган мўъжизалар яратишга қодир, аммо, уларнинг сеҳр қудрати барибир моддий сифатга эга. Эртами-кечми ундан йоглар барибир ўз қудратидан маҳрум бўладилар, чунки уларнинг таналари мангуб эмас. Бхакти-йогаларга келсак, уларни ҳеч қандай сеҳр қудратига эга бўлиш қизиктирмайди.

Кришна онгига Худонинг истагига мос ҳаракат қиласар экан, бхакти-йог ҳеч қандай манфаат кўзламасдан, тўла бутуннинг манфаати учун хизмат қиласи. Қалбида Кришна онггини ривожлантирган киши ҳеч қачон ўз манфаатини ўйламайди. У агар қилаётган хизматидан Кришна мамнун бўлса, Худо рози бўлса, ҳаётда ўзининг мақсадига эришган деб ҳисоблайди: шунинг учун уни ҳақиқий саннийаси ва комил йог деб ҳисоблайдилар.

Худонинг содик хизматкори ҳатто озодликка эришишга ҳам интилмайди. Озодликка эришишга интилиб юрган одам кейинги туғилишлардан халос бўлишни истайдилар. Чексизлик(бўшлиқ) фалсафаси тарафдорларининг ҳам мақсади шундай: моддий оламдаги мавжудлик ҳолатидан қутулиш. Аммо Чайтаня Махапрабху Худои Таолодан, Парвардигор Шри Кришнадан умрлар оша Унга садоқат билан хизмат қилиш имкониятини сўрайди. Чайтаня Махапрабху моддий азоб-уқубатларга такрор ва такрор дучор бўлаверишга тайёр. Нима мақсадда У бунга рози бўляпти? У бунга факат Худога садоқат билан хизмат қилиш учун рози бўляпти, чунки йоганинг камолоти - Худога ана шундай холис, садоқат билан хизмат қилишдир.

Руҳий оламда ҳам, моддий оламда ҳам руҳ ўзининг мангу табиатини саклаб қолади. Айтишларига қараганда, руҳнинг ўлчами майда соч толаси учининг ўн мингдан бир бўлагига teng. Демак, биз жуда ҳам ингичка, кичкинамиз. Лекин руҳ катталаша олади. Худди моддий оламда бизнинг танамиз каттайгани сингари, руҳий оламда бизнинг руҳий танамиз ҳам ривожланиб каттаяди. Моддий дунёда тана моддий унсурлар эвазига каттаяди, руҳий оламда эса - руҳнинг юксалиши ривожланади.

"Бҳагавад Гита"нинг бизга очиб берадиган биринчи ҳақиқат шундан иборатки, аслида биз руҳмиз. Бизнинг асиш ўзлигимиз, "мен"имиз танадан фарқ қиласди. Биз аслида "ҳаёт кучи"миз, танани "ҳаёт кучи" деб айта олмаймиз. Тана - шунчаки моддалар йифиндиси, уни биз, яъни "руҳий кувват", "ҳаёт кучи" харакатга келтирамиз. Руҳий оламда ҳамма нарса ана шундай руҳий кувватдан иборат, у ерда моддий унсурлар йўқ. Руҳий оламда

яшайдиганларнинг таналари бутунлай, мутлақо руҳий табиатга эга. Руҳни ёғ билан, танани эса сув билан қиёслаш мумкин. Агар сувнинг устига ёғ қуйсангиз ҳам, у сув билан аралашиб кетмайди. Аммо, руҳий оламда руҳнинг модда билан кўшилиб кетиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. У ерда ҳамма нарса пок руҳий табиатга эга.

Имперсоналистлар руҳий танага эга бўлишни истамайдилар. Улар руҳнинг зарраси бўлиб қолаверишни афзал биладилар, чунки уларнинг баҳт ҳақидаги тасаввурлари шундан иборат. Аммо бизлар, яъни бҳакти-йог(вайшнав)лар Кришнага, Худога садоқат билан хизмат қилишни истаймиз, ва бунинг учун бизга қўллар, оёқлар ва бошқа органлар керак. Руҳий тананинг вазифаси ҳам шундан иборат: - Кришнага хизмат қилиш. Худди онамизнинг корнида моддий тана яратганимиз сингари, биз руҳий оламда руҳий тана яратса оламиш. Одамнинг руҳий танаси Кришнани англаш, яъни бҳакти-йога жараённида ривожланади. Бу жараён моддий танани руҳлантириш, тананинг моддий табиатини руҳий табиатга ўзгартириш имконини

беради. Агар темир бўлагини оловга қўйсангиз, у худди оловдек кўйдирадиган бўлади. Қип-қизил бўлиб қизарган темир парчаси оловнинг барча сифатларига эга бўлади. Ана шундай темирга қўлингиз тесса, куйиб қолади. Шунга ўхшаб, гарчи ҳозир танамиз моддий табиатга эга бўлгани билан, уни Кришна онгида бўлиш билан руҳий табиатли қилиш мумкин, шунда у руҳнинг барча сифатларига эга бўлади. Мис - шунчаки бир металл, аммо, мис сим орқали электр токи ўтса, у электр токининг барча сифатларига эга бўлади. Агар уни ушласангиз, сизни ток уради.

Агар моддий танангизнинг табиатини руҳлантирангиз, сиз моддий фаолиятни бутунлай тарк этасиз. Моддий хиссиеёт талабларини қондириш учун қилинаётган ҳаракатлар моддий фаолият деб аталади. Танангизнинг табиатини руҳийлаштира борган сари сизнинг моддий истакларингиз камая боради, кейинчалик эса сизда хеч қандай моддий истак қолмайди. Бунга қандай эришса бўлади? Темир бўлаги оловнинг сифатларига эга бўлиш учун ҳамиша оловнинг ичиди бўлиши керак. Худди шунга ўхшаб, моддий танани руҳий табиатга эга қилиш учун инсон кундалик турмушда ҳамиша Кришна онгида бўлиб ҳаракат қилиши лозим, яъни ҳамиша Худони ўйлаб юриши керак. Агар моддий тана бутунлай руҳий фаолият билан машғул бўлса, у ўзидан ўзи руҳий табиатга эга бўлади.

Ведавий одатларга кўра, табаррук авлиёларнинг ёки санясиларнинг танасини ёқмайдилар, ерга кўмадилар. Санясининг танаси руҳий тана ҳисобланади, чунки у моддий фаолиятни бутунлай тарк этган одамдир. Агар ҳар бир одам Худони англаб, Кришна онгида ҳаракат қиласа ва фақат ҳиссиеётларининг талабини қондириш ниятида ҳаракат қилмаса, бутун олам руҳий табиатга эга бўлади. Биз ҳаётимизда ҳар бир ишни Кришна онгида, Худони рози қилиш учун бажаришни ўрганишимиз лозим. Буни тушуниш учнчалик қийин эмас. Худони рози қилиш учун, Кришнани мамнун қилиш учун ишлатиладиган ҳар бир нарса руҳий табиатга эга бўлади. Биз Кришна ҳақида гапириш, ёзиш учун микрофон, машинка ва бошқа нарсаларни ишлатаётганимиз сабабли, бу нарсаларнинг барчаси руҳий табиатга эга бўлади. Прасаднинг оддий таомдан фарқи нимада? Кимdir савол бериши мумкин: - "Сизлар ҳам худди бизникидай таом ейсизлар. Нимага уни "прасад" деб атайсизлар?" Биз уни Кришнага таклиф этганимиз учун унинг табиати ўзарди, руҳий сифаттга эга бўлди, шунинг учун биз уни *prasad* деймиз.

Аслини олганда моддий нарсанинг ўзи йўқ. Ҳамма нарса руҳий табиатга эга. Кришна руҳий табиатга эга, модда ҳам Кришнанинг кувватларидан бири бўлгани сабабли, у ҳам руҳийдир. Рух руҳдан пайдо бўлади. Аммо, тирик мавжудотлар ана шу руҳий кувватдан

нотўри, Худонинг ниятларини ҳисобга олмаган ҳолда фойдаланганида, - у моддий табиатга эга бўлади, моддага айланади. Кришнани англаш ҳаракатининг мақсади - бу моддий оламда ана шу руҳий кувватнинг табиатини қайта тиклашдан иборат. Биз барча одамларнинг, давлатларнинг ҳаётини руҳий фаолият билан тўлдириб, бутун оламни руҳий табиатга айлантиришни истаймиз. Албатта, бундай мақсадга эришиш осон иш эмас, лекин бу биз интилаётган энг олий мақсад. Ҳаётимизни руҳий табиатни қайта тиклашга бағишилаб, ҳеч бўлмаса ўзимиз руҳий камолотга эришамиз.

"Бҳагавад Гита"да Кришна айтадики, У Ўзининг содик хизматкорининг бор нарсаларини асраш ва улар муҳтож бўлган барча нарсаларни етказиб бериш билан уларга ғамхўрлик қиласи. Ўзига ёрдам беришга интилган кишига Худо ҳам ёрдам беради, деб одамлар кўп айтадилар, аммо улар ўзига ёрдам бериш дегани - Кришна бизга ғамхўр эканига ишониш, Унга ўз ихтиёрини бутунлай топшириш эканини билмайдилар. Факат аҳмоқ одамгина: - "Мен ўз кунимни ўзим кўриб юрибман, ўзимга ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарсани ўзим яратиб юрибман" - деб айтиши мумкин. Токи бармоғим танамнинг бир бўлаги экан, у биз учун керак, уни эҳтиёт қиласан, унга жароҳат етса, қанча пул сарфлаб бўлса ҳам уни даволайман. Лекин, агар шу бармоқ бутунлай кесиб ташланса, энди унинг мен учун мутлақо қадри йўқ, унинг менга кераги йўқ. Худди шундай, бизлар ҳам Худонинг, Кришнанинг ажралмас бўлакларимиз, ва ўзимизга ёрдам бериш учун ўзимизнинг ҳақиқий вазифамизни бажаришимиз, ўзимизнинг асл ҳолатимизда бўлишимиз: Кришнанинг хизматкори бўлишимиз лозим. Акс ҳолда, бизнинг мавжудлигимизнинг, ҳаётимизнинг ҳеч қандай маъноси бўлмайди. Бармоқ факат қўлнинг ажралмас бир бўлаги бўлиш ва бутун тананинг манфаатларига хизмат қилиш билангина ўзига ёрдам бера олади. Агар бармоқ танадан ажралишга қарор қиласа ва фақат ўзи, мустақил ҳаракат қўлмоқчи бўлса, у ҳалокатга учрайди. Биз "Мен Худога, Кришнага қарам бўлиб, боғланиб қолишини истамайман" - деб ўйлаган пайтда биз руҳий жиҳатдан ўлиқ ҳолатда бўламиз. Худонинг ажралмас бир бўлаги сифатида Кришнага хизмат қилганимизда бизнинг руҳий ҳаётимиз қайта тикланади. Шу боис, инсоннинг ўзига ўзи ёрдам бериши - ўзининг ҳақиқий ҳолатини англаб етиши ва шунга мос ҳолда ҳаракат қилишдир. Ўзимизнинг ҳақиқий ҳолатимизни англаб олмай туриб, биз ўзимизга ёрдам бера олмаймиз.

Хизмат қилиш деганда қандайдир фаолиятни тушуниш керак: одам бирорвга хизмат қилаётганида у қандайдир бир иш қилаётган бўлади. Кришнага хизмат қилиб, биз бошқаларга У тўгрисида тарғибот қиласиз, Кришна ҳақида китоблар ёзамиз, уларни

тарқатамиз, эхромларни тозалаймиз, хар хил озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиб, улардан Кришна учун таомлар тайёрлаймиз. Хизмат қилишнинг турлари кўп. Кришнага хизмат қилиш - бир жода (медитация баҳонасида) қотиб ўтириш эмас, балки Худо учун қандайдир иш қилиш демақдир. "Кришна онгига бўлиш" деганда қандайдир фаолият билан машғул бўлишни тушуниш керак. Ўзимизда бор нарсаларнинг ҳаммасидан Кришна учун фойдаланишимиз лозим. Бхакти-йога усулининг мазмуни шундан иборат. Кришна бизга ақл бериб қўйибди, биз ундан Кришна ҳакида фикр юритиш учун фойдаланишимиз лозим. Қўлларимиз бизга Кришна учун таом тайёрлаш ёки Унинг эхромини тозалаш учун керак. Оёқларимиз Кришнанинг эхромига бориш учун берилган. Бурнимиз Кришнага таклиф этилган гулларни ҳидлаш учун берилган. Бхакти-йога усулидан фойдаланиб, биз сезгиларимизни Кришнага хизмат қилиш билан машғул қиласиз ва шу тарзда улар руҳий табиатга эга бўлади.

"Бҳагавад Гита"да Аржун ўз бурчини бажаришдан бош тортади, аммо Кришна уни ҳаракат қилишга ундейди. "Бҳагавад Гита" бошидан охиригача ҳаракат қилишга ундов, чақириқдир: у бизни бутун умримизни Кришна онгига бағишлишни ва Кришнанинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилишга чақиради. Кришна ҳеч қаҷон Аржунга: - "Азизим, урушда иштирок этишдан бош торт. Ҳеч иш қилма, шунчаки Мени ўйлаб ўтири!" - демайди. "Бҳагавад Гита"нинг хабари бутунлай бошқа. Биз хар қандай фаолиятдан эмас, факат Худони, Кришнани эсдан чиқаришга олиб келадиган, Уни англашга ҳалақит берадиган фаолиятни тарк этиш деганидир. Кришнани, Худони тўла англаб етган киши Кришна учун тиним билмай хизмат килади.

Онаси одатда қулоқсиз боласини бир жода тинч ўтиришга мажбур қиласиди. Агар боласининг қиласиган иши факат оёқнинг тагида ўрмалашиб, онасига ҳалақит бериш бўлса, онаси: - "Илтимос, бир ерда тинч ўтириш, менга ҳалақит берма!" - дейди. Лекин, агар боласи бирор фойдали иш қила оладиган бўлса, онаси унга: - "Менга ёрдам бериб юбор! Илтимос, фалон ерга бориб, фалон ишни қил!" - деб айтади. Факат қўлидан бирор фойдали иш келмайдиган болага бир ерда тинч ўтиришни буюрадилар. Бола бир жода тинч ўтириш экан, у ҳеч кимга ҳалақит бермайди. Бир жода тинч ўтириш - бемаъни ҳаракатлардан тийилиш демақдир; бунинг ҳеч қандай ижобий томони йўқ. Ҳаракатсиз ўтириш ўлим билан баробар. Факат Худо йўлида ижобий фаолият билан машғул одамгина ҳақиқатан ҳам тирик одамдир, "Бҳагавад Гита"нинг хабарининг асл маъноси шундан иборат. Руҳий ҳаёт - "Бу мумкин эмас, у мумкин эмас, ундан қилмаслик керак, бундай қилмаслик керак!" - деган тасаввур эмас. Аксинча, унинг

маъноси - "Харакат қил! Хизмат қил!" - деган чакириқдан иборат. Албатта, тўғри харакат қилиш учун биз аввало қандай ишлар қилмаслик кераклигини билиб олишимиз лозим, шунинг учун ҳам руҳий ҳаётда ҳар хил таъкиқловчи қоидалар бор. Лекин, умуман олганда "Бҳагавад Гита" инсонни харакат қилишга, хизмат қилишга ундайди. Кришна Аржунга: - "Мен учун жанг қил!" - дейди. "Бҳагавад Гита"нинг бошида Аржун жанг қилишдан бош тортганида Шри Кришна унга шундай жавоб берди:

*кутас тва каималам идам вишаме самупастхитам  
анарайа-джуситам асваргйам акирти-карам арджусуна*

"О Аржун, қандай қилиб сен бундай ботқоққа ботиб юрибсан?

Ҳаётнинг асл маъносини биладиган киши учун бундай гаплар ярашмайди. Бундай қилиш инсонни жаннатга эмас, шармандаликка олиб келади".(Б.г., 2.2). Шри Кришна тўғридан тўғри Аржунга айтяптики, инсон бўлиб яшашининг маъносини биладиган киши учун, "арий" учун бундай гапларни гапириш тўғри келмайди. Шунинг учун Кришна онггида бўлган киши ҳеч қачон харакатсиз бўлмайди.

Кришнанинг йўзи ҳам ҳеч қачон харакатсиз ўтирумайди. Унинг барча кароматлари харакатдан иборат. Руҳий оламга борганда биз Кришна ҳамиша бирор фалият билан машгул эканини кўрамиз. У рақсга тушади, ширин ширин таомлардан ейди, ёки бошқа ишлар билан лаззатланиб яшайди. Кришнани муроқаба қизиктирмайди. Гопилар ҳакида ҳам шуни айтиш мумкин. Сиз бирон жойда гопиларнинг муроқаба билан машгул бўлиб, ишсиз ўтиргани ҳакида ўқиганмисиз? Ёки Худованд Чайтаня Махапрабху: У бирон марта муроқаба қилиб ўтирганми? Йўқ! У ҳамиша Харе Кришна мантрасини куйлаб рақсга тушган. Рух ўзининг табиатига кўра харакатчан. Сизлардан қайси бирингиз бирор иш қилмасдан жим ўтира олади? Ҳеч ким. Шунинг учун, "Бҳагавад Гита"нинг олтинчи бобида санкхя йога усулини тушунтириб бўлгандан кейин Аржун шуни тан олиб Кришнага шундай дейди: *йо йам йогас твайа проктаҳ самйена мадхусудана*

*этасийахам на паштами чанчалатват стхитим стхирам*

"О Мадхусудана, менимча Сен таърифлаган йога усулини қўлланиб бўлмайди, чунки менинг ақлим нотинч ва харакатчан"(Бг. 6.33). Гарчи Аржун Кришнанинг яқин дўсти ва юксак руҳий поғонада турган одам бўлса ҳам, у санкхя йога тизимини дарров рад қилди. Аслини олганда у "бу усул менга тўғри келмайди" дейди. Аржун жангчи, оиласи одам, бунинг устига салтанатни бошқариш учун ҳозирланаётган эди. Унинг муроқаба қилиб ўтиришга вакти бормиди? У ақлни жиловлаш шамолни тўхтатишдан ҳам мушкул деб, муроқаба йогасининг бу усулини мутлако рад этди(Бг.6.34). Ҳақиқатан ҳам шундай.

Қандайдир моддий, жисмоний усуллар билан ақлни жиловлаб, тұхтатиб бўлмайди. Биз ақлимизни Кришна онгидаги фаолият билан машғул қилишимиз лозим; шунда уни бошқариш, жиловлаш осон бўлади. Агар ҳатто Аржун ақлни жиловлаш шамолни тұхтатишдан ҳам қийин деб ҳисоблаган бўлса, бизлар нима дейишимиз мумкин? Аржун оддий одамлардан эмасди. У Худои Таолонинг Ўзи, Шри Кришна билан юзма-юз шахсан гапириша оларди, шунга қарамай у ақлни құдратли шамолга ўхшатади. Биз шамолни тұхтата оламизми? Ақлни фақат Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида жамлабгина жиловлаш мумкин. Муроқабанинг мукаммаллиги, моҳияти шундан иборат.

Аслини олганда қўзғалмасдан ўтириб муроқаба қилиш ҳеч кимга ёқмайди. Шундай экан бундай қилишнинг нима кераги бор? Биз ижобий фаолият билан машғул бўлишимиз ва бундан ўзимиз қувонч ва лаззат олишимиз лозим. Кришна онгига хизмат қилиб, биз рақс тушиб, қўшиқ айтиш билан лаззатланамиз, чарчаганда эса, прасад тановул қиласиз. Наҳотки шу қийин иш бўлса - куйлаш ва рақсга тушиш? Одамлар эхромга келиб, биз билан куйлаб, бирга рақс тушгандаридан биз улардан пул олмаймиз. Бошқа рақсга тушадиган залларга кирмасингиздан олдин пул сўрашади, лекин биз ҳаммани текинга киритамиз. Одамларнинг ёқимли музика, рақслар ва ширин таомлар билан лаззатланишга интилиши табиий ҳолат. Бизнинг лаззатланиш йўлимиз, айни пайтда муроқаба қилиш усулимиз шундан иборат. Йоганинг мана шу йўли жуда оддий. Бундай йога билан шуғулланиш - ҳақиқий лаззат, *сусукхам*. "Бҳагавад Гита"нинг тўққизинчи бобида(9.2) Парвардигор бу йога усулини *сусукхам* - лаззатли деб атаган. "У мангу ва шуғулланаётган одамга лаззат бағишлайди". Бу табиий ва ўз ўзидан рўй берадиган машғулот. Бизнинг руҳий оламдаги ҳақиқий ҳаётимиз ана шундай фаолиятдан иборат.

Руҳий оламда, Вайкунтҳада ҳеч қандай ташвиш йўқ. *Вайкунтҳа* сўзи "ташвишлардан холи жой" деган маънони англатади. У ерда моддий фуборлардан пок рухлар хамиша қўшиқ куйлайдилар, рақсга тушадилар ва ширин ширин прасад ейдилар. Руҳий оламда ҳар ҳил завод-фабрикалар йўқ, у ерда ҳеч ким қора терга ботиб машакқат билан ишлаб юрмайди. У ерда рухнинг табиатига зид бўлган бундай оғир ишларга ҳеч қандай зарурат йўқ. "Веданта-сутра"да *анандамайо бхийасат* деб айтилган. Худо Шахси анандамайя, лаззат ва баҳтга тўла. Унинг ажралмас бўллаклари бўлганимиз учун бизлар ҳам ана шундай сифатларга эгамиз. Бизларнинг йога билан шуғулланишимиздан мақсад - лаззатнинг энг олий манбаи Шри Кришна билан боғланиш ва У билан бирга рақсга тушиш. Ана шунда биз ҳақиқатан ҳам баҳтли

бўламиз. Бу дунёда асл табиатимизга зид бўлган баҳтга интиламиз, шунинг учун ҳамиша пушаймон бўламиз. Аммо, Кришнани англаб етганимизда биз қайтадан ўзимизнинг азалий ҳолатимизга - лаззат ва баҳтга тўла ҳолатимизга эришамиз. Чунки асл табиатимизга кўра бизнинг қалбимиз лаззатга тўла, анандамайя, шу боис биз ҳаётда ҳамиша баҳтга интиламиз. Шаҳар кўчалари ресторонларнинг, кафе, барларнинг, клуб ва ҳар хил томоша ва ўйингоҳларнинг рекламалари билан тўла: "Бу ерга келинг, лаззат оласиз!" Бу шундан далолат берадики, ҳамма лаззатланишга интилади. Кришнани англаш жамияти ҳам барчани таклиф этади: "Сизни бу ерда ананда, лаззат кутяпти!" Аммо биздаги лаззат умуман бошқача. Ҳар ҳолда ҳар бир одамнинг ҳаётда интилаётган мақсади бир хил - лаззатланиш.

Кўпчилик одамлар ҳаётда факат қўпол моддий, жисмоний лаззат излайдилар. Юксалишнинг юкорироқ погонасига кўтарилган кишилар эса, ўзининг чуқур фикрлашларидан, фалсафий изланишлардан, шеъриятдан ёки санъатдан лаззатланишни истайди. Улардан фарқли ўлароқ, бҳакти-йог факат руҳий лаззатга интилади. Одамлар кечак-ю кундуз нима мақсадда машаққат билан меҳнат қиласидилар? Чунки, улар меҳнатининг натижасидан лаззатланишни ўйлайдилар: "Бугун кечкурун севган қизимнинг олдига бораман" ёки "Хотиним билан ресторанга бораман". Ана шундай озгина лаззат олиш учун одамлар ҳар хил қийинчиликларга дуч келиб, оғир меҳнат қиласидилар. Уларнинг ҳаётдаги ягона нияти - лаззатланиш, аммо, баҳтга қарши, алданиш таъсири остида, улар ҳақиқий лаззатни қаердан излашни билмайдилар. Лаззатнинг жамланган мангу, туганмас манбаи - Кришнанинг илохий қиёфасидир.

Агар сиз Кришнанинг қиёфасини кўрган, сезган бўлсангиз керак, У ҳамиша кувнок. Унинг даврасига тушиб қолсангиз сизнинг ҳам қалбингиз кувончга тўлиб юради. Сиз ҳеч қачон Кришнанинг трактор ҳайдайтганини ёки оғзига сигарета қистириб турган қиёфасини кўрганмисиз? Йўқ. У ҳамиша лаззатга тўла, агар сиз руҳий танангизни ривожлантирангиз, сиз ҳам ҳамиша ана шундай лаззат оғушида бўласиз. Ҳақиқий лаззатга сунъий йўллар билан эришиб бўлмайди.

*ананда-чинмайа-раса-пратибхавитабхис  
табхир ѹа эва ниджса-рупатайа калабхих  
голока эва нивасати акхилатма-бхуто  
говиндам ади-пурушам там аҳам бҳаджами*

"Мен азалий Худованд Говиндага сажда қиласман. У Ўзининг руҳий даргоҳида, Голокада Радҳа билан бирга яшайди. Радҳа ҳам Унинг Ўзи сингари илохий фазилатларга эга ва Унинг лаззатланиш қуввати бўлган ҳолда санъатнинг 64 турини мукаммал намоён этади. Бу ёш ошикларни Радҳанинг тенгдошлари, унинг намоён бўлган

киёфалари ўраб олган. Улар Говинданинг мангу, руҳий тотли лаззатларига ғарқ бўлгандар. (Бс.5.37.)

*раса* сўзи "тотли" ёки "ширали" маъносини англатади. Биз сўроқканд ёки конфет еймиз, чунки улар ширин. Бизларнинг хар биримиз у ёки бу ширадан тотиб кўришга интиламиз. Жинсий алоқа ҳам одамларни ўзига жалб килади, чунки унда ҳам ўзига хос лаззат бор. Уни *ади-раса* деб атайдилар. Моддий лаззатлар руҳий лаззатлардан ўткинчилиги, вақтинчалиги билан фарқ килади. Моддий лаззат атиги бир неча минут давом этади. Конфет еганда оғзингизда ширин лаззат сезасиз, уни давом эттириш учун сиз яна, яна конфет ейишингиз керак. Моддий лаззат чекланган, лекин ҳақиқий лаззатнинг чегараси бўлмайди. Руҳий лаззат ҳеч қачон йўқолмайди, аксинча у тобора кучайиб бораверади. *Анандамбудхивардханам*. Чайтаня Махапрабху шундай деган: "Бу лаззат ҳамиша кучайиб боради. Руҳий лаззатнинг чегараси бўлмагани учун, уни океанга қиёслайдилар. Тинч океани ҳамиша кўпирисиб туради, аммо унинг суви тошиб кетмайди. Худонинг амри билан океан қирғоғидан чиқиб кетмайди, чунки бу ҳар хил оғатларга олиб келиши мумкин. Худованд Чайтаня Махапрабху айтадики, трансцендент, илоҳий лаззат океани ҳам мавжуд, лекин бу океан ҳамиша кенгайиб боради. *Анандамбудхи-вардханам пратипадам пурнамритасваданам\сарватма снапанам парам виджайате шри*

*кришна санкиртанам*. Биз Харе Кришна мантрасини зикр қилганимизда, бизнинг олаётган лаззатимиз шубҳасиз ортиб боради.

Кришна онгига юрган одам ҳеч қачон Вриндаванни, ёки Вайкунтаҳани тарқ этмайди. Гаррчи Худонинг содик хизматкори Вриндавандан узоқда юргандек кўринса ҳам, у ҳамиша Вриндаванда яшайди, чунки биладики, Кришна хар ерда, хар бир атомда ҳам мавжуд. Парвардигори олам энг катта нарсадан катта ва энг кичик нарсадан кичик. Ўзимизнинг ҳақиқий табиатимизни англаб ва Кришна онгига мустаҳкам ўрнашиб олиб, биз ҳеч қачон Кришнадан ажралмаймиз ва Унга хизмат қилишдан тобора кўпроқ, тобора чукурроқ лаззат ола бошлаймиз. Шри Кришнанинг Ўзи айтиб берган "Бҳагавад Гита"да тушунтирган ҳақиқий йоганинг, ёки бхакти-йоганинг мақсади шундан иборат.

## Иккинчи боб

# Ақл ва ҳиссиётларни жиловлаш

*йам саннийасам ити прахур йогам там виддхи пандава  
на хи асаннийаста-санкалпо йоги бхавати каичана*

"Аслида бу дунё лаззатларидан воз кечишнинг ўзи - йога, яъни Парвардигори олам билан боғлаништир, чунки инсон ҳиссий лаззатларга интилиш дардидан халос бўлгандан кейингина йог бўла олади "(Б.г. 6.2.)

Бу ерда йоганинг асл мақсади ҳақида гап боряпти. Йога сўзи "боғланиш, қўшилиш, бирикиш" маъносини англатади. Гарчи табиатимизга биноан биз ягона Парвардигорнинг ажралмас заррачалари бўлсак ҳам, моддий оламдаги шартланган ҳолатда биз Ундан ажралганмиз. Худодан ажралган ҳолда биз Уни билишга ёки У билан ўзаро муносабатларимиз қандайлигини билиб олишга интилмаймиз, ҳатто бундай ҳаракатларни "бекорга вақт ўтказиш" деб ҳисоблаймиз. Черковларда, масжидларда ёки Кришнанинг англаш жамиятининг эхромларида Худо ҳақида гапирадилар, аммо аксарият одамларни бундай ерларга бориш қизиқтirmайди. Улар бундай жойларга боришни "бекорга вақт ўтказиш" ёки "рухий юксалиш ниқоби остидаги шунчаки ҳордиқ чиқариш" деб ўйлайдилар. Уларнинг фикрича бундай ишларга кетказган вақтни пул топиш учун ёки ресторон ва бошқа жойларда лаззат олиш учун сарфлаган афзал.

Айнан ҳиссий лаззатларга боғлиқлигимиз бизга қалбимизда Худога боғланишни ривожлантиришга халакит беради, шунинг учун ҳам, агар одам ҳиссий лаззатларга берилиб кетган бўлса, у йог бўла олмайди, деб айтилган. Шунчаки у йога билан шуғулланишга тайёр эмас. Ким ўз ҳиссиётларининг қули бўлиб, уларнинг талабларини қондирib яшаш билан бир вақтнинг ўзида муроқаба, яъни йога билан шуғулланиб юрган бўлса, ундей одам йоганинг ҳеч бир турида муваффақиятга эриша олмайди. Бу шунчаки қўпол фарс,bekorga vaqt йўқотиш, ўзини ўзи алдаш бўлади, холос. Бундай фаолият инсон ҳаётининг мақсадига зид ва ҳеч қандай маънога эга эмас. Йога, энг аввало ҳиссиётларни жиловлаш деганидир - *яма-нијама*. Йоганинг саккиз поғонаси мавжуд - *яма, нијама, асана, дхъяна, дхарана, пранаяма, пратъяхара ва самадхи*. Санкҳя йога тизими ҳақида таълим бериладиган "Бҳагавад Гита"нинг олтинчи бобининг энг бошида Худои Таоло айтадики, фақат ҳиссий лаззатланишга интилишдан халос бўлган кишигина йог бўла олади. Агар одам ҳаётда ҳиссиётининг қули бўлиб юрган бўлса, уни йог деб бўлмайди. Йога

билин шүгүлланиш учун жинсий алоқаны тарк этишгэ қасам ичиш керак. Йогада жинсий алоқа таъкиқланган. Жинсий ҳаёт билан шүгүлланиб юрган киши йог бўла олмайди. Ҳиндистондан жуда кўп сохта йоглар Америкага йога илмини ўргатишга келишади: - "Хоҳлаган ишингизни қилаверинг. Хоҳлаганча жинсий алоқа қилаверинглар. Энг муҳими муроқаба қилинглар. Менга фалонча пул тўласанглар, мен сизларга маҳсус мантра бераман". Бу шунчаки кўзбўямачилик. Шри Кришнанинг нуфузли, ишонарли гапларига биноан, инсон ҳиссиятларини жиловламай туриб йог бўла олмайди. Бу - йога билан шүгүлланишнинг асосий шарти, бу ҳақда тўғридан-тўғри айтилган:

*аруружишор мунер йогам карма каранам учайате  
йогарудхасия тасаива шамаҳ каранам учайате*

"Саккиз поғонали йога билан энди шүгүллана бошлаган киши учун фаолият максадга эришиш воситасидир, аммо камолотга эришган инсон учун моддий фаолиятни бутунлай тарк этиш восита ҳисобланади".(Б.г.6.3). Бу шеърдан кўриниб турибдики, бирорлар камолотга эришишга интиладилар, бирорлар эса камолотга аллақачон эришган. Биз камолотга эришгунга қадар ҳар хил фаолият билан машғул бўлишга мажбурмиз. Ғарбий давлатларда ҳар хил йога жамиятлари кўп, уларнинг аъзолари ҳар хил муроқаба ҳолатларида, "асана"ларда ўтиришга тиришадилар. Бундай машғулотлар одамга қандайдир фойда бериши мумкин, аммо улар камолотга элтувчи йоганинг пастки поғоналаридан бири, холос. Ҳакиқий, мукаммал йога тизими унга ўхшаган жисмоний машқлардан умуман фарқ қиласи.

Шуни англаб этиш лозимки, Кришнани, Худони англаб етган, Кришна онгига бўлган киши руҳий юксалишнинг муроқаба поғонасига эришган ҳисобланади, чунки у ҳамиша Кришна ҳакида ўйлаб юради. У ҳамиша Кришнага хизмат қилиш билан машғул, демак, у ҳар қандай моддий фаолиятни тарк этган ҳисобланади.

*йада хи нендорийартхешу на кармасв ануша джоджате  
сарва-санкалпа-саннаси йогарудхас тадочайате*

"Яна айтадиларки, йог моддий истаклардан буратўла халос бўлиб, ҳиссий лаззатланишга интилишни ва моддий фаолият билан шүгүлланишни тарк этса, камолотга эришади".(Б.г.6.4).

Йоганинг олий поғонаси шундан иборат ва ана шу поғонага кўтарилиган кишини йогада камолотга эришган деб ҳисоблайдилар. Бошқача қилиб айтганда, у тўла бутун билан алоқа ўрнатган, Худога эришган ҳисобланади. Қандайдир катта механизмнинг айрим бўлаклари ўз холича ҳеч қандай қийматга эга эмас, аммо, агар унинг ҳар бир қисмини ўзининг жойига ўрнатиб қўйсангиз, улар ҳар бири ўзининг вазифасини бажариб, ўзининг қадрига, қандайдир ахамиятга

эга бўлади. Йоганинг мақсади ҳам тўла бутун билан боғланиб, бутуннинг бир қисми сифатида, унга мос равишда ҳаракат қилишдир. Ҳозир бизнинг тўла бутун билан боғлиқлигимиз бузилган, ва биз оқибат(карма) келтирадиган моддий фаолиятга бекорга вакт сарфлаб юрибмиз. "Бҳагавад Гита"да шундай одамлар *мудха*, нодонлар деб аталади. Ҳатто одам кунига минг доллар пул ишлаб топаётган бўлса ҳам, "Бҳагавад Гита"да таърифланишича ундан одамни *мудха*, ахмок деб ҳисоблаш керак, чунки у ўзининг вактини еб-ичиш, ухлаш, ўзини муҳофаза қилиш ва жисмоний лаззатларга сарфлаш билан бекорга ўтказиб юриби.

Корхонада машаққат билан бекорга меҳнат қилиб юрганини одамлар ҳечам тушунмайдилар. Жон-жаҳди билан ишлаб, кунига минг доллар пул топаётган одам, кунига атиги ўн доллар пул ишлаётган одамдан кўпроқ еб билмайди. Кунига миллион доллар топаётган одам миллион хотинга уйланиб, жинсий ҳаёт билан лаззатлана олмайди. У ҳам худди кунига ўн доллар пул топадиган киши билан teng овқатланиш ёки жинсий ҳаёт билан лаззатланиш имкониятига эга. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг моддий лаззатланиш имкониятимиз чекланган. Шундай экан, фаросати бор ҳар бир одам фикр юритиши лозим: - "Мен ҳам кунига атиги ўн доллар пул ишлаб юрган одам билан бир хил лаззатланиш имкониятига эгаман. Шундай экан, минг доллар топиш учун елиб-югуришнинг нима кераги бор? Нимага мен ўз кучимни бекорга сарфлаб юрибман? Бунинг ўрнига вактимни Худони англашга сарфласам бўлмайдими? Ахир ҳаётда инсон бўлиб яшашнинг мақсади ҳам шу эмасми?" Молиявий муаммолари бўлмаган киши Худои Таоло, Парвардигор Кришна ҳақидаги илмни ўрганиш учун етарли вакт ажратиши керак. Аммо, агар у ўзининг нодир умрини бекорга хазон қилиб юрган бўлса, уни мудха - нодон, ёки эшак деб атайдилар.

Аввал айтилганидек, барча моддий истаклардан халос бўлганида инсон йоганинг юқори босқичига эришади. Агар биз йогада мукаммалликка эришсан, қалбимиз осойишталикка эришиб, тўла таскин топади. Шунда бизнинг қалбимизда ҳеч қандай моддий истак-орзулар қолмайди. Биз ҳиссиятимизнинг қули бўлиб қолмаймиз, оқибат келтирувчи ҳар қандай моддий фаолиятларни тарк этамиз. Ҳиссиятларнинг талабини қондириш учун мўлжалланган ҳар қандай фаолият "кармали фаолият" деб аталади. Унинг маъноси - ишлаб пул топиш ва топган пулини ҳар хил лаззат келтирувчи нарсаларга сарфлаш. Агар одам саховатли, тақвodor киши бўлса, у топган пулини эзгу ишларга сарфлайди: хайрли ишлар қилиш билан шуғулланувчи идораларга хайр-эҳсон қиласи, шифохоналар очади, мактаблар қуради. Албатта бундай ишлар хайрли, савоб ишлар ҳисобланади, лекин улар

ҳам, охир-оқибатда ҳиссиётни лаззатлантириш ҳисобланади. Масалан, мен ҳозирги ҳаётимда бирор таълим берувчи корхонага кўпроқ пул садақа қилсан, кейинги ҳаётимда яхши маълумот олишим мумкин, бу эса жамиятда катта обрўга эга бўлиб, яна ҳам кўпроқ пул топишга ёрдам беради. Аммо, шу пулларни мен нимага сарфлайман? Яна ҳиссиётимни лаззатлантиришга. Демак, кармали ва саховатли ишларнинг аслида маъноси бир.

Биз кўпинча "яшаш даражаси баланд" деган гапни эшигимиз, бунинг маъноси нима? Ҳиндистонникига нисбатан Американинг яшаш даражаси юқори деб айтадилар, аммо ҳар икки мамлакатда ҳам одамлар еб-ичадилар, ухлайдилар, ҳаётини ҳимоя қиласидилар ва болачка қилиб кўпаядилар. Албатта, балки Америкадаги овқатнинг сифати Ҳиндистондагига қараганда яхшироқ бўлиши мумкин, аммо ҳар иккала мамлакатда ҳам одамлар бир хил иш қиласидилар, яъни овқатланадилар. "Яшаш даражаси юқорироқ" дегани ҳали "руҳий юксалиш даражаси юқори" дегани эмас, бу факат еб ичиш, ухлаш, ўзини ҳимоя қилиш ва болачка қилиш учун яратилган шароит яхшироқ деганини билдиради, холос. Буларнинг барчаси "кармали фаолият" деб аталади, ва уларнинг асосини нафснинг талаби, ҳиссиётларни лаззатлантириш ташкил қиласиди.

Йоганинг ҳиссиётларни лаззатлантириш билан ҳам, кармали фаолият билан ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. Йога - Худо билан боғланиш йўлини билдиради. Ҷхрува Махараж Худои Таолони яққол кўриш мақсадида қаттиқ риёзатларга берилган эди, ва ниҳоят у Худони яққол кўрганида, шундай деди: свамин варам на йаче - "Эй Худойим, мен энди тўла қаноат ҳосил қилдим, менга ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Менга Сенинг бошқа ҳеч қандай марҳаматинг керак эмас". Нимага Ҷхрува Махараж Худодан ҳеч нарса сўрамади? Худонинг марҳамати дегани нима ўзи? Одатда Худонинг марҳамати деганда одамлар катта салтанатни, чиройли хотинга уйланишни, ширинширин таомларни, ва шу каби моддий нарсаларни тушунадилар. Аммо, одам Худога ҳақиқатан ҳам боғланганида у Худодан бунга ўхшаган марҳаматларни тиламайди. У Худога боғланганидан тўла қаноат ҳосил қиласиди. *Свамин кртартма сми варам на йаче.*

Аввалига Ҷхрува Махараж отасининг салтанатига эга бўлиш мақсадида Худога сифинган эди. Ҷхруванинг онаси шоҳнинг суюкли хотини эмас эди. Шу сабабли Ҷхрува Махаражнинг отасининг тиззасида ўтиришга уриниши ўгай онасининг ғашини келтирганди. У ўзининг ўғли бўлмагани учун, Ҷхрува Махаражга эрининг тиззасида ўтиришни ман қилди. Ҷхрува Махараж ўша пайтда атиги беш ёшда эди, лекин кшатрий сифатида, у бундай ҳақоратни кўтара олмас эди. Онасининг олдига келиб, у шундай деди: - "Отамнинг тиззасида

ўтиришни ман қилиб, ўгай онам мени қаттиқ хафа қилди!" Бу гапларни айтиб, Дхрува Махараж йиғлаб юборди. Онаси унга шундай деди: - "Азиз болажоним, мен сенга ҳеч қандай ёрдам беролмайман. Отанг мендан кўра ўзининг биринчи хотинини яхши кўради". "Мен отамнинг салтанатига эга бўлишни истайман! - деди Дхрува Махараж. - Бу ниятимга қандай эришсам бўлади?" Шунда онаси унга шундай деди: - "Ўғлим, инсон фақат Худонинг, Кришнанинг хоҳиши билан салтанатга эга бўлиш мумкин!" - "Уни, Худони қаердан топсам бўлади?" - сўради Дхрува Махараж.

- "Айтишларига қараганда, - деди онаси, - Худо ўрмонда бўлармиш, буюк донишмандлар Худога эришиш учун ўрмонга кетиб риёзат чекадилар."

Бу гапларни эшитган Дхрува Махараж ўрмонга жўнади ва қаттиқ риёзат чека бошлади. Ниҳоят кичкина шаҳзода Худони юзма-юз кўришга мусассар бўлгандан кейин, унга салтанатнинг ҳеч қандай қизиги қолмади. Махараж Дхрува шундай деди: - "Эй Худойим, мен шишанинг синигини излаб юрган эканман, бунинг ўрнига энг қимматбаҳо гавҳар топдим. Энди менга отамнинг салтанати керак эмас. Мен энди тўла бахтиёрман!" Ҳакиқатан ҳам Худо билан боғланган киши ўз ҳаётидан тўла мамнун, бахтиёр бўлади. Ана шу лаззат бу дунёнинг барча ҳиссий лаззатларидан устун туради. Унинг асосида Парвардигори оламни англаб етиш ётади ва йоганинг камолоти шундан иборат.

Агар одам Худога муҳаббат билан холис хизмат қилишга ҳаётини бутунлай баҳшида қилган бўлса, унинг қалби лаззат олиб, ўзи бундан тўла қаноат ҳосил қиласи ва шунинг учун ҳам у ҳиссий лаззатларга интилмайди ва кармали фаолият билан машғул бўлмайди. Акс ҳолда, агар одам Худога холис хизмат қилиш билан машғул бўлмаса, у ўз ҳиссиятнинг талабларини қондириш учун яшашга мажбур бўлади, чунки ҳеч бир иш, харакат қилмасдан яшашнинг иложи йўқ. Ҳар қандай фаолиятдан бутунлай воз кечишнинг иложи йўқ. Аввал айтганимиздек, бизлар, яъни тирик мавжудотлар, асл табиатимизга кўра фаол, харакатчанимиз. Бекорчилик барча гуноҳларнинг илдизи, деб айтадилар. Худога хизмат қилиш йўлида "инсон" деган номга муносиб бирор иш билан машғул бўлмай, биз ҳиссиятимизнинг кули бўлишга ёки кармали фаолият билан машғул бўлишга мажбурмиз. Фарзандимизга яхши тарбия бермасак, унинг ҳаётини барбод қилишимиз мумкин. Агар одам йога билан шуғулланмаса, йога ёрдамида ҳиссиятни жиловлаб олмаса, у албатта ҳиссияти(нафси)нинг кули бўлиб, унинг талабини қондиришга мажбур бўлади. Ҳиссиятларига, нафсига кучи етмаган кишининг йога билан шуғулланиши ҳакида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Кришнани, Худони англаб етмаган одам албатта, ёки ўзининг, ёки яқинларининг ҳиссиятини қаноатлантириш ниятида, шахсий манфаат кўзлайдиган ишлар билан банд бўлишга мажбур бўлади. Кришнани тўла англаб етган киши эса, хар бир ишни Худонинг розилиги учун қиласди, ва шунинг учун ҳар қандай ҳиссий лаззатлардан бутунлай воз кечади. Агар одам ҳали Худони тўла англаб етмаган бўлса, то йоганинг олий погонасига етмагунча, у ўзининг истагига, иродасига қарши ҳиссий лаззатлардан тийилиб туриши керак бўлади.

Йога тизимини зинапояга қиёслаш мумкин. Баъзи бир йоглар бешинчи погонада, бошқалари эллигинчи погонада, яна бирорлари беш юзинчи погонада бўлиши мумкин. Албатта уларнинг барчаси зинапоянинг энг баланд погонасига интиладилар. Гарчи бу зинапоянинг ўзи умуман олганда йога деб аталса ҳам, унинг бешинчи погонасида турган йогнинг ҳолати ундан юкорироқда турган йогнинг ҳолатидан фарқ қиласди. "Бҳагавад Гита"да Шри Кришна йоганинг бир неча турини таърифлайди - *карма-йога, гъяна-йога, дхяна-йога ва бхакти-йога*. Худди, зинапоянинг ҳар бир погонаси унинг юкорисига олиб борувчи оралиқ ҳолатлар бўлгани сингари, йоганинг ҳар хил турлари ҳам Худога эришиш йўлидаги ҳар хил босқичлардир. Йога билан шуғуланиб юрган одамларнинг барчасини йоганинг энг олий погонасида деб ўйламаслик керак; фақат қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирган одамлар ҳакидагина шундай деб айтиш мумкин. Бошқалар эса, йога зинапоясининг ҳар хил погоналарида турган одамлардир.

уддхаред атманатманам натманам авасдайет  
атмаива хи атмано бандхур атмаива рипур атманах

"Инсон ақли ёрдамида ҳаётнинг қуий турларига қулаг кетмасдан, моддий олам тутқунлигидан озод бўлиши керак. Ақл шартланган рухнинг дўсти бўлиши ҳам мумкин, душмани ҳам"(Б.г.6.5.). Гапдаги маъносига қараб *атма* ибораси танага, ақлга ёки рухга тааллуқли бўлиши мумкин. Йога тизимида ақл ва шартланган рух муҳим аҳамиятга эга. Йога тизимида асосий унсур ақл бўлгани сабабли, бу ерда *атма* сўзи ақлни ифодалайди. Йоганинг мақсади ақлни жиловлаш ва уни ҳиссий лаззат берувчи нарсаларга боғланганликдан кутқаришдир. Бу шеърда алоҳида таъкидланганидек, ақлни шундай ўргатиш, чиниктириш керакки, токи у шартланган рухни ғоғиллик ботқогидан олиб чиқишга қодир бўлсин.

Аштанга йоганинг саккиз погонаси ақлни жиловлаб олиш учун мўлжалланган. Шри Кришна бу ерда аниқ кўрсатма бериб айтяптики, инсон ўзининг ақлинин онгини юксалтириш учун ишлатиши керак. Агар одам ақлинин ўзига бўйсундира олмаса, онгини юксалтириш

ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Инсоннинг танасини аравага қиёслайдилар, уни ақл бошқариб туради. Агар сиз жиловдорга сизни эхромга олиб боришни буюрсангиз, у сизни эхромга олиб боради; агар сиз унга “мени (ресторан)трактирга олиб бор!” - десангиз, у сизни трактирга олиб боради. Жиловдорнинг вазифаси - сиз буюрган жойга олиб бориш. Агар сизнинг жиловдорга гапингиз ўтса, унга ҳукмингизни ўtkаза олсангиз, у сизга бўйсунади. Акс ҳолда у сизни ўзи истаган жойга олиб боради. Агар жиловдор сизга бўйсунмаса, у сизнинг душманингиз, агар у сизнинг амрингизни итоаткорона бажариб юрадиган бўлса, у сизнинг дўстингиздир.

Йоганинг мақсади - ақлни жиловлаб олиш ва уни ўзингизга дўст қилишдир. Баъзида ақл ўзини сизга дўст қилиб кўрсатади, баъзида эса душманингиз бўлади. Бутунлай мустақил бўлган Худои Таолонинг ажралмас бўлаклари бўлган ҳолда, биз ҳам озгина мустақилликка эгамиз, лекин жуда-жуда кам микдорда. Бизнинг ана шу мустақиллигимиз ақлнинг қўлида, шунинг учун ақлимиз бизни Кришнанинг эхромига олиб бориши ҳам мумкин, ёки бошқа бир ҳиссий лаззат оладиган жойга олиб бориши ҳам мумкин.

Кришнани англаш ҳаракатининг асосий мақсади - одамларга ўз ақлини Кришнада, Худода жамлаб олишни ўргатишдан иборат. Агар ақлим бутунлай Кришнада мужассам бўлса, у менинг дўстим бўлишга мажбур бўлади. Унинг шундай қилишдан бошқа иложи ҳам бўлмай қолади. Худди қуёш ўз нурлари билан тун зулматини ёритгани сингари, Кришна бизнинг ақлимизда пайдо бўлган заҳоти, Ўзининг ёғдуси билан ақлимизни равшан қилиб юборади. Кришна қуёшга ўхшайди: Кришна қаерда бўлса, у ерда зулматга жой қолмайди. Агар бизнинг ақлимиз Кришна нури билан ойдинлашган бўлса, унда гафлатта, алданишга, майя зулматига жой қолмайди. Ақлни Кришнада мужассам қилиш - йогада камолотга эришиш демакдир. Агар одамнинг бутун фикру-хаёли Парвардигори олам ҳақидаги ўйлар билан банд бўлса, у ўзининг ақлини бемаъни фикрлардан ва ўзини тубанликка юз тутишдан сақлаши мумкин. Агар тана-аравасининг жиловдори - ақл кучли, бакувват бўлса, у билан хоҳлаган манзилингизга боришингиз мумкин. Барча йога тизимининг мақсади - ақлни мустаҳкамлаш, уни Парвардигори оламдан, Кришнадан бошқа ҳеч нарсага силжимасликка ўргатишдан иборат.

*Са вай манаҳ кришна-падаравиндаюҳ.* Худди буюк аштанга-йог Дурваса Муни билан жанжаллашиб қолган Амбариша Махараж сингари, биз ҳам ақлимизни бутунлай Кришнада мужассам қилишимиз лозим. Махараж Амбариша оиласи одам бўлгани учун ҳамиша пул ишлатишга мажбур эди. Бунинг устига Амбариша Махараж катта салтанатни бошқаарди, лекин шунга қарамай, у

Худонинг содик хизматкори эди. Буюк йог Дурваса Муни Амбариша Махаражга ҳасад қиласарди. У шундай мулоҳаза юритарди: - "Мен йога илмида камолотга эришдим ва фазода учиб юра оламан. Бу одам - шунчаки дунёвий шоҳ, унинг меникидай қобилияти ҳам йўқ. Нимага одамлар менга нисбатан уни кўпроқ хурмат қиласарди? Мен унинг яхшилаб таъзирини бериб қўйаман." Шундан кейин Дурваса Муни Амбариша Махараж билан жанжаллашиш учун баҳона қидира бошлади, аммо, шоҳ ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйлар билан банд бўлгани сабабли, қудратли рақиби устидан ғалаба қозонишга муваффақ бўлди. Кейин Худои Таоло Нарайянанинг Ўзи Дурваса Мунига Амбариша Махаражнинг нилуфар қадамлари пойидан нажот излаши лозимлигини айтди. Дурваса муни ғайритабии қудратга эга йог эди: у бир йил ичидан бутун моддий коинотни айланаб чиқиб, руҳий оламга етиб борган эди. У ҳатто Худонинг даргоҳида, Вайкунта бўлган, у ерда Худонинг Ўзини - Шри Кришнани кўрган эди. Барибир Дурваса Мунининг шунчалик қудрати Худонинг содик хизматкорининг қудрати олдида арзимас қийматга эга, чунки у яна ерга қайтиб келишга ва Амбариша Махаражнинг қадамлари пойига бош егишга мажбур бўлди. Махараж Амбариша оддий шоҳ эди, аммо шу билан бирга битта ажойиб фазилатга эга эди: у ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юрарди. Шу тарзда у ҳамиша ақслини жиловлаб олган зот эди, ва шунинг учун комил йог эди. Биз ҳам ақлимизни қалбимизда мавжуд бўлган Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қилиб, ҳеч қийналмасдан ақлимизни ўзимизга бўйсундиришимиз мумкин. Шунчаки, ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юриш ёрдамида биз ўз нафсимизни енгиб, комил йог бўлишимиз мумкин.

*Йога индрийа самйамаҳ.* Йога тизими хиссиётларни ўзимизга бўйсундиришга мўлжалланган, хиссиётларимиз ақлимизга бўйсунгани сабабли, ақлимизни жиловлаш билан хиссиётларимизни ҳам жиловлаб олган бўламиз. Тилимиз номаъқул бир таомни егиси келиши мумкин, аммо, агар ақлимиз етарли даражада кучли, мустаҳкам бўлса, у тилга шундай дейди: - "Буни ейиш мумкин эмас. Факат Кришна-прасад ейиш мумкин". Шу тарзда ақл тил ва бошқа сезги органларининг хуружини босиб туриши мумкин. *Индрийани парани ахур индрийебхайаҳ парам манаҳ.* Моддий тана сезги органларидан иборат, шунинг учун тананинг фаолияти - сезги органларининг фаолиятидир. Аммо сезги органларини, хиссиётни ақл бошқариб туради, ақлни - тафаккур, тафаккурни эса - руҳ бошқариб туради. Инсон ўзининг руҳ эканини англаб етиб, шунга муносиб ҳаракат қилганида руҳий сатҳга кўтарилилган бўлади ва унинг тафаккури, ақли ва хиссиётлари бутунлай руҳий сифатларга эга бўлади. Кришнанинг англаш жараёнининг

мақсади ана шундан иборат. Руҳнинг вазифаси - ҳиссиётни, ақлни, тафаккурни бошқаришdir, аммо, у хали мудраб юргани сабабли ўз вазифаларини бетайин ақлга топшириб қўйган. Руҳ ғафлат уйқусидан уйғониб, жиловни ўз қўлига олганида, ақл унинг амридан чиқа олмайди ва фақат унга бўйсуниб ҳаракат қила бошлади. Инсон ўзида Кришна онггини қайта тиклаб, ғафлат уйқусидан уйғонганида унинг тафаккури, ақли ва ҳиссиётлари бемаъни фаолият билан шуғулланишни тарк этади. Энди улар факат руҳнинг амрини бажарадилар. Тафаккурни, ақлни ва ҳиссиётларнинг табиатини руҳий табиатга айлантириш мана шундан иборат. *Хришикена хришикешасеванам бхактиrr учтайте.* Ўз сезги органларимизни биз ҳиссиётлар султонига хизмат қилишга ишлатишимиz лозим. Парвардиgorи оламни *Хришикеша* деб ҳам атайдилар. Бунинг маъноси - "ҳиссиётлар ҳукмдори" деганидир. Худди шоҳ давлатнинг ҳақиқий ҳукмдори бўлгани сингари, Худо ҳам бизнинг ҳиссиётларимизнинг ҳақиқий хўжайинидир: фуқароларнинг ҳукми шоҳнинг ҳукмига нисбатан иккинчи даражали аҳамиятга эга.

Бхакти деганда Хришикешани мамнун қиладиган руҳий фаолиятни тушуниш керак. Лекин биз қандай ҳаракат қиласиз? Биз сезги органларимиз билан ҳаракат қиласиз. Шунинг учун, ўзимизнинг фаолиятимизни тўғри йўлга солиш учун уларни руҳлантириш, руҳий даражага кўтариш керак. Аввал айтиб ўтганимдек, ҳаракатсиз муроқаба - номаъқул фаолиятни тарк этиш демакдир, лекин, Кришна онггида қилинган фаолият ҳаракатсиз муроқабадан устун туради. Камолотга эришиш учун шунчаки номаъқул фаолиятдан бош тортишнинг ўзи камлик қиласи. Муқаммал, руҳий фаолият билан машғул бўлиш керак. Агар биз ўзимизнинг сезги аъзоларимизни Хришикешанинг, Худонинг амрини бажаришга ўргатмасак, улар баривиб яна номаъқул фаолият билан машғул бўлиб кетаверадилар, ва биз яна тубанликка юз тутамиз. Шундай экан, биз сезги аъзоларимизни ҳамиша Кришнага хизмат қилишга ишлатишимиz лозим: шунда биз Кришна онггида ҳамиша мустахкам тура оламиз.

Моддий оламга тушиб қолгандан кейин руҳ ақл ва ҳиссиёт(нафс)нинг ҳукми остига тушиб қолади. Сохта ўзлик таъсири остида ақл моддий табиат устидан ҳукмонлик қилишни истагани сабабли руҳ моддий оламда тутқунликка тушиб қолган. Бу моддий оламнинг алдамчи, ўткинчи гўзллигига маҳлиё бўлиб, алданиб қолмасликка ақлни ўргатиш керак. Шартланган руҳ шундагина бу тутқунликдан халос бўла олади. Ҳиссий лаззат берувчи объектларга боғланиб қолиш одамни бу дунёга боғлаб қўяди, шу сабабли улардан йирок бўлишга ҳаракат қилиш керак. Одам ҳиссий лаззат объектларига қанчалик интилса, боғланиб қолса, моддий ҳаёт

ботқоғига шунчалик ботиб кетаверади. Бундай ботқоқлик чангалидан кутулишнинг осон йўли - ақлни ҳамиша Кришна онггидағи ишлар билан билан машғул қилиб қўйишдир. "Бҳагавад Гита"нинг олтинчи бобининг бешинчи шеърида ишлатилган *хи* ибораси буни алоҳида таъкидлайди - инсон шундай қилиши керак. Бундан ташқари,

*мана эва манушайанам каранам бандха-мокшиаюҳ  
бандхайа вишайасанги муктіяи нирвишайам манаҳ*

"Инсоннинг бу оламда тутқун бўлишининг сабабчиси ҳам, уни озодликка чиқаришига ёрдам берадиган ҳам - унинг ақлидир. Ҳиссий лаззат келтирувчи нарсаларга боғланиб қолган ақл инсонни тутқунликка олиб келади, ҳиссий лаззат обьектларини тарқ этган ақл эса, унинг озодликка эришишига ёрдам беради". (Вишну-пурана.6.7.38.) Агар ақлимиз ҳамиша Кришна онггидағи ўйлар билан банд бўлса, биз энг юксак озодликка эришамиз. Кришна ҳакидаги ўйлар билан банд бўлган ақл *майя* ҳақида ўйлай олмайди. Ақлу-ҳаёли ҳамиша Кришна онгидаги бўлган киши ёруғликда юрган бўлади ва зулмат уни қоплаб ололмайди.

Ўз хоҳишимизги қараб, мустакил ҳаракат қилиш ҳукуқига эга бўлганимиз сабабли: қоронғу хонада қоламизми ёки ёруғликка чиқамизми ўзимиз танлаймиз? Нур зулматни тарқатиб юборишига қодир, аммо зулмат нурни қамраб ололмайди. Агар коронғу хонага шамчироқ олиб кирсангиз, у жой ойдинлашиб кетади. Аммо зулматни ёруғликка чиқариб бўлмайди. У дарров тарқалиб, йўқолиб кетади. *Кришна суръа-сама майя хайа андикара.* Кришнани қўёшнинг нурига, майяни эса зулматга қиёслайдилар. Ёруғлик бор ерда зулмат бўла оладими? Агар биз ҳамиша ёруғликда юрсак, ҳеч қачон бизни зулмат қоплаб олмайди. Кришнани англаш фалсафасининг моҳияти шундан иборат: ҳамиша Кришна онггидағи фаолият билан машғул бўлинг, шунда худди нур келиши билан чекинган зулмат сингари, майя сизни безовта қилмайди. Бу қонун "Шримад Бҳагаватам"да (1.7.4.)ҳам тасдиқланади:

*бҳакти-йогена манаси самайак пранихите мале  
апашият пурушам пурнам майам ча таd-апаширайам*

"Рӯҳий устози, Нарада Мунининг насиҳатларига амал қилиб, донишманд Вясадева моддийлик иллатларидан биратўла кутулганида ва ақлинни Худога муҳаббат билан садоқатли хизмат қилиш(бҳакти-йога) билан мукаммал машғул қилганида, Худонинг Мутлақ Шахсини ва бутунлай Унинг амрига бўйсуниб ҳаракат қилаётган Худонинг ташқи қувватини кўрди".

*Манаси* сўзи ақлни билдиради. Бҳакти-йога билан машғул бўлиб, инсон ўзининг рӯҳий табиатини англаб етаганида унинг ақли барча иллатлардан покланади, *самайак пранихите мале.* Худонинг Олий

Шахсини қўриб, Вясадева Унинг ортида турган майяни ҳам кўрди. *Майам ча тадапашрайам*. Агар нур бор бўлса, каердадир зулмат, соя ҳам бўлиши керак. Зулмат ёруғликнинг акси ва бутунлай унга боғлиқ. Агар мен кафтимни ёруғликка олиб чиксан, унинг усти ёритилган бўлади, пастки қисми эса, сояда бўлади. Бошқача қилиб айтганда, соя нурга боғлиқ. Вясадева Парвардигори олам Кришнани кўрганида, у бутунлай Кришнанинг ҳукми остида бўлган майяни ҳам кўрди.

Майя нима экани "Шримад Бҳагаватам"нинг қуидаги шеърида таърифланган:(1.7.5.)

*йайа саммохито джива атманам три-гунатмакам  
паро пи мануте нартхам тат-критамчабхипадийате*

"Гарчи тирик мавжудот моддий табиатнинг уч гунасига нисбатан трансцендент, илоҳий бўлса ҳам, Худонинг ташқи қуввати таъсири остида, у ўзини модданинг хоссаси(тана) деб ҳисоблайди ва моддий азоб-уқубатларга мубтало бўлади". Шу тарзда алдамчи қувват шартланган рухни вақтинча қоплаб олади. Шартланган рухлар деганда нимани тушунамиз? Гарчи шартланган рух жуда кичик бўлса ҳам, у Кришнанинг Ўзи сингари, ўзидан нур таратиб туради. Лекин, баҳтга қарши, у ўзини моддий танага, моддий дунёга қиёслайди. Ҳаётда унинг адашганлиги ҳам шунда. Гарчи алоҳида рух трансцендент, илоҳий табиатга эга бўлса ҳам, майя таъсири остига тушиб қолиб, нотўғри харакатлар қиласи ва шу харакатлар унинг шартланиб, тутқунликка тушиб қолишига сабаб бўлади. Бу мавзу "Шримад Бҳагаватам"нинг биринчи қўшигининг еттинчи бобида батафсил тушунирилади.

Демак, бизларнинг ҳар биримиз рухий зарралармиз. Аммо ҳозир, бизлар вақтинчалик алданиш, сароб - Худонинг "майя" деб аталадиган қуввати таъсири остига тушиб қолганмиз. Унинг таъсири остида ҳаракат қиласи эканмиз, биз моддий ҳаёт ботқоғига тобора ботиб бораверамиз. Йога тизими бизга ана шу тутқунликдан халос бўлишда ёрдам беради, ва йоганинг энг мукаммал усули - бхакти йога, Кришнани англаш йогасидир. Кришна онгига яшаш - моддий қувват таъсиридан кутулишда бизга ёрдам берадиган энг самарали воситадир.

# **Учинчи боб**

## **Худони кўришга ўрганиш**

*банҳур аттамманас тасъя йенаттаиватмана джитаҳ  
анатманас ту шатрутве вартетатмаива шатруват*

“Ақлинни жиловлаб олган одамнинг ақли ўзига энг яқин дўст, жиловлай олмаган киши учун эса, ақли ўзининг энг ашаддий душмани бўлиб қолаверади”(Бг.6.6).

Йоганинг мақсади ҳозирча ўзимизга душман бўлган ақлни дўст қилиб олишдан иборат. Токи ақл моддий олам билан боғлиқ экан, у ўзига хос сармаслик ҳолатида бўлади. “Чайтаня-чаритамрита”да(Мадхя-лила.20.17) шундай дейилади:

*кришна бхули сеи джисва - анади баҳирмуҳка  
атаева майа таре дейа самсара-дуҳкха*

“Кришнани унугтган тирик мавжудот қадим замонлардан бери Худонинг ташки қувватига маҳлиё бўлиб, алданиб келади. Тирик мавжудотни ўзига авраб, алдаб, бу қувват(майя) уни моддий ҳаётда учрайдиган ҳар хил азоб-уқубатларга дучор этади”. Асл табиатига кўра тирик мавжудот - мангурух, Худои Таолонинг ажралмас бир бўлагидир. Тирик мавжудот арзимас мустақилликка эга, шунинг учун, ақли моддий олам билан аралашиб ғуборлаганида, у Кришнанинг амрига қарши чиқади. Бузилган ақл: - “Нимага мен Кришнага, Худога хизмат қилишим керак? Мен - ўзим Худоман!” - деб ўйлади. Шу тарзда биз ҳаёт ҳақидаги нотўғри тасаввурлар алдовига тушиб қоламиз ва бутун умримиз бекорга ўтиб кетади. Биз бошқалар устидан хукмронлик қилишга интиlamiz - баъзида ҳатто катта салтанатга хукмрон бўлгимиз келади. Аммо, биз энг аввало ақл(нафс)имизни енга олмасақ, ҳатто бутун салтанатни кўлга олсан ҳам, ҳаётда барибир ютқазган бўламиз. Ҳатто энг баланд зафар чўққисида туриб ҳам, биз барибир катта хавф остида бўламиз, чунки бизнинг энг яқинимизда ашаддий душманимиз - жиловланмаган ақлимиз турган бўлади.

*житатманах прашантасъя параматта самахитаҳ  
шиштошна-сукха-дуҳкхешу татҳа манапаманайоҳ*

“Ақлинни жиловлаб олган одам Олий Руҳни таниган ҳисобланади, чунки унинг қалби осойишта бўлади. Ундан инсон учун баҳт ва баҳтсизлик, иссиқ ва совуқ, шуҳрат ва шармандалик орасида ҳеч қандай фарқ қолмайди”.(Бг.6.7.).

Барча тирик мавжудотлар ҳар кимнинг қалбидан мавжуд бўлган Параматма кўринишидаги Худонинг Олий Шахсига бўйсунадилар. Худонинг ташки куввати ақлни чалғитиб, адаштирганида инсон моддий фаолият чангалига илиниб қолади. Шунинг учун агар йоганинг қайсиdir усули ёрдамида инсон ўз ақлни жиловлаб олишга муваффақ бўлса ундан одамни ўз мақсадига эришган деб айтадилар. Ҳар бир фаросатли одам олий хукмга бўйсуниши керак. Инсоннинг ақли ҳамиша олий табиатда мужассам бўлса, ҳаётда унинг Худои Таолонинг олий хукмини бажаришдан бошқа иши бўлмайди. Ақл кимнингдир хукмига бўйсуниши керак. Ақлимизни жиловлаш билан биз табиий равишда Параматманинг, ёки Олий Рухнинг амрини бажарамиз. Кришна онгида бўлган одам дарров ана шундай илохий даражага кўтарилади, шунинг учун Худонинг содиқ хизматкорларини баҳт ва мусибат, иссиқ ва совуқ сингари дунёвий ҳаётнинг қарама-қаршиликлари безовта қилмайди. Ана шу ҳолат самадҳи - Парвардигори олам онгига бутунлай ғарқ бўлиш деб атади.

*джисана-виджисана-трптатма кута-стхо виджистендирийаҳ  
йўкта итй учйате йоги сама-лоштрашма-канчанаҳ*

"Ҳақиқий илмга эга бўлиб, уни амалда кўллаб, ўзлигига қаноат ҳосил қилиб, ҳаётда тўла осойишталикка эришган кишини ҳақиқий ўзлигини англаган одам ва йог, ёки сеҳргар деб атайдилар. Шундай одам руҳий сатҳда бўлади ва ҳамиша хотиржам юради. Ундан одам ҳарсанг, кесак ва олтинга бир хил кўз билан қарайди. (Бг.6.8.)

Парвардигори оламни тушуниш билан мустаҳкамланмаган назарий билимнинг ҳеч фойдаси йўқ. Бу ҳақиқат "Падма-пурана"да шундай тасдиқланади:

*атаҳ ири-кришина-намади на бхавед грахйам индрийаиҳ  
севонмуххе хи джихвадау свайам эва спхурати адаҳ*

"Шри Кришнанинг муқаддас номи, қиёфаси, сифатлари ва кароматларининг илохий табиатини моддият билан булғанган хиссиятлар ёрдамида англашиб бўлмайди. Худои Таолонинг номи, қиёфаси, сифатлари ва кароматлари трансцендент, илохий садоқат билан Худога хизмат қилишга бутун ҳаётини бағишлиланган одамгагина очилади".

Ҳар бир одам моддий табиатнинг уч гунасининг қайсиdir устивор таъсири остида бўлади: эзгулик, эҳтирос ва ғофиллик. Шу тарзда шартланиб қолган руҳларни тўғри йўл, ҳақиқат йўлига бошлаш учун ўн саккиз Пурана бор. Уларнинг олтитаси эзгулик гунасида бўлғанлар учун, олтитаси эҳтирос гунаси таъсири остида бўлғанлар учун ва яна олтитаси ғафлат гунаси таъсири остидаги одамлар учун мўлжалланган. "Падма-пурана" эзгулик гунаси таъсири остида бўлған одамларга мўлжалланган. Ҳар хил табиатли одамларга Ведаларда ҳар хил

сигиниш маросимлари кўрсатилган. Масалан, Ведаларда эчки курбонлик қилиш маросимини қандай ўтказиш кўрсатилган. Бу маросим Кали фариштаси олдида ўтказилади, маросимнинг барча тафсилотлари "Маркандея-пурана"да келтирилган, аммо бу Пурана ғоффиллик гунасида бўлган одамларга мўлжалланган.

Одам ўрганган одатларини дарров ўзгартириши жуда мушкул. Умр бўйи гўшт ейишга ўрганиб қолган одам дарров гўшт ейишни тарк этолмайди. Шароб ичишга муккасидан кетган одамга "шароб ичишни ташла!"- десангиз, у сизнинг айтганингизни бажаролмайди. Шунинг учун Пураналарда рухсат берувчи кўрсатмалар учрайди: - "Майли, гўшт ейишинг мумкин. Агар гўшт егинг келса, Кали фариштасига сажда қил ва унга эчки курбонлик қил, кейин унинг гўштини есанг бўлади. Аммо, сен шунчаки магазиндан гўшт сотиб олиб емаслигинг керак. Ҳар қандай ишнинг маълум қоидалари бор. Факат курбонлик қилинган гўшти ейиш мумкин". Кали фариштасига эчки курбонлик қилишни истаган киши бунинг учун белгиланган кунни кутиши, маросим учун барча зарур нарсаларни ҳозирлаши лозим. Бундай маросимни янги ой туғилган кечаси, яrim тунда, яъни ҳар ойда бир марта ўтказиш мумкин. Бунинг устига эчкини курбонлик қилаётib белгиланган мантраларни тиловат қилиш керак. Бундай маросим ўтказаётган киши эчкининг қулоғига: - "Мен сени фаришта Калига курбон қиляпман, бунинг эвазига кейинги ҳаётингда одам танасига эга бўласан!". Маълумки, одатда тирик мавжудот эволюцион(тадрижий) ривожланиш жараённида узоқ вақт бошқа ҳаёт туридаги таналарда юргандан кейингина одам танасига эга бўлади, аммо эчкини Кали фариштасига курбонлик қилганда, у дарров, инсон танасига эга бўлади. Айтиладиган яна бир мантранинг маъноси шундай: - "Кейинги ҳаётингда Сени курбон қилаётган кишини ўлдириш имкониятига эга бўласан". *Мамса* ибораси шундан далолат берадики, кейинги ҳаётида эчки ҳозир ўзини курбонлик қилаётган кишининг ўзини ейди. Эчки гўштини ейишни яхши қўрадиган кишининг ақлини жойига солиб қўйиш учун, шунинг ўзи етарли бўлса керак. Инсон шу гаплардан кейин ўйланиб қўриши керак: - "Мен нимага гўшт еяпман ўзи? Ахир, оқибатда мен кейинги ҳаётимда танамдан маҳрум бўлиб ҳалок бўламан-ку". Бу маросимнинг мақсади одамларга гўшт ейишни тарк этишда ёрдам беришдан иборат.

Шундай қилиб, ҳар хил одамлар учун уларнинг онгига мос равища, ҳаётда кўлланишлари учун ҳар хил қонунлар кўрсатилган ўн саккиз Пурана мавжуд. Ведавий битикларнинг мақсади факат айрим одамларни эмас, ҳаммани моддий тутқунлиқдан кутқаришdir. Ведалар ароқ ичишга муккасидан кетганларга ёки гўшт ейдиганларга ёрдам бермайди, деб ўйламаслик керак. Ҳақиқий врач ҳаммани қабул

қиласи ва ҳар кимнинг касалига мос равишда, у ёки бу дорини тавсия қиласи. Врач ҳаммага бир хил дори тавсия қиласи, ёки фақат битта касалликни даволайди, деб ўйлаш умуман хато бўлган бўларди. Мутлақо ундан эмас. У ҳар бир касалга алоҳида, фақат унга тўғри келадиган дорини беради, ва касал одам ҳам шунга мувофиқ даволаш курсини ўтади. "Падма-пурана" ва шу турдаги пураналар эзгулик гунаси таъсири остида бўлган ва Худонинг Олий Шахсига бевосита сифинишга қодир бўлган одамлар учун мўлжалланган.

"Браҳма-самхита"да шундай дейилган: *ишиваҳа ӯришинаҳ сач-чиð-ананда-виграҳаҳ*: - "Кришна - олий ҳукмдор. Унинг руҳий танаси мангу ва лаззатга тўла". Ведалар шуни тасдиқлайди, шунинг учун бизлар Кришнани Худонинг Олий Шахси деб тан оламиз. Эҳтирос ва гафлат гуналари таъсири остидаги одамлар Худонинг қандай кўринишга эга эканини тасаввур қилиб кўришга уринадилар, бунинг уддасидан чиколмаганларидан кейин, улар "Худонинг шахс қиёфаси бўлиши мумкин эмас. Унинг шакл-шамойили йўқ. У бўшлиқ, чексизлиқдир", - дейдилар. Аммо бундай хулоса - шунчаки ҳафсаласи пир бўлган одамларнинг хулосасидир. Аслида Худонинг Ўзига хос сиймоси бор. Нимага Унинг сиймоси бўлмас экан? "Веданта-сутра"да шундай дейилган: *дэжанмадӣ асайа йатаҳ* - "Мутлақ Ҳақиқат - бутун борликнинг манбаидир". Ҳар биримизда мавжуд бўлган тананинг ўзига хос қиёфаси, шакли бор эканини англаш қийин эмас. Ўйланиб кўрсангиз, шунча ранг-барангликка эга бўлган турли қиёфадаги таналар қаердан чиқкан? Уларнинг манбаи нима? Бу ерда шунчаки бироз мулоҳаза юритиш керак. Агар Худонинг Ўзи шахсиятсиз бўлса, унинг яратган фарзандлари шахс кўринишига эга бўла оладими? Агар сизнинг отангиз шахс сифатига эга бўлмаса, агар у бўшлиқ, чексизлик бўлса, сиз ўзингиз қаердан шахс қиёфасига эга бўласиз? Агар отангизнинг маълум бир кўриниши, қиёфаси бўлмаса, сизнинг ўзингизда қиёфа, шакл қаердан пайдо бўлди? Бу ҳақиқатни англаб этиш қийин эмас: бу шунчаки мантиқан келиб чиқадиган оддий ҳақиқатдир. Аммо, баҳтга қарши, ҳафсаласи пир бўлган одамлар Худои Таолонинг қиёфасини ўзлари ўйлаб топишга уринадилар, ёки ўзларининг моддий таналари уларга чексиз азоб-укубатлар келтираётгани учун, "Худо танага эга бўлмаслиги керак", деб хулоса чиқарадилар. Барча моддий таналар ўлимга маҳкум экан, мангу бўлган Парвардигор ҳеч қандай танага эга бўлмаслиги керак, деб ўйлайдилар.

"Браҳма-самхита" таъкидлаб айтадики, бундай хулоса нотўғри. *Ишиваҳа ӯришинаҳ сач-чиð-ананда-виграҳаҳ*. Худонинг танаси бор, аммо Унинг танаси *сач-чиð-ананда-виграҳаҳ*. *Сам* - "мангу" деган маънони, *чит* - илм, *ананда* эса - лаззат деган

маъноларни англатади. Худонинг танаси бор, аммо Унинг танаси мангу, илм ва лаззатга тўла. Биз Унинг танасини ўзимизнинг тана билан тенглаштираслигииз керак. Бизнинг танамиз ўткинчи, тўла билим ва лаззатдан маҳрум, шунинг учун Худонинг танаси бизникидан фарқ килади.

Унинг сиймоси ёки танаси ҳақида гап кетганда, биз одатда ўзимизниги ўхшаган танани тасаввур қиласиз, ва шунинг учун мангу, ҳамма нарсани билувчи ва лаззатга тўла "Худонинг танаси бўлмаслиги керак", деб хулоса чиқарамиз. Лекин бундай хулоса илм асосида эмас, мукаммалликдан йироқ бўлган ақлий мулоҳазалар натижасида қилинган хулосадир. "Падма-пурана"да шундай дейилган: *атаҳ ири кришина намади на бхавед грахйам индрийай* - Худои Таолонинг қиёфасини, номини, сифатларини ва Унинг атрофидаги нарсаларни моддий ҳиссиятлар ёрдамида сезиб бўлмайди". Сезгиларимиз мукаммал бўлмагани сабабли, мутлақо мукаммал бўлган Зотни биз тассавур килишга қодир эмасмиз. Бунинг мутлақо иложи йўқ.

Лекин, у ҳолда қандай қилиб Худони таниш мумкин? *Севонмуххе хи джихвадау*. Худои Таолони таниш ва Уни кўриш учун инсон ҳиссиятларини жиловлаб олиши керак. Ҳозир биз ўзимизнинг мукаммал бўлмаган, моддийлик билан булғанган сезги органларимиз орқали Худои Таолони кўришга интиляпмиз. Бу худди кўзи катаракта касалига учраган одамнинг атрофини кўришга уринаётганига ўхшайди. Агар одам катаракта билан касалланган ва ҳеч нарса кўрмаетгани сабабли, "менинг атрофимда ҳеч нарса йўқ", деб ўйламаслиги керак. Худди шунингдек, ҳозир бизнинг сезги органларимиз булғанган ҳолда бўлгани сабабли Худои Таолони кўра олмаймиз, Уни тасаввур кила олмаймиз, аммо, агар катарактани олдириб ташлаб "даволансак", Худони юзма-юз, яққол кўришга қодир бўламиш. "Браҳма-самхита"да шундай дейилган: *преманджана-чхурита-бхакти-вилочанена сантаҳ садаива хридаиешу вилокайанти* - "Кўзларига Худога бўлган илоҳий муҳаббат балзами сурилган Худонинг содик хизматкорлари Худони ҳамиша ўзларининг қалбида кўриб юрадилар". Биз ўзимизнинг сезгиларимизни поклашимиз лозим; шунда Худои Таолонинг номларини, қиёфасини, сифатларини ва кароматларини англаб етамиз ва Уни ҳамиша ва ҳар ерда кўриб юра оламиш.

Бу мавзу Ведавий битикларда батафсил таърифлаб берилган. Масалан, шундай дейилган: гарчи Худои Таолонинг кўллари, оёклари бўлмаса ҳам, У биз таклиф қилган нарсаларнинг ҳаммасини қабул қила олади, *апани-падо джавано грхита*. Бундан ташқари, гарчи Худои Таолонинг кўзлари, кулоклари бўлмаса ҳам, У ҳамма нарсани кўриб, эшитиб туради. Бир қараганда бу гаплар қарама-қарши маънога

эгадай бўлиб кўринади, аммо, аслида бу бизга жуда муҳим ҳақиқатни очиб беради. Кўриш деганда биз моддий жиҳатдан кўришни тасаввур қиламиз. Ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурларимиз бизни "Худонинг кўзлари ҳам, бизникига ўхшаган бўлиши керак", деган фикрга боришга мажбур қиласди. Шунинг учун, ана шу нотўғри дунёқарашни инкор этиш учун Ведавий битикларда Худонинг қўллари, оёқлари, кўзлари, қулоқлари ва ҳоказолар йўқ дейилган. Аслида Худои Таолонинг кўзлари бор, лекин унинг кўриш қобилияти чексиз. У коронгуда ҳам кўра олади, нигоҳи билан У бутун борликни камраб олишга ҳам қодир, шундай экан, Унинг кўзлари бизнидан фарқ қиласди. Худои Таолонинг қулоқлари бор ва Худои Таоло ҳам эшитишга қодир. Ҳатто биздан йироқда, Ўзининг илоҳий даргоҳида ўтириб ҳам, бизнинг ҳатто шивирлаб айтган гапимизни ҳам эшитади, чунки У айни пайтда бизнинг юрагимизда ҳам мавжуд. Биз Худога сездирмасдан, кўрсатмасдан ёки эшиттирмасдан бирон нарса кила олмаймиз.

*патрам пушпам пхалам тойам ио ме бҳактїа прайаччати  
тад ахам бҳактї-упахритам ашнами прайататманаҳ*

"Агар одам Менга муҳаббат ва садоқат билан япроқ, гул, мева ва ёки бироз сув таклиф қилса, Мен унинг эҳсонини албатта қабул қилиб ейман"(Бг.9.26). Агар Худои Таолонинг сезги органлари бўлмаса, У биз тақдим қилган таомни қандай қилиб еган бўларди? Кришнага сифинар эканмиз, биз ҳар куни Унга ҳар хил ширин таомлар таклиф қиламиз, шунда уларнинг мазаси бирданига ўзгариб кетади. Бу амалда ҳар куни синааб кўриладиган мисол. Худои Таоло ея олади, лекин У ҳеч нарсага муҳтоҷ бўлмагани учун, эҳсон қилган таомни бизларга ўхшаб емайди. Агар мен сизнинг олдингизга тарелкада бирор ширин таом келтириб қўйсан, сиз уни еб қўясиз, тарелкада ҳеч нарса қолмайди. Гарчи Худои Таоло ҳеч қачон оч бўлмасада, У ҳам барибир ейди, лекин бунда У тарелкадаги овқатни аввалги ҳолатида қолдиради, энди бу таом "прасадам", яъни "Худонинг марҳамати"га айланди. *Пурнасайа пурнам адайа пурнам эвавашишшате.* Худои Таоло ҳеч нарсага муҳтоҷ эмас, аммо айни пайтда У биз муҳаббат билан таклиф қилган ҳамма нарсани қабул қиласди. Бунда Худо тарелкадаги таомни ўзгаришсиз қолдиради, чунки У кўзлари билан ея олади. "Браҳмасамхита"да айтилганки, *ангани йасайа сакалендрийа-вримитиманти* - Худои Таолонинг ҳар бир сезги аъзоси бошқа барча сезги органларининг вазифасини бажара олади". Биз кўзимиз ёрдамида фақат кўра оламиз, аммо биз кўзимиз билан овқат еб билмаймиз. Худои Таолонинг сезги аъзолари чексиз қудратга эга, ва шунинг учун бизнинг сезгилардан фарқ қиласди. Худои Таоло Ўзига таклиф қилинган таомга шунчаки нигоҳ ташлаш билан уни тановул қиласди.

Хозир биз буни англаб ета олмаймиз, шунинг учун "Падмапурана"да айтилганки, Худо Шахсининг номи, киёфаси, сифатлари ва кароматлари фақат Унга илоҳий хизмат қилишга ҳаётини бағишлаган одамларгагина очилади. Биз Худои Таолони ўзимизнинг уринишларимиз билан англаб ета олмаймиз. Аммо, Унинг Ўзи марҳамат кўрсатиб, бизга Ўзини аён этиши мумкин. Агар сиз тунда қуёшни кўришга уринсангиз, ҳатто катта чироқ билан изласангиз ҳам, бунинг уддасидан чиқа олмайсиз. Сиз тонгни кутишингиз лозим. Эрталаб, қуёшнинг ўзи осмонда пайдо бўлганида сиз уни bemalol кўра оласиз. Бизнинг сезгиларимиз мукаммал бўлмагани сабабли, уларнинг ёрдами билан биз Худони кўра олмаймиз. Биз сезгиларимизни, хиссиётимизни поклашимиз ва Худонинг Ўзи марҳамат кўрсатиб бизга Ўзини намоён қилишини кутишимиз лозим. Худони англаб етишнинг йўли ана шундай. Ҳеч ким Худога ўзининг амрини, хукмини ўтказа олмайди. Биз Унга: - "Эй Худойим, азизим Кришна, менинг олдимга кел, мен Сени кўришни истайман!" - деб айта олмаймиз. Худони ўзимизнинг барча буйруқларимизни бажарувчи зот деб тушунмаслик керак. У бизга хизмат қилишга мажбур эмас. Лекин, агар Худонинг Ўзи биздан рози, мамнун бўлса, биз Уни албатта кўра оламиз. Шунинг учун, ҳаётда Кришна онгига яшаш билан Худони мамнун қилиш лозим, шунда Унинг Ўзи бизнинг кўз олдимизда намоён бўлади.

Одамлар Худони кўра олмаганлари сабабли, "Мен - Худоман!" - деган ҳар қандай одамнинг гапига ишониб кетаверадилар. Одамлар Худонинг қандай қиёфаси борлиги ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслар, шунинг учун биринчи учратган фирибгарнинг гапларига ишониб, уни Худо деб алданиб қоладилар. Баъзилар "Мен Ҳақиқат излаб юрибман!" - дейди. Аммо ҳақиқатни излаб топишдан олдин ҳақиқатнинг қандай эканини билиш керак. Акс ҳолда биз уни қандай излаймиз? Масалан, олтин харид қилиш учун биз ҳеч бўлмаса, назарий жиҳатдан, олтин қандай бўлишини билишимиз лозим, бўлмаса бизни алдаб кетадилар. Одамларнинг ҳақиқат ҳақида, Худо ҳақида ҳеч қандай илми, ҳатто ҳеч қандай тасаввuri бўлмагани сабабли, улар ўзларини "Худо!" деб эълон қиласидиган ҳар қандай фирибгарнинг гапига ишониб кетаверадилар. Алдоқчилар жамиятида бир алдоқчи ўзини худо деб эълон қиласиди, бошқа алдоқчилар унга ишонадилар. Аммо бунга ўхшаган фирибгарчиларнинг ҳақиқий Худога, Ҳақиқатга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Худони кўра билаш, Худони англай олиш ҳуқуқига эришиш керак. Ана шундай ҳуқуққа эришиш усули Кришнани англаш йўли, Кришна онгги деб аталади. *Севонмуҳке хи джихвадау свайам эва спхурати адаҳ:* факат ўз ҳаётини Худога трансцендент хизмат қилишга баҳшида қилган кишигина

Худони кўра олади. Бунинг бошқа йўли йўқ. Биз катта олим ёки зиёли, билимдан бўлишимиз мумкин, аммо ҳеч қандай дунёвий билимданлик бизга Худони кўриш ҳуқуқини бера олмайди.

"Бхагавад Гита" - Кришна онггини, Худони ўргатувчи таълимот ҳисобланади, ва Кришнани таниб олишимиз, Уни англаб етишимиз учун биз соф Кришна онггида бўлган Унинг содик хизматкори билан учрашиш баҳтига мусассар бўлишимиз керак. Шунчаки олимлик унвонини олиш билан "Бхагавад Гита" тушуниб бўлмайди. "Бхагавад Гита"да илоҳий таълимот берилган, ва Худони факат руҳий, илоҳий ҳиссиёт билангида англаб етиш мумкин. Биз ўз ҳиссиётимизни олимлик унвонини олиш билан эмас, балки Худога садоқат билан холис хизмат қилиш ёрдамида поклашимиз лозим. Жаҳонда Кришнани тушуна олмайдиган фан докторлари жуда кўп. Шунинг учун гарчи Кришна туғилмаган бўлса ҳам, *аджсо ти санн авайайатма*, У Ўзини бизга намоён қилиш учун бу моддий оламга ташриф буюриб туради.

Шундай қилиб, Кришнани, Худони факат Унинг марҳамати билан ёки Кришна онггига эга бўлган, Унинг марҳаматига сазовор бўлиб, Худони англаб етган одамнинг марҳамати билан англаб етиш мумкин. Академик, дунёвий билим ёрдамида Кришнани, Худони тушуниб, англаб етишининг иложи йўқ. Худонинг Ўзи марҳамат кўрсатган одамгина Уни англаб ета олади. Худонинг розилигига эришгач, биз Уни, Кришнани яққол кўра оламиз, гапириша оламиз, ўзимиз истаганча У билан мулоқотда бўла оламиз. Кришнанинг қиёфаси йўқ, У шахс эмас, деб ўйламаслик керак. У - шахс, Худонинг Олий Шахси, ва биз У билан маълум муносабатда бўла оламиз. Ведавий битикларда шундай ёзилган. *Нитийо нитийанам четанаши четананам*: - "Бизларнинг ҳар биримиз шахсмиз, Худо эса - олий мангут шахсdir". Биз ҳаммамиз мангумиз, аммо Худони, "олий мангут Зот" деб атайдилар. Ҳозир бизлар моддий тана ичида қамалганимиз сабабли, туғилиш ва ўлишга маҳкуммиз. Бизлар мангут руҳлармиз, аммо ўз ҳаракатларимиз ва истакларимиз натижасида ҳар хил таналарда туғилишга мажбурмиз. Бу "Бхагавад Гита"нинг иккинчи бобида тушунтирилади(2.20):

*на джайате мрийате ва кадачин найам бхутва бхавита ва на бхуйах  
аджсо нитийах шашвато йам пурено на ханияте ханиамане шарире*  
"Рух туғилмайди ва ўлмайди. У ҳеч қачон пайдо бўлган эмас ва пайдо бўлмайди ҳам. У туғилмаган, мангут, ҳамиша мавжуд ва азалий. Тана ҳалок бўлганда у ўлмайди".

Худо мангут, ва Унга ўхшаб бизлар ҳам мангумиз. Олий мукаммал мангут Зот билан ўзимизнинг муносабатларимизни қайта тиклаш натижасида биз ҳам ўзимизнинг мангут табиатимизга эришамиз. *Нитийо нитийанам четанаши четананам*. Худо - олий тирик мавжудот;

барча мангу зотларнинг мангу ҳукмрони. Кришнани англаш усулини қўллаб, ўз хиссиётимизни поклаш ёрдамида биз ана шу ҳақиқатни англаб олишга ва Худони кўришга қодир бўламиз.

Худони англаб етган одам Унинг марҳамати билан руҳий илмнинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қиласди, чунки Худога муҳаббат билан садоқатли хизмат қилиш жараёни унга мамнуният олиб келади. Тајкириба ёрдамида мустаҳкамланган илм инсонга камолотга эришиш имкониятини беради. Руҳий илм ёрдамида инсон чукур, эгилмас эътиқодга эга бўлади, аммо, агар одам шунчаки дунёвий илм эгаллаган бўлса, у тезда йўлдан адашиб кетиши ва ҳаётда учрайдиган алдамчи қарама-қаршиликлар олдида довдираб қолиши мумкин. Ўзининг руҳий табиатини англаган киши ҳақиқатан ҳам ўзининг хиссиётини жиловлаб олган ҳисобланади, чунки у ҳар бир нарсада фақат Кришнага боғланган. У руҳий даражага кўтарилиган ҳисобланади, ва шунинг учун уни дунёвий илмлар қизиқтирумайди. Бошқалар олтиндай қадрлайдиган дунёвий билимдонлик ва фалсафий сафсатабозликнинг унинг учун ҳатто тош ва кесакчалик қадри бўлмайди.

Агар итоаткорлик ва муҳаббат билан Худога хизмат қилса, ҳатто энг саводсиз киши ҳам Худони англаб етиши мумкин. Худо ҳеч қандай моддий шарт-шароит билан чекланмаган. У олий Рух, ва Уни англаш жараёни ҳаёт ҳақидаги моддий тушунчалардан анча устун туради. Шунинг учун, ҳатто дунёвий илмга, кенг дунёқарашга эга бўлган одам ҳам, Худони англаб етишга қодир бўлмаслиги мумкин. Камбағаллик, қашшоқлик одамга Худони англаш етишга халақит беради, деб ҳам ўйламаслик керак: худди шунингдек, бойлик ёрдамида Худони англаш етаман, деб ҳам ўйламаслик керак. Худони ҳатто энг билимсиз одам ҳам англаш етиши мумкин, айни пайтда буюк олим ҳам Уни англай олмаслиги мумкин. Худони англаш етиш ҳам, худди Худои Таолонинг Ўзи сингари ташки шарт-шароитларга боғланган эмас(апратихата). "Шримад Бхагаватам"да 1.2.6. шундай ёзилган:

*са вай пумсам паро дхармо йато бхактире адхокиадже  
ахаштуки апратихата йайатма супрасидати*

"Трансцендент Худои Таология нисбатан чукур муҳаббат билан садоқатли хизмат қилиш даражасига эришиш йўлида ёрдам берадиган машғулот барча одамлар учун энг олий машғулот(дхарма) ҳисобланади. Рух тўла мамнуният ҳосил қилиши учун садоқат билан хизмат қилиш жараёни холис ва узлуксиз бўлиши керак". Бу ерда диннинг мукаммаллигини аниқловчи мезон таърифланган: у инсонда Худога нисбатан муҳаббат уйғотиш имконини бериши керак. Моддий олам уч гунадан, ёки уч сифатдан иборат, ва уларнинг одамларга

кўрсатадиган таъсирига мос равища диннинг хар хил кўринишлари мавжуд. Биз уларни таҳлил қилиб ўтироқчи эмасмиз, чунки биз учун диннинг охирги мақсади муҳимроқ: Худони англаб етиш ва Уни севишни ўргатиш. Ҳар қандай диний таълимотнинг ҳакиқий вазифаси шундан иборат. Худога нисбатан муҳаббатга, Худони севишга ўргатмайдиган дин - дин эмас, ундай диннинг маъноси йўқ. Агар одам қандайдир диннинг барча қонун қоидаларига батафсил амал қиласа-ю, аммо, унинг қилиб юррган амаллари ўзининг қалбida Худога нисбатан муҳаббат уйғотмаса, ундай дин ҳеч қандай кучга эга эмас. "Шримад Бхагаватам"(1.2.6.) мукаммал динни қуидагича таърифлайди: *ахайтуки ва апратихата* - "у ҳеч қандай шахсий манфаат кўзламаслиги керак ва унга ҳеч бир нарса, шароит халақит беролмаслиги, тўсқин бўлолмаслиги керак". Ана шундай динга амал қиласак, биз хар томонлама, ҳамиша баҳтли бўламиш.

*Са вай пумсам паро дхармо йато бхактир адхокишаадже.* Худонинг номларидан бири - Адхокшаджа. Бунинг маъноси шуки, Уни моддий кўзлар билан кўриб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, Худои Таоло бизнинг Уни кўришга бўлган барча моддий интилишларимизни чиппакка чиқаради. *Ақиаджса* ибораси илмий тажриба ёрдамида олинадиган билимни англатади, *адҳаҳ* ибораси эса, "англаб бўлмас" деган маънени англатади. Худои Таолони моддий илмий тажриба ёрдамида англаб бўлмайди. Биз Худои Таоло билан бошқача алоқа қилиш йўлини танлашимиз лозим - Унинг қонунларига итоат қилган ҳолда, камтарин бўлиб, Худо ҳакидаги ҳикояларни тинглашимиз ва Унга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишимиз лозим.

Ҳакиқий дин инсонга қалбида Худога нисбатан холис муҳаббат уйғотиш йўлини ўргатади. Ҳакиқий дин "лаззатланиб яшашимиз учун Худонинг бериб қўйган неъматлари эвазига биз Уни севишсимиз лозим" - деб ўргатмайди. Бундай муҳаббат муҳаббат эмас. Худои Таоло буюк, У - бизнинг мангу отамиз, ва Уни севиш бизнинг вазифамиз. Муҳаббатимиз эвазига Худодан қандайдир ҳақ сўраш ҳакида гап бўлиши мумкин эмас. Худони фақат бизга ризқ-рўз бериб қўйгани учунгина севиш нотўғри. Ҳатто ит ва мушукларни ҳам Худои Таоло ҳар куни ризқ билан таъминлади. Барча тирик мавжудотларнинг отаси бўлгани учун У ҳар бир тирик мавжудотни ризқ-рўз билан таъминлади. Шунинг учун, Худони фақат у бизга ризқ бериб қўйгани учунгина севиш - ҳакиқий севиш, ҳакиқий муҳаббат эмас. Муҳаббат таъмагирлик асосида бўлмаслиги керак. Ҳатто, агар Худои Таоло ризқу-рўзимизни қирқиб кўйса ҳам биз бариб Уни севишсимиз лозим. Ана шундай муҳаббат ҳакиқий муҳаббат бўлади. Чайтаня Махапрабху шундай деган эди: *ашишша ва пада-ратам пинашту ма адаришанан марма-хатам кароту ва, яъни*

"Менинг Кришнадан бошқа сигинадиган Худойим йўқ. Ҳатто агар У мени қўполлик билан бағрига босса ҳам, ёки қўзимга кўринмай, юрагимни қон қилиб юборса ҳам, барибир У мангу Худойимдир. Кришна мени хаётда хоҳлаган кўйига солиши мумкин, барибир ҳамиша ва ҳеч нарсага боғланмаган ҳолда, мени нима қилишидан қатъий назар - У мен сигинадиган ягона Худойим бўлиб қолаверади". Худога нисбатан қалбида пок муҳаббат уйғота олган одамнинг кайфияти ана шундай бўлади. Ана шу даражага етгандан кейин биз хаётда бутун борлик лаззатга тўла эканини сезамиз; Худои Таоло лаззатга тўла, биз ҳам асл ҳолатимиизда лаззатга тўламиз.

*сұхрн-митрари-удасина-мадхъастха-двешийа-бандхушу*

*садхушив ати ча папешу сама-бүддхир вишишияте*

"Хоҳ самимий яхшилик қилувчилар бўлсин, ёки ҳамиша ёрдам берувчи яхши одамлар бўлсин, хоҳ сиртдан локайд кузатиб турувчилар бўлсин, ёки ўзи ва душманлари ўртасидаги одамлар бўлсин, хоҳ ҳасадгўй кишилар бўлсин, хоҳ дўстлаври ёки душманлари бўлсин, хоҳ гуноҳкор осийлар ёки тақводорлар бўлсин барчага бир хил муносабатда бўладиган инсон ундан ҳам юкори погонада турган хисобланади"(Бг.6.9). Бу сифатларнинг барчаси руҳий ҳаёт чўқкисига кўтарилган кишининг аломатларидир. Моддий дунёда биз ўз танамизнинг манфаатларига асосланиб, яъни ўз хиссиётларимизни қаноатлантириш қоидаси асосида одамларни дўст ва душманларга ажратамиз. Агар кимдир бизни мамнун қилган бўлса, биз уни ўзимизга дўст деб биламиз, акс ҳолда душман деб қараймиз. Худони, Мутглақ Ҳақиқатни англаб етганда эса, бунга ўхшаган моддий тасаввурларнинг бизга тариқча ҳам аҳамияти қолмайди.

Моддий дунёда барча шартланган руҳлар алданиш таъсирига тушиб қолган, адашган. Одатда врач унинг ёрдамига муҳтоҷ бўлган ҳар бир одамни даволайди, гарчи ўзининг касаллигидан эсини йўқотиб, bemor врачни сўқса, ҳақоратласа ҳам, у барибир унга керакли дорини ёзib беради. Иисус Христос айтгани сингари, гуноҳкордан эмас, гуноҳдан ҳазар қилиш керак. Гуноҳкордан эмас, гуноҳдан нафратланиш керак. Қанчалик доно насиҳат. Чунки гуноҳкор алданиш тузоғига тушиб қолган, у ўзи нима қилаётганини тушунмайди. У ақлдан озган. Агар биз гуноҳкордан нафратлансанак, қандай қилиб уни даволай оламиз? Шунинг учун Худонинг ҳақиқий хизматкорлари, буюк содиклар ҳеч кимга нисбатан нафрат кўзи билан қарамайдилар. Гуноҳкорлар Ийсо пайгамбарни қатл қилаётгандарида у шундай деган эди: - "Эй Худойим, уларнинг гуноҳларини кечир, чунки улар нима қилаётгандарини ўзлари билмайдилар". Етук содикнинг дунёқараши, фикрлари ана шундай бўлиши керак. У бу дунёдаги шартланган руҳларга нисбатан нафрат кўзи билан қарашиб мумкин эмаслигини тушуниб етиши керак:

улар шунчаки ўзларининг ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлари таъсири остида адашиб юрган рухлардир. Кришнани англаш халкаро жамиятида ҳеч бир тирик мавжудотга нисбатан ҳеч қандай нафрат кўзи билан қарашга ўрин йўқ. Биз барчани ўзимиз билан Харе Кришна мантрасини кўйлашга, бирга прасадам тановул қилишга, "Бхагавад Гита" фалсафасини ўрганишга ва ўзларининг ҳаёт ҳақидаги моддий, дунёвий тасаввурларини ўзгартиришга уриниб кўришга таклиф қиламиз. Кришнани англаш ҳаракатининг асосий дастури мана шундан иборрат. Худованд Чайтаня Махапрабху шундай деган эди:

*йаре декха, таре каҳа кришина-упадеша  
амара аджнайа гуру хана тара эи деша*

"Хар бир одамдан Худои Таоло Шри Кришнанинг "Бхагавад Гита" ва "Шримад Бхагаватам"да баён этилган насиҳатларига амал қилишни илтимос қил. Руҳий устоз бўл ва шу ўлкада яшаётган ҳар бир одамни азоб-укубатдан холос этишга ҳаракат қил!"(ч.ч.Мадхя.7.128.).

*йоги йунджиста сататам атманам ракаси стхитах  
экаки йата-читтатма нирашир апариграхаҳ*

"Йогнинг танаси, ақли ва руҳи ҳамиша Худои Таоло билан боғлик фаолиятда машғул бўлиши лозим. У хилват жойда танҳо яшавиши, ҳамиша ўзининг ақлини назорат қилиб юриши, ва ҳар қандай истаклардан ва бирор нарсага эгалик қилишга интилишдан озод бўлиши керак".(бг.6.10).

Ана шу бобда, йога қонун-қоидаларини тушунтирад экан, Худои Таоло таъкидлаб айтадики, йог ақлини ҳамиша Олий Руҳда мужассам қилиб юришга ҳаракат қилиши керак. Олий Руҳ бу - Парвардигори олам, Кришнанинг Ўзидир. Аввал айтиб ўтганимиздек, *нитийо нитийанам четанаш четананам*, Худои Таоло олий мангув, олий тирик мавжудот, Олий Руҳ. Йоганинг барча тизимларининг максади - инсонга ақлини Олий Руҳда мужассам қилишда ёрдам беришдан иборат.

Биз ўзимиз олий руҳ эмаслигимизни тушунишимиз керак. Худои Таоло - Олий Руҳдир. *Двайта-вада* - дуализм фалсафаси шуни тасдиқлайди. Дуализм деганда шуни тушуниш керакки, биз Худодан фарқ қиласиз. У - ҳукмдор, биз эса - Унинг хизматкорлари. У - буюк, биз эса - кичик. У - чексиз, биз - чекланганмиз. Худо билан бўлган муносабатимизни айнан шундай тушунишимиз лозим. Биз чекланган бўлганимиз учун, ақлимизни чексиз Олий Руҳда жамлашимиз лозим. Бунга эришиш учун ёлғиз яшашимиз лозим. "Ёлғиз яшаш" деганда Худони, Кришнани англашдан йироқ бўлган кимсалардан узоқ яшашни тушуниш керак. Бунинг учун яхшиси ўрмонда яшаш керак, аммо, ҳозирги даврда хилват жой топиш амри маҳол. Шунинг учун

"ёлғиз яшаш" - "Худо ҳақида илм ўрганиш мумкин бўлган жойда яшаш" демакдир.

Бундан ташқари, илохиётчи киши ақлини ҳамиша ўзининг назорати остида тутиши лозим. Бу - бутун фикру-хаёлини ҳамиша Олий Рух, Кришнада мужассам қилиш демакдир. Аввал тушунтирганимиздек, Кришна Қўёшга ўхшайди, агар биз ақлимизни Кришнада мужассам қилсак, унга, демак ҳаётимизга зулматнинг таъсири қилиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйлар билан банд бўлган ақл майянинг, алданишнинг таъсирига тушиб қолмайди. Мана шундай ҳолат ақлни Худода жамлаш деб аталади.

Илохиёт кишиси ҳар қандай истаклардан ва эгалик қилиш туйгуларидан озод бўлиши керак. Одамлар моддийлик, дунёвийлик касалига мубтало бўлган, бу шунда намоён бўладики, улар ҳар хил нарсаларга эгалик қилишга тинмай, жон-жаҳди билан интиладилар. Биз ҳамиша ўзимизда йўқ нарсага эгалик қилишга интиламиш ва бирор нарсадан айрилганимиздан афсусланиб юрамиз. *браhma бхута прасаннатма*. Ўзида Худо, Кришна онггини ривожлантирган, Худони англаб етган киши дунёвий нарсаларга эгалик қилишга интилмайди. У ҳаётда факат бир нарсани - Кришнага, Худога хизмат қилишни истайди. Орзу-истаклардан бутунлай воз кечиб бўлмайди, аммо, уларни аста-секин поклаш мумкин. Бирор нарсани исташ тирик мавжудотнинг табиий ҳолати, аммо у шартланган ҳолатда бўлар экан, унинг истаклари булғанган, нопок. Шартланган рух моддий нарсаларга эгалик қилиб лаззатланишини истайди. Пок истак эса - Кришнани, Худони рози қилиш, мамнун қилиш истагидир. Агар биз Кришнани мамнун қилишни истасак, бизнинг моддий истакларимиз ўз-ўзидан ғойиб бўлади.

*шучуа деше пратишитхатай стхирам асанам атманаҳ  
натай-уччхритам нати-ничам чаиладжина-кушоттарам  
татраикарам манаҳ кртва ѹата-читтендорийа-крийаҳ  
утавишийасане ўунджийад йогам атма-вишуддхайе*

"Йога билан шуғулланиш учун хилват, пок жой топиш, ерга куша майсасидан қилинган тўшак ташлаб, унинг устидан кийик териси ёки юмшоқ мато тўшаш керак. Ўриндиқ жуда ҳам баланд, ёки жуда ҳам паст бўлмаслиги керак. Яхшилаб ўрнашиб ўтириб олиб, йога билан шуғулланишга киришиш мумкин. Ақл ва хиссиётларни жиловлаб олиб, тананинг фаолиятини назорат остига олиб ва нуқтаи-назарни бир нуқтага мужассам қилиб, йог қалбини дунёвий иллатлардан поклаши лозим.(Бг.6.11-12). Бу шеърларда йог қаерда ва қандай ўтириши кераклиги тушунтирилган. Америка ва бошка гарбий давлатларда жуда кўп йога жамиятлари мавжуд, аммо бу жамиятларнинг аъзолари йога билан шуғулланар экан, бундай

қоидаларга риоя қилмайдилар. "Муқаддас жой" деб муқаддас зиёратгоҳларни айтадилар. Ҳиндистонда йоглар, илоҳиёт кишилари ва Худонинг содик хизматкорлари уйларини тарк этиб, Праяг, Матхура, Вриндаван, Хришикеш ёки Хардвар сингари муқаддас жойларга бориб, у ерларда муқаддас Ямуна, Ганга дарёлари қирғоғида йога билан машғул бўладилар. Ҳозир биз яшаб турган даврда шу тарзда йога билан шуғулланиш имкони борми? Ана шундай муқаддас жойларга кетишга тайёр одамлар борми? Ҳозир одамлар тирикчилик қилиш учун гавжум шаҳарларда яшашга мажбур бўляптилар. Шаҳарда хилват жой топиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бинобарин, йога билан шуғулланишнинг энг биринчи шарти - хилват жой топиш дейилган.

Шунинг учун ҳам, бҳакти-йогада эҳром - муқаддас, хилват жой ҳисобланади. Эҳром *ниргуна*, яъни трансцендент, илоҳий жой ҳисобланади. Ведавий битикларда айтилишича, шаҳарларга эҳтирос гунаси таъсир қиласи, ўрмонга эса - эзгулик гунаси. Лекин эҳром гуналарга нисбатан трансцендент, илоҳий ҳолатда бўлади. Шаҳарда яшаганда биз эҳтирос гунаси таъсири остида бўламиз, бундан кутилиш учун эзгулик гунаси таъсири қилиб турган ўрмонга кетишимиш мумкин. Лекин Худонинг эҳроми ғафлат, эҳтирос ва эзгулик гуналари таъсиридан устун туради, шунинг учун ҳозирги даврда Кришнанинг эҳромлари жаҳондаги ягона хилват жойлар ҳисобланади. Ҳозир биз ўрмонга хилват жой излаб кетолмаймиз; ҳаётда хоҳлаган ишларини қилиб юриб, кўзбўямачилик билан кўр-кўрона йога муроқабасига берилиб ўтирган одамлар тўпланган ҳар хил йога жамиятларининг клубларига боришнинг ҳожати йўқ.

Шунинг учун, "Брихан-нарадия-пурана"да айтиладики, одамлар асосан узоқ умр кўрмайдиган, руҳий жиҳатдан жуда секин ривожланадиган ва ҳамиша бирор ташвиш билан юрадиган Кали-юга даврида руҳий ўзликни англашнинг энг самарали усули Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдир. *харер нама харер нама харер намаива кевалам*

*калау насти эва насти эва насти эва гатир аниатха*

"Қарама-қаршилик ва иккиюзламачилик даври бўлган ҳозирги даврда фақат Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш билан, фақат зикр қилиш билан, фақат зикр қилиш билангина озодликка эришиш мумкин. Бундан бошқа йўл йўқ. Бошқа йўл йўқ. Бошқа йўл йўқ".

Ягона нажот йўли шундай. Шри Чайтанья Махапрабху бизга бериб кетган бебаҳо, буюк совға ана шундан иборат. Ҳозирги биз яшаб турган даврда йоганинг бошқа усулларини кўллаш имконияти йўқ, Худонинг номларини зикр қилиш усули эса, шунчалик осон ва

ҳаммабопки, ҳатто ёш бола ҳам ундан фойдаланиб ҳаётда энг буюк баҳтга эришиши мумкин.

## Тўртинчи боб. Йога жараёнида ҳиссиётларни жиловлаш.

"Бхагавад Гита"нинг олтинчи бобида санкхя-йога, яъни муроқаба усулига катта эътибор берилган, бу усул аштанга-йога деб ҳам аталади. Ўз навбатида гяна-йога, фалсафий фикрлашга, тахлил қилишга катта эътибор беради. Бу усул билан одам нимани Браҳман деб айтиш мумкин, нимани Браҳман деб айтиш мумкин эмаслигини билиб олиш имкониятига эга бўлади. Фикрлашнинг ана шу йўсинда бориши *нети нети*, яъни "бу эмас, бу эмас" усули деб аталади. "Веданта-сутра"нинг аввалида шундай дейилган: *джсанмади асия йатмаҳ* - "Бутун борлик Олий Браҳмандан, Мутлак Ҳақиқатдан пайдо бўлган". Бу биз учун ўзига хос туртки, кўрсатма. Барча сабабларнинг сабабчиси бўлган Олий Браҳманинг табиатини тушуниб олиш учун шу турткidan фойдаланишимиз лозим. Мутлақ Ҳақиқатнинг табиати "Шримад Бхагаватам"да батафсил таърифланган. "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи шеърида шундай дейилган:

*ом намо бхагавате васудевайа  
джсанмади асия йато нйавад итараташи чатрхешив абхижджнах сварат  
тене браhma хрда йа ади-кавайе мухйанти йат сурайаҳ  
теджсо-вари-мрдам йатха винимайо йатра три-сарго мриша  
дхамна свена сада нирастка-кухакам сатйам парам дхимахи*

"Эй Парвардигор, Шри Кришна, Васудеванинг ўғли, эй ҳар ерда мавжуд бўлган Худо Шахси, мен Сенинг олдингда эҳтиром билан бош эгаман. Мен Парвардигор Шри Кришнани муроқаба қиласман, чунки У Мутлақ Ҳақиқат ва моддий борлиқнинг яралиш, мавжудлик ва ёмирилишининг азалий сабабисидир. У бевосита ва билвосита бутун мавжудотни билади ва мутлақо мустақил, чунки Унинг Ўзидан бошқа ҳеч қандай сабаб мавжуд эмас. Биринчи тирик мавжудот Браҳманинг қалбига айнан Унинг ўзи ведалар илмини жойлаб қўйган. Худди оловда акс этаётган сув акси, ёки сувда акс этаётган қуруклиқ акси одамнинг ақлини ҳайрон қилгани сингари, У, ҳатто буюк донишмандларни ва фаришталарни ҳам адаштириб қўяди. Гарчи аслида ўткинчи, сароб бўлса ҳам, моддий табиатнинг уч гунасининг

ўзаро фаолияти натижасида вактинча пайдо бўлган моддий коинотлар фақат Худои Таолонинг шарофати билан бизга ҳақиқийдай бўлиб туюлади. Шунинг учун мен Худои Таолони, моддий оламнинг алдамчи кўринишларидан холи бўлган Ўзининг руҳий даргоҳида мангу мавжуд бўлган Шри Кришнани муроқаба қиласман. Мен Уни муроқаба қиласман, чунки У - Мутлақ Ҳақиқатдир".

Шундай килиб, "Шримад Бхагаватам"нинг энг бошидаёқ Парвардигори олам, ёки Мутлақ Ҳақиқат илмга эга деб эълон қилинади. Уни ўлган ёки шакли йўқ, чексизлик деб ўйламаслик керак. Парвардигори олам қандай илмга эга? *Анвайад итараташ чатрхешу:* - "У бутун борлиқни бевосита ва билвосита билади". Қандайдир микдорда ҳар бир тирик мавжудот билимга эга, аммо бизлардан ҳеч биримиз тўлиқ илмга эга эмасмиз. Мен ўзимнинг каллам бор эканини биламан, лекин сиз унда неча дона соч толаси бор деб сўрасангиз, мен сизга жавоб бера олмайман. Албатта, бу руҳий илм эмас, аммо "Шримад Бхагаватам" таъкидлаб айтяптики, Олий Мутлақ Ҳақиқат ҳамма нарсани билвосита ва бевосита билади. Мен овқатланаётганимни биламан, лекин танамдаги овқат ҳазм қилиш билан боғлиқ бўлган жуда кўп жараёнлардан умуман хабарим йўқ: ошқозоним қандай қилиб овқатни ҳазм қилиши, уни қандай қилиб қонга, қувватга айлантириши ва бошқа жараёнлар менга мутлақо номаълум. Мен танамнинг тириклигини ва харакат қилаётганини биламан, аммо унда бир вактнинг ўзида рўй берадётган барча узлуксиз жараёнларни англаб етолмайман. Бунинг сабаби шундан иборатки, менинг илмим чекланган.

Ўзининг белгисига кўра Худо - ҳамма нарсани билувчи Зот. У Ўзи яратган борлиқнинг ҳар бир бурчагида бўлаётган нарсаларни билади. Шунинг учун "Шримад Бхагаватам"нинг бошидаёқ таъкидланадики, Олий Ҳақиқат, бутун борлиқнинг азалий манбаи, мукаммал илмга эга, *абхижджнаҳ*. Кимdir фараз қилиши мумкин: Агар Парвардигори олам, Мутлақ Ҳақиқат чексиз қудратга, доноликка ва илмга эга бўлса, демак У шу илмни Ўзига ўхшаган бирордан ўрганган бўлса керак". Бундай эмас. Бирордан илм ўрганадиган Худо Худо эмас. Худои Таоло мустақил, *сварат*, ва шунинг учун У Ўзидан Ўзи ҳамма нарсани билади.

"Шримад Бхагаватам" асари бутун борлиқнинг бирламчи манбаи бўлган Худо Шахсининг табиатини батафсил таҳлил қилгани сабабли, бу муқаддас асар гяна-йога ва бхакти-йоганинг энг олий бирикмасидир. Гяна-йога инсонга Мутлақ Ҳақиқатнинг табиатини англаб етиш имконини беради. Бхакти-йоганинг ҳам мақсади шу, аммо унда бу мақсадга эришишнинг йўли гяна-йоганикidan бошқачароқ. Гяна-йог фалсафий изланишлар ёрдамида ақлини

Парвардигори оламда мужассам қилишга уринади, бхакти-йог эса, Парвардигори оламга хизмат қилиш билан банд, ва Худои Таолонинг Ўзи унга намоён бўлади. Гяна усули илм олишнинг ўсиб борувчи(индуктив) йўли деб аталади, бхакти - юкоридан келувчи(дедуктив) усули. Агар биз кечаси қўёшли кўрмоқчи бўлсак, қандайдир курратли ракетада баланд осмонга учишга уриниб қўришимиз мумкин. Илм олишнинг юкоридан келувчи, дедуктив усулини қўллаб, эрталаб қўёшнинг ўзи горизонтда пайдо бўлишини қутишимиз мумкин.

Индуктив илм олиш тарафдорлари, индукцияси усули ёрдамида Парвардигори олами ўз кучларига ишониб англашга интиладилар. Индукция усули дегани шундан иборатки, масалан, мен инсон ўлиши ёки ўлмаслигини аникламоқчи бўлсан, минглаб одамларни қузатишим керак - улар ўладими ё йўқми? Албатта бу анча вактни талаб этади. Аммо, агар мен ишончли одамнинг гапига ишониб, унинг "ҳамма ўлади" деган гапини қабул қиласам, шу заҳотиёқ мукаммал илмга эга бўламан. Шунинг учун "Шримад Бхагаватам"да шундай дейилади(10.14.29): - "Эй Худойим, Сенинг тариқча марҳаматингга сазовор бўлган одам дарров Сени англаб ета олади. Аммо, ўзларининг дунёвий илми ёрдамида Сенга яқинлашишга интилаётган кишилар, ҳатто миллион йиллар давомида излансалар ҳам, ҳеч қачон Сени англаб ета олмайдилар".

Фалсафий фикрлашлар одатда одамни чалғитади ва ниҳоят, охир оқибатда ҳафсаласини пир қиласди; шунда у "Худо - йўқликдир, чексизликдир!" деган хulosага келади. Лекин Худо йўқлик бўлса, қандай қилиб Ундан шунча нарса мавжуд бўлган? "Веданта-сутра"да айтилганки, джанмади асия йатаҳ - "Бутун борлиқ Парвардигори оламдан чиқкан". Шундай экан, Парвардигори олам йўқлик бўлиши мумкин эмас. Фикр юритиб, қандай қилиб Парвардигори оламдан шакл қиёфаларнинг ранг-баранг турлари ва шунча тирик мавжудотлар пайдо бўлганини тушуниш керак. Буларнинг барчаси "Веданта-сутра"да, олий илм манбаида тушунтирилган. "Веда" сўзи "ilm" дегани билдиради, "анта" ибораси эса - "олий, якуний" деган маънони англатади. Олий илм - бу Худои Таоло, Парвардигори олам ҳақидаги илмдир.

Кришнани, Худони қандай англаб етса бўлади? Худонинг кўзлари, кўл-оёклари ва бошқа ҳиссиёт органлари бизларнидан фарқ қиласди, деб айтадилар: биз шунда Унинг илохий сезги органларини, илохий қиёфасини қандай қилиб англай оламиз? Бунда бизга фалсафий фикр юритишлар ёрдам бермайди. Биз шунчаки Худога садоқат билан холис хизмат қилишимиз лозим, шунда Унинг Ўзи марҳамат кўрсатиб

бизнинг олдимизда пайдо бўлади. "Бхагавад Гита"нинг ўнинчи бобида шундай дейилган:

*тешам эванукампартхам аҳам аджнана-джсам тамаҳ  
нашайами атма-бхава-стхо джнана-дипена-бхасвата*

"Содикларга алоҳида марҳамат кўрсатиш учун, уларнинг юрагида ҳам мавжуд бўлган Мен, илм нури билан қалбларидағи зулмат пардасини тарқатиб юбораман"(10.11). Кришна бизнинг қалбимизда, агар биз холис хизмат қилиш билан шуғулланиб, Унга самимий интилсак, У албатта бизга намоён бўлиб, Ўзини кўрсатади. "Бхагавад Гита"нинг ўн саккизинчи бобида яна айтадики,

*бхактийа мам абхиджсанати йаван йаши часми таттватаҳ  
тато мам таттвато джната вишате тад-анантарам*

"Худонинг Олий Шахсини факат садоқат билан холис хизмат қилиш ёрдамидагина тўлиқ англаб етиш мумкин. Ўзининг муҳаббати ва садоқатининг курдати ёрдамида инсон Парвардигори оламни тўла англаб етганида Худонинг даргоҳига кириши мумкин". Шундай қилиб, Худони англаб етиш учун бхакти-йога йўлига кириш керак. Бу йўл *ираванам, киртанам вишиноҳ* - Вишну, Худои Таоло ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва бошқаларга гапириб беришдан бошланади. Бу бхакти-йоганинг биринчи боскичи. Кришна ҳақидаги ҳикояларни итоаткор, камтар ва жиҳдий ҳолда тинглаш орқали биз Уни англаб ета оламиз. Унинг Ўзи бизга намоён бўлади. *Шраванам киртанам вишиноҳ смаранам падасеванам арчанам ванданам дасйам.* Бхакти-йоганинг тўққиз усули мавжуд. Илтижо қилиш - шу усуулардан бири ҳисобланади. *Ванданам* - илтижо қилиш деганидир. "Бхагавад Гита", "Шримад Бхагаватам" ва бошқа шастраларда, мукаддас китобларда ёзилган Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглаш *ираванам* деб аталади. Худои Таоло Шри Кришнани шарафлаш ва Харе Кришна мантрасини зикр қилиш *киртанам* деб аталади. *Шраванам киртанам вишиноҳ* - бхакти-йоганинг бошланиши, асосий погонасиdir. Бутун борлик Вишнудир, ва шунинг учун Вишну - сифинишга, муроқаба қилишга муносиб ягона Зот. Вишнусиз, Худосиз бхактининг бўлиши мумкин эмас. Кришна - бошлангич Вишну, *криинас ту бхагаван свайам*: "Кришна - Худонинг азалий, бошлангич Олий Шахсидир". Бхакти-йога йўлига кириб, биз Парвардигори оламни англаб етишимиз ва барча шубҳалардан, гумонлардан бутунлай халос бўлишимиз мумкин.

"Бхагавад Гита"нинг олтинчи бобида(6.13-14) аштанга-йоганинг батафсил таърифи келтирилган:

*самам кайа-ширро-гривам дхарайянн ачалам стхираҳ  
сампрекийя насиқаграм свам дишаши чанавалокайан  
прашантатма вигата-бхир брахмачари-врате стхитаҳ  
манах самйамайа мач-читто йукт асита мат-параҳ*

"Танани, бўйинни ва каллани бир чизиқда тутиб, йог нигоҳини бурнининг охирида жамлаши керак. Ақлини хотиржам қилиб жиловлаб, кўркувдан халос бўлиб ва жинсий алоқани бутунлай тарк этиб, фикрий назарини ўзининг қалбидаги Менинг қиёфамга каратиши ва Мени ҳаётининг олий мақсади килиб олиши керак". Йога билан шуғулланиш - пул тўлаб кириладиган қандайдир жисмоний машқлар ўтказиладиган залларга бориш, у ерда ҳар хил жисмоний машқлар килиш, кейин, уйга келиб арок ичиш, сигарета чекиш ва жинсий алоқа қилиш билан машғул бўлиш дегани эмас. Бунака йога усули билан фақат алдоқчи ва алданганлар орасида шуғулланиш мумкин. "Бхагавад Гита"нинг шу бобида энг ишончли Зот, Худои Таоло Шри Кришна йоганинг ҳақиқий тизими ҳақида гапириб берган. Йога ҳақида Худонинг Олий Шахси, Шри Кришнадан ҳам яхшироқ биладиган бирор зот бор эканми? Йога билан шуғулланиш учун энг аввало муқаддас жойга танҳо кетиш, тана, бўйин ва каллани тик тутган ҳолда тўғри ўтириш ва нигоҳни бурун асосига тикиш керак. Нимага шундай қилиш керак? Буларнинг ҳаммаси фикрни бир жойга жамлаш учун керак. Йоганинг ҳақиқий мақсади - қалбимизда ҳам мавжуд бўлган Парвардигори оламни, Кришнани ҳамиша эслаб юриш.

Одам ҳамма вакт бир жойда қимирламай ўтираверса хоҳлаган пайтда ухлаб қолиши мумкин. Ана шундай муроқаба қилиш ниятида йога ҳолатларида ўтириб олиб, уйқуга кетган, ва ҳатто хуррак ота бошлаган йогларни бир неча бор кўришимга тўғри келган. Одам кўзини юмиши биланоқ табиий равишда уни уйқу боса бошлайди; шунинг учун йог кўзларини ярим юмган ҳолда нигоҳини қошлири ўртасига, бурнининг асосига тикиб ўтириши керак. Нигоҳни бир жойга тўплаш билан ақлни жиловлаб, хотиржам ҳолатга келтириш мумкин. Якка ёлғиз ҳолда муроқабага берилиш учун, Ҳиндистонда йоглар кўпинча қалин ўрмонзорларга кириб кетадилар. Аммо, қалин ўрмон ичida ҳам йог безовта бўлиши мумкин: - "Нима экан бу шитирлаган? Илон ёки йўлбарс бўлиб қолса-я?" Шу каби йўлар ақлни безовта қилиши мумкин; шунинг учун "Бхагавад Гита"да таъкидлаб айтилганки, йог кўркув ҳиссидан халос бўлиши керак. Йога-асана, йога тўшаги сифатида кийик терисини ишлатиш мақсадга мувофиқ, чунки ундан илонларни узоқлаштирувчи хид таралиб туради. Шундай ўриндиқда ўтирган йогни илонлар безовта қилмайди. Лекин, йогни ким безовта қилса ҳам, - илонми, йўлбарсми ёки арслонми, - йог факат Кришна онггида мустаҳкам турганидагина ҳақиқатан ҳам хеч нарсадан кўркмайдиган, кўркув ҳиссидан биратўла халос бўлган бўлади. Шартланган руҳда кўркув ҳиссининг мавжудлиги - унинг Кришна билан ўзаро муносабатларини эсидан чиқаргани оқибатидир. "Шримад Бхагаватам"да(11.2.37) шундай дейилган: *бхайам*

двитийабхинивешатамаҳ сийад ишиад апетасиа випарийайо смритиү. Фақат Кришнани, Худони англаш ёрдамидагина одам қўркув ҳиссидан халос бўлиб, ҳақиқий қўркмас, жасур бўлиш мумкин; шунинг учун агар инсон ўзида Кришна онггини ривожлантирумаса, у ҳеч қачон ҳам мукаммал йог бўла олмайди.

Бундан ташқари, йог биратўла жинсий ҳаётни тарк этиши керак дейилган. Жинсий ҳаёт билан шуғулланиб юрган киши бирор нарсада ўз фикрини жамлай олмайди; шунинг учун, ақлни жиловлаб олиш учун, одам жинсий ҳаётдан тийилиши, брахмачария қонунларига амал қилиши лозим. Жинсий ҳаётни тарк этиш инсонга қатъиятли бўлиш имконини беради. Бизнинг замондошларимиз орасида одамларни беозор яшашга чақириб, Британия босқинчиларига қарши курашган Махатма Ганди ана шундай қатъиятга эга эди. Ўша пайтларда Ҳиндистон Инглизлар хукми остида эди, хиндуларнинг ўзида ҳеч қандай қурол йўқ эди. Ҳар қандай қўзғолонни инглизлар қурол кучи билан дарров бостирап эдилар. Шунинг учун Махатма Ганди ҳалоскорлик курашини бўйсунмаслик ва зулм қилмаслик сиёсати ёрдамида амалга оширишга қарор қилди. "Биз инглизлар билан жанг қилмаймиз, - деди у, - Ҳатто улар зўравонлик қилсалар ҳам биз қўлимизга қурол олмаймиз. Шу билан дунёнинг бошқа халқлари бизни тан олишларига эришамиз". Бундай сиёсатни амалга ошириш учун чуқур эътиқод ва қатъият зарур эди, ва Ганди брахмачарий бўлгани сабабли кучли қатъият соҳиби эди. Гарчи унинг хотини ва болалари бўлса ҳам, у ўттиз олти ёшида жинсий ҳаётни бутунлай тарк этди. Айнан жинсий ҳаётни тарк этгани унинг Ҳиндистон халқини бошқариш ва инглизлардан озод қилиш учун зарур бўлган қатъиятга эга бўлишини таъминлаган эди.

Шундай килиб, биргина жинсий ҳаётни тарк этишнинг ўзи ҳам одамни қатъиятли ва кучли иродали қиласи. Афсуски, ҳозирги одамлар буни билмайдилар. Агар сиз ҳаётда қатъият билан бирор иш қилмоқчи бўлсангиз, жинсий ҳаётни тарк этишингиз лозим. Йога тизимларининг бирортаси - *хатха*-*, бхакти*-*ёки гъяна-йога* - жинсий ҳаёт билан шуғулланишни маъқулламайди. Фақат муносиб фарзандларни дунёга келтириш ва уларни Кришнани англаш руҳида тарбиялашни ният қилган оиласи одамларгагина жинсий алоқа қилиш рухсат этилган. Гарчи, табиатига кўра инсонга ҳиссий лаззат келтиришига қарамай, жинсий алоқа аслида лаззат олиш учун яратилган эмас. Агар жинсий алоқа кишига лаззат бермайдиган бўлса, ким ҳам фарзандларни дунёга келтириб, уларни тарбия қилишни ўз зиммасига оларди? Бизга табиат ато этиб қўйган жинсий алоқа қилиш қобилиятининг асл вазифаси ана шундан иборат, лекин биз уни сұйистемол қилиб, жинсий алоқадан лаззат олиш воситаси сифатида

фойдаланмаслигимиз керак. Ҳаётнинг сири ҳам мана шунда. Ҳиссий лаззатларга муккамиздан кетиб, бизлар ўз умримизни хазон қилиб юрибмиз. "Хоҳлаганча жинсий алоқа қилиб юриб ҳам йога билан ҳам шуғулланавериш мумкин" деган одам - фирибгар, алдоқчи одамдир. Агар қандайдир сохта гурӯ, унга озгина пул тўлаб, мантра олганингиздан кейин, сиз хоҳлаган бемаъни ишингизни қилишингиз ва мукаммалликка эришишингиз мумкин деса, билингки у -ҳақиқий фирибгар, алдоқчи, қаллобдир. Жуда қадрли, қиммат нарсага иложи борича осон йўл билан, арzonгина эришишга интилиб, биз ўзимизни алдашларига имкон яратиб берамиз. Тўғрисини айтганда биз ўзимиз алданишни истаймиз. Қадрли, зарур нарсани сотиб олар эканмиз, биз албатта унга муносиб баҳо беришимиз, бадал тўлашимиз лозим. Заргарлик дўқонига кириб, сотувчидан энг катта бриллиантни арзимаган пулга сотишини талаб қила олмаймиз. Биз унинг учун катта пул тўлашимиз лозим. Худди шунингдек, йогада мукаммалликка, руҳий юксалишга эришиш учун жинсий ҳаёт лаззатидан воз кечишимиз керак. Бу бизнинг тўлаган бадалимиз бўлади. Йогада камолотга эришиш - ёш болаларнинг эрмаги эмас: "Бхагавад Гита" бизни огоҳлантириб айтадики, йога машғулотига жиддий эътибор бермасак, алданиб қолишимиз мумкин. Атрофимизда бизнинг пулимизни ўмариб олиб, эвазига ҳеч нарса бермасдан ғойиб бўлишни истайдиган фирибгар, қаллоблар ивисрисб юрибди. Йоганинг энг олий билимдони, Шри Кришна эса, "Бхагавад Гита"да таъкидлаб айтадики, ҳақиқий йог жинсий ҳаётни бутунлай тарқ этиши керак. "Жинсий ҳаётни тарқ этиб, - давом этади Шри Кришна - у ўз қалбида мавжуд бўлган Менда бутун ақлинни жамлаши ва Мени ҳаётининг олий мақсади қилиб олиши керак". Мана шу ҳақиқий медитация, ҳақиқий муроқабадир.

Кришна бизни бўшлиққа муроқаба қилишга ундумайди. Аксинча, У таъкидлаб айтятпи: - "Ақлни Менда жамлаши керак". Йоганинг мақсади ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган вишну-муртини муроқаба қилишдир. Бу усулини *санкхъя-йога* деб айтадилар, ва унинг асосчиси Худованд Капиладева, Худонинг тўла намоён бўлган кўриниши. Тик ўтирган ҳолда, нигоҳни бурун асосига тикиб, ақлни жиловлаб ва жинсий ҳаётни бутунлай тарқ этиб, инсон ўзининг қалбидаги вишну-муртида фикрини мужассам қила олади. Вишну-мурти ёки Вишнунинг киёфаси деганда биз Шри Кришнани назарда тутамиз.

Кришнани англаш ҳаракатида биз бевосита Шри Кришнага муроқаба қиласиз. Бизнинг муроқаба усулимиз амалий муроқабадир. Кришнани англаш ҳаракатининг аъзолари қандай иш қилмасинлар, уларнинг ақллари ҳамиша Кришнада мужассам бўлади. Боғда ишлар

экан, - "Мен бу чиройли атир гулларни Кришна учун ўстираман, кейин Унга таклиф қиласман!" - деб ўйлади. Ошхонада улар: "Мен бу ширин таомларни Кришна учун тайёрлайпман" - деб ўйладилар. Эхромда куйлаб раксга тушганимизда ҳам биз Кришнани мамнун қилиш учун ҳаракат қиласмиз. Кришнани англаш ҳаракатига қўшилган йигит-қизлар кечак-ю-кундуз Кришнани, Худони ўйлаб юрганлари, Кришнага муроқаба қилиб юрганлари сабабли уларни ҳакиқий йогалар деб хисоблаш керак. Биз одамларни ўзимиз тўқиб чиқарган сохта нарсаларга эмас, "Бхагавад Гита"да кўрсатилган ишонарли, мукаммал йога усулига ўргатамиз. Биз ўзимиздан ҳеч бир нарса ўйлаб чиқармаймиз ва бу таълимотга ўзимиздан бирор янги нарса қўшмаймиз. Бунга "Бхагавад Гита"нинг хоҳлаган бобини ўқиб амин бўлишингиз мумкин. Бизнинг жамиятдаги йоглар ўзларини ҳамиша Кришна ҳакида ўйлаб юришга мажбур қиладиган фаолият билан бандлар. "Инсон қалбида ҳамиша Мени ўйлаб, Мени ҳаётининг олий максади қилиб олиши керак" - дейди Шри Кришна. Мана шу йоганинг мукаммал усулидир: унга амал қиласар экан одам Кришналокага қайтишга ҳозирланади.

*йунджсанн эвам садатманам йоги нийата-манасаҳ*

*шантим нирвана-парамам мат-самстхам адхигаччхати*

"Ўзининг танаси ва ақлининг фаолиятини ҳамиша назорат қилиш билан сеҳргар-йог ақлини ўз ҳукмига тўла бўйсундиради ва, моддий мавжудликни тарқ этиб, Худонинг даргоҳига эришади.(Бг.6.15.).

Бу ерда айтилганки, инсон моддий фаолиятни тарқ этганида у осойишталикка эришади, *шантим нирвана-парамам. Нирвана* сўзи бўшлиқни эмас, балки моддий фаолиятни тарқ этишини билдиради. Осоийишталикка эришишнинг бошқа йўли йўқ. Хиранякашибу беш яшар ўғлидан “мактабда ўрганган нарсаларнинг энг яхшиси ҳакида гапириб бер” деб сўраганида, Прахлада ҳеч иккиланмасдан шундай жавоб беради: *мат садху манье "сурा-варйа дехинам сада самудвигна-дхийам асад-графат* - "Отажон, эй иблисларнинг аълоси, ҳаёт ҳакида дунёвий тасаввурга одамлар ҳамиша хавотирда юрадилар, чунки бу ўткинчи нарсаларни ҳакиқий деб биладилар". Бу ерда ишлатилган *асад-графат* ибораси катта аҳамиятга эга. Бу шунга ишора қиладики, дунёвий одамлар ўткинчи нарсаларга эга бўлишга интиладилар. Инсоният тарихида бунга жуда кўп мисоллар бор. Жаноб Кеннеди жуда бадавлат эди, ва у Америка президенти бўлишга, юксак обрўга эришиш учун шунча катта маблаг сарфлади. Унинг ҳамма нарсаси бор эди: ҳокимияти, чиройли хотини, болалари, лекин у буларнинг барчасида бир зумда маҳрум бўлди. Бахтга қарши бу дунёда яшаётган одамлар ўткинчи нарсаларга эришишни истайдилар.

Улар, ўзлари мангу рух бўлган ҳолда, ўткинчи нарсаларга интилишнинг ҳожати йўқлигини ҳеч тушунгилари келмайди.

Инсон ҳаётда ўзининг танаси учун иложи борича яхшироқ шартшароит яратишга интилади, аммо ўзининг танаси бугун, эртага ёки яна юз йилдан кейин барибир ҳалок бўлиб кетиши ҳақида ҳатто ўйлагиси ҳам келмайди. Ҳаёт ҳақида моддий, дунёвий тасаввурга эга бўлиб яшар эканмиз, биз инсон сифатида ўз вазифамизни бажармаётган ҳисобланамиз, шунчаки ўткинчи тананинг талабларини қондириш билан умримизни зое кетказамиз; шунинг учун Прахлада Махараж айтадики, одамларнинг бу дунёда ҳамиша хавотирда юришларининг боиси шундан иборатки, уларнинг бутун фаолияти ўткинчи нарсаларга эришишга қаратилган. Хоҳ одамлар бўлсин, хоҳ ҳайвонлар ёки қушлар - барча тирик мавжудотлар ҳамиша нимадандир хавотирда юрадилар, мана шу уларнинг моддийлик, дунёвийлик касалига мубтало бўлғанларининг аломатидир. Агар инсон ҳамиша хавотирда юрса, унинг қалби осойишта бўла оладими? Катта саройда яшайдиган бадавлат одамлар дарвозасига "Эҳтиёт бўлинг, қопагон ит бор!", ёки "Бегоналар кириши мумкин эмас!" - деган эълон осиб қўядилар. Гарчи ундан одамлар ўзларига ҳар хил қулийликлар яратиб қўйган бўлсалар ҳам, барибир бирор келиб тинчлигини бузиб қўйишидан қўркиб, хавотирда яшайдилар. Каттароқ маош оладиган ҳар қандай хизматчи ўзининг эгаллаб турган ишидан ажралиб қолишдан қўрқади. Америка жуда бой давлат, аммо, ўзларининг бойлигини ҳимоя қилиш учун улар катта армия саклаши керак. Шундай қилиб, ким "мен бехавотир яшяпман", деб айта олади? Агар биз барча хавотирлардан ҳолос бўлишни, ҳамиша хотиржам, осойишта ҳаёт кечиришни истасак Кришна онггида яшашимиз лозим. Бунинг бошқа йўли йўқ.

Осойишталика эришиш учун Кришнага муроқаба қилиш лозим, ўз навбатида Кришнани муроқаба қилиш эса, бизга танамизни бошқаришга ёрдам беради. Энг аввало тилни, ундан кейин жинсий аъзоларни жиловлаш лозим. Шунда биз бошқа ҳиссиёт аъзоларини жиловлай оламиз. Тилни жиловлаш учун Худонинг муқаддас номларини такрорлаш ва Кришнанинг прасадини ейиш керак. Тилни жиловласак, биз нафсимизни, корнимизни кейин жинсий аъзоларимизни ҳам жиловлаган бўламиз. Аслини олганда тана ва ақлни жиловлаш мушкул эмас. Шунчаки ақлни ҳамиша Кришнада, Худои Таолода мужассам қилиш ва унинг бошқа нарсаларга чалғиб кетишига йўл қўймаслик керак. Шунда биз табиий равишда уни жиловлаб олган бўламиз. Нима билан машғул бўлсанк ҳам - боғда ишлаймизми, машинкада ёзамизми, овқат тайёрлаймизми ёки пол ювамизми - ҳамма ишни Кришна учун, Худо учун қилиш керак.

Ўзининг танасини, ақлини ва бутун фаолиятини Кришнага бағишилаган киши манбаи Кришнанинг Ўзи бўлган энг юксак осойишталик ҳолатига, нирванага эришади. Бутун борлик Кришнада мужассам, шунинг учун фақат Кришна онгги билан ҳаракат қилиш орқалигина ҳақиқий, мустаҳкам осойишталикка эришиш мумкин.

Шундай қилиб, "Бхагавад Гита"нинг бу шеърларида йоганинг мақсади аниқ равshan қилиб кўрсатилган. Йога ўткинчи моддий нарсаларга эришиш учун мўлжалланмаган; йога - моддий мавжудлиқдан халос бўлиш имконини берадиган йўлдир. Агар бизга моддий нарсалар керак бўлса, уларга эришиш

мумкин, аммо улар ўз ҳолича ҳаёт муаммоларини ҳал қила олмайди. Мен бутун дунёни айланиб чиқдим, айта оламанки, бошқа ҳар қандай давлатга қараганда Америкада яшаш шароити жуда яхши, аммо бу билан биз америкалик йигит қизлар бехавотир, беташвиш яшаяпти деб айта оламиزمи? Уларнинг бирортаси мен ҳаётда бутунлай ҳаловатда, осойишта, бехавотир яшаяпман деб айта оладими? Агар шундай бўлса, нима сабабдан америкалик ёшлар ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлиб, қийналиб, аросатда яшаяпти?

Ҳар хил моддий нарсаларга эришиш учунгина йога билан шуғуллансан, биз ҳеч қачон ҳам осойишталикка эриша олмаймиз. Йога билан фақат Кришнани англаб етиш ва У билан ўзимизнинг азалий муносабатимизни қайта тиклаш учун шуғулланиш лозим. Аксарият одамлар соғлигини тиклаш ёки озиш учун йога машғулотларига қатнашадилар. Бадавлат мамлакатларнинг одамлари керагидан кўп овқат еганлари сабабли тез семириб кетадилар, ва улар озиш учун йога усусларини ўргатувчи сохта гуруларга катта пул тўлашлари керак. Одамлар ўйлаб топилган ҳар хил гимнастик машқлар ёрдамида озишни истайдилар, лекин, агар фақат мева ва сабзавотлар, дон маҳсулотлари билан овқатланиб юрсалар ҳеч қачон семирасликлари ҳақида хатто билмайдилар ҳам. Одамлар ўзларининг нафслари касофатидан, нафсиға кучи етмай гўшт егани сабабли семирадилар. Одатда кўп овқат ейдиган одам диабет касалига, семиришга, юрак касалликларига мубтало бўладилар, жуда кам овқатланадиган кишилар эса, туберкулез ва бошқа касалликларга учрайди. Шунинг учун биз овқатланишда камсукум бўлишимиз, меъёрида овқатланишимиз керак. Яъни, рухни танада сақлаб туриш учун қанча зарур бўлса, шунча микдорда овқатланишимиз лозим. Агар биз меъёридан кўп ёки кам овқатлансак, албатта бирор касалликка учраймиз. Буларнинг ҳаммаси куйидаги шеърларда тушунтирилган:

*нати-аинатас ту його "сти на чаикантам анаинатаҳ  
на чати-сванна-шиласайя джаграто наива чарджуна*

"О Аржун, жуда кам, ёки жуда кўп овқатланадиган, жуда кам ёки жуда кўп ухлайдиган одам ҳеч қачон йог бўла олмайди.(Бг.616)

*йуктахара-виҳарасйа йукта-чештасйа кармасу  
йукта-сванна-вабодхасийа його бхавати духкха-ха*

"Меъёрида овқатланиш, ухлаш, меҳнат қилиш ва дам олиш билан бирга йога билан шуғулланиб юрган одам ҳаётда барча моддий азоб-укубатлардан халос бўлиши мумкин".(6.17). Биз ўзимизни очликка солиб қийнамаслигимиз лозим. Қандай иш билан машғул бўлишидан қатъий назар одам ўзининг танасини соғлом холатда сақлаши лозим; бунинг учун эса, тўғри овқатланиш керак. Шунинг учун Кришнани англаш ҳаракати аъзолари факат Кришна-prasад билан овқатланадилар. Агар организмингиз талаб қилиб турган бўлса, сиз кунига беш килограмм овқат ҳам ейишингиз мумкин. Аммо, агар сиз факат очқўзлигингиз сабаблигина шунча овқат есангиз касал бўласиз.

Шундай қилиб, амалда Кришна онггига эришиш жараёни ҳар хил кўринишдаги фаолиятлардан иборат, ва улар хамиша руҳий даражадаги фаолият ҳисобланади. Моддий фаолиятни тарқ этиб, биз ҳеч қачон "бўшлиққа қўшилиб кетмаймиз", бу шунчаки хом хаёл. Худонинг даргоҳининг ҳеч бир жойида бўшлиқ йўқ. Мен бўшлиқ эмасман, мен - руҳман. Агар мен бўшлиқ бўлсам, бўшлиқда менинг танам ривожланмаган бўлар эди. Ерга ўтқазилган кичкина уруғдан катта дараҳт ўсиб чиқади. Худди шунингдек, отанинг уруғидан онанинг қорнида боланинг танаси ривожланади. Шундай экан, бўшлиқ ҳакида қандай гап бўлиши мумкин? "Бхагавад Гита"нинг ўн тўртинчи бобида Шри Кришна шундай дейди:

*сарва-йонишу каунтейа муртайаҳ самбхаванти йаҳ  
тасам брахма маҳад йонир аҳам биджса-прадаҳ пита*

"О Кунтининг ўғли, билгинки, ҳаётнинг ҳар хир турлари моддий табиат қорнида пайдо бўлади, Мен эса - уларга уруғлик берувчи Отаман". Кришна моддий табиатни уруғлантиради, ва натижада турли-туман тирик мавжудотлар дунёга келади. Бунга ҳеч қандай шубҳа қилиб бўлмайди. Агар бутун борлиқнинг манбаи бўшлиқ бўлса, ана шу таналар қандай қилиб ривожланган бўларди?

Аслини олганда нирванага эришиш - "бирор моддий танада қайта туғилишдан кутулиш" деганидир. Нирвана дегани биз ўзимизнинг танамизни бўшлиққа алмаштириш, йўққа чиқариш дегани эмас. Нирвана бошқа нарсани билдиради: биз азоб-укубатларга тўла дунёвий ҳаётни йўққа чиқаришимиз керак, ёки бошқача қилиб айтганда, ўзимизнинг моддий танамизни руҳийлаштиришимиз лозим. Инсон руҳий танага эга бўлганида у аслида, "Бхагавад Гита"нинг ўн бешинчи бобида таърифланган Худонинг даргоҳига кирган бўлади(15.6).

*на тад бхасайате сурйо са шашанко на павакаҳ  
тайд гатва на нивартанте тад дхама парамам мама*

"Менинг олий даргоҳим на қүёш, на Ой, на электр нури билан ёритилмайди. Үнга эришган одам ҳеч қачон бу моддий оламга қайтиб тушмайди".

Шундай қилиб, Худо яратиб қўйган оламнинг ҳеч бир жойида бўшлиққа ўрин йўқ. Рухий оламнинг барча сайёralари худди қўёшдек ўзидан нур таратиб туради. Худонинг салтанати ҳар ерда мавжуд, аммо рухий олам ва унинг сайёralари олий даргоҳ, парам дхамадир. Аввал айтиб ўтилганидек, *парам дхама* на қүёш, на ой ва на электр нурига муҳтоҷ әмас. Биз яшаётган оламда үнга ўхшаган жой йўқ. Космик кемада қанчалик узокқа учмайлик, ҳамма вақт бизга қўёш нурлари ҳамроҳ бўлади. У бутун коинотга сингиб, унинг ҳамма ерини қамраб олган, шунинг учун на қўёш, на Ой ва на электр нури билан ёритилмайдиган даргоҳ моддий коинотдан ташқарида бўлиши керак. Моддий табиат тамом бўлган жойдан рухий табиат бошланади. Тўғрисини айтганда, биз ҳали моддий табиат ҳақида ҳам ҳеч нарса билмаймиз, биз ҳатто унинг қандай пайдо бўлгани ҳақида ҳеч нарса билмаймиз. Шундай экан, моддий борликдан ташқарида ётган рухий табиат ҳақида нимани ҳам била олардик? Бунинг учун, ўша оламда яшайдиган Кришнага мурожаат қилишимиз лозим, акс ҳолда биз гофилигимизча қолаверамиз.

Рухий оламнинг қисқача таърифи "Бхагавад Гита"да берилган. Биз хиссиятларимиз қабул қила олмайдиган нарсани қандай била олишимиз мумкин? Бизнинг сезги аъзоларимиз шунчалик номукаммал, яроқсиз экан, биз қандай қилиб илм ўрганишимиз мумкин? Бунинг учун шунчаки тинглашимиз ва эшитганимизга ишонишимиз лозим. Агар биз отамизнинг ким эканини билишни истасак, ўтказган тажрибаларимиз, ва изланишларимиз бизга ёрдам бера олмайди. Биз буни фақат онамиздан сўраб билишимиз мумкин. Онамиз бизга - "Мана шу сенинг отанг!" - дейди, ва биз үнга ишонишимиз лозим. Худди шундай, агар биз рухий олам ҳақида, Худонинг даргоҳи ҳақида билишни истасак, ишонарли манбаларга - Ведаларга мурожаат қилишимиз лозим. Ведаларни она деб ҳисоблайдилар (*веда-матта*), чунки ундаги илмлар худди биз онамиздан ўрганадиган илмга ўхшайди. Илм олиш учун уни ишониб қабул қилишимиз лозим. Ўзимизнинг мукаммал бўлмаган сезги органларимизга ишониб ва тажриба ўтказишлар ёрдамида рухий илм олишнинг иложи йўқ.

Худони, Шри Кришнани мукаммал англаб етган йог, Худои Таолонинг Ўзининг айтишига кўра, *шантим нирвана-парамам мат-самстхам адхигаччати*, - ҳақиқий осойишталиқ ҳолатида бўлади ва охир оқибатда Кришналока, ёки Голока Вриндавана деб аталадиган

Худонинг олий даргоҳига эришади. "Браҳма Самхита"да аниқ равшан айтилганки, гарчи Худои Таоло Ўзининг даргоҳи, Голокани ҳеч қачон тарк этмаса ҳам(голока эва нивасати акхилатта-бхутах), Ўзининг олий руҳий қуввати ёрдамида бутун борликка Брахман сифатида сингиб кетган ва Парamatma кўринишида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам жойлашган. Биз Вайкунтханинг руҳий сайёralарига ёки Худонинг мангударгоҳи, Голока Вриндаванага фақат Кришнанинг ким эканини ва Унинг тўлиқ экспансияси Вишнунинг ким эканини тушунганимиздагина эриша оламиз. "Браҳма Самхита"да таъкидланишича биз бу илмни ишонарли манбадан - веда-матадан олишимиз лозим. "Браҳма Самхита"да айтилганки, Парвардигори олам фақат Ўзининг даргоҳи, Голока Вриндавандагина мавжуд эмас; У ҳамма ерда мавжуд: голока эва нивасати акхилатта-бхутах. У худди қуёшга ўхшайди - гарчи қуёш биздан миллиард километрлар узоқда бўлса ҳам, айни пайтда бизнинг ёнимизда, бизнинг хонамида ҳам мавжуд.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Кришна онггида харакат қилиб яшовчи инсон комил йог ҳисобланади, чунки унинг ақли хамиша Кришнанинг кароматлари ҳақидаги ўйлар билан банд. *Са вай манаҳ кришна-падаравиндаюҳ*. Ведаларда яна айтилганки: *там эва видитвати мритийум эти* – "Туғилиб-ўлишларнинг чексиз тақрорланишидан фақат Шри Кришнани, Худонинг Олий Шахсини англаб етган киши халос бўла олади". Шундай қилиб, йоганинг камолоти бегуноҳ одамларни алдаб, ҳар хил жисмоний машқлар ёки турли сеҳр-мўъжизалар кўрсатишда эмас, моддий ҳаёт тутқунлигидан халос бўлишдан иборат.

Аввал айтиб ўтганимиздек, йога билан шуғулланиш учун инсоннинг овқатланишида, ухлашида ва меҳнат қилишида маълум меъёр, ўлчам бўлиши керак. Биз овқат ёки уйқудан бутунлай воз кеча олмаймиз, чунки йога жараёнидаги ҳар бир харакатни биз танамиз ёрдамида бажарамиз. Бошқача қилиб айтганда, биз ўзимизнинг ногаҳон тушиб қолган ҳаётдаги ҳозирги ҳолатимиздан иложи борича унумлироқ, самаралироқ фойдаланишимиз лозим. Ҳозирги моддий танамиз ноўрин, ногаҳон, билмасдан эга бўлган нарсамиздир, чунки у ҳаётдаги барча азоб-уқубатларимизнинг манбаи ҳисобланади. Лекин бу азоб-уқубатлар мангударгоҳи таъсир қилмайди, ва ўзининг азалий, асл ҳолатида тирик мавжудот соғлом, руҳий ҳаёт билан яшайди. Бизнинг азоб-уқубатларимиз ва касалликларимизнинг сабаби шундан иборатки, биз моддий олам билан кўшилиб, нопок ҳолатга тушиб қолганмиз. Моддий мавжудлик ҳолатидаги руҳ ўзининг табиатига хос бўлмаган касал ҳолатида ҳисобланади. Бу касаллик нимада намоён бўлади? Бунга жавоб ўз-ўзидан кўриниб турибди. Бизнинг касаллигимиз

шундан иборатки, биз моддий тана ичига тушиб қолганмиз. Аслини олганда танамизнинг бизга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мен ўзимнинг танам ҳакида “Менинг танам”, дейман, аммо, аслини олганда, у менинг касаллигимнинг белгисини, ташки намоён бўлишини билдиради. Бу дунёда ҳар бир одам ҳар хил кийим кийиб олган. Танасининг рангига қараб - қизилми, буғдорангми, оқми, қорами ёки сариқми - биз ўзимизни хиндистонлик, америкалик, индус, мусулмон, христиан ва ҳоказо деб ҳисоблаймиз. Бундай тасаввурларнинг барчаси бизнинг касаллигимизга, ўзимизнинг асл табиатимизга хос бўлмаган ҳолатга тегишилдири. Йога, - Парвардигори олам билан ўзимизнинг азалий муносабатимизни қайта тиклаб, ана шу ғайритабиий ҳолатдан қутулишимиз, озодликка чиқишимиз учун мўлжалланган.

Бизнинг вазифамиз - худди қўлларимиз бутун тана билан боғлиқ бўлгани сингари, ҳамиша Парвардигори олам, Худои Таоло билан боғланган ҳолатда бўлишдир. Биз Парвардигори оламнинг ажралмас бўлакларимиз, қўл эса тананинг ажралмаган бир бўлаги. Қўл тана билан боғланган экан, у қадрли, аммо, агар уни танадан ажратиб олсак, унинг ҳеч қандай қадр-қиймати қолмайди. Худди шунингдек, моддий оламга тушиб қолиш натижасида биз Худо билан муносабатимизни алоқамизни узиб қўйганмиз. Тўғрисини айтганда, Худои Таоло билан алоқани узишнинг ҳам иложи йўқ, чунки бу алоқа мангур. Худо бизнинг ҳаётимиз учун зарур бўлган ҳамма нарсани мухайё қилиб қўйибди. Ҳеч ким бу дунёда Кришнасиз яшай олмагани сабабли, биз У билан ҳамиша боғланганмиз. Шунинг учун, биз ўзимизнинг Кришна билан ҳамиша боғлиқ эканимизни унтиб қўйганмиз, деган тўғрироқ бўлади. Шу сабабли биз, борлиқнинг Худонинг қонунларини бузадиган зотлар учун ажратилган қисмига тушиб қолганмиз. Давлат қамокхонадагиларга ҳам ғамхўрлик қилишда давом этаверади, лекин уларни бошқа фуқаролардан ажратиб қўяди. Биз ҳиссиётларимизни Кришна онгидаги вазифаларимизни бажаришда ишлатиш ўрнига, уларни ҳар хил бемаъни фаолият билан машғул бўлиш билан банд қилганимиз сабабли Худои Таоло бизни бошқалардан ажратиб қўйибди.

Ўзимизни Худои Таоло, Шри Кришнанинг мангур хизматкорлари деб ҳисоблашнинг ўрнига, биз миллатга, давлатга, эримизга, хотинимизга, итимизга ёки яна кимларгадир хизмат қилишни "ўз бурчимиз" деб биламиш. Ана шу Кришна, Худои Таоло билан ўзимизнинг мангур муносабатларимизни унтиш, инсон сифатида ҳаётдаги асл вазифамизни эсдан чиқариш деб аталади. Бундай унтишнинг сабаби нимада? Нима сабабдан биз ўзимизнинг мангур бурчимизни унтиб қўямиз? Бунинг сабаби биз моддий тана шароитига тушиб, шартланиб қолганимиздир. Агар Америкада

туғылсам, ўзимни америкалык деб ҳисоблайман. Ҳар қандай мамлакат фүқароси ҳам ҳаёт ҳақида, ўзи ҳақида ана шундай тасаввурға эга бўлади. Мен ўзимни америкалык деб ҳисоблаганим учун, Америка хукумати мени Америка учун жонимни беришга чакиради. Буларнинг ҳаммаси инсон ўзини тана деб ҳисоблагани сабабли рўй беради; аммо, агар одамнинг ақл-идроқи, тафаккури етарли ривожланган бўлса, у ўзининг барча азоб-уқубатларининг сабабчиси моддий танаси эканини тушуниши ва ўзини кетма-кет ўлиб-тирилишлар давомида моддий таналарнинг ичида камалиб яшашга мажбур қиласиган номаъқул ҳаракатлар қилмасликка ҳаракат қилиши керак. "Падма-пурана"да таъкидланишига қараганда моддий оламдаги ҳаёт шаклларининг ёки моддий таналарнинг 8.400.000 тури мавжуд. Уларнинг барчаси - хоҳ у америкаликтининг, хоҳ индуистининг, хоҳ ит ёки чўчқанинг танаси бўлсин - ҳар хил даражада моддийлик билан булғанганликни акс эттиради. Шунинг учун, йога билан шуғулланиш йўли - биз аслида моддий тана эмаслигимизни тушунишдан бошланади.

Энг аввало, "Бхагавад Гита"да айтилишига кўра, моддий танамизнинг бизга кўрсатадиган нопок таъсиридан қутулишимиз лозим. "Бхагавад Гита"нинг иккинчи бобида, Аржун жангда қатнашишдан бош тортгандан кейин, Худо Шахси Шри Кришна унга шундай деди: - "Бундай доно гапларни гапира туриб, сен ачинишга арзимайдиган нарсаларни қайғуриб, қийналяпсан. Доно одамлар на ўликларни, на тирикларни қайғурмайдилар".(Бг.2.11). Аржун ҳаёт ҳақида тана нуқтаи-назаридаги тасаввур билан фикр юритарди. У ўзининг қариндошлари билан жанг қилиши керак бўлгани учун, жанг майдонини тарқ этиб кетмоқчи эди. Унинг ҳаёт ҳақидаги барча фикрлари, тасаввурлари ўзини моддий тана деб тушуниш билан чекланган эди. Шунинг учун, Аржун Шри Кришнани ўзига руҳий устоз қилиб танлаган заҳоти, худди шогирдига яхшилаб танбех берадиган устоз сингари, Худои Таоло уни қаттиқ койиди. Шри Кришна Аржунга шундай деди: - "Сен худди қўп нарса биладиган кишига ўхшаб гапиряпсан, аммо аслида гапларингнинг ҳеч қандай маъноси йўқ, чунки сенинг ҳаёт ҳақидаги тасаввуринг моддий тана тушунчаси билан чекланган". Аржун сингари, жаҳонда жуда кўп одамлар, гарчи ҳаёт ҳақида ўзларини моддий тана деб ҳисоблаган ҳолда фикр юритсалар ҳам, ўзларини машҳур билимдон, файласуф ва сиёсатчи деб ҳисоблайдилар.

Бургут ердан жуда катта баландликка - ўн-ўн бир километр баландликка кўтарилиш қобилиятига эга. Бунинг устига у шу қадар кучли кўриш қобилиятига эгаки, ана шундай катта баландликдан ҳам ўзининг ердаги кичкина ўлжасини - ерда ётган бирор ўлаксани аниқ кўра олади. Лекин, унга ана шундай ўткир қобилиятнинг нима кераги

бор? Унга бу қобиляят фақат ўзига емиш топиш учун, бирор үлаксани топиш учун керак. Худди шунингдек, бизлар ҳам жуда кўп илмга эгамиз, лекин биз улардан қандай мақсадда фойдаланамиз? Ҳиссий лаззат олиш учун, улардан фақат моддий танамизга лаззат келтириш учун фойдаланамиз. Космик кемаларда биз жуда катта баландликка кўтарилишимиз - нима мақсадда? - Фақат хиссиётимизнинг талабларини қондириш учун. Демак, инсон сифатида илм-фан соҳасида шунча ривожланганимизга, шунча кўп илмга эга бўлганимизга қарамай, фақат хиссиётимиз, нафсимиз талабинигина қондириб, биз ҳалигача ҳайвонлар даражасида юрибмиз.

Шунинг учун биринчи навбатда шуни тушунишимиз лозимки, ҳаётдаги барча азоб-уқубатларимизнинг, муаммоларимизнинг сабабчиси - бизнинг моддий танамиз ҳисобланади. Яна шуни ҳам англаб етиш лозимки, танамиз мангу эмас. Мен ўзимни танамга, оиламга, миллатимга, мамлакатимга, ватанимга ва бошқа кўп нарсаларга қиёслашим мумкин, аммо бу қиёслашлар қанча давом этади? Бундай қадриятларнинг барчаси ўткинчи. асат ибораси "Эртами-кечми барибир йўқ бўлиб, ўз аҳамиятини йўқотиб кетадиган" деган маънони англатади. асанн ани клемшиади аса дехах - "моддий тана ўткинчи ва бизга ҳар хил ноқулайликлар келтиради".

Кўпчилик одамлар менинг олдимга келиб шундай мурожаат қиласидилар: - Свамиджи, мен жуда катта муаммоларга дуч келиб турибман! Лекин мен уларга барча муаммоларини бартараф қиласидиган йўлни таклиф қилсам, улар бу йўлдан бош тортадилар. Демак, улар муаммоларни ҳал қилишнинг ўзлари истаган усулини ихтиро қилишни хоҳлайдилар. Агар биз ўзимиз даволанмокчи бўлсак, унда врачнинг олдига боришнинг нима кераги бор? Одамлар фақат ўзларига ёқадиган, ўзларининг фикрича, ўзига мос келадиган усулини истайдилар.

Гарчи биз, танамиз бефойда, ўткинчи, у шунчаки моддий унсурлар тўплами деб айтсак ҳам, тана ҳақида умуман ўйлашнинг кераги йўқ, уни авайлашни бас қилинг, демаймиз. Масалан, ишга бориш учун биз автомашинадан фойдаланамиз. Биз машина эмасмиз, бу унга бефарқ қараш керак дегани эмас. Машинани ҳамиша ишга яроқли ҳолатда сақлаш лозим, лекин бунга жуда берилиб кетиш, бутун вактимизни ҳар куни ўн марта машина ювиш билан ўтказиш керак эмас. Худди шунингдек, моддий танамизни Кришна онгидаги фаолият билан машғул қилиш учун биз уни ҳамиша соғлом, ишга яроқли ҳолда сақлашимиз, айни пайтда бутун вактимизни уни парваришлашга кетказиб, унга каттиқ боғланиб қолмаслигимиз лозим. Ана шундай муносабат юкта-вайрагя деб аталади. Биз танамизни эътиборсиз қолдирмаслигимиз керак. Танамиз ва ақлинизнинг соғлом ҳолатини

сақлаб туриш учун гигиена қоидаларига амал қилиш ва овқатланиш ва ухлашни тартибга келтириш керак. Баъзи бир одамлар моддий танадан воз кечишни, уни наркотик моддалар билан захарлашни таклиф қиласилар, аммо бундай усулларнинг йога усулларига хеч қандай алоқаси йўқ. Кришна бизга ажойиб ризқ-рўз бериб қўйиби - мевалар, дон маҳсулотлари, сабзавотлар ва сут маҳсулотлари - улардан Худои Таоло учун юзлаб, минглаб ширин таомлар тайёрлаш мумкин. Биз тилимизнинг, нафсимизнинг талабини Кришнанинг марҳамати, Унинг қолдирган табаррук саркити билан қондиришимиз лозим. Лекин очкўзлик билан ўнлаб самоса, ўнлаб ширин шарик ва расагуллаларни бирданига еб қўймаслик керак. Тананинг соғлом ҳолатини сақлаб туриш учун қанча керак бўлса шунча ейиш керак. "Бхагавад Гита"да шундай дейилган:

*йуктахара-виҳарасия йукта-чештасия кармасу  
йукта-сватнавабодхасия його бхавати духхха-ҳа*

"Овқатланиш, ухлаш, меҳнат қилиш ва дам олишни меъёрида қиласиган киши йога билан шуғулланиб ҳаётдаги барча моддий азоб-укубатлардан халос бўлиши мумкин"(Бг.6.17).

Гарчи биз овқатланишни ва ухлашни чеклашга ҳаракат қилсак ҳам, бу ишларни бирданига, шошилиб қилишнинг ҳожати йўқ, акс ҳолда касалланиб қолиш мумкин. Одамлар кўпроқ овқат ейишга ўрганиб кетганлари сабабли белгиланган кунларда рўза тутиш, яъни оч юриш тавсия қилинади. Биз кам еб, кам ухлашимиз мумкин, аммо руҳий юксалишимизни, руҳий машғулотларимизни, руҳий ҳаётимизни таъминлаб турувчи соғлигимизни биринчи ўринда қўйишимиз лозим. Овқатланиш ва ухлашни бир меъёрга келтириш ғайритабиий ва шошилинч йўллар билан амалга ошмаслиги керак. Руҳий юксалишда юкори погонага кўтарилгандан кейин биз Рагхунатха дас Госвами сингари, ҳеч қўйналмасдан танамизнинг эҳтиёжларини камайтиришимиз мумкин. Гарчи унинг отаси жуда бадавлат одам бўлса ҳам, Рагхунатха Худованд Чайтаня Махапрабху олдига бориши учун уйини тарқ этиб кетди. Рагхунатха оилада ёлғиз фарзанд эди ва отаси уни каттиқ севарди. Рагхунатханинг Жаганнатха-пурига, Чайтаня Махапрабху олдига кетганини билиб, отаси унга тўрт хизматкор ва жуда кўп пул бериб юборди. Аввалига Рагхунатха бу пулларни олди ва шахарда яшайдиган барча саннийасилар учун зиёфатлар уюштириб турди.

Орадан анча вакт ўтгандан кейин, зиёфатлар тўхтаб қолганини кўриб, Худованд Чайтаня Махапрабху котиби Сварупа Дамодарадан сўради: - Рагхунатха анчадан бери Мени зиёфатга таклиф қилмай қўйди. Нима бўлди экан?

- Рагхунатха энди отаси юбораётган пулларни олмасликка қарор қилибди.

- Жуда яхши иш қилибди, - деди Чайтаня Махапрабху.

Рагхунатха шундай мулоҳазага борган эди: - Мен иккисизламачиман. Мен таркидунёлик қилдим десам ҳам, ҳалигача отамнинг мол-дунёсидан фойдаланиб юрибман.

Шунинг учун у отасининг юбораётган пулларидан воз кечди ва хизматкорларини уйига жўнатди.

- Энди у қандай кун кечиряпти? - деб сўради Чайтаня Махапрабху.

- У кун бўйи Жаганнатха эҳромининг зинапояларида туради ва диндорларнинг уйларига кетаётиб берган прасад-садақалари билан кун кечиряпти.

- Жуда яхши. - деди Чайтаня Махапрабху.

Шундан кейин Чайтаня Махапрабху ҳар куни Рагхунатхани эҳром зиналарида учратиб юрди. Бу ҳол анча вакт давом этди. Лекин, Рагхунатха яна кўзга кўринмай қолди, Чайтаня Махапрабху яна ўзининг котибидан сўради: - Нимага Мен Рагхунатхани учратмаяпман?

- Рагхунатха ўзининг аввалги одатини тарк этди, - деди Сварупа Дамодара, - у "мен бу ерда худди фохишалардек, қачон менга бирор овқат берар экан, деб кутиб тураман. Бу яхши эмас." - деб ўйлабди.

- Жуда яхши. - деди Чайтаня Махапрабху - лекин у нима билан тирикчилик қилипти?

- Ҳар куни ошхонанинг ортида, ахлатга ташланган ачиган гуруч билан тирикчилик қилиб юрибди.

Рагхунатхани илҳомлантириш учун Чайтаня Махапрабху бир куни уни кўргани борди.

- Рагхунатха, - деди Худои Таоло, - сенинг жуда ширин таом еб юрганингни эшитдим. Нимага сен бу таомга Мени ҳам таклиф қилмаяпсан?

Рагхунатха ҳеч нарса деб жавоб бермади, аммо Чайтаня Махапрабху унинг гуручларни қўйган жойини дарров топди ва озгина гуруч олиб ея бошлади.

- Эй Худойим, - илтижо қилди Рагхунатха, - илтимос, бунга тегма! Сен бундай таомни емаслигинг керак! Бундай таом Сенга муносиб эмас.

- Нимага? Бу таомнинг нимаси ёмон? Бу ахир Худованд Жаганнатханинг табаррук сарқити-ку!

Рагхунатха "мен шунчаки оддий, ачиган гуруч билан кун қўриб юрибман", деб ўйламслиги учун Худованд Чайтаня Махапрабху атайлаб шундай қилди. Шу ҳодисадан кейин Рагхунатха дас Госвами овқатланишини яна ҳам камайтирди ва икки кунда бир марта озгина

қатик(творог)нинг суви - пахта билан озиқдана бошлади. Бунинг устига у ҳар куни юз марталаб сажда қилар, ва Худонинг муқаддас номларини бетиним зикр қилар эди. *санкхъа-пурвака-нама-гана-натибхих қалавасаний-кртаяу*.

Гарчи Рагхунатха дас Госвамининг бу иши моддий эҳтиёжларни чеклашни қандай амалга ошириш учун энг яхши ўрнак бўлса ҳам, биз ҳаётда худди шундай қилиб ҳаракат қилишга уринмаслигимиз керак. Оддий одам Вриндаванлик машҳур олти Госвамининг бири ва Худои Таоло Чайтаня Махапрабхунинг буюк ҳамроҳларидан бири бўлган Рагхунатха дас Госвамига тақлид қила олмайди. Олти Госвамининг ҳар бири Кришна онгига эришишнинг юксак намуналарини кўрсатиб кетганлар, лекин биз уларга тақлид қилмаслигимиз, худди улардек ҳаракат қилмаслигимиз керак. Бизнинг бурчимиз - қудратимиз етганча уларнинг изидан боришга ҳаракат қилишдир. Агар бизлар ҳам, тезрок Рагхунатха дас Госвамидай бўлиш учун унга тақлид қила бошласак, албатта омад биздан юз ўгиради ва эришган барча натижаларимиздан маҳрум бўлиб қоламиз. Шунинг учун Парвардигор "Бхагавад Гита"да(6.16) айтадики, агар одам жуда кўп овқат еса, ёки жуда кам овқат еса, йога билан шуғуллана олмайди.

Шундай талаб уйкуга ҳам қўйилган. Фараз қилайлик, одатда мен кунига ўн соат ухлайман. Лекин ҳамиша сергак ва соғлом бўлиб юришим учун беш соатлик уйқу етарли бўлса, шунча кўп ухлашнинг нима ҳожати бор? Тирик мавжудотнинг моддий танаси тўрт нарсага эҳтиёж сезади - овқатланиш, ухлаш, жинсий алоқа ва ҳимоя. Ҳозирги замон цивилизациясининг нуксони шундан иборатки, у тананинг мана шу эҳтиёжларини камайтириш ўрнига уларни кўпайтиришга, ривожлантиришга, узайтиришга интилади. Ўзингизга қанчалик зарур бўлса, шунча енглар, шунча ухланглар - шунда сиз соғлом бўласиз. Аммо, Худонинг буюк содикларига тақлид қилманг.

Ўзининг моддий танасининг эҳтиёжларини камайтирган, чеклаб қўйган киши қандай натижаларга эришади?

*йада внийатам читтам аттами эваватиштхате  
нисприхах сарва-камебхий ўйкта ими учияте тада*

"Йог ақлининг фаолиятини қаттиқ назорат остига олиб, уларни тартибга солганида, ва моддий истаклардан биратўла халос бўлиб, руҳий борлиққа эришанида, уни йога машғулотида мустаҳкам ҳолатга эришган деб ҳисоблайдилар."(Бг. 6.18).

Йогада камолотга эришиш - ақлни ҳамиша бир хил ҳолатда, мувозанатда тутиб туриш демакдир. Моддий жиҳатдан бунинг иложи йўқ. Оддий бадиий адабиётни, масалан бирорта романни бир марта ўқиб чиққандан кейин, сиз уни бошқа ўқигингиз келмайди, аммо, "Бхагавад Гита"ни ҳар куни такрор ва такрор ўқийверишингиз мумкин,

у сизнинг жонингизга тегиб кетмайди. Агар сиз бирор одамнинг номини ярим соат давомида такрорласангиз, ёки оддий дунёвий қўшикларни бир неча марта такрорлаб куйласангиз, у дарров сизнинг жонингизга тегиб кетади. Аммо, Харе Кришна мантраси, ҳатто уни кекаю-кундуз такрорласангиз ҳам жонингизга тегиб кетмайди. Демак, фақат руҳий, илоҳий товуш ёрдами билангина ақлни мувозанатга келтириш мумкин. Шу тарзда ақлини мувозанатга келтира олган одамни йоганинг олий поғонасига эришган одам деб атайдилар.

Йога машғулотида камолотга эришган зотлардан бири Амбариша Махараж эди; у ўзининг бутун ҳиссиётини Худога хизмат қилиш билан машғул қилган эди. "Шримад Бхагаватам"(9.4.18-20)да шундай дейилган:

*са вай мана кришна-падаравиндаиор  
вачамси вайкунта-гунануварнане  
карау харер мандира-маррджсанадишу  
шрутим чакарачайта-сат-катходайе  
мукунда-лингалаиа-даршиане дришиау  
тад-брхития-гатра-спарие "нга-сангамам  
хранам ча тат-пада-сарожда-саурабхе  
шират-туласия расанам тад-арпите  
падау харех киетра-паданусарпане широ  
хришикеша-падабхивандане  
камам ча дасие на ту кама-камайай  
йатхомтамашлок-джанашрраиа ратиҳ*

"Шоҳ Амбариша энг аввало ақлини Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қилди. Кейин у ўзининг гапириш қобилиятини Худои Таолонинг илоҳий сифатларини шарафлашга бағишлиди, кўллари билан Худонинг эҳромларини тозалади, кулокларини Худонинг гаройиб кароматларини тинглаш билан банд қилди; кўзлари билан Парвардигорнинг илоҳий қиёфасини томоша қилди, танаси билан Худонинг содикларини бағрига босарди; бурни билан у Худонинг нилуфар қадамлари пойига тақдим қилинган Туласи гулининг баргларини хидларди; оёқларидан у мукаддас қадамжоларни ва Худонинг эҳромларини зиёрат қилиш учун фойдаланарди, бошини у Худонинг олдида эгарди, ўз истакларини эса, Худонинг хизматини қилишга бахшида қилган эди. Мана шу ишларнинг барчаси - Худонинг соғ содик хизматкорлари шуғулланадиган ишлардир".

Инсонни барча моддий истаклардан халос қиласидиган йоганинг юксак поғонаси ана шундан иборат. Агар биз барча истакларимизни Кришнага бағишиласак, қалбимизда моддий истакларга ўрин қолмайди. Улар ўз-ўзидан йўқолиб кетади, ва сунъий равишда ақлимизни

жиловлашга уриниб юришга ҳожат қолмайди. Кришнани англаш жараёни мукаммал, чунки унда ҳеч қандай моддий сифатга эга бўлган амал йўқ. Мутлақо руҳий бўлган ҳолда, йоганинг бу олий усули мангу, лаззат ва илмга тўла жараёндир. У хар қандай нуқсонлардан холи ва бу усулга амал қиласан, бу йўлга кирган кишига ҳеч қандай моддий тўсиқлар халақит бера олмайди.

## **Бешинчи боб Йога билан шуғулланишда қатъият ва шижоат**

*йатха дипо нивата-стхо ненгате сопама смрита  
йогино йата-читтасайа йунджато йогам атманаҳ*

"Сокин, шамолсиз жойда шамчироқ бир текис ёниб тургани сингари, ақлини жиловлаб олган йог ҳам, ўзининг ички назарини ҳақиқий ўзлиги - "Мен"ига қаратган ҳолда ҳамиша муроқабага берилган, осойишта ҳолатда хотиржам қолади"(Бг. 6.19).

Кришна онгига гарқ бўлган ақл, эшиклари ёпилган хонадаги шамчироқ сингари ҳамиша хотиржам, осойишта ҳолатда бўлади. Шунинг учун, агар инсон ҳақиқатан ҳам Кришна онгиди юрса, ҳамиша Худои Таолога, илоҳий Олий Рухга муроқаба килиш билан банд бўлса, - у шамолсиз жойдаги шамчироқ сингари ўзгармас, хотиржам ҳолатда бўлади, деб айтадилар. Текис, бир маромда ёниб турган шамчироқ сингари, ундей одамнинг ақли ҳам ҳамиша фарогатда, мувозанатда бўлади, ва ақлининг ана шундай осойишталигига эришган киши йогада камолотга эришган ҳисобланади.

Илоҳий Рухга, ёки Худои Таолога муроқбада мукаммалликка эришган кишининг ҳолатини Шри Кришна "Бхагавад Гита"да шундай таърифлайди:(6.20-23).

*йатрапарамате читтам нируддхам йога-севайа  
йатра чаиватманатманам пашйянн атмани тушийати  
сукхам атілантикам йат тад буддхи-грахйам атиндорийам  
ветти йатра на чаивайам стихаташи чалати таттватаҳ  
йам лабдхва чапарам лабхам манияте надхикам татаҳ  
йасмин стхито на духкхена гурунапи вичалияте  
там видийад духкха-самйога-вийогам йога-самджнитам*

“Йог, камолотнинг транс, ёки *самадхи* деб аталадиган погонасига эришганида, унинг ақли моддий фаолиятни бутунлай тарк этади. Ақлининг поклиги шарофати билан ундан одам ҳақиқий ўзлигини, "Мен"ини яққол кўра олиш имкониятига эга бўлади, ва ўша ҳақиқий ўзлиги унинг учун туганмас баҳт ва шодлик манбай бўлиб қолади. Қалбида тўла мамнуният ҳосил қилиб, йог ўзининг руҳий ҳиссиётлари орқали чексиз руҳий лаззат ола бошлайди. Ҳақиқатга эришиб, у ҳеч қачон уни унута олмайди ва "ҳаётда бундан ҳам юксакроқ нарса бўлиши мумкин эмас", деб хисоблайди. Шундай одам ҳаётда ҳатто энг катта қийинчиликлар олдида ҳам ўзини йўқотиб кўймайди. Мана шу ҳолат - тирик мавжудотнинг моддий олам билан аралashiши натижасида келадиган барча азоб-уқубатлардан ҳақиқий озод бўлган ҳолатидир".

Самадхи ҳолатига эришиш - йўқ бўлиб кетиш, ёки бўшликка, чексизликка қўшилиб кетиш, дегани эмас. Шунчаки бунинг иложи йўқ. Клешио "*дхикатарас тешам авйактасакта-четасам*". Баъзи бир йоглар ҳар қандай фаолиятни тарк этиш керак, шу йўл билан бутунлай осойишталик ҳолатига эришиш лозим, деб айтадилар. Лекин бунга қандай эришиш мумкин? Тирик мавжудот ўзининг табиатига яраша - фаол, ҳаракатчан руҳдир. Демак, "фаолиятни тарк этиш" деганда моддий фаолиятни тарк этишни ва Кришна онгидаги руҳий фаолият билан машғул бўлишни тушуниш керак. Шунда ҳар хил моддий истаклар бизни безовта қилмайдиган бўлади. Моддий фаолиятни тарк этиб, биз Кришна онгидаги қилинадиган фаолият билан машғул бўламиз, Кришна онгидаги фаол ҳаракат қилиш билан эса, биз табиий равища моддий фаолиятни тарк этамиз.

Мен кўпинча, бу оддий ҳақиқатни тинимсиз, шўх ёш бола мисолида тушунтираман. Тинимсиз ёш болани бир жойда жим ўтиришга мажбур қилиб бўлмайди, шунинг учун унга қандайдир ўйинчоқ ёки чиройли расмлари бор бўлган бир китоб бериб қўйиш керак. Шулар билан алданиб, у тинчланади ва шўхлик қилмайди. Агар унинг ҳар қандай моддий фаолиятни тарк этишини истасак, биз уни Кришна онгидаги фаолият билан бутунлай банд қилишимиз лозим. Руҳий тушунчага эга бўлиб, у ҳеч қачон шўх, бемаъни ҳаракатлар қилмайдиган бўлади. Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиш учун биз аввало ўзимиз аслида Кришнанини, Унинг ажралмас бир бўлаги эканимизни тушуниб олишимиз лозим. Биз аслида бу моддий оламдан эмасмиз(бу ерда биз вақтинчалик меҳмонмиз). Биз ўзимизнинг ҳозирги ватанимизга ҳам, жамиятимизга ҳам тегишли эмасмиз. Биз у ёки бу ярамаснинг ҳам мулки эмасмиз. Биз факат Худонинг, Кришнанинг бандасимиз, факат унинг хизматкоримиз. Мана шу ҳақиқий осойишталик, ҳақиқий ҳаракатсизликдир. Мана шу

ҳақиқий илм - биз Кришнанинг ажралмас бўлаги эканимиз ҳақидаги илмдир. "Бхагавад Гита"нинг ўн бешинчи бобида (15.7) Худои Таоло бу ҳақда шундай дейди: *мамаивамишо джива-локе* - "Шартланган моддий оламдаги тирик мавжудотлар аслида Менинг мангу ажралмас заррачаларимдир". Мана шу ҳақиқатни англаб етсак, биз шу заҳотиёқ моддий фаолиятни тарк этамиз, демак, тўла осойишталик ҳолатига эришамиз. Ана шундай ҳолатда инсон ўзининг руҳини пок ақли билан кўра олади ва ўзидан тўла мамнун бўлиб лаззатланиб яшайди. Ақлни поклаш - биз Кришнанинг ажралмас бир бўлаги эканимизни тушуниб етиш демакдир. Ҳозир бизнинг ақлимиз нопок, чунки биз ўзимизни моддий унсурларга қиёслаймиз. Аммо,agar инсон: "Мен Кришнанинг бир бўлагиман!" - деб ўйласа, унинг ақли покланган бўлади.

Ҳақиқий ўзлигидан тўла қаноат ҳосил қилиш - демак Кришна билан бўлган ўзаро муносабатдан лаззат олиб яшаш демакдир. Кришна - Олий рух, бизлар эса - алоҳида руҳлармиз. Алоҳида рух Олий Рух билан ўзаро муносабатда бўлиб лаззатланадилар. Лаззат олиш учун бизга ҳамиша яна кимдир, бирор керак бўлади. Одам ёлғиз ўзи ҳеч лаззатлана оладими? Инсон ёлғиз ўзи лаззат олиб яшай олмайди. Демак, лаззат ҳақида гапирганда, гап икки шахс - алоҳида рух ва Параматма, Шри Кришна ҳақида бораётганини тушуниш керак.

Ўзининг Кришнанинг ажралмас бўлаги эканига ишончи комил бўлган киши энг оғир қийинчиликлар олдида ҳам хотиржам бўлиб қолаверади, чунки у Кришна ҳамиша ўзини химоя қилишига аниқ ишонади. Мана шу Кришнага садоқат деб аталади. Қалбимизда ана шундай садоқатни ривожлантириш учун ҳаракат қилиш, фикр юритиш ва ҳамиша Кришнага ишониш лозим. *Баласайя неха шаранам питарау нрсимха*(шб. 7.9.19). Бизни факат Кришна химоя қила олади. Агар Кришна бизни химоя қилиш лозим деб топмаса, бизнинг ўзимизни химоя қилишга бўлган барча уринишларимиз ҳеч қандай фойда бермайди. Ажал тўшагида ётган одамни жуда кўп тажрибали врачлар даволаши мумкин, лекин бу ҳали, албатта у тирик қолади, дегани эмас. Худонинг, Кришнанинг ҳоҳиши бўлмаса, уни энг яхши врачлар ҳам, энг яхши дорилар ҳам ажалдан куткара олмайди. Аксинча, agar Худо, Кришна хоҳласа, у ҳатто ҳеч қандай врачларнинг, дориларнинг ёрдамисиз ҳам тирик қолади. Ўзини бутунлай Кришнанинг, Худонинг ихтиёрига топшириб, инсон ҳақиқатан ҳам энг баҳтиёр одам бўлади, чунки у ўзини Кришна ҳар қандай ҳолатда ҳам химоя қилишига аниқ ишонади. Ўзининг шу ҳолатида у, ота-онаси ҳамиша химоя қилишини билган ҳолда, ўз ихтиёрини бутунлай ота-онасига топшириб қўйган болага ўхшайди. Ямуначаря ўзининг "Стотра-ратна"сида(43) шундай дейди: *қадахам аикантика-нитийа-кинкараҳ прахаршайишийами санатха-дживитам* - "Эй Парвардигор, қачон мен Сенинг мангу

хизматкоринг бўлар эканман ва ўзимнинг шундай буюк, улугвор хўжайиним борлигидан қувониб юрар эканман?” Агар биз ўзимизнинг қудратли халоскоримиз ва ҳимоячимиз борлигини билсак, ўзимизни чексиз баҳтиёр сезмаймизми? Ва аксинча, мен ҳамиша фақат ўзимга ишонадиган бўлсан, ҳамиша фақат ўзимнинг кучимга, ҳаётимга ишониб хавотирда юрсан, қандай қилиб баҳтли бўла оламан? Баҳтли бўлиш - демак, Кришна онгига эга бўлиш, Кришнанинг ҳимоя қилишига ишониш ва Унга ҳамиша содик қолишидир. Чинакам баҳтли бўлишининг бошқа йўли йўқ.

Маълумки, Кришна ҳатто Унга қарши бош кўтарган тирик мавжудотларга ҳам фамхўрлик қилади, эко баҳунам *йо видадхати каман*. Худонинг, Кришнанинг иродасисиз ҳеч бир мавжудот бир дақиқа ҳам яшай олмайди. Аммо, Кришнанинг бизга меҳрибон ва раҳмдил эканини тан ола туриб, биз ҳақиқатан ҳам ўзимизни баҳтиёр ҳис қиласиз. Кришна бизни ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзасида ҳимоя қилади, аммо биз буни англамаймиз, чунки, ҳамиша фақат ўзимизга ишонамиз. Кришна бизнинг ҳар биримизга маълум даражада мустақиллик бериб қўйибди: “Хоҳлаган ишингизни қилишингиз мумкин. Мен эса, сизларни ҳимоя қилишга ҳаракат қиласман”. Лекин тирик мавжудот ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топширса, Кришна уни бутунлай Ўзининг ҳимоясига олади ва унга алоҳида марҳамат кўрсата бошлайди. Агар фарзанд каттайғандан кейин, ўзи мустақил ҳаракат қила бошласа ва ота-онасининг айтганини қилмаса, отаси нима ҳам қила оларди? Отаси фақат - “Билганингни қил!” - деб айта олади, холос. Аммо, агар фарзанди ўз ихтиёрини бутунлай отасига топшириб қўйган бўлса, отаси унга тўла фамхўрлик қилади ва ҳамиша уни авайлаб-асраб, ҳимоя қилиб юради. “Бхагавад Гита”нинг тўққизинчи бобида(9.29) Кришна бу ҳақда шундай дейди:

*само “ҳам сарва-бхутешу на ме двешио “сти на прияҳ  
иё бхаджсанти ту мам бхактиа майи те тешу чапи аҳам*

“Мен ҳеч кимга душманлик қилмайман, ҳеч кимга боғланиб ҳам қолмаганман. Мен барчага баробар муносабатда бўламан. Лекин, Менга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилаётган киши - Менинг дўстимдир. У Менинг қалбимдан жой олган, Мен ҳам унинг дўстиман”.

Кришна бирор тирик мавжудотга фаразли ўй билан иш қила оладими? Барча тирик мавжудотлар - Кришнанинг фарзандлари, шунинг учун уларнинг ҳар бирига У меҳрибонлик қилади. Афсуски, бизлар Унинг меҳрибонлигининг қадрига етмаймиз, бизнинг касаллигимизнинг, баҳтсизлигимизнинг ҳам сабаби мана шунда. Кришнани ўзимизнинг мангу отамиз ва дўстимиз эканини тан олсан, У бизни ҳамиша ҳимоя қилишини англаш етамиз. Биз шу тарзда ҳақиқий баҳтга эришамиз.

*са ниичайена йактавио його “нирвинна-четаса  
санкалта-прабхаван камамс тіактва-сарван ашешатах  
манасаиендерийа-грамам винийама самантатах*

“Чукур иймон ва шижаат билан, танлаган йүлдан хеч қачон четга чиқмасдан йога билан шуғулланиш лозим. Ақлда пайдо бўладиган ҳар қандай моддий истаклардан биратўла воз кечиш, пок акл ёрдамида барча хиссиётларни жиловлаб олиш лозим”.(Бг.6.24).

Аввал айтиб ўтганимиздек, ҳаётда жинсий алоқани тарк этган кишигини ўзида мустахкам қатъиятни, шижаатни ривожлантира олади. Жинсий алоқани тарк этиш инсонни жуда қатъиятли қиласи, шунинг учун аввал бошданоқ Кришна айтадики, йог жинсий ҳаётдан воз кечиши керак.

Ҳиссий лаззатларга муккасидан кетган одам қатъиятсиз, иродасиз бўлиб қолади. Шунинг учун, жинсий ҳаётни *грихастха-аирам* қоидалари асосида жиловлаб олиш лозим, ёки ундан биратўла юз ўгириш керак. Албатта, жинсий алоқани бутунлай тарк этган яхши, лекин бунинг иложи бўлмаса, уни қонун-қоидалар билан чеклаб кўйиш керак. Шунда одам ўзида кучли ирова, қатъият шакллантиради. Иродали бўлиш - Кришна онгидаги фаолиятда сабр тоқат ва шижаат билан машғул бўлиш демакдир. Агар биз истаган натижамизга дарров эриша олмасак, Кришна онгидаги фаолиятдан дарров юз ўгириб кетиш керак эмас, қатъият билан ҳаракат қилишда давом этиш лозим. Биз иродали бўлишимиз ва Кришнанинг гапларига ишонишимиз лозим.

Буни ҳаётий бир мисолда тушунтириш мумкин. Одатда қиз бола эрга чиққан заҳоти фарзанд кўришни истайди. “Эрга чиқдимми, менинг фарзандим бўлиши керак” - деб ўйлади у. Аммо, хамиша бунинг имкони бўлавермайди. Шунинг учун келинчак сабр-тоқат қилиши, эрига садоқат билан хизмат қилиб, унга садоқат билан севишида давом этиши лозим. Вақти келиб албатта унинг фарзанди бўлади. Шунга ўхшаб, Кришнани англаш йўлига киргандан кейин, биз албатта камолотга эришамиз, лекин бунинг учун сабр бардош билан ўз вазифамизни бажаришда давом этишимиз лозим. Чидамсизлик иродасизликнинг оқибатидир, иродасизлик эса - жинсий алоқага берилганлик натижасидир.

Сабр-тоқат, кучли ирова ва қатъият билан қуролланиб олиб, инсон йога билан шуғулланиши ва бу йўлдан хеч четга чиқмаслиги керак. У охир оқибатда барибир йогада муваффакият қозонишига аник ишониши ва бу йўлда учраган ҳар хил ўткинчи қийинчиликларга эътибор бермай, шижаат билан кўзлаган мақсадига интилиши лозим. Йога билан жиддий шуғулланаётган киши шубҳасиз, албатта муваффакиятга эришади. Рупа Госвами бхакти-йога ҳакида

шундай дейди:

*утсахан ниичайад дхаирйат тат-тат-карма-правартанам  
санга-тиагат сато вриттех шадбхир бхактих прасидхйати*

“Бхакти-йогада муваффакият қозониш учун одам содиклар даврасида ўз бурчини шижаот, қатъият ва ихлос билан бажариб юриши, фаолиятини бутунлай эзгулик гунасидаги ишлар билан машгул қилиши лозим”.(Упадешамрита,3).

Шижаот кўрсатишда океанда ўзининг тухумини йўқотиб қўйган кичкина қушчадан ўрнак олиш керак. У океан кирғоfiga тухум қўйган эди, лекин океан тўлқинлари унинг тухумини олиб кетади. Қушча жуда қаттиқ хафа бўлади ва океандан тухумини қайтариб беришни илтимос қилади, аммо океан унинг илтимосига ҳатто эътибор ҳам бермайди. Шунда қушча океаннинг ҳамма сувини қуришиб юборишга аҳд қилади ва океан сувини ўзининг кичкина тумшуғи билан олиб, четга ташлай бошлайди. Унинг бу шижаотини кўриб, атрофидаги ҳамма тирик мавжудотлар уни масхара қилиб кула бошлайдилар. Бу воқеа ҳакидаги хабар ҳамма ерга тарқалиб кетади, ва ниҳоят баҳайбат қуш, елкасида Худои Таоло Вишнуни олиб юрадиган Гаруданинг қулогига бориб етади. Кичкина синглисига раҳми келиб, Гаруда унинг олдига, океан қирғоfiga етиб келади. Кичкинагина қушчанинг шижаоти уни ҳайратга солган эди, у қушчага ёрдам беришга карор қилади. Гаруда океанга тухумни қайтариб беришни буюрди, акс ҳолда қушчанинг ўрнига ўзи ундан қасд олишини айтди. Океан қўркқанидан дархол тухумни қайтариб берди. Гаруданинг марҳамати ва ўзининг шижаоти туфайли кичкина қушча яна баҳтга сазовор бўлди.

Худди шунга ўхшаб, йога билан, айниқса бхакти-йога билан шуғулланиш, яъни Кришна онгига ҳаракат қилиш, аввалига жуда мушкул ишдай туюлиши мумкин, аммо агар одам бхакти-йога қоидаларига тўла ишонч ва қатъият билан амал қилиб юрса, Худои Таоло албатта унга ёрдам беради, чунки ўзига ўзи ёрдам беришни истаган кишига Худо ҳам албатта ёрдам беради.

*шанаих шанаир упарамед буддхийа дхрити-грихйтайа  
атма-самстхам манаҳ критва на кинчиð апи чинтайет*

“Аста-секин, қадамба-қадам, тўлиқ иймонга суюнган тафаккур ёрдамида, йог, транс ҳолатига гарқ бўлиши лозим ва бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйламасдан ақлини қалбида мужассам қилиши керак”(Бг.6.25).

Бизлар барчамиз - алоҳида рухлармиз, Кришна эса - Олий рух. Күёш нурлари ёғдусида биз ўзимизни ҳам, күёшни ҳам кўрамиз, қоронғу зулмат ичиди эса, биз ҳатто ўзимизнинг танамизни ҳам кўришдан ожизмиз. Танамиз мавжуд, лекин қоронғу зулмат бизни уни кўриш имкониятидан маҳрум қилади. Күёшнинг нури ёритганда эса, биз ҳеч кийналмасдан күёшни ҳам, ўзимизни ҳам кўра оламиз. Худди

шунингдек, руҳимизни, ўзимизни кўриш - демак энг аввало Олий Рухни, Кришнани кўриш демақдир. “Катха-упанишад”да шундай дейилган: *नित्यो नित्यानम् चेताना॒ म् चेतानाम्*, яъни, “Олий Рух - барча мангу руҳларнинг мангу ҳукмдори, барча тирик мавжудот ичиди энг олий тирик мавжудотдир”. “Кришна онгига бўлиш” деганда ақлни ҳамиша тўла бутунда, Кришнада мужассам қилишни тушуниш керак. Худди ошқозонимизни овқат билан тўйғазиш ёрдамида бутун танамизга хаёт кучи баҳш этганимиз, дараҳтнинг илдизига сув қўйиш билан дараҳтнинг барча шоҳларини, баргларини, гулларини ва куртакларини ҳам озиқлантирганимиз сингари, Кришнага хизмат қила туриб, биз табиий равишда, бутун инсониятга энг катта саодат келтирган, энг буюк хизмат кўрсатган бўламиш.

Аввал айтганимиздек, Худони англаб етган, яъни Кришна онгига бўлган киши ҳеч қачон ишсиз ўтирумайди. Кришнани, Худони англаш илмининг қанчалик муҳим эканини ва уни бошқаларга ҳам етказиш қанчалик зарурлигини у яхши тушунади. Бизнинг жамият аъзолари фақат ўзларини ўйлаб эхромларига бекиниб олмаганлар. Улар санкиртана гурухларига бирлашиб, мунтазам равишда мана шу улуғвор таълимотни тушунтириш учун омма ичига, ҳалқ орасига чиқадилар. Шри Кришна Чайтанья Махапрабху ва Унинг издошлиарининг бу ҳаётдаги улуғвор вазифаси, бурчлари ана шундан иборат. Бошқа йогларни эса, фақат уларнинг шахсий юксалиши қизиктиради, шунинг учун улар йога билан хилват жойларда ёлғиз шуғулланадилар. Undай одамлар учун йога фақат ўзларини қутқариб қолиш чорасидан ўзга нарса эмас. Аммо Худонинг содик хизматкорлари фақат ўзларининг руҳий юксалишини, ўзининг шахсий баҳтини ўйламайдилар.

*ванича-калтатарубхъиаш ча крипа-синдухубхъиа эва ча  
патитанам паванебхъио вашинавебхъио намо намаҳ*

“Мен барча вайшнавлар, Худонинг содик хизматкорлари олдида эҳтиром билан бош эгаман. Уларнинг қалби адашган руҳларга нисбатан ҳамдардлик ҳисси билан тўлиб тошган, ва худди орзулар дараҳти сингари, улар ҳар бир тирик мавжудотнинг истакларини рўёбга чиқарадилар”. Худонинг содик хизматкорининг қалби шартланган руҳларга нисбатан чукур ҳамдардлик туйгуси билан тўлган. *крипа* ибораси “раҳмдил”, *синду* ибораси эса, “океан, уммон” маъносини англатади. Содикларнинг қалбидаги меҳрибонлиги океандай чексиз, шунинг учун улар ҳамиша бошқаларга ёрдам беришни истайдилар. Худонинг шундай содикларидан бири Иисус Христос эди. У ўзи Кришнани, Худони англаб етгани билан қаноатланиб қолмади, аксинча, уни бошқаларга ҳам тарқатишни истади. У ўзи ёлғиз яшashi ва ёлғиз холда Худо билан мулокотда

бўлиб, баҳтли бўлиши мумкин эди, - шунда уни ҳеч ким хочга михлаб ўлдирмаган бўларди. Йўқ, Худонинг содик хизматкорига хос бўлган ҳамдардлик билан, Худони англаб бошқа одамларнинг ҳам баҳтиёр бўлишини истади. Унга тарғибот қилишни ман қилиб қўйдилар, у эса ўзининг ҳаётини хавф остида қолдириб, барибир инсонларни бу дунёнинг азоб-уқубатларидан кутқаришда давом этаверди. Худонинг содик хизматкорининг табиати шундай.

“Бхагавад Гита”(18.68-69)да айтилганки, Худонинг илмини тарғибот қилиб юрган содиклар Худои Таолонинг энг яқин одамларидир.

*йа идам парамам гухйам мад-бхактешив абхиҳасайати  
бхактим майи парам критва мам эвашийати асамишайах*

“Менинг бу нодир сиримни содикларга ошкор қилиб юрган киши шубҳасиз Менга соғ садоқат билан хизмат қилишга эришади ва охир-оқибатда Менинг даргоҳимга қайтиб келади”.

*на ча тасман манушийешу каשчин ме прийа-криттамах  
бхавита на ча ме тасмад анйах прийатаро бхуви*

“Бу дунёда Менинг ундан ҳам яқинроқ хизматкорим йўқ, ва ҳеч қачон бўлмайди ҳам”. Шунинг учун, гарчи, баъзан ҳар хил тўсиқларга учрасалар ҳам, Худонинг содик хизматкорлари барчага саодат келтирувчи Худонинг илоҳий илмини тиним билмасдан бошқаларга тарғибот қилишда давом этаверадилар. Худонинг содик хизматкори баъзи бир одамларни ишонтира олади, баъзи бирорларини ишонтира олмайди, албатта шундай пайтларда у қаттиқ хафа бўлади. Лекин барча содиклар ҳам яхши тарғиботчи бўлавермайди. Одамлар ҳар хил табиатлиси бўлгани сингари, содиклар ҳам ҳар хил бўлади. Содиклар иймонининг кучига қараб уч тоифага бўлинадилар. Учинчи тоифага иймони ҳали жуда заиф бўлган содиклар киради. Гарчи, ташқаридан қараганда, бундай содиклар садоқатли хизмат қилиш билан шуғулланиб юрган бўлсалар ҳам, улар шахсий манфаат кўзлаб Худога сифинадилар ва шунинг учун камолотнинг олий поғонасига эриша олмайдилар. Одатда улар эртами-кечми садоқатли хизмат қилиш йўлидан қайтиб кетадилар. Ундан содиклар анча вақт давомида садоқатли хизмат қилишда ўз вазифаларини бажариш билан шуғулланиб юришлари мумкин, аммо иймони чукур, эътиқодлари қатъий бўлмагани сабабли уларнинг Кришна онгига узоқ қолишлари қийин. Ўзимнинг тарғиботчилик фаолиятимда мен баъзи бир одамларнинг шахсий манфаат кўзлаб Кришнани англаш ҳаракатига қўшилганини ва ўзларининг моддий, молиявий ахволини анча яхшилаб олганларидан кейин, руҳий ҳаётни тарқ этиб, ўзларининг эски одатларига қайтиб кетганларини бир неча бор учратганман. Кришнани англашда юксалиб бориш учун инсонда кучли ишонч, иймон, эътиқод бўлиши керак. Чукур иймонга эга бўлган, Худога

садоқатли хизмат қилиш ҳақидаги муқаддас китобларни түғри тушуниб етган киши биринчи тоифа содиклар сирасига киради. Муқаддас китобларни унчалик түлиқ билмайдиган, аммо Кришнага садоқат билан хизмат қилиш(кришна-бхакти)нинг ўзликни англашнинг бошқа усуллардан афзаллигига ҳеч қачон шубха қилмайдиган ва бу йўлдан оғишмай бораётган киши иккинчи тоифа содиклар сирасига киради. Шундай қилиб, мана шу икки тоифага оид содиклар, мукаммал илмга ва чуқур иймон-эътиқодга эга бўлмаган, аммо ўзининг соддалиги ва руҳий мулокотлар шарофати билан бхакти йўлидан боришга ҳаракат қилаётган одамлардан анча устун туради. Иккинчи, айниқса биринчи тоифа содикларга нисбатан ўлароқ, бу тоифа содиклар бхакти-йога йўлидан оғиб кетишлари мумкин. Биринчи тоифа содикнинг руҳий юксалиши ва охир оқибатда камолотга эришишига шубха йўқ. Учинчи тоифа содиклар эса, гарчи улар Кришнага садоқат билан хизмат қилишнинг афзаллигига аниқ ишонч ҳосил қилган бўлсалар ҳам, уларга "Бхагавад Гита" ва "Шримад Бхагаватам" сингари ишонарли манбалардан олинган Кришна, Худои Таоло ҳақидаги илоҳий илм етишмайди. Баъзан шундай одамлар карма ёки гяна-йога билан шуғулланишга мойиллик сезиб қоладилар, баъзида ҳар хил қийинчиликларга дуч келадилар, лекин карма-йога ёки гяна-йога билан қизиқишилари ўтиб кетгандан кейин, улар яна иккинчи, баъзан эса биринчи тоифа содиклар даражасига кўтариладилар. Кришнага бўлган иймон, ёки Унга бўлган боғланиш ҳам уч поғонага бўлинади. Бу даражалар "Шримад Бхагаватам"нинг ўн биринчи қўшиғида келтирилган.

Қайси тоифага мансуб бўлишидан қатъий назар, Кришнанинг содик хизматкори Кришнани англаш сабокларини бошқаларга албатта ўргатиши лозим. Ҳеч бўлмагандан содик бошқаларга Кришна ҳақида гапиришга ҳаракат

қилиши лозим, чунки, тарғибот қилишга ҳаракат қилиш билан у Худои Таолога жуда катта ёрдам берган бўлади. Ҳар қандай қийинчиликларга қарамай содик бошқаларни ҳам ҳақиқий ўзлигини англаб етиш даражасига кўтаришга ҳаракат қилиши лозим. Ҳақиқатни англаб етган киши ўзининг вақтини бекорга ўтказа олмайди. У бошқаларга ёрдам беришга интилади. Масалан, Рамануджачаря, Харе Кришна мантрасини бошқалардан сир сақлашга ёки уни ўргатгани учун бошқалардан пул олишга ҳаракат қилмаган эди. У бу улуғвор мантрани ҳаммага баробар улаша бошлаганди. Якинда бир хиндистонлик йог Америкага келиб, уларга қандайдир "яширин мантра" ўргатмоқчи бўлганди. Агар мантра ҳақиқатан ҳам қандайдир курдратга эга бўлса, ундан ҳамма ҳам фойдалана олиши учун, нимага уни баланд овоз билан ҳаммага тарқатиш мумкин эмас? Маха-мантра

барчани ҳам, ҳар бир одамни ҳам қутқаришга қодир бўлган қудратли мантра, шунинг учун биз уни барчага текинга улашамиз. Аммо, ҳозирги даврда одамлар шу қадар нодон, ғоғиллик ботқоғига шунчалик ботиб кетгандарки, уни рад этадилар. Бунинг ўрнига улар қандайдир ўзини йог деб атаган қаллобга ўттиз беш доллар тўлашга ва ундан қандайдир “яширин, сирли мантра” ўрганишга тайёр. Ҳозирги одамлар алданишни жуда истайдилар. Худонинг содик хизматкори ҳамма ерда маҳа-мантрани текинга, эвазига ҳеч нарса сўрамасдан тарқатиб юрибдилар: “Келинглар! Биз сизга Харе Кришна маҳа-мантрасини ўргатамиз! Уни такрорланг ва чинакам баҳтга эришинг!” Лекин алданиш тузогига илинган одамлар: - Йўқ, бу бизга тўғри келмайди”, - деб ўйладилар. Агар сиз уларни алдасангиз ва бунинг устига улардан пул ҳам олсангиз, улар хурсанд бўлиб ишонадилар ва сизга эргашадилар.

Қайсиdir бир хинд қўшиғида айтилганидек, ҳозирги даҳшатли Кали-юга даврида кимдир одамларга ҳақиқатни айтишга журъат қилса, уни дарров калтаклайдилар. Аммо, агар уларни очиқдан-очиқ алдаса, ёлғон гапирса, одамлар хурсанд бўлиб, унга ишонадилар. Агар одамларга “мен - Худоман!” - десам, ҳамма дарров бунга ишонади: - “Ҳа, бу Свамиджи ҳақиқатан ҳам Худо!” - дейдилар. “Сиз қандай бўлиб Худо бўлиб колдингиз? Худонинг бошқалардан фарқи нимада? Сизда Худога хос бўлган сифатлар борми?” - деб сўрашга ҳозирги даврда яшаётган одамларнинг фаросати етишмайди. Ана шундай саволлар бера олмагани сабабли, улар ҳамиша алданиб қолаверадилар. Шундай ахволга тушиб қолмаслик учун руҳий юксалиш, руҳий онгга эга бўлиш лозим. Токи инсон руҳий ўзлигини, Олий руҳни англаб етмас экан, уни алдаш осон бўлади. Ҳақиқий руҳий ўзлигини англаш йўли - ҳақиқий йога йўли деб аталади.

*йато йато ниичалати манаши чанчалам астхирам  
татас тато нийамиаитад атмани эва вашам найет*

“Табиатига кўра тинимсиз ва ўзгарувчан бўлган ақл қаерларга қочиб кетса ҳам, йог уни жиловлаб, ҳамиша ҳақиқий ўзлигининг, ҳақиқий “Мен”ининг назорати остига қайтариши лозим”(Бг. 6.26). Ҳақиқий йога машғулоти ана шундай бўлиши керак. Агар сиз ақлингизни Кришнада мужассам қилишга харакат қилсангиз, аммо у қандайдир бошқа бир нарсаларга, масалан кинога боришга чалғиб кетмоқчи бўлса, уни ўзининг ўрнига қайтариб қўйиш керак: - ”Йўқ. Шу ерда ўтирасан, ҳеч қаерга бормайсан!” Мана шу йога деб аталади: ақлга Кришнадан бошқа бирор нарсани ўйлашга имкон бермаслик керак.

Мурокаба ҳолатида ўтириб, ақлни Кришнада мужассам қилишга ўрганиш осон иш эмас. Бунинг учун жиддий тайёргаликдан ўтиш

керак. Ҳеч қандай тайёргарликсиз, тажрибасиз одам ана шундай муроқаба йогаси билан шуғулланиб юрган одамларга тақлид қилмоқчи бўлса, у албатта ҳеч нарсага эриша олмайди. Ундан кўра Худога садоқат билан хизмат қилиш билан шуғулланиш керак, яъни ҳаётимизда қиласидиган барча ишимизни, бутун фаолиятимизни Кришнага бағишлиш керак. Ўзимизнинг кундалик қиласидиган ишларимизни шундай ташкил қилишимиз лозимки, уларнинг ҳаммаси Кришна билан боғлик бўлсин. Шунда бизнинг ақлимиз ҳамиша Кришнада мужассам бўлади. Аввал айтганимдек, нигоҳини кўзлари ўртасига тикиб, муроқаба қилиб ўтирадиган йогларга тақлид қилмаслигимиз керак. Йоганинг бу тури бизнинг даврга тўғри келмайди. Ундаи усулда муроқаба йогаси билан шуғулланиш ўрнига, овоз чиқариб Харе Кришна мантрасини зикр қилиш ва уни тинглаш тавсия қилинади. Шунда, ҳатто ақлимиз қандайдир бошқа нарсалар билан банд бўлса ҳам, унинг Худонинг илоҳий муқаддас номларини тинглашдан бошқа иложи қолмайди. Уни ҳар гал бошқа ишлардан орқага қайтариб, жиловлаб олишга уринишга зарурат қолмайди, у ўз ўзидан, табиий ҳолда мантранинг трансцендент товушларида мужассам бўла бошлайди. Масалан, агар биз кўчадан ўтиб бораётган машиннанинг товушини эшитсан, дарров ақлимиз унга эътибор беради. Худди шунингдек, биз ҳамиша Харе Кришна мантрасини зикр қилиб юрсан, одатда бошқа нарсалар ҳақида ўйлаб юришга ўрганиб кетган ақлимиз ҳамиша Кришна ҳақида ўйлашга мажбур бўлади.

Ақл тинимсиз ва бекарор, лекин ўзининг руҳий табиатини англаб етган йог, ақлини жиловлаб, уни ўзига бўйсундириши, унинг ўзига хўжайнинлик қилишига йўл қўймаслиги керак. Ҳозир бизлар ақлимиз ҳукми остидамиз. У бизга: - "анави чиройли қизга қара!" - дейди, биз унга бўйсуниб шу қизни томоша кила бошлаймиз. У: - "Ресторанга бор!, Вино ич! Сигарета чек!" - дейди, биз унинг айтганини қилиш билан бандмиз. "Уни қил! Буни қил!" - шу тарзда ақлимиз бизга ҳар хил ишларни буюради, биз эса уларни бажариб умримизни ҳазон қиласиз. Дунёвий ҳаёт кечириш - ақлнинг ёки унинг атрофига тўпланган ҳиссиётнинг, нафснинг қули бўлиб яшаш демакдир. Ақлнинг қули бўлиш - нафсимизнинг, ҳиссиётимизнинг қули бўлиш демакдир, чунки, ҳиссиётлар ақлнинг ёрдамчилариdir. Ақл кўзларга буюради: -"у ёққа қара!" кўзлар унга бўйсуниб ўёққа, бу ёққа, у нарсага, бу нарсага қарайди. Ақл оёқларимизга қаергадир боришни буюради, оёқларимиз бизни шу ерга элтади. Шу тарзда ақлнинг ҳукми остида бўлиб, биз ҳиссиётимизга бўйсунишга мажбур бўламиз. Агар ақлимизни жиловлаб олсан, ҳиссиётимиз бизларга ўз ҳукмини ўтказа олмайди. Ҳиссиётининг, нафсининг ҳукми остида бўлган кишини *годас* деб атайдилар. *Го* ибораси ҳиссиётларни билдиради, *дас*

ибораси эса “хизматкор, қул” маъносини англатади. Ўзининг хиссияти(нафси)ни жиловлаб олган кишини *госвами* деб атайдилар. *Свами* дегани - “хўжайин” деганидир. Шунинг учун *госвами* деган унвон шу кишининг ўз хиссиятларини жиловлаб олганини билдиради. Токи инсон ўз хиссиятининг ҳукми остида ҳаракат қиласар экан, уни *Свами* ёки *Госвами* деб атаб бўлмайди. Ўзининг хиссиятларини жиловлаб олмай туриб, ана шундай унвон олиб юрган киши ўзини ҳам, бошқаларни ҳам алдаб юрган одамдир. Шрила Рупа Госвами *госвами* унвонини шундай тушунтириб берган. Рупа ва Санатана уларни Худованд Чайтаня Махапрабху ўзига шогирд қилиб олгандан кейин, ана шундай унвонга эга бўлганлар, шунгача улар катта салтанатда вазир эдилар. Госвами деган унвон насл оркали мерос қилиб берилмайди; у муайян шахснинг сифатларига қараб берилади. Бундай сифатларни инсон ўзида, ҳақиқий руҳий устознинг кўрсатмаларига амал қилиб ривожлантириш мумкин. Фақат хиссиятларини мукаммал жиловлаб олган одамгина *госвами* унвонига эга бўлади ва ўз навбатида руҳий устоз бўла олади. Ўзининг хиссиятларини жиловлаб олмаган киши ҳақиқий руҳий устоз бўла олмайди.

Рупа госвами бу ҳолатни “Упадешамрита”нинг биринчи қўшиғида тушунтиради:

*вачо вегам манасаҳ кродха-вегам джихва-вегам ударопастха вегам  
этан веган йо вишахета дхираҳ сарвам апимам притхивим са  
ишийат*

“Гапиришга бўлган истагини тўхтата оладиган ва ақлининг талабларини бошқара оладиган, ғазабини тўхтата оладиган ва тилини, нафсининг ва жинсий аъзоларининг хуружини жиловлай оладиган хотиржам, вазмин киши ер юзининг ҳамма ерида шогирдлар қабул қилиш учун зарур бўлган барча сифатларга эга бўлади”. Бу ерда Рупа Госвами тананинг ҳар хил хуружлари(вегам) ҳақида гапиради. Масалан, ҳожат чиқариш вакти келганда биз қандайдир хуруж таъсирини сезамиз, ва уни рад эта олмаймиз - ҳожатхонага боришга мажбурмиз. Тананинг ана шундай хуружлари *вегам* деб аталади. Рупа Госвами таъкидлаб ўтганидек, тананинг олти хил хуружи мавжуд. *Вачо вегам*, ёки ҳар хил бемаъни гапларни гапиришга бўлган хуруж, иштиёқ - тилнинг хуружларидан бири. Бундан ташқари, *кродха-вегам*, ёки ғазаб хуружи бор. Ғазаби қайнаб, хуруж олган киши ўзини умуман бошқара олмай қолиши, ҳатто қотиллик содир қилиши мумкин. Шунингдек, ҳар хил талабларини бажаришимизни талаб қилиб, ақлинимиз ҳам бизни безовта қилиши мумкин. *Джихва-вегам* - бу тилнинг ҳар хил ширин таомларга бўлган интилиши, *удара-вегам* эса, - ҳатто тўйиб турган бўлса ҳам, ошқозоннинг ҳар хил овқатлар талаб қилишидир. Ошқозон ва тилнинг барча талаблари бажарилганда,

жинсий аъзолар хуруж қила бошлайди ва жинсий алоқа билан машғул бўлиб, лаззатланишга интила бошлаймиз. Агар одам ўзининг ақлинини ёки тилини жиловлай олмаса, у қандай қилиб жинсий аъзоларини жиловлай олади? Шундай қилиб, бизнинг танамиз худди ҳар хил иштиёқ, хуружлардан таркиб топганга ўхшайди. Шунинг учун ҳам Рупа Госвами, фақат ана шу интилишларни, хиссиёт хуружларини жиловлаб олган кишигина руҳий устоз бўла олади, деган.

*Этан-веган йо вишихета дхираҳ сарвам апимам притхивим са шишият* -“Гапиришга бўлган истагини тўхтата оладиган ва ақлининг талабларини бошқара оладиган, ғазабини тўхтата оладиган ва тилини, нафсини ва жинсий аъзоларини жиловлай оладиган хотиржам, вазмин киши ер юзининг ҳамма ерида шогирдлар қабул қилиш учун зарур бўлган барча сифатларга эга бўлади”. *Дхира* ибораси “вазмин, жиддий ёки хотиржам” деган маъноларни англатади. Фақат ана шундай одамгина шогирдлар қабул қилиш учун барча сифатларга эга бўлади. Бундай сифатларни ривожлантириш учун белгиланган тайёргарликдан ўтиш керак. Йога билан шуғуланиш - ақл ва хиссиётларни Олий Руҳда мужассам қилишни ўрганиш демакдир. Кунига ўн беш минут муроқаба билан машғул бўлиб, сутканинг қолган вактларида эса, хиссиётларнинг талабини бажариб, уларга кул бўлиб юриш билан бунга эришиб бўлмайди. Ҳаётнинг энг муҳим муаммоларини биратўла ҳал қилиш учун, бу - ишониш қийин бўлган, жуда ҳам осон йўл эмасми? Қандайдир қиммат нарсани сотиб олиш учун унга муносиб ҳақ тўлаш керак, аммо, Чайтаня Махапрабхунинг марҳамати билан биз бунга осонгина эришишимиз мумкин: шунчаки Харе Кришна мантрасини зикр қилиб юрсак бас. Харе Кришна, Харе Кришна, Кришна Кришна, Харе Харе, Харе Рама, Харе Рама, Рама Рама, Харе Харе. Маха-мантрани зикр қилиш бизга йога, яъни хиссиётларни жиловлашга ўрганиш машқида камолотга эришиш имконини беради. *Иха хаите сарва сиддхи хаibe томара.* Худованд Чайтаня Махапрабхунинг бизга кўрсатиб кетган марҳамати ана шундай. Харе Кришна мантрасини зикр қилиш ёрдамида биз ўзимизнинг руҳий табиатимизни тўла англай оламиз. Ҳозирги Кали-юга даврида одамлар ғофиллик ботқогига шу қадар чуқур ботиб кетганларки, уларга Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдан бошқа ҳеч қандай усул ёрдам бера олмайди. Мана шу улуғвор, энг кучли самара берадиган, айни пайтда амал қилиш жуда осон бўлган усул ёрдамида инсон ўзининг ҳақиқий ўзлигини, “мен”ини таний олади.

“Бхагавад Гита”нинг тўққизинчи бобида(9.2) Шри Кришна бу усулнинг улуғворлиги ҳақида шундай дейди:

*раджса-видиа раджса-гуҳиам павитрам идам уттамам  
пратийакиша вагамам дхармиам сусукхам картум авийайам*

“Бу илм - барча илмлар шоҳи, сирларнинг сиридир. Бу илм - энг пок илмдир, рухий юксалиш орқали ўзимизнинг ҳақиқий табиатимизни англаш имконини бергани сабабли, бу илм ҳақиқий диннинг комил чўққисидир. Бу илм мангу, уни ўрганиш кишига қувонч келтиради”.

Одам овқатланाटганида, у аста-секин ўзининг очлиги йўқолаётганини сеза бошлайди, худди шунингдек, Кришнани англаш қоидаларига амал қила бориб, биз аслида ҳақиқатан ҳам рух эканимизни қанчалик англай бошлаганимизни ўз ҳаётимизда ҳис қила бошлаймиз.

## **Олтинчи боб. Олий Руҳга эришиш**

*прашанти-манасам хӣ энам йогинам сукхам уттамам  
упаити шанта-раджасам брахма-бхутам акалмашам*

“Ақлинни Менда мужассам қилган йог руҳий лаззат(фароғат)нинг энг олий дараҷасига эришади. Эҳтирос гунасининг таъсиридан кутулиб, у ўзининг Мутлак Ҳақиқат билан бир хил эканини англаб етади ва шу тарзда ўзининг аввалги қилган барча қилмишлари оқибат(кармаси)идан озод бўлади.(Бг.6.27).

*йундожсанн эвам садатманам йоги вигата-калмашаҳ  
сукхена брахма-самспаришам аттантам сукхам ашнунте*

“Шундай қилиб, ақлинни ва хиссиётини жиловлаб олган холда, йога билан бетиним, мунтазам шуғулланиб, аста-секин моддийлик иллатидан бутунлай кутулади ва Худои Таолога илоҳий мухаббат билан трансцендент хизмат қилишда энг олий, мукаммал баҳтга эришади”.(Б.г. 6.28).

Демак, йога жараёнининг камолоти, энг олий поғонаси инсон ўзининг ақлинни Кришнада мужассам қила олиши экан. Кришна “Менда” деб турган экан, демак, биз ақлимизни айнан Унда мужассам қилишимиз лозим. Масалан, мен: - “Менга бир стакан сув келтиринг!” - десам, сувни бошқа бирорвга эмас, менинг ўзимга келтиришни назарда тутаётган бўламан. “Бҳагавад Гита”ни Шри Кришнанинг Ўзи айтиб тургани учун, У “ақлингни Менда мужассам қил!” деганида Ўзини назарда тутаяпти. Афсуски, “Бҳагавад Гита”га изоҳ ёзган қўпчилик олимлар, қандайдир бошқа манфаатлар қўзлаб, Кришнанинг ана шундай аниқ айтган гапларини онгли равишда бузиб талқин қиласидилар.

*сарва-бхута-стхам атманам сарва-бхутани чатмани*

*акшате йога-йуктатта сарватра сама-даршанаҳ*

"Комил йог барча тирик мавжудотларнинг қалбида ҳам мавжуд бўлган Мени ва Менда мужассам бўлган барча тирик мавжудотларни кўради. Ҳақиқатан ҳам, ўзини тўлиқ англаб етган рух Мени, ягона Парвардигори оламни ҳамма ерда кўриб юради".(Бг.6.29). *сарва-бхутастхам атманам* - "Комил йог Кришнани барча тирик мавжудотларда кўради". Бу нима дегани? Баъзи бирорлар "Барча тирик мавжудотлар аслида - Худо, шунинг учун албатта атайлаб Худога, Кришнага сифинишнинг ҳожати йўқ" деб ўйладилар. Шундай одамлар ҳар хил саҳоватли, савобли ишлар билан машғул бўладилар ва бу ишлар Кришнага сифинишдан кўра муҳимроқ, деб ўйладилар. Улар: -"Кришнага сифинишнинг нима ҳожати бор? Кришнанинг Ўзи айтганки, биз Уни ҳар бир тирик мавжудотда кўра олишимиз лозим. Шунинг учун, яхшиси дарида-нарайанага, ночор одамларга хизмат қилиш керак" - дейдилар. Ундай одамлар ҳақиқатни бузиб кўрсатадилар ва ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида ўрганиш лозим бўлган Кришнага тўғри сифиниш йўлини билмайдилар.

Аввал тушунтирилганидек, ҳақиқий йог - Кришнанинг содик хизматкоридир, энг буюк, улуғвор содиклар эса, ҳамиша Кришнани англаш илмини тарғибот қиласидилар. Нима сабабдан содиклар Худонинг илмини ҳамиша тарғибот қиласидилар? Чунки, улар ҳар бир тирик мавжудотда Кришнани кўрадилар. Ҳар бир тирик мавжудотни улар Кришнанинг ажралмас бир зарраси деб билади. Бундан ташқари содик тушунадики, тирик мавжудотлар Кришнани эсидан чиқариб кўйгани учун, уларга Кришнани эслатиб кўйиш, уларда Кришна онгини ўйготиш - ўзининг Худо олдидағи бурчи. Баъзи бир миссионер-тарғиботчилар жаҳоннинг энг олис жойларига йўл олиб колоқ, саводсиз одамларга тарғибот қиласидилар, чунки уларнинг ҳам инсон эканини, улар ҳам инсон ҳаётининг маъноси ҳақида тўғри фикрга эга бўлишлари лозимлигини англайдилар. Миссионерларнинг қалбидаги бошқаларга бўлган ҳамдардлик, эзгулик туйғуси уларни ана шундай ишларга ундейди, содиклар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Содик биладики, ҳар бир одам ўзини Кришнанинг ажралмас бир бўлаги деб билиши керак, чунки, уларнинг ҳаётда бошидан кечираётган қийинчиликларининг, азоб-уқубатларининг сабаби - уларнинг Кришнани, Худони унугланлари оқибатидир.

Шундай қилиб, Худонинг содик хизматкори Кришнани ҳамма ерда кўриб юради, лекин ҳеч қачон у "ҳар бир тирик мавжудот - Худодир", деган нотўғри фикрга бормайди. Худонинг содик хизматкори ҳар бир тирик мавжудотни "Худонинг фарзанди" деб билади. Масалан, мен жаноб Жонсоннинг фарзанди билан

гапиришаётган бўлсам, бу - мен жаноб Жонсоннинг ўзи билан гаплашаётирман, дегани бўладими? Албатта йўқ! Мен бу болада жаноб Жонсонни кўришим мумкин, чунки Жонсон - унинг отаси, лекин уларнинг орасида фарқ бор. Агар мен ҳар бир тирик мавжудотни Кришнанинг фарзанди деб қабул қиласам, демак ҳар бир тирик мавжудотда Кришнани кўрган бўламан. Буни тушуниш қийин эмас. Бу қандайдир метафора ёки хомхаёл эмас. Бу рад этиб бўлмайдиган факт, ҳақиқатдир.

Худонинг содик хизматкори ҳатто ит ва мушукларда ҳам Кришнани кўради. У биладики, бу тирик мавжудотлар ўзларининг аввалги ҳаётларида қилган қилмишлари, гуноҳ ишлари оқибатида шундай танага эга бўлиб қолгандар. Улар Кришнани унугтганлари сабабли шундай ҳолатга тушиб қолган. Худонинг содик хизматкори мушукка Кришнанинг прасадини бериб, унга ҳам яхшилик қилади, бу билан у келажакда мушукнинг ҳам Кришнани англаб етишига ёрдам берган бўлади. Шу тарзда у мушукда ҳам Кришнани кўрган бўлади. Худонинг содик хизматкори мушукнинг ўзини Кришна деб ўйламайди, шу сабабли уни қучоқлаб ўтирумайди, ёки унга Худога сингингандай сингимайди. Факат ахмоқ одамларнинг хаёлига ана шундай бемаъни фикрлар келиши мумкин. Фаросатли одам йўлбарсни учратганида ҳеч қачон: - “О хурматли йўлбарс, сен - Кришнасан. Марҳамат, мени еяқол!” - демайди. Ҳар бир тирик мавжудотни Кришна деб қучоқлаб, бағрига босишнинг ўрнига, Худонинг содик хизматкори уларни Кришнанинг ажралмас бўлаклари деб билиб, уларга нисбатан ҳамдардлик билан меҳрибонлик қилади. Шу тарзда ҳақиқий йог Кришнани ҳар бир тирик мавжудотда кўради. Ана шу - тўғри нуқтаиназар, ҳаётни тўғри тушунишдир.

Билиб ёки билмасдан қилинганидан катъий назар, Кришна онгига қилинган ҳар қандай ҳаракат ўзининг яхши мевасини албатта бераверади. Масалан, ёш болалар Кришнага сигинаётгандлари, унинг номларини такрорлашга ҳаракат қилаётгандлари ёки киртана пайтида қарсак чалаётгандларида, кейинчалик, вақти келиб, қалбida Кришна онгини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, муҳим замин яратган бўладилар. Бу худди, оловнинг ёшми, кексами барчани баробар куйдиришига ўхшайди. Агар ёш бола оловга кўлини теккизса у албатта пишади. “Бу ҳали ёш болаку. У ҳали олов нима эканини билмайди, шунинг учун олов уни куйдирмаслиги керак!”- деган фикр ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Йўқ, олов ҳамиша олов, у теккан жойини албатта куйдиради. Худди шунингдек, Кришна онгидаги фаолиятга қўшилган ёш бола ҳам бундан албатта катта руҳий фойда олади, чунки Кришна - олий руҳдир, ва шунинг учун, ёш бола ўзининг ҳаракатларини биладими йўқми, бунинг аҳамияти йўқ. Дунёдаги ҳар

бир тирик мавжудот Худо учун, Кришна онгида қилинаётган ишларга аралашиш имкониятига эга бўлиши лозим, шунда ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбida ҳам мавжуд бўлган Кришна албатта уларга Ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун биз барчани эхромларимизга, даврамизга келишга ва прасаддан тотиб кўришга таклиф қиласиз, чунки прасадни бир марта тотиб кўрган одам эртами, кечми барибир руҳий юксалиш йўлига киради.

Биз ҳар бир тирик мавжудотда Кришнани кўришимиз лозим, лекин бунда ҳар бир тирик мавжудотни Кришнанинг Ўзи деб қабул қилишдек катта хатога йўл кўймаслигимиз лозим. Кришна ҳамма ерда мавжуд. Нимага энди биз фақат одамлардагина Кришнани кўришимиз лозим экан? "Браҳма-самхита"да айтилганки, Кришна ҳар бир атомда ҳам мавжуд: *андантара-стха-параману-чайантара-стхам. параману* ёки "атом" ибораси Кришнанинг ҳар бир заррада ҳам мавжудлигини кўрсатади. "Ҳақиқий йог ҳар бир мавжудотда Мени кўради ва ҳар бир мавжудотни Менда кўради". Нимага ҳақиқий йог ҳар бир тирик мавжудотни Кришнада кўради? Чунки у - кўзимизга кўриниб турган ҳар бир мавжудот Кришнадан фарқ қиласлигини, Унинг ажралмас қуввати эканини билади. Биз полда ёки гиламнинг устида ўтирибмиз деб ўйлаймиз, аммо аслида биз Кришнанинг устида ўтирибмиз. Нимага? Чунки мана шу гилам ҳам Кришнанинг қувватидан тўқилган. Парвардигори олам сон-саноқсиз қувватларга эга, уларни асосан уч турга бўлиш мумкин: моддий, руҳий ва оралиқ қувват. *Парасайа шактир вивидхаива шруйате*. Бизлар, яъни тирик мавжудотлар оралиқ қувват таркибиға кирамиз, моддий олам моддий қувватни ташкил этади, руҳий олам эса, руҳий қувватдан таркиб топган. Бизлар оралиқ қувватга кирамиз, чунки, моддий қувват билан ҳам, руҳий қувват билан бирикишимиз, боғланишимиз мумкин. Бошқа холатда бўлишнинг имконияти йўқ. Биз албатта ё моддий қувватнинг, ёки руҳий қувватнинг таъсири остида бўламиз.

Бу дунёда яшаётганда биз моддий қувватга чўмган бўламиз, демак, Кришнада мавжуд бўламиз, чунки Кришнанинг қуввати Унинг Ўзидан ажралмаган. Оловда икки турли қувват мавжуд: иссиқлиқ қуввати ва ёруғлик қуввати. Иссиқлиқ ва ёруғлик оловдан ажралмайди, шунинг учун маълум бир жиҳатдан иссиқлик ҳам, ёруғлик ҳам - гарчи ораларида қандайдир фарқ бўлса ҳам, оловнинг ўзидир. Худди шунингдек, моддий қувват ҳам Кришнадан бошқа нарса эмас, ва гарчи биз гиламда ўтирибмиз деб ўйласак ҳам, аслини олганда Кришнада ўтирибмиз. Шунинг учун, ўзининг руҳий ўзлигини англаб етган инсон Парвардигори оламни ҳамиша, ҳар ерда кўриб юради, деб айтадилар. "Бхагавад Гита"нинг еттинчи бобида(7.8) Худои Таоло Шри Кришна

Аржунга тушунтириб айтадики, уни моддий мавжудликнинг ҳар хил кўринишларида кўриш мумкин:

*расо “ха апсу каунтейа прабхасми шаши-сурайоҳ  
пранавах сарва-ведешу шабдах кхе паурушам нришу*

“Эй Кунтининг ўғли, сувнинг таъми - Менман, қўёш ва Ойнинг нури, ведавий мантралардаги “оум” бўғини - Менман. Эфирдаги товуш, инсондаги заковат - Менман”.

Сувни ҳамма ичади, одамлар ҳам, паррандалар ҳам. Сув бизга факат чанқофимизни босиш учун эмас, балки кийимларимизни ювиш учун ҳам, ерларни суғориш учун ҳам керак. Жанг майдонидаги жангчи ўзи учун сувнинг қанчалик муҳим эканини англаб этиши мумкин. Жанг пайтида жангчилар қаттиқ чанқайдилар, агар сув бўлмаса улар ҳалок бўлиши мумкин. "Бхагавад Гита"да баён этилган фалсафани тўгри тушуна олсак, биз ҳар бир қултум сувда Кришнани ҳис кила олишни ўрганамиз. Биз ҳар куни сув ичиб юрибмизку. Бундун ташқари, Кришна - “Мен - Қўёш ва Ойнинг нуриман” - дейди. Ҳоҳ кечаси бўлсин, ҳоҳ кундузи бўлсин, биз Қўёш ёки Ойнинг нурини ҳар куни кўрамиз, шунинг учун биз Кришнани қандай эсдан чиқара оламиз? Биз Уни ҳамиша, ҳар ерда кўрадиган бўламиз. Шу тариқа, Кришнани англаб этиш - йоганинг энг мукаммал усулидир.

*ио мам пашияти сарватра сарвам ча майи пашияти  
тасиҳам на пранашияти са ча ме на пранашияти*

“Ҳар бир мавжудотда Мени ва ҳар бир мавжудотни Менда кўрадиган одам учун Мен ҳеч қачон йўқолмайман, унинг ўзи ҳам, ҳеч қачон Мен учун(Менинг назаримдан) йўқолиб кетмайди”.(Бг.6.30). Мана шу ҳамиша Худони, Кришнани эслаб юриш, деб аталади, *сада тад-бхава-бхавитаҳ*. Агар биз ҳаётимизни шундай ташкил қилсакки, унда ҳамиша Кришнани эслаб юра оладиган бўлсак, биз Худони ҳеч қачон йўқотмаймиз ва Унинг ҳам назаридан четда қолмаймиз. Шунда, бу ҳаётимиз тугагандан кейин албатта Унинг даргохига эришамиз. Агар биз Кришна учун ҳеч қачон йўқ бўлмайдиган бўлсак, Унинг даргоҳидан бошқа жойга боришимиз мумкинми? "Бхагавад Гита"нинг тўққизинчи бобида(31) Кришна Аржунга шундай дейди: *каунтейа пратиджсанихи на ме бхактах пранашияти* - “Эй Кунтининг ўғли, ишонч билан барчага дадил эълон қил - Менинг содик хизматкорим ҳеч қачон ҳалокатга учрамайди”.

Биз ҳеч қачон Худони, Кришнани назардан четда қолдирмаслигимиз лозим. Мана шу инсон ҳаётининг комил ҳолатидир. Ҳаётда ҳамма нарсани эсдан чиқариш, унтиш мумкин, аммо Худони, Кришнани ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак. Ҳамиша Худони эслаб юрган одам, гарчи атрофдагилар уни энг камбағал деб ўйласалар ҳам, дунёда энг катта бойлик эгаси ҳисобланади. Гарчи Рупа ва Санатана

Госвамилар аслида ҳаётда жуда бой хукумат вазирлари, жуда саводли, билимдон кишилар бўлсалар ҳам, онгли равишда гадой-зохидлик, саняси ҳаёт тарзини қабул қилдилар. Шриниваса Ачаря Госвамиларни “Шри шад-госвами-аштака” асарида шундай таърифлайди:(4).

*тийактва турнам ашеша-мандала-пати-шреним сада туччхават бхутва дина-ганешакау карунайа каупина-канташритау гопи-бхава-расамритабдхи-лахари-калолла-магнау мухур ванде рупа-санатанау рагху-йугау шри-джисва-гопалакау*

“Мен чуқур эҳтиром билан олти Госвами - Шри Рупа Госвами, Шри Санатана Госвами, Шри Рагхунатха Бхатта Госвами, Шри Рагхунатха дас Госвами, Шри Джива Госвами ва Шри Гопала Бхатта Госвами олдида бош эгаман. Улар бу дунёнинг обрўли, мартабали одамлари билан ҳар қандай алокани “бу мутлака бемаъни иш” деб, тарк этдилар. Шартланган ҳолатда азобланётган руҳларни қутқариш учун, улар ўзларига фақат биттагина каупина колдириб, бутун мол-мулкидан воз кечдилар. Аммо, гарчи гадойлардек ҳаёт кечираётган бўлсалар ҳам, улар гопиларнинг Кришнага бўлган лаззатли муҳаббати уммонига ғарқ бўлган ва ҳамиша ана шу муҳаббатнинг тўлқинларида чўмилиб юрадилар”.

*Каупина-канташритау* ибораси шуни кўрсатадики, улар фақат ички кийим ва белидан тиззасигача ўраладиган мато кийиб юрганлар. Бошқача килиб айтганда, Госвамилар жуда қашшоқ яшаганлар. Одатда бадавлат, ҳар хил қуляйликларга ўрганиб қолган киши бирданига уларнинг барчасидан воз кеча олмайди. Бой-бадавлат одам қашшоқликнинг машаққатли азобларига чидай олмайди, аммо госвамилар қашшоқ бўлиш билан баҳтиёр эдилар. Нимага? *гопи-бхава-расамритабдхи-лахари-калолла-магнау мухур ванде рупа-санатанау рагху-йугау шри-джисва-гопалакау*. Аслини олганда госвамилар энг бой одамлар эди, чунки улар ҳамиша гопиларнинг Кришнага бўлган илоҳий муҳаббатли муносабатлари лаззатига ғарқ бўлиб яшардилар. Гопиларнинг Кришнага бўлган муҳаббатлари ҳақида ҳами-ша ўйлаб юрган киши ҳеч қачон Худонинг назаридан четда қолмайди. Шунинг учун Кришнани ҳеч қачон, бир дақиқа ҳам унутмасдан, ҳамиша эслаб юриш лозим.

Кришна онгида бўлган одам Худои Таолонинг, Шри Кришнанинг ҳамма ерда мавжудлигини ва ҳамма нарса Унда мужассам эканини яққол кўриб юради. Гарчи ташкаридан қараганда, ундей одам ҳам бошқалар сингари, моддий табиатнинг намоён бўлган ҳар хил мавжудотларини кўриб юргандек туюлса ҳам, аслида у, шу мавжудотларнинг ҳар бирида Кришнани кўриб юради, чунки у бутун борлиқ Парвардигори оламнинг намоён бўлган куввати эканини

билади. Кришна бутун борлиқнинг Парвардигоридир, ҳеч бир нарса Ундан ташқаридан мавжуд бўла олмайди. Кришнани англаш таълимотининг асосий мазмуни, моҳияти мана шундан иборат. Нима сабабдан ўзида Кришна онгини ривожлантирган содик ҳамма нарсани Кришнанинг намоён бўлган қуввати деб билади? Чунки содик ҳаёт ҳақида ҳамиша фалсафий, чуқур ўйлашга одатланган. Масалан, дараҳтни кўриб, у “аслида бу нима?” - деб ўйлади. Содик дараҳтнинг ҳам, ўзиники сингари моддий танаси борлигини кўради. Дараҳт ҳам тирик мавжудот, аммо ўзининг аввалги ҳаётдаги килмишлари, гуноҳлари оқибатида ҳозир мана шундай азобли, даҳшатли ҳолатга тушиб қолганки, ҳатто ўрнидан қимирлай олмайди. Дараҳтнинг танаси моддий, яъни моддий унсурлардан таркиб топгани сабабли, содик табиий равишда фикр юрита бошлайди: “Бу унсурлар қаердан пайдо бўлган, ҳа, улар Кришнанинг қувватлари, демак, дараҳт Кришна билан боғланган. Тирик мавжудот сифатида у ҳам Кришнанинг ажралмас бир бўлгаги”. Шу тарзда, Кришна онгига эга бўлган содик ҳатто дараҳтда ҳам Кришнанинг кўради. Мана шу Кришнанинг англаш, “Кришна онгига бўлиш” деб аталади: сиз кўз олдингизда дараҳтни эмас, Кришнанинг кўрасиз. Ўзида ҳаётга ана шундай нуқтаи-назар уйғотган киши йогада камолотга, *самадхи* деб аталадиган энг олий поғонага эришган ҳисобланади.

Кришна онгига эга бўлиш - Худога, Кришнага муҳаббат уйғотиши демакдир. Бу ҳолат ҳатто моддий тутқунликдан озод бўлишдан ҳам устун туради. Кришна онгига эга бўлган киши нима сабабдан оддий дараҳтга шунчалик эътибор беради? Чунки у Кришнанинг севади. Агар фарзандингизни севсангиз, лекин у узок ерларда юрган бўлса, сиз масалан, унинг туфлисини кўриб ҳам дарров унинг ўзини эслайсиз. Сиз дарров ўйлай бошлайсиз: -“Бу менинг севимли болажонимнинг туфлиси”. Албатта, сиз туфлини эмас, ўғлингизни севасиз, аммо туфли сизда ўғлингизни эслатади ва унга нисбатан муҳаббатингизни уйғотади. Шу тарзда ҳар бир тирик мавжудотда Кришнанинг қувватини кўриб, биз уларга нисбатан муҳаббат ҳис қиласиз, чунки аслида биз Кришнанинг севамиз. Демак, Кришнанинг севиши - бутун борлиқни, барча тирик мавжудотларни севиши демакдир. Акс ҳолда оламни севиши, “ўзаро умумий муҳаббат ҳақида” гап ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки Кришнанинг Худони севмай туриб, барча тирик мавжудотларни севишининг иложи йўқ. Аммо, агар биз Кришнанинг Худони севсак, табиий равишда ҳаммани ва ҳар бир тирик мавжудотни севамиз. Кришна онгидан маҳрум бўлган киши одамларга нисбатан меҳрли бўлиши мумкин, сигирни эса, нафсилининг, иштаҳасининг курбони, ўлжаси деб ўйлади: -“Сен менинг оғайнимсан, анави ҳам менинг оғайним, кел бирга мана шу сигирни

сўйиб еймиз!” Қандай қилиб бу “ўзаро умумий муҳаббат” бўла олади? Худонинг содик хизматкори бошқача фикр юритади: -”Сигир, ит ва бошқа тирик мавжудотлар Кришнанинг ажралмас зарралари, улар қандайдир сабабларга кўра, ман шундай таналарга эга бўлиб қолганлар. Лекин, бу ҳол уларни ўзимнинг оғайниларим деб ҳисобламаслигимга асос бўла олмайди. Мен қандай қилиб ўзимнинг оғайниларимни ўлдириб, гўштини ейишм мумкин?” Бутун борликка нисбатан ҳақиқий муҳаббат мана шундай бўлади: бу муҳаббатнинг асосида Кришнага, Худога бўлган муҳаббат ётади. Кришнани, Худони англаб етмай туриб ҳеч қандай муҳаббат ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Кришнани англаб етиш инсоннинг шунчаки руҳий ўзлиги - ҳақиқий “мен”ини англашдан устун туради; инсон ўзида Кришна онгини тўлиқ ривожлантирганида ўзининг Худо билан бир эканини англаб ётади. Бу бирлик шу маънодаки, Кришна унинг учун ўзининг бутун борлиғига айланади ва унинг қалби Кришнага бўлган муҳаббат туйғуси билан тўлиб тошади. Шунда Худои Таоло билан Унинг содик хизматкори орасида ўзаро жуда яқин муносабатлар қайта тикланади. Ана шундай поғонага эришган тирик мавжудот ҳақиқатан ҳам мангуликка эришади, ва Худонинг Олий Шахси ҳам, ҳеч қачон унинг назаридан кетмай қолади. Кришна билан қўшилиб кетиш руҳий ўзлигини яксон қилиш ҳисобланади, ва Худонинг содик хизматкори ҳеч қачон бундай хаёлга бормайди. "Браҳма-самхита"(5.38)да шундай дейилган:

*преманджана-ччхурита-бхакти-вилочанена  
сантаҳ садаива хридаиешу вилокайанти  
йам шйамасундарам ачинтиа-гуна-сварупам  
говиндам ади-пурушам там ахам бхаджсами*

“Мен мангум Парвардигор Говиндага сажда қиласман. Унинг мафтункор сиймоси, кўзларига Унга нисбатан муҳаббат малҳами сурилган содикларига ҳамиша яққол кўриниб туради. Шундай содиклар ҳамиша қалбларида Ўзининг мангум Шйамасундара қиёфасида мавжуд бўлган Парвардигорни томоша қилиб лаззатланиб юрадилар”. Қалбida Кришнага муҳаббат ривожлантира олган киши Уни ҳамиша ўзининг қалбida Шйамасундара, Картамешана қиёфасида кўриб юради. Парвардигор Шри Кришна ҳеч қачон ундей содикнинг назаридан четга чиқмайди, ўз навбатида, содик ҳам Парвардигорни бир нафас ҳам назаридан йўқотмайди. Ўзининг қалбida Парвардигорни Параматма қиёфасида ҳамиша кузатадиган йог ҳам шундай ҳолатда бўлади. Худонинг соғ содик хизматкори бўлгандан кейин шундай йог Парвардигорни кўрмасдан бир дақика ҳам яшай олмайди.

Худони яққол кўра олиш имкониятини берадиган ҳақиқий усул мана шу. Худои Таоло бизларнинг истакларимизни бажаришга мажбур эмас. Биз Ундан: - “Дарров келиб менга Ўзингни кўрсат!” - деб талаб қила олмаймиз. Парвардигор Ўзини бизга очик намоён қилиши учун энг аввало, биз ўзимсизда зарур бўлган сифатларни ривожлантиришимиз лозим. Ана шундай сифатларни ривожлантиргандан кейин биз ҳамиша, ҳар ерда Худони кўриб юрамиз.

*сарава-бхута-стхитам ио мам бхаджатай экатвам астхитах  
сараватха вартамано “ти са йоги майи вартате*

“У Мен ва Параматма(Олий Рух) аслида бир эканини англаб, Олий Рухга сигинади ва Унга хизмат қилади. Ана шундай йог ҳамиша, ҳар қандай ҳолатда Менда, Мен билан бирга бўлиб қолади”(Б.г. 6.31).

Олий Рухга муроқаба қилиш билан йог ўзининг қалбида Кришнанинг тўлиқ намоён бўлган қиёфаси - Парвардигор Вишнуни кўради. У тўрт қўлида сур, халқа, гурзи ва нилуфар гулинини ушлаб турган бўлади. Йогнинг бутун дикқат эътибори мужассам бўлган Парвардигор Вишну Кришнанинг тўлиқ қиёфасидир, бу "Брахма-самхита"да ҳам тасдиқланган:(5.48)

*йасайиака нишвасита-каlam атхаваламбхай  
джисванти лома-вила-джса джагад-анд-натхах  
вишинур маҳан са иха йасайи кала-вишиешо  
говиндам ади-пурушам там ахам бхаджсами*

“Кўплаган Брахмалар ва моддий оламларнинг бошқа ҳукмдорлари Маха-Вишнунинг танасидаги тешиклардан пайдо бўлади ва Унинг бир нафаси давомида умр кўрадилар. Мен азалий мангуда Парвардигор Говиндага сигинаман, чунки Маха-Вишну Унинг тўлиқ экспансиясининг бир кисмидир”. Бу ерда *говиндам ади пурушам там ахам бхаджсами* ибораси жуда муҳим аҳамиятга эга: -”Мен азалий, мангуда Парвардигор Говиндага сажда қиламан”. ади ибораси “азалий” деган маънени англатади, пурушам ибораси эса, Парвардигорни бутун борлиқдан лаззатланувчи зотнинг эркак жинсида эканини билдиради.

Тўлиқ экспансияси Маха-Вишну бўлган Парвардигор Говинда ким бўлди экан? Маха-Вишнунинг вазифаси нимадан иборат?

Ҳар бир коинотда энг асосий, Брахма деб аталувчи биринчи яралган мавжудот бор. Брахма коинот қанча вақт мавжуд бўлса шунча умр кўради, яъни, Маха-Вишнунинг нафас чиқаришидан то нафас олишигача бўлган вақт оралиғида яшайди. Сабаблар уммонида ястаниб ётган Маха-Вишну нафас чиқарганида, миллионлаган коинотлар кичкина пуфакчалар кўринишида Унинг танасидан ташқарига чиқади ва кейин каттая бошлайди. У нафас олганида эса, коинотлар яна Унинг танаси ичига киради ва коинотларнинг охир-

замондаги яксон бўлиши бошланади. "Бхагавад Гита"да ҳам моддий коинотларнинг бироз вақт давомида мавжуд бўлиб туриши, кейин емирилиши тасдиқланган:

*сарва-бхутани каунтейа пракритим йанти мамикам  
калта-кишайе пунас тани калтадау висриджами ахам*

“Эй Кунтининг ўғли, ҳар бир давр охирида барча моддий оламлар Менинг табиатимга кирадилар, кейинги давр бошланганида эса Мен уларни қайтадан яратаман”.(Бг.9.7). Моддий коинотнинг яратилиши, мажудлигининг таъминланиб туриши ва емирилиши бутунлай Худонинг Олий Шахсининг амрига, ҳоҳишига боғлик. “Ҳар даврнинг охирида” дегани Брахманинг ўлиши, унинг моддий оламдаги умрининг тугашидир. Брахма 100 йил умр кўради. Унинг бир куни ер хисоби билан 4.300.000.000 йилга teng, унинг туни ҳам шунча давом этади. Ана шундай ўттиз тун ва кун Брахманинг бир ойини ташкил этади, ўн икки ой эса, унинг бир йилини ташкил этади. Юз йил ўтгандан кейин, браҳманинг ўлиши билан коинот емирилади, моддий оламда охир-замон бўлади. Парвардигори олам намоён қилган қувват яна Худои Таолонинг руҳий танасига киради. Бу жараён Маха-Вишну бир марта нафас олганида рўй беради. Кейин, агар зарур бўлса, Парвардигори олам Ўз ҳоҳиши билан яна моддий оламни яратади. Бир Ведавий афоризмда айтилганидек: “Гарчи Мен ёлғиз бўлсан ҳам, Мен Ўзимни кўп қиёфаларда намоён этаман”. Парвардигори олам Ўзини моддий қуввати ичидаги таратади, ва шунда бутун борлиқ қайтадан пайдо бўлади.

Биргина нафасидан бутун моддий борлиқнинг пайдо бўлиши ва емирилиши юзага келадиган Маха-Вишнунинг улуғворлигини тасаввур килиш жуда кийин. Шунга қарамай, "Брахма-самхита"да Маха-Вишну шунчаки "азалий Парвардигор Говинданинг, Кришнанинг тўлиқ экспансиясининг бир қисми" деб кўрсатилган. Маха-Вишну Гарбходакашайа Вишну кўринишида ҳар бир коинот ичига киради, Гарбходакашайа Вишну эса, ўз навбатида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбига Кширодакашайа Вишну кўринишида киради. Шундай килиб, Худованд Вишну бутун борлиқقا сингиб кетади. Йоглар ақлини қалбига мавжуд бўлган ана шу Кширодакашайа Вишнуда мужассам қиласидар. "Бхагавад Гита"нинг охирги шеърида шундай дейилган(18.61):

*ишивараҳ сарва-бхутанам хрид-деше “рджуна тишихати  
брхамайан сарва-бхутани йантрапрудхани майайа*

“О Аржун, Парвардигори олам ҳар бир зотнинг қалбига мавжуд ва моддий қувватдан қилинган машинада ўтирганда умрўтказаётган тирик мавжудотларнинг бу оламдаги саргардон юришларини бошқариб боради”.

Шундай қилиб, йог муроқаба жараёнида қалбидა Кширодакашайа Вишнуни кўради ва ўзининг ақлий назарини Унда мужассам қиласди. Йог Кширодакашайа Вишнунинг Кришнадан фарқ қилмаслигини тушуниши лозим. Кширодакашайа Вишну ёки Олий Рух қўринишида Кришна ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбидаги мавжуд. Бундан ташқари, сон-саноқсиз тирик мавжудотларнинг қалбларида мавжуд бўлган Олий Рухларнинг бир-биридан ҳеч қандай фарқи йўқ.(Параматма аслида бир, ягона). Масалан, осмонда қуёш битта бўлса ҳам, у миллионлаган сувларнинг юзида акс этиб қўринади. Ёки сиз миллион, миллиард одамлардан “қуёш қаерда?”, деб сўрашингиз мумкин, уларнинг ҳар бири “қуёш менинг тепамда” деб жавоб беради. Қуёш битта, аммо унинг акс тасвирларининг сон-саноғи йўқ. Ведаларда айтилишича, тирик мавжудотлар жуда кўп, уларнинг саноғига этиб бўлмайди. Шунинг учун, худди қуёшнинг ҳар ердаги сувлар юзасида акс этгани сингари, Кширодакашайа Вишну, Худонинг Олий Шахси ҳам, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбидаги мавжуд бўлади. Барча йолгар Кришнанинг ана шу тўлиқ экспансиясини муроқаба қиласдилар.

Кришна онгига эга бўлган киши йогада камолотга эришган ҳисобланади. Шунинг учун Кришнага трансцендент, илохий муҳаббат билан садоқатли хизмат қилиб юрган содик билан қалбидаги Олий Рухни муроқаба қилиб ўтирган комил йог орасида ҳеч қандай фарқи йўқ. Самадхи(Вишнуга чуқур муроқаба) ҳолатида ўтирган йог билан Кришна онгига бўлиб, садоқатли хизматнинг ҳар хил турлари билан машғул содик орасида ҳеч қандай фарқи йўқ. Гарчи содик моддий оламда бўлган ҳолда, Кришна онгига ҳар хил фаолият билан машғул бўлиб юрган бўлсада, ҳеч қандай қўшимча ҳаракат қилмасдан озодликка эришади. "Бхагавад Гита"нинг ўн тўртинчи бобида ҳам айнан шу ҳақда айтилган(14.26).

*мам ча йо “вайабхичарена бхакти-йогена севате  
са гунан саматйтйааштан брахма-бхуйайа калпате*

“Ҳаётини садоқатли хизмат қилишга бутунлай бахшида қилган ва бу йўлдан оғишмай бораётган киши моддий табиат гуналари таъсиридан кутулади ва Браҳман даражасига эришади.”

Шундай қилиб, Худои Таолога холис хизмат қилиб юрган содик моддий табиат гуналари таъсиридан аллақачон қутулган бўлади. Браҳман даражасига этиш - озодликка чиқиш демакдир. Бизларнинг онгимиз мавжуд уч ҳолатдан, уч погонадан бирида бўлади: тана(хиссиётлар) погонаси, ақл погонаси ва руҳий погона. Руҳий погонани Браҳман погонаси деб атайдилар, шунинг учун озодликка чиқкан одамларни Браҳман даражасига етган одамлар дейишида. Шартланган рухларнинг аксарият кисми тана ёки хиссиётлар

погонасида яшайдилар, бироз ривожланган тафаккурга эга одамлар, масалан хар хил фикрий мулоҳазаларга берилган файласуфлар - ақл даражасига кўтарилиган бўлади. Ана шу даражалардан юкорида озодликка эришиш погонаси, ёки Брахман погонаси туради.

Худонинг ҳамиша Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлган содик хизматкори табиий равишда озодликка эришиши “Нарада-панчаратра”да ҳам тасдиқланган:

*дик-каладӣ-анаваччхине кришине чето видҳайа ча*

*тан-майо бхавати киширамҳ джисво брахмани йоджсайет*

“Дикқат-эътиборини хар ерда мавжуд бўлган, макон ва замон қонунларига бўйсунмайдиган Кришнанинг илоҳий сиймосида жам қилиб, инсон Кришна ҳақидаги мулоҳазаларга гарқ бўлади ва У билан руҳий мулоқотдан чексиз лаззат олиб баҳтиёр бўлади”.

Кришна онгида бўлиш йога жараёнининг энг олий погонасидир. Кришна Параматма кўринишида хар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд эканини англаб етиш инсон қалбини барча гуноҳлардан поклайди. Парвардигори оламнинг англаб бўлмас чексиз қудрати Ведаларнинг қуидаги шеърида тушунтирилган: эко “ти сан баҳудҳа йа “вабҳати

*аишварийад рупам экам ча сурйавад баҳудхейате*

“Вишну ягона ва айни пайтда ҳамма ерда мавжуд. Ўзининг англаб бўлмас қуввати ёрдамида У, гарчи Ўзи бир бўлса ҳам, хар ерда мавжуддир. Худди қуёш сингари, У бир вактнинг ўзида ҳамма ерда бўла олади”.

*аттамаупамйена сарватра самам пашйати йо “роджуна*

*сукҳам ва йади ва духкҳам са йоги парамо матаҳ*

“О Аржун, ҳар бир тирик мавжудотни таҳлил қилиб, уларнинг баҳтли ёки баҳтсиз бўлишидан қатъий назар, аслида ҳамманинг ўзига тенг эканини англаб етган кишини комил йог деб айтадилар.”(Бг.6.32). Мана шу ҳақиқий руҳий дунёқараш ҳисобланади. Худо факат одамларнинг қалбида мавжуд, сигирларнинг, ит ёки мушукларнинг қалбида Худо йўқ деб ўйламаслик керак: *сарва-бхутанам* ибораси Худо барча тирик мавжудотларнинг: инсонларнинг қалбида ҳам, ҳатто чумолиларнинг қалбида ҳам мавжудлигини кўрсатади. Фарқи шундан иборатки, ит ва мушук сингари куи ҳайвонлар буни англаб ета олмайдилар. Инсон эса, агар у *санкҳя* ёки *бҳакти-йога* усулидан фойдаланса, Худои Таоло ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд эканини англай олади. Ҳаётда инсон бўлиб яшашнинг ягона афзаллиги мана шунда. Факат инсон ҳаётидагина мавжуд бўлган ана шундай имкониятни қўлдан бой берсак, энг катта зарар кўрган бўламиз, чунки, инсон танасида туғилиш учун биз, саккиз миллиондан кўпроқ ҳаёт турларида, жуда узоқ вактлар туғилиб-ўлиб, сарсон бўлиб

юрганмиз. Биз буни эсдан чиқармаслигимиз ва шундай нодир имкониятни қўлдан бой бермаслигимиз лозим. Факат биздагина инсонгагина хос бўлган тана ва тафаккур, ақл-идрок бор, ва фақат инсонларгина жамият ҳаётини руҳий қадрияtlар асосида куриши мумкин. Шунинг учун, ҳамиша хавотирда, худди ит ва мушуклар сингари тирикчилик учун курашиб билан умримизни бекорга, мазмунсиз, бемаъни ўтказгандан кўра, умримиздан тўғри фойдаланиб, осойишта яшашга, вактимизни Худои Таоло билан ўзимизнинг азалий, мангу муносабатларимизни қайта тиклашга сарфлашимиз лозим. "Бхагавад Гита" бизни айнан мана шунга даъват қиласади: "Имкониятингизни бой берманг! Факат инсон ҳаётида келадиган шундай нодир омадингиздан унумли фойдаланиб қолинг!"

## Еттинчи боб. Хозирги даврнинг йога усули

*арджуна увача*

*йо "йам йогас твайа проктаҳ самайена мадхусудана  
этасайахам на пашайами чанчалатват стхитим стхирам*

"Арджуна шундай деди: О Мадхусудана, Сен таърифлаб берган йога усулидан амалда фойдаланишнинг иложи йўқдай туюляпти, чунки менинг ақлим нотинч ва ҳамиша хавотирда.(Бг.6.33).

Бу ерда Парвардигор Шри Кришна тушунтирган аштанга-йога усулига аниқ баҳо берилган. Аввал айтиб ўтганимиздай, бу йога усули билан шуғулланиш учун одам маълум ҳолатда, мустаҳкам ўрнашиб ўтириб олиши ва фикри назарини қалбida мавжуд бўлган Вишнунинг қиёфасида мужассам қилиши лозим. Аштанга-йога билан шуғулланишни хиссиётни жиловлашдан ва муайян қонун-қоидаларга амал қилишдан бошлаш лозим. Кейин, ҳар хил муроқаба ҳолатларини, нафас олишни бошқаришни ўрганиш керак, ақлни юракда мавжуд бўлган Вишнунинг қиёфасида мужассам қилиш ва ниҳоят ана шу гўзал қиёфани томоша қилиб лаззатланишга ўтиш керак. Аштанга-йоганинг саккиз погонаси мана шулардан иборат. Шри Кришнанинг айтганларини тинглаб бўлиб, Аржун Унга очиқдан-очиқ тан олиб айтаяпти, аштанга-йога билан шуғулланиш осон иш эмас. У, "бу усулни амалда қўллашнинг иложи йўқ" деб айтаяпти.

Аслини олганда аштанга-йога амалда қўлланишга яроқсиз эмас, акс ҳолда Парвардигор Шри Кришна уни таърифлашга шунча вақт сарфлаб ўтирган бўларди. Ундан фойдаланиш Аржунга қийин бўлиб туюляпти, бинобарин, бирор бажара олмаган ишни бошқа бирор албатта бажаради. Кришна билан сухбатлашар экан, Аржуна бу ерда ўзини оддий инсонлардай тутяпти. У донишманд ҳам эмас, гадой-санниси ҳам эмас, ўзини худди бизлар сингари оддий инсонлардай тутяпти. У - ўз салтанати учун жанг қилаётган жангчи, шу жиҳатдан уни дунёвий фаолият билан машғул оддий одам деб ҳисоблаш мумкин. У тирикчилик ғамида юрибди, оиласини боқиши ва бошқа дунёвий ташвишлар билан машғул. Оддий одамларнинг кўпчилиги учун аштанга-йога усули ҳаётда қўллашга тўғри келмайди, Аржун ҳам ўзини ана шундай одамлардан қилиб кўрсатяпти. "Бхагавад Гита"нинг бу шеърини айнан ана шу нуктаи-назардан тушуниш лозим. Аштанга-йога дунёвий ҳаётни тарқ этган ва қандайдир муқаддас жойлардаги тоғ қоясида ёки форда узлатга чекиниб риёзат чекаётган кишилар учун мўлжалланган. Лекин ҳозирги даврда ким ана шундай ишларни кила олади? Агар ҳатто, машхур кшатрийлар авлодига мансуб буюк жангчи, гайритабиий қобилиятларга эга инсон бўлатуриб, Аржун йоганинг бу усулини амалда қўллашга яроқсиз деб ҳисоблаган бўлса, унда оддий одамлар бўлган бизлар нима ҳам дея олардик? Йоганинг бу тури билан шуғулланишга қилган барча уринишларимиз бекор кетиши аник.

Кришна *шуучай дение* иборасидан бошлаб, *йоги парамаҳ* иборасигача таърифлаб берган сехрли йога усулини Аржун рад этади, чунки, бу усулни амалда қўллай олмаслигини билган эди. Айтиб ўтилганидек, Кали-югада яшаётган оддий одам уйини тарқ этиб, йога билан шуғулланиш учун тоғда ёки ўрмонда жойлаша олмайди. Ҳозирги давр - одамларнинг умри фақат тирикчилик учун қаттиқ кураш билан ўтадиган давр ҳисобланади, бунинг устига Кали-юга кучга кира боргани сари, одамларнинг ҳаёти ҳам қисқариб, умри камайиб боради. Боболаримиз юз йил ва ундан ҳам кўпроқ умр кўрган, лекин ҳозир одамлар зўрга олтмиш ёки етмиш йил умр кўряптилар. Келажакда инсонларнинг умри бундан ҳам камайиб бораверади. Бунинг устига, бу даврда одамларнинг хотираси ҳам заифлашиб боради, ва улар аста-секин раҳмдиллик ва шу сингари инсонларга хос бўлган эзгу фазилатларни тобора йўқота борадилар.

Кали-югада одамлар, ҳаёт тарзини тартибга солувчи хар хил шартлар қўядиган, маълум ҳолатда ўтиришни, муроқаба учун маҳсус жой танлашни, бунинг устига ақлни моддий фаолиятдан бутунлай халос этишини талаб қиласидиган аштанга-йоганинг мураккаб усули нари турсин, ҳатто ўзликни англашнинг энг осон усувларини ҳам қўллай

олмайдилар. Гарчи энг юксак қобилиятлар соҳиби бўлса ҳам, ҳаётга амалий жиҳатдан, соғ ақл қўзи билан қарайдиган одам бўлгани учун, Аржун йоганинг “бу усули билан шуғулланишнинг иложи йўқ”, деб ҳисоблайди. Аржун қандайдир ғайритабий жисмоний машқлар билан ғоғил одамларни алдаб, уларни ҳайратта солиш, йўлдан адаштириш билан шуғулланадиган соҳта йог бўлишни истамайди. У шунчаки тақлид қилиш билан қимматли вақтини ўтказишни истамаган эди, шунинг учун ҳам очиғини айтиб қўя қолди: ҳаётда жангчи, оила бошлиғи бўла туриб, айни пайтда аштанга-йога коидаларига амал қилиш билан машғул бўла олмайди, бу унинг учун бекорга вақт ўтказишидир. Аржун шоҳ хонадонига мансуб бўлиб, жуда кўп эзгу фазилатларга эга инсон эди. Жанг илмида унга тенг келадиган одам йўқ эди, у бизга қараганда анча узоқ умр кўрган, ва энг асосийси - Шри Кришнанинг, Худонинг Олий Шахсининг яқин дўсти эди. Сатя-юга даврида одамларнинг умри юз минг йил бўлган. Трета-югада инсон умри ўн минг йил бўлган. Аржун яшаган Двапара-югада эса, одамлар минг йил яшаган. Биз яшаётган ҳозирги Кали-юга даврида инсон умри юз йилдан ошмайди. Гарчи ўзи яшаган даврда минг йил мобайнода мурокаба йога усули билан шуғулланиш мумкин бўлса ҳам, Аржун аштанга-йога усулини ҳаётда кўллаш қийин деб ҳисоблайди.

Беш минг йил олдин яшаб ўтган Арджун, бизларга қараганда анча кўп имкониятларга эга бўлган, шунда ҳам йога тизимининг бу усулини рад этган. Ҳакиқатан ҳам, ҳеч қаерда Аржуннинг бундай йога билан шуғуллангани ҳақидаги маълумотни учратмаймиз. Демак, Кали-югада яшаётган кўпчилик одамлар учун аштанга-йога усулини ҳаётда кўллашнинг иложи йўқ, деб ҳисоблаш керак. Балки бир неча одам бу усулини кўллаши мумкинлар, лекин аксарият одамлар бунинг уддасидан чика олмайди. Агар аштанга-йогани ҳаётда кўллаш ҳатто беш минг йил аввал қийин бўлган бўлса, бугунги кунда қандай қилиб ундан фойдаланиб бўларди? Ҳар хил йога мактабларида ва йога жамиятларида йога билан шуғулланишга тақлид қилиб, ўзларича ҳаётидан мамнун бўлиб юрганлар аслида ўз умрларини бекорга сарфлаб юрган одамлардир. Бу одамлар йоганинг ҳакиқий, асл мақсади ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслар.

Аштанга-йога усули ҳозирги даврга тўғри келмас экан, демак биз ҳаётимизни бхакти-йога билан шуғулланишга бағишлишимиз лозим: бхакти-йогани ҳамма кўллай олади. Бхакти-йога билан шуғулланиш учун одам ҳеч қандай маҳсус қобилиятларга эга бўлиши ёки маҳсус тайёргарлик орқали ўтиши шарт эмас. Киртана пайтида ҳатто кичкина ёш бола ҳам карсак чалиб, раксга тушиши мумкин. Шунинг учун ҳам, Худованд Чайтанья Махапрабху бхакти-йогани бизнинг даврда кўллаш мумкин бўлган ягона усул деб атаган.

*харер нама харер нама харер намаива кевалам  
калау настиэва насти эва насти эва гатир аниятха*

“Қарама-қаршиликлар ва иккииозламачиликлар даври бўлган ҳозирги Кали-юга даврида факат Худонинг мұқаддас номларини зикр килиш билангина озодликка эришиш мумкин. Бошқа йўл йўқ. Бошқа йўл йўқ. Бошқа йўл йўқ”. Бундай усул жуда осон ва амалда қўлланилса, сезиларли натижаларга тез олиб келади. *Пратийакашавагамам дхармйам.* Йоганинг бошқа ҳар қандай усули билан шуғулланганда биз қанчалик юксалганимизни била олмаймиз, демак, ҳамиша коронғида, ғоғилликда, ноаниқлиқда юраверамиз. Ҳаётини бҳакти-йогага бағишлаган киши эса, кўп вақт ўтмай, руҳий юксалишда қанчалик юқори кўтарилганини ўзи яққол ҳис қиласди. Инсонга ўзининг кейинги ҳаётини кутиб ўтирмасдан, ҳозирги ҳаётидаёқ руҳий табиатини англаб етиш ва озодликка чиқиш имкониятини берадиган ягона усул - мана шу бҳакти-йога усулидир.

*chanchalam xi manah kriishna pramatxi balavad drdham  
tasiyaham nigraham manie vayor iva sudushikaram*

“Ақл нотинч, асов, ўжар ва ниҳоятда кучли, о Кришна, менимча, уни жиловлаш шамолни жиловлашдан ҳам оғир бўлса керак”(Бг. 6.34).

Ақлни Харе Кришна мантраси ёрдамида осонгина жиловлаб олиш мумкин. Кришнанинг мұқаддас номини овоз чиқариб зикр қилишимиз биланоқ ақлимиз Кришнага интила бошлайди, биз шу заҳоти йоганинг олий мақсадига эришган бўламиз. Ҳар хил йога тизимлари инсоннинг ақлини Вишнунинг қиёфасида жамлашга ёрдам бериш учун мўлжалланган, Кришна эса - Худонинг азалий Олий Шахси, Вишнунинг намоён бўлган ҳамма қиёфаларининг манбаи. Кришнани бошқа барча шамларни туташтирувчи биринчи, азалдан ёниб турган шамчирокка қиёслаш мумкин. Азалий, мангур ёниб турган шамчироқдан ҳоҳлаганча бошқа шамчироқларни туташтириб ёкиш мумкин, бунда у шамчироқларнинг бирортаси ҳам ёруғлик таратища азалий шамчироқдан қолишмайди. Шунга қарамай, барибир биринчи шамчироқ азалий, бошланғич шамчироқ бўлиб қолаверади. Худди шундай, Кришнадан миллионлаган Вишну пайдо бўлади, уларнинг ҳар бири хеч нарсада Кришнадан қолишмайди, аммо Кришна барибир уларнинг ягона азалий, бошланғич манбаи бўлиб қолаверади. Шунинг учун, фикрини Шри Кришнада, азалий Худонинг Олий Шахсида мужассам қилиш билан инсон йоганинг олий мақсадига эришиб, комил йог бўлади.

*шири-бҳагаван увача  
асамишайам маҳа-баҳо мано дурниграхам чалам  
абхийасена ту каунтейа вайрагайена ча грихийате*

“Парвардигор Шри Кришна шундай деди: - "Эй Кунтининг билаги кучли ўғли, нотинч ақлни жиловлаш албатта жуда қийин. Аммо, маълум машқлар ва дунёвий лаззатлардан воз кечиш орқали бунга эришса бўлади”(Бг.6.35). Кришна бу ерда ақлни жиловлаш осон деб айтаётгани йўқ. У ақлни жиловлашнинг қийин эканини тан оляпти, лекин, айни пайтда махсус, ўзига хос машқлар ёрдламида бунинг иложи борлигини айтяпти. Махсус машқлар деганда ҳамиша Кришнани эслаб юришга имкон берадиган фаолият билан машғул бўлиш назарда тутиляпти. Кришнани англаш жамияти аъзолари ҳаётда ҳар хил ишларни бажарадилар - киртаналар ўтказадилар, эхромда Худога хизмат қиласадилар, прасад тайёрлайдилар, китоблар чоп этадилар, - бундай ишларнинг ҳаммасининг марказида Кришна туради. Шунинг учун, Худонинг содик хизматкори қандай иш билан машғул бўлишидан қатъий назар - китоб ёзадими, Кришна учун овқат пиширадими, Кришна учун кўшик куйладими ёки Кришна ҳақидаги китобларни тарқатадими - у ҳамиша йога билан машғул ва унинг ақли ҳамиша Кришнада мужассам бўлади. Биз ҳам худди дунёвий ҳаётдаги сингари ҳар хил фаолият билан машғулмиз, аммо бизнинг фаолиятимиз тўғридан тўғри, бевосита Кришна билан боғланган. Шу тарзда, у ёки бу иш билан машғул бўлиб, инсон Кришна онгига кўтарилади ва табиий равишда, ўз-ўзидан йоганинг комил дарражасига эришади:

*асамйаттмана його душтрата ити ме матиҳ  
вашияттмана иу йатата шакио “ваттум упайатаҳ*

“Ақли жиловланмаган киши учун ўзликни англаш жараёни - энг мушкул иш. Аммо, ақлинни жиловлаб олиб, мақсадга тўғри йўлдан бораётган киши албатта муваффақиятга эришади. Менинг фикрим шу”.(Бг.6.36). Парвардигори олам тасдиклаб айтганидай, агар инсон ақлинни дунёвий фаолиятдан чалғитишга ёрдам берадиган усулни қўлламаса, ўзлигини англашда муваффақиятга эришиши амри маҳол. Йога билан шугулланиши билан бир вақтнинг ўзида моддий лаззатлар ҳақида ўйлаш - худди, бир вақтнинг ўзида олов ёқиб, унга сув қуйиб туриш билан баробар. Ақлни жиловлаш асосида ташкил этилмаган йога усули шунчаки бекорга вақт кетазишидир. Агар муроқаба билан машғул бўлаётган кишилар ақлинни Кришнада мужассам қиласалар, нур устига аъло нур бўларди. Аммо, ҳозирги замонавий йога жамиятларида бўшлиққа ёки қандайлир бирор рангга муроқаба қилишни ўргатадилар. Бошқача қилиб айтганда, йога жамиятларида Вишнунинг қиёфасига муроқаба қилишни тавсия қилмайдилар. Ақлни бўшлиқда ёки қандайдир шахссиз, шакл-шамойилсиз бир нарсада мужассам қилиш, жамлаш жуда мушкул иш. "Бхагавад Гита"нинг ўн иккинчи бобида Шри Кришна бу ҳақда шундай дейди:

*көлеш “дхикатарас тешам авйактасакта-четасам  
авийкта хи гатир дүхкхам дехавадххир аваптайте*

“Ақли Мутлак Ҳақиқатнинг намоён бўлмаган, шахсиз кўринишида мужассам бўлган одамлар руҳий юксалиш йўлидан оғир машаққатлар билан борадилар. Шартланган тирик мавжудотлар руҳий юксалиш йўлида ҳар қадамда жуда оғир қийинчликларга дуч келади”.

Эҳромда Кришнага сажда қиласар экан, Худонинг содиқ хизматкори дикқатини Кришнанинг шахсий қиёфасида мужассам қилишга ҳаракат килади. Лекин, бўшлиқка муроқаба қилиш жуда мушкул иш, чунки, ақл ўзининг табиатига кўра нотинч. Бўшлиқда дикқатни жамлашнинг ўрнига ақл, томоша қилиш учун, ўзига бирор обьект қидириб топишга ҳаракат қилади. Ақл ҳамиша бирор нарса ҳақида йўлаши керак, агар у Кришна ҳақида ўйламаса, албатта майя, алданиш, рўё ҳақида ўйлади. Шунинг учун, шахссиз, шакл-шамойилсиз бўшлиқка муроқаба қилиш - шунчаки вақтни бекорга сарфлашдан бошқа нарса эмас. Албатта, бошқаларга кўз-кўз қилиш учун йога билан шуғулланиш қандайдир моддий манфаат келтириши мумкин, аммо, руҳий ўзликни англаш нұқтаи-назаридан бундай машғулот мутлако бефойда. Мен муроқаба мактабини очишим ва шогирдларимнинг медитация позасида ўтирганлари, гоҳида чап, гоҳида ўнг бурнини қисиб нафас олганлари учун улардан пул йиглаб олишим мумкин, лекин улар йоганинг асл мақсадига эришмасалар, демак, мен уларни алдаётган бўламан ва улар ўзларининг вақтини, пулларини бекорга сарфлаётган бўлади.

Шунинг учун, ақлни ҳамиша Вишнунинг қиёфасида мужассам қилиш ва уни бошқа ҳеч нарсага чалғитмаслик керак. Мана шу ҳолат *самадхи* деб аталади. Кришнани англаш усули, ақлни ҳамиша Худога муҳаббат билан хизмат қилиш жараёнида машғул қилиш ёрдамида уни жиловлаш имконини беради. Агар инсон Кришна онгинда қандайдир фаолият билан машғул бўлмаса, у ақлинни ҳамиша ўзининг назорати остида ушлаб тура олмайди. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши табиий равишида аштанга-йогада эришиладиган натижаларга эришади, аммо, агар қалбида Кришна онгини ривожлантирмаса, йога билан шуғулланиб юрган одам йогада ҳеч қандай муваффақиятга эришмайди.

# **Саккизинчи боб. Йога билан шуғулланиш жараёнида муваффақият ва омадсизликлар**

Фараз қилайлик, инсон ҳәтида ўзининг одатдаги турмуш тарзини тарк этиб, ҳәқиқий йога усули билан - Парвардигор Шри Кришна "Бхагавад Гита"нинг олтинчи бобида таърифлаб берган йога усули билан шуғуллана бошлади. Агар у, қандайдир сабабларга кўра, йога машғулотида омадсизликка учраса ва бу йўлдан охиригача етиб бора олмаса, ундай одамнинг тақдири нима бўлади? Аржун Шри Кришнага айнан шундай савол билан мурожаат қиласи:

*аржуну увача  
айатиҳ шраддхайонето йогач чалита-манасаҳ  
апрапайа йога-самсиддхим кам гатим кришина гаччхати*

"Аржун шундай деб сўради: - "О Кришна, аввалига қатъий ишонч билан руҳий юксалиш йўлидан борган, аммо кейин, дунёвий ишларга берилиб кетиб, бу йўлни тарк этган, ва камолотга эриша олмаган йогнинг тақдири нима бўлади?"(Бг.6.37).

Ҳәқиқий ўзликни англаш ёки сеҳргарлик йўли "Бхагавад Гита"да таърифлаб берилган. Ўзликни англашнинг асоси - ҳәқиқий ўзлигимиз бўлган "мен" моддий танадан фарқ қилишини ва ҳәқиқий баҳт, илм ва лаззатга тўла, мангу ҳаётга эришиш эканини англаб олишдан иборат. Мана шу ҳақиқатларни тўлиқ англаб етгунга қадар инсон уларга шунчаки ишониб яшashi лозим. Руҳнинг асл табиати ҳақида - унинг танадан фарқ қилиши, мангу лаззат ва илмга тўла экани - "Бхагавад Гита"нинг энг бошида айтилган.

Бизнинг ҳаётимиз, умримиз эртами-кечми албатта ниҳоясига етади. Йогада мукаммалликка эришиш - илм ва лаззатга тўла, мангу ҳаётга эришиш демакдир. Инсон йоганинг қайси тури билан машғул бўлмасин, у йоганинг мана шу олий мақсадини эсидан чиқармаслиги лозим. Йога билан семизлиқдан қутулиш ёки соғликни тиклаб олиш ва ундан кейин яна хиссий лаззатларга берилиб яшаш учун шуғулланиш керак эмас. Бундай ўткинчи мақсадларнинг йоганинг ҳәқиқий олий мақсадига ҳеч қандай алоқаси йўқ, шунга қарамай, одамларни йога клубларида айнан мана шу нарсаларга ўргатадилар, чунки уларнинг

ўзлари алданишни истайдилар. Ахир, умуман ҳар қандай жисмоний машқларни бажариш ёрдамида ҳам одам ўзининг соғлигини тиклаб олиши мумкинку. Соғлиқни тиклашга ва ортиқча вазндан кутулиб, овқат ҳазм бўлишини яхшилашга ёрдам берадиган спортнинг ҳар хил турлари мавжуд. Бундай арзимаган мақсадлар учун йога билан шуғулланишнинг мутлақо кераги йўқ. Йоганинг асл, ҳақиқий мақсади - бизга тана эмаслигимизни, туганмас баҳтга, мукаммал илмга ва мангу ҳаётга интилишимиз зарурлигини тушунишга ёрдам беришdir. Ҳақиқий йога айнан мана шундай буюк мақсадга олиб келади.

Йоганинг мақсади трансцендент, у тана ва ақл тушунчаларидан устун туради. Руҳий ўзликни англашга олиб борадиган уч йўл мавжуд: илм ўрганиш йўли, ёки гяни, саккиз поғонали сеҳрли йога йўли ва бхакти-йога йўли. Қайси йўлдан боришидан қатъий назар, инсон тирик мавжудотнинг мангу табиатини, унинг Худо билан ўзаро муносабатини англаб етиши ва ана шу, бир пайтлар узилиб қолган муносабатларни қандай қилиб қайта тиклаш лозимлигини тушуниши ва Кришна онги деб аталадиган камолот даражасига эришиши лозим. Уч йўлнинг хоҳлаган биридан бориб, инсон эртами-кечми албатта олий мақсадгага эришади. Бу ҳақда Парвардигор "Бхагавад Гита"нинг иккинчи бобида айтади: руҳий юксалиш йўлида қилинган озигина ҳаракат ҳам инсонда ҳаётдаги барча муаммолардан кутулишига умид ўйготади.

Барча усувлар ичида ҳозирги даврда биз учун бхакти-йога усули тўғри келади, чунки у Худони англашнинг энг тўғри ва қисқа йўлидир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун, Аржун Шри Кришнадан аввалги Ўзи айтган гапини тасдиқлашини сўрайди. Бизнинг ҳозирги даврда фалсафий изланишлар(гяни) ва саккиз поғонали йога йўли аксарият одамлар учун жуда машаккатли ҳисобланади. Шунинг учун, агар одам бу йўллар билан ҳатто самимий ва изчиллик билан ҳақиқий ўзлигини англашга интилса ҳам, жуда кўп сабабларга кўра, ва энг аввало, ўзи танлаган йўлга нисбатан жиҳдий эътибор бермагани сабабли, барибир омадсизликка учрайди. Руҳий юксалиш йўлига кириш, маълум бир маънода майяга - алданиш ҳиссини юзага келтирадиган Худонинг илоҳий кувватига уруш эълон қилиш демакдир. Ўзликни англашнинг у ёки бу йўлини танлаш билан биз майяни жангга, курашга чакирган бўламиз, ва у албатта бизга ҳалақит беришга ҳаракат қиласи. Бу курашда мағлубиятга учрамаслик учун биз ўз қароримизда қатъий туришимиз лозим. Қачонки йог моддий кувват чангалидан кутулишига ҳаракат килса, майя ҳар хил тузоклар билан албатта ундан устун келишга ҳаракат қиласи. Шартланган рух ҳаётда моддий табиат гуналарига ҳайратланиб, маҳлиё бўлиб қолган, шунинг учун, руҳий фаолият билан машғул бўлиб юрса ҳам, барибир яна унинг

тузокларига тушиб, алданиб қолиш хавфи ҳамиша мавжуд бўлади. Шундай ҳолат йогач ҷалита-манасах, “рухий юксалиш йўлидан адашиш”, деб аталади. Аржун руҳий юксалиш йўлидан адашган ана шундай одамнинг тақдирни билишини истайди.

Бхагавад Гита"нинг эслатиб ўтилган шеърида(6.37), *йогат* ибораси “йога билан шуғулланиш йўлидан” деган маънони, ҷалита ибораси эса, ҷалғиши, *манасаҳ* ибораси - “ақл”ни билдиради. Ақлимиз ҳоҳлаган пайтда йога билан шуғулланиш жараёнидан ҷалғиб кетиши мумкин. Дикқат билан китоб ўқимоқчи бўлганимизда нотинч ақлимиз, ҳаёлимиз бизга дикқатимизни бир жойга тўплаш имкониятини бермайдиган ҳоллар ҳаммамизга маълум.

Аржуннинг саволи жуда муҳим, чунки йоганинг қайси тури билан машғул бўлмасин, - саккиз погонали сехрли йога биланми, гъяна-йога, яъни фалсафий изланишлар йўли биланми, ёки бхакти-йога, Худога садоқатли хизмат қилиш биланми, ҳар қандай трансценденталистдан ҳам омад юз ўтириши, у йўлдан адашиши мумкин. Бу йўлларнинг ҳар бирида ҳам инсон омадсизликка учраши мумкин, бунинг оқибати қандай бўлишини Шри Кришна кейинги сухбатлари давомида тушунтириб беради. Аржун савол беришда давом этади:

*качин нобхайа-вібхрашташ чхиннабхрам ива нашийати  
апратишшто маҳа-баҳо вимудҳо брахманах патху*

“О қўли кучли Кришна, йога йўлидан адашган киши, ҳаётида эришган ҳам руҳий, ҳам моддий бойликларидан маҳрум бўлиб, худди ажралиб қолган булут парчаси сингари, ҳеч қаерда қўним топа олмай йўқолиб кетмайдими?”

*этан ме самшайам кришна чхеттум архаси аишешатаҳ  
твад-аңиаҳ самшайасайса чхетта на хӣ упападайате*

“Шундай шубҳа ва иккиланишлар мени ташвишга солади, о Кришна. Шунинг учун уларни тарқатиб юборишингни Сендан илтимос қиласан. Бундай гумонлардан мени факат Сен ҳалос эта оласан”.

*иши бхагаван увача  
партаха наивеха намутра винашас тасъя видйате  
на хи калиана-крит кашид дургатим тата гаччхати*

“Олий Шахс-Худо шундай деди: - “О Притхининг ўғли, хайрли ишлар қилиб юрган йог бу ҳаётида ҳам, кейинги ҳаётида ҳам ҳеч қандай ҳалокатга учрамайди. Эй дўйстим, эзгулик қилиб юрган кишини ҳеч қаҷон ёмонлик енга олмайди”.

*пратіа пунія-критам локан ушишта шашиватах самаҳ  
шучинам шриматам гехе йога-бхрашто бхиоджайате*

“Камолотга эриша олмаган йог, танаси ҳалок бўлгандан кейин, тақводор зотлар яшайдиган сайёralарда узоқ йиллар давомида

лаззатланиб яшайди, кейин эса, тақводор зотларнинг ёки бадавлат ва обрўли одамларнинг хонадонида туғилади”.

*атха ва йогинам эва қуле бхавати дхиматам  
этад дхи дурлабхатарам локе джанма йад идришиам*

“Ёки, (агар у йогада анча юксалишга эришгандан сўнг адашган бўлса,) руҳий илмни чуқур эгаллаган содиклар оиласида туғилади. Бундай омад ҳаётда камдан кам одамга насиб этади”.

*татра там буддхи-самйогам лабхате паурва-дехикам  
йатате ча тато бхуйиҳ самсиҷдҳау куру-нандана*

“Шунда, о Куру авлоди, унинг қалбида аввалги ҳаётида эришган илоҳий онги қайта уйғонади, ва у камолотга эришиш ниятида яна йога билан шуғуллана бошлайди”.

*пурвабхийасена тенаива хрийате хӣ авашо “ни саҳ  
джисиджнасур апи йогасия шабда-брахмативартате*

“Ана шундай илоҳий онг шарофати билан унда ўз-ўзидан йога машғулотига бўлган иштиёқ уйғона бошлайди. Руҳий илм олишга интилаётган ана шундай йогни ҳар хил ведавий маросим ва ақидалар қизиқтирилмайди”.

Биз ташкил этган “Кришнани англаш Халқаро жамияти” жаҳондаги барча одамларнинг онгини руҳий даражага кўтаришда ёрдам беришга мўлжалланган. Ҳозир бизлар қалбимизда илоҳий, руҳий онгни ривожлантиришга ҳаракат қиляпмиз, чунки, бизнинг онгимиз ҳатто ўлганимиздан кейин ҳам биз билан бирга колади. Худди гулнинг муаттар ҳидини шамол бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтгани сингари, биз ҳам онгимизни бир танадан иккинчи танага олиб ўтиб юрамиз. Биз ўлганимизда, ер, сув, ҳаво, олов ва эфирдан таркиб топган моддий танамиз яна моддий қувватнинг ана шу унсурларига қўшилиб кетади. Библияда айтилганда, “одам тупроқдан яратилган, яна тупроққа қўшилиб кетади”. Баъзи бир халқларда ўлик жасадни ёкиб юборадилар, баъзи бирларида дафн қиласидилар, баъзи халқларда эса, йиртқич ҳайвонларга берадилар. Масалан, индусларда ўлик жасадни ёкиб юборадилар ва у кулга айланиб кетади. Кул - ернинг таркибий қисми бўлган бир кўринишидир, холос. Христианларда ўлик танани ерга кўмадилар, бу ерда жасад вақт ўтиши билан чириб ерга қўшилиб кетади. Бошқа бир халқлар, масалан, Ҳиндистонда яшайдиган зардуштий(форсий)лар ўлик таналарни ёкмайдилар ҳам, кўммайдилар ҳам. Улар жасадларни йиртқич ҳайвонларга ташлайдилар. Йиртқич ҳайвонлар шу заҳоти жасадни еб ташлайдилар, натижада тана уларнинг ахлатига айланади ва шу тарзда ерга қўшилиб кетади. Шундай экан, биз ҳозир авайлаб, асраб, ювиб-тараб, парваришлаб юрган танамиз охир-оқибатда ахлатга, ёки кулга ёки чириндига айланиб кетади.

Ўлаётган пайтда, онг деб аталувчи нафис тананинг таркибий қисмлари - акл, тафаккур ва сохта ўзлик, - кичик руҳий заррача бўлган жонни янги танага олиб ўтади. Янги танада у ўзининг ҳозирги ҳаётида қилган ишларига қараб ёки лаззатда яшайди, ёки азоб-укубатларга дучор бўлади. Инсоннинг қиласидан ишларини унинг онги белгилайди, шакллантиради. Агар биз ҳаётда ахлатлар билан аралашиб юрган бўлсақ, шамол сингари, онгимиз уларнинг бадбўй ҳидларини ўзига сингдириб олади ва ўлгандан кейин бизни(жонни) қандайдир бир қўланса хид таратувчи танага жойлаб қўяди. Агар бизнинг онгимиз анвойи ҳидлар таратувчи атиргуллар билан аралашиб юрган бўлса, у уларнинг ҳидларини сингдириб олиб, бизни аввалги қилган ишларимиз оқибатидан лаззатланадиган танага жойлаб қўяди. Агар биз ҳаётда ҳамиша Кришна онгидаги ишлар билан машғул бўлиб яшашга ўргансак, онгимиз бизни кейинги ҳаётда Кришнанинг олдига олиб боради. Тирик мавжудотнинг навбатдаги танаси унинг онги асосида яратилади, шунинг учун йога қонун-қоидалари асосида ўзимизнинг онгимизни шакллантириб, биз йога билан шугулланишга яроқли бўлган танага эга бўламиз. Шу тарзда аввалги ҳаётимида шаклланган Кришна онгини қалбимизда қайта тиклаш имкониятига эга бўламиз. Шунинг учун, юқоридаги шеърда айтилганки, илоҳий онг шарофати билан тирик мавжудотда ўз-ўзидан йога машғулотига иштиёқ пайдо бўлади. Шунинг учун биз қилишимиз лозим бўлган биринчи муҳим вазифа - онгимизни руҳийлаштириш, руҳлантиришдир. Агар биз руҳий ҳаётга интилаётган, руҳий юксалишга ҳаракат қилаётган бўлсақ, бошқача қилиб айтганда, агар ўз уйимизга, илм ва лаззатга тўла, мангу бўлган Худонинг даргоҳига қайтишни истасак, - қалбимизда илоҳий онгни, Кришна онгини ривожлантиришимиз лозим.

Бунга шундай онгга эга одамлар билан бўлган мулоқотлар, сұхбатлар ёрдамида эришиш мумкин, *сангат санджайте камаҳ*. Руҳий юксалиш йўлидан бораётган одамлар билан ҳамсуҳбат бўлар эканмиз, биз ўзимизда руҳий, илоҳий онгни ривожлантирамиз, иблиссифат, ҳайвонсифат одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиб эса, иблисларнинг онгига эга бўлиб қоламиз. Шунинг учун, онгимизни руҳий ривожлантириш учун биз Кришна онгига бўлган кишилар билан кўпроқ ҳамсуҳбат бўлишга ҳаракат қилишимиз лозим. Бу инсон танасида туғилган ҳар бир тирик мавжудотнинг ягона бурчидир, чунки факт инсонгина ўзининг кейинги ҳаётини тўла руҳий ҳаёт даражага кўтара олиши мумкин. Ҳаётда ана шу олий мақсадга эришиш учун биз ўзларида руҳий онгни ривожлантираётган одамлар даврасини излашимиз лозим.

*прайатнад йатаманас ту йоги самиуудха-килбиишах*

*анека-джанма-самсиодхас тато йати парам гатим*

“Шундай одам йога билан самимий, қатый қарор ва ихлос билан шуғулдана бошлайди, натижада бир неча ҳаётлардан кейин моддийлик асоратидан бутунлай покланиб, рухий баркамолликка эришади ва олий мақсадга эришади”.(Бг.6.45). Бу шеърдан маълум бўлишича, мукаммалликка, камолотга эришиш - машқ қилиш, харакат қилиш натижасида амалга ошади. Ёш бола чекишни ҳам, ичишни ҳам билмайди, лекин, у ароқхўр ва чекадиган одамлар орасида ўсиб-улгайса, унинг ўзи ҳам атрофидагилар сингари ичадиган, чекадиган бўлади. Ёки масалан, бизнесни олайлик. Ҳар хил тижорат уюшмалари бор, уларга аъзо бўлиш инсонга тижоратда муваффакиятга эришиш, омадли бизнесмен бўлиш имконини беради. Биринчи ҳолатда ҳам, иккинчи ҳолатда ҳам ҳамкорлик, бирга бўлиш, ҳамсуҳбат бўлиш, муроқот жуда мухим аҳамиятга эга. *Сангат саджайте камаҳ*. Айнан шу ниятда мен “Кришнани англаш Халқаро жамияти”ни ташкил қилдим: бу ерда одамлар қандай қилиб ўзларида рухий онгни ривожлантиришни ўрганадилар. Бизлар, ана шу жамият аъзолари, барчани биз билан бирга Харе Кришна мантрасини куйлашга таклиф қиласмиш. Бу усул жуда осон, оддий, уни ҳатто ёш бола ҳам ўргана олади. Харе Кришна мантрасини куйлаш учун ҳеч қандай маҳсус тайёргарликнинг ёки илмий унвон олишнинг кераги йўқ. Биз барчани “Кришнани англаш Халқаро жамияти”нинг аъзоси бўлишга ва Кришна онгини ривожлантиришга чакирамиз.

Худони, Парвардигори оламни “энг пок Зот” деб айтадилар, ва Унинг даргоҳи ҳам энг пок даргоҳдир. Шунинг учун, агар у ерга боришини истасак, биз ўзимиз ҳам бенуқсон пок бўлишимиз лозим. Бу ўз-ўзидан кўриниб турган табиий талаб. Қандайдир бир давра одамлари орасига кириш учун уларнинг сифатларига эга бўлиш керак. Худди шундай, ўзимизнинг азалий уйимизга, Худонинг даргоҳига қайтиб бориши учун ягона бир шартни бажариш лозим, - моддийлик ғуборларидан бутунлай пок бўлиш керак. Ғуборлар деганда нима назарда тутилади? Ҳиссиётларнинг адo бўлмайдиган талабини қаноатлантириш. Ҳиссий лаззатланиш истаги кўринишидаги иллатлардан покланиб биз Худонинг даргоҳига кириш хукуқига эга бўламиш. Моддий иллатлардан покланишга ёрдам берадиган усууллар йога деб аталади. Аввал айтиб ўтганимиздай, ҳиссий лаззатларга берилиб яшаш билан бирга кунига ўн беш минут муроқаба қилишнинг йога усулига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Агар бирор касалликдан биратўла кутулишни истасак, биз врачнинг ҳамма қўрсатмаларига тўлиқ амал қилишимиз лозим. “Бхагавад Гита”нинг олтинчи бобида йога усули тўла баён этилган, моддийлик иллатидан покланиш учун шу усулдан фойдаланишимиз лозим. Бу йўлда муваффакиятга эришиб,

Парвардигори олам билан ўзимизнинг мангу муносабатларимизни қайта тиклашимиз мумкин.

Кришнани англаш усули Парвардигори олам билан тўғридан тўғри алоқа боғлаш имконини беради. Бу - Худои Таоло Чайтания Махапрабхунинг бизга бериб кетган алоҳида марҳамати, бебаҳо неъматдир. Бу усул мақсадга энг қисқа йўл билан боришни таъминлаш билан бирга, жуда самарали усулдир. Аввал ҳеч қандай қобилиятга эга бўлмаган кишилар Кришнани англаш ҳаракатига қўшилиб, озгина вақт ичиди Кришнани, Худони англашнинг, руҳий юксалишнинг энг олий погоналарига кўтарилиб, баҳтли бўляптилар. Ҳозирги даврда инсоннинг умри жуда қисқа, шунинг учун узоқ вақт муроқаба қилишни тавсия қиласидиган йога усули аксарият одамларга тўғри келмайди. Кали-юга даврида яшайдиган одамлар жуда баҳтсиз, уларнинг ўзаро муносабатлари, сухбат мавзулари ачинарли даражада бемаъни. Шу сабабдан уларга Худои Таоло билан бевосита боғланиш имконини берадиган усул - *хари нама* усули тавсия қилинган. Кришна Ўзининг муқаддас номида ҳам мавжуд, биз шунчаки Унинг номини тинглаш ёрдамида Худои Таоло билан боғланишимиз мумкин. Худонинг муқаддас номи, Харе Кришна мантраси бизни моддий ғуборлардан бир пасда поклашга қодир.

“Бхагавад Гита”нинг еттинчи бобида шундай дейилган:

*йешам тванта-гатам патам джсананам пунья-карманам  
те двандва-моха-нирмукта бхаджсанте мам дридха-вратам*

“Ҳозирги ва аввалги ҳаётларида хайрли ишлар қилиб юрган ва гуноҳ ишларни биратўла тарк этган киши алдамчи қарама-каршиликлар таъсиридан халос бўлади ва қатъий ишонч билан ўзини Менга садоқат билан хизмат қилишга бағишлияди”.(Бг.7.28). Бу ерда таъкидлаб айтиляптики, моддий қарама-каршиликлар таъсиридан биратўла кутулиб, биз Кришна онгига мустаҳкам туришимиз ва фақат эзгу ишлар қилиш билан банд бўлишимиз лозим. Ақлимиз нотинч бўлгани сабабли у ҳамиша қарама-қаришиликлар таъсири остида, хавотирда бўлади. Биз ҳаётда ҳамиша иккиланиб юрамиз: - “Худонинг содик хизматкори бўлсаммикан ёки бошқа ишлар билан шуғуллансаммикан?” Ҳар бир одам бундай муаммога дуч келади, аммо, аввалги ҳаётларида эзгу, савоб ишларни кўпроқ қилган кишининг тафаккури, онги “Мен Худонинг содик хизматкори бўлиш йўлини танлайман!” - дея қатъий қарорга келиш имконини берадиган даражада руҳан юксалган бўлади.

Аслини олганда, бизнинг аввалги ҳаётда қандай ишлар қилганимизнинг аҳамияти йўқ, - гуноҳ ишларми, савоб ишларми. Харе Кришна мантраси шундай кудратли кучга эгаки, уни зикр қилиш шарофати билан биз ҳар қандай гуноҳлардан дарров покланамиз.

Лекин поклангандан кейин яна гуноҳ қилишдан эҳтиёт бўлиш керак. Кришнани англаш жамиятига аъзо бўлиб, руҳий фотиҳа олишни истаган ҳар бир одам тўрт қоидага қатъий амал қилиши керак: гўшт емаслиги, маст қилувчи нарсалар истеъмол қилмаслиги, қимор ўйинларида иштирок этмаслиги ва ҳаётида ноқонуний жинсий алоқаларга йўл қўймаслиги лозим. Биз одамларга “жинсий алоқани умуман тарк этинг!” - демаймиз. Ноқонуний жинсий алоқаларни тарк этиш керак. Маст қилувчи нарсаларни истеъмол қилмаслик, деганда факат арок ва бошқа кучли таъсир қилувчи нарсалар эмас, ҳатто чой ва кофе ҳам назарда тутилади. Бундан ташқари, гўшт, тухум, балиқ истеъмол қилиш ва ҳар турли қимор ўйинларидан ҳам воз кечиш керак. Мана шу асосий қоидаларга амал қилиб юришнинг ўзи бутунлай покланиш учун етарли ҳисобланади. Бунинг учун бошқа қандайдир уринишларнинг ҳожати йўқ. Кришнани англаш жамиятига кириб, шу қоидага амал қила бошлаганида, инсон аввал қилган гуноҳлари оқибатидан дарров халос бўлади, лекин яна гуноҳлар ботқогига ботишдан эҳтиёт бўлиш керак. Шунинг учун мана шу қоида ва қонунларга изчиллик билан қатъий риоя қилиб юриш керак.

Моддийлик ботқогига ботиши инсондаги мавжуд бўлган тўрт хил майиллиқдан бошланади - жинсий алоқага бўлган интилиш, гўштга бўлган иштаҳа, қимор ўйинларига ва маст қилувчи нарсаларга интилиш. Агар биз ўзимизни ана шу интилишлардан мустаҳкам тўса олсак, гуноҳ ишларга биратўла чек қўйган бўламиз. Кришна онгида бўла туриб, биз гуноҳларимиз оқибатидан, барча иллатлардан покланамиз, лекин, муқаддас номларни зикр қилиш қурдати билан барибир покланамизку, деган ўй билан, гуноҳ иш қилишга бўлган интилишимизни давом эттираслигимиз керак. Бу шунчаки ўз ўзини алдаш бўлади, бундай фикрда бўлишга мутлақо йўл қўймаслик керак. Бир марта поклана туриб, биз яна гуноҳлар иллатига ботмаслигимиз лозим. Вино ичиб маст бўлиш, жинсий алоқа қилиш ва кейин муқаддас номни зикр қилиб покланиш мумкин, деб ўйламаслик керак. Баъзи бир “дин” деб аталувчи сохта оқимларда шундай тушунча мавжуд, улар ўйлайдиларки, ҳар қандай гуноҳ қилиш мумкин, кейин эса черковга бориб қилган гуноҳлари учун тавба қилиш, шу билан гуноҳларни ювиш мумкин. Шу тарзда одамлар тинимсиз гуноҳ қилиб, тинимсиз тавба қилиб юраверадилар. Лекин Кришнани англаш жамиятида бундай ҳаракатларга ўрин йўқ. Агар сиз гуноҳдан покланган бўлсангиз, бошқа гуноҳ қилмаслигингиз лозим. Акс ҳолда тавба қилишнинг қандай маъноси қолади? Агар “Мен гуноҳ қилиб қўйдим, Ўзинг кечир!” - деб тавба қилсангиз, қандай қилиб яна шундай гуноҳ қиласиз? Агар ўғри бирорвнинг чўнтагини ўғирлаганига икror бўлиб тавба килса, унинг гуноҳи кечирилади, аммо, бу унга яна

күчага чиқиб ўғирлик қиласвериш хукукини бермайдыку. Мутлақо бундай эмас. Буни ёш бола ҳам тушунади. Агар тавба қилиш билан гунохлар ювиладиган бўлса, биз гуноҳ иш қилишда давом этаверишимиз керак, тавба қилиб покланиб, яна гуноҳ қиласверамиз деб ўйламаслик керак. Тавбанинг маъноси мутлақо ундай эмас.

Гуноҳ қилиш билан яна нопок ҳолга келишимизни тушуниб олиш керак. Шунинг учун, жинсий ҳаётни, аввало Худои Таолога таклиф қилинган ва факат инсон учун мўлжалланган овқатни ейишни талаб қиласиган, ҳаётни тартибга соладиган қондаларга қатъий риоя қилиб яшаш, худди Аржун сингари, Худои Таолонинг кўрсатмалари асосида факат эзгу ишлар қилиш керак. Шунда ҳаётда ҳар қандай иллатлардан йирок юриб, умримизни бутунлай поклай оламиз. Агар биз умримизнинг охиригача пок, ҳалол яшашга эриша олсан, албатта Худонинг даргоҳига эришамиз. Кришна онгини тўла эгаллаган киши ўлганидан кейин яна бу моддий оламга қайтиш хавфидан бутунлай халос бўлади. Бу ҳақда "Бхагавад Гита"нинг тўртинчи бобида айтилган:

*джсанма карма ча ме дивайам эвам йо ветти таттватаҳ  
тийактва дехам пунар джсанма наити мам эти со арджуна*

"Менинг бу дунёда намоён бўлишимнинг ва кўрсатган кароматларимнинг илоҳий моҳиятини англаб етган киши, бошқа ҳеч қачон моддий оламда туғилмайди. Умрининг охирида танасини тарк этиб, у Менинг мангу даргоҳимга қайтиб келади, О Аржун".(Бг.4.9). Омади юришмаган йог тақводор кишиларнинг ёки обрўли бадавлат кишиларнинг хонадонида туғилади, аммо Кришна онгига мукаммалликка эришган киши ҳеч қачон бу дунёга қайтиб келмайди. У Голока Вриндаванага, мангу руҳий оламнинг энг олий сайёрасига эришади. Бу моддий оламга бошқа қайтиб келмасликка биз қатъий ишонч билан ҳаракат қилишимиз лозим, чунки, агар ҳатто бадавлат ёки обрўли хонадонда туғилиш насиб қилса ҳам, ундай имкониятдан нотўғри фойдаланиб, ҳаётда яна гуноҳи азимларга ботиб кетишимиз мумкин. Шундай экан, бундай хатарли ишга кўл уришнинг нима кераги бор? Ундан кўра, ҳамиша Кришна онгига бўлишга ҳаракат қилиш керак, шунда кейинги ҳаётимизда биз албатта руҳий оламга, Голока Вриндаванага, Худонинг даргоҳига эришамиз.

*тапасвибхийо "дхико йоги джанубхийо "ни мато "дхикаҳ  
кармибхайаш чадхико йоги тасмад йоги бхаварджуна*

"Йог узлатдаги риёзатчидан, файласуфдан ва ўз меҳнатининг натижасига боғланиб қолган кишидан устун туради. Шунинг учун эй Аржун, ҳар қандай холатда ҳам йог бўлиб қол!"(Бг.6.46). Моддий оламда яшаб туриб, руҳий юксалишнинг ҳар хил босқичларида бўлиш мумкин. Аммо, ҳамиша йоганинг, айникса бхакти-йоганинг қонун-

қоидаларига амал қилиб юрган киши, мукаммал ҳаёт тарзи билан яшаётган бўлади. Шунинг учун Кришна Аржунга ҳар қандай холатда ҳам йог бўлиб қолишни маслаҳат беряпти.

*йогинам ати сарвешам мад-гатенантаратмана  
ираддхаван бхаджсате йо мам са ме йуктатамо маттаҳ*

“Барча йолгар ичида, ҳамиша қалбида мавжуд бўлган Мен ҳақимдаги мулоҳаза қилиб юрган, чукур иймонга эга бўлиб, Менга муҳаббат билан хизмат қилиб юрган киши Менга энг қалин ришталар билан боғланган бўлади ва камолотнинг энг юксак чўккисига эришган бўлади. Менинг фикрим шундай”.(Бг.6.47). Бу ерда йолгарнинг ҳар хил турлари мавжудлиги кўрсатилган: аштанга-йолгар, хатха-йолгар, гяна-йолгар, карма-йолгар ва бхакти-йолгар. Уларнинг ичида Кришнага чукур иймон, эътиқод билан ишонадиганлар энг аъло ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, йолгарнинг аълоси Кришна онгиди бўлиши керак. Худои Таолонинг гапларига асосан, ана шундай киши барча илоҳиёт кишилари ичида энг аълоси ҳисобланади. Демак, agar инсон йоганинг энг юкори погонасига кўтарилишни истаса, қалбида Кришна онгини ривожлантириши лозим. "Бхагавад Гита"нинг санкхя-йогага бағищланган олтинчи бобида Шри Кришна берган асосий насиҳат, кўрсатма шундан иборат.

Санскритча *бхаджсате* ибораси “хизмат қилиш” деган маънони англатувчи *бхадж* негизидан(*бхадж-дхату*) ясалган. Лекин, Худога ишонмайдиган, ишониб, бўйсуниб, ўзининг бутун ихтиёрини Унга топширмаган киши Худога хизмат қила оладими? Кришнани англаш жамиятида содиклар текинга, Кришнага бўлган муҳаббати юзасидан холис хизмат қиласидилар. Улар бошқа бирор жойда ишлаб, қилган меҳнатлари эвазига ойига юзлаб доллар пул олишлари мумкин эди, аммо уларнинг бизнинг жамиятда қилаётган ишлари, хизматлари(бхадж) холис, фақат Худога бўлган муҳаббатлари асосида курилган. Бундай хизмат ҳар хил бўлиши мумкин: баъзи бир содиклар гул ўстирадилар, баъзи бирорлар китоблар чоп этади, кимдир овқат тайёрлайди, кимдир пол ювади. Бу ишларнинг барчаси Кришна билан, Унга садоқатли хизмат қилиш билан боғлик ишлар. Шунинг учун бундай ишлар билан шуғулланар экан, одам ҳамиша Кришна онгиди бўлади. Худои Таолога илоҳий хизмат қилиш билан шуғулланиш - йоганинг энг олий туридир. Аввал айтиб ўтганимиздек, йогада мукаммалликка эришиш - аклни, онгни ҳамиша Вишну онгиди, Кришна, ёки Олий Шахс-Худо онгиди мужассам қилишидир. “Кришнага хизмат қилишда иштирок этиб, ҳатто ёш бола ҳам энг буюк йог бўла олади”, деганимиз шунчаки баландпарвоз, куруқ гаплар эмас, - барча тан оладиган "Бхагавад Гита"нинг таъкидлаши шундай.

Бу гапларни биз ўзимиз эмас, Парвардигор Шри Кришна, Олий Шахс-Худо айтяпти.

Тўғрисини айтганда, сифиниш ва хизмат қилиш деганда бир хил тушунчани назарда тутмаслик керак. Сифиниш ҳамиша бирор манфаат кўзлаш асосида бўлади. Масалан, биз дўстларимизга ёки бирор мартабали одамларга сифинамиз, чунки, уларни мамнун қилиш натижасида биз қандайдир манфаатга эришамиз. Фаришталарга сифинадиганлар ҳам улардан қандайдир манфааттага кўзлаб сифинадилар, "Бхагавад Гита"да бу турдаги сифиниш кораланган:

*камаис таис таир хрита-джсанаҳ прападйанте “ніа-деватаҳ  
там там нийамам астхайа пракритіа нийатаҳ свайа*

"Ақлини моддий истаклар ўғирлаб қўйган одамлар фаришталардан нажот истаб, ўзларининг табиатларига мос равища ведаларнинг кўрсатмалари асосида уларга сифинадилар". Эҳтирос ва очкўзлик чангалига тушиб қолган кишилар аниқ мақсад-манфаатларни кўзлаб фаришталарга сифинадилар. Шунинг учун, сифиниш ҳакида гапирганимизда, қандайдир манфааттага кўзланадиган, холис бўлмаган муносабат тушунилади. Лекин, хизмат қилиш умуман бошқа табиатга эга: у ҳар қандай таъмалардан холи ва фақат муҳаббатга асосланган. Она боласига ана шундай ҳолатда хизмат қиласи - у севгани учунгина фарзандига хизмат қиласи. Атрофидаги ҳамма унинг ўғлидан нафрлатланиб юз ўғирса ҳам, у ўғлини ҳеч қачон эътиборсиз қолдирмайди. *бхад-джиту* ибораси айнан ана шундай хизмат қилишни назарда тутади - Кришнага бутунлай холис ва муҳаббат асосида хизмат қилиш. Мана шу - Кришна онгининг инсонда намоён бўлган энг олий кўринишидир.

"Шримад Бхагаватам"да ҳам айнан ана шундай хизмат кўрсатилган(1.2.6):

*са вай пумсам паро дхармо йато бхактир адхокиадже  
ахайтуки апратихата йайатма супрасидати*

"Илоҳий Парвардигорга муҳаббат билан холис хизмат қилиш даражасига етишга ёрдам берадиган фаолият барча инсонлар учун энг олий фаолият(дхарма) ҳисобланади. Ана шундай фаолият холис ва узлуксиз бўлсагина рухни тўла қаноатлантиради". *Йато бхактир адхокиаджса. Бхакти* ибораси ҳам *бхадж* негизидан ясалган. Ҳакиқий дин бизларга Худони севишга ёрдам бериши билан бошқа сохта динлардан ажralиб туради. Агар одамлар шахсий манфааттага кўзлаб, дин ёрдамида моддий эҳтиёжларини кондириш учун бирор дин билан машғул бўлсалар - ундин дин сохта, паст даражадаги э+тиқод, диндир. Ундан фарқли равища, олий, ҳакиқий дин қалбимизда Худога нисбатан муҳаббат уйғотишга қодир. *Ахайтуки апратихата.* Инсон ҳаётда ана шундай комил динга холис ва ҳамиша амал қилиб яшаши

лозим. "Шримад Бхагаватам"да ва "Бхагавад Гита"нинг олтинчи бобида тавсия қилинган йога усулиниинг, ёки Кришнани англаш йўлининг белгилари ана шулардан иборат.

Кришнани, Худони англаш шахсий манфаатлардан, таъмагирликдан покликни назарда тутади. Худонинг содик хизматкори Кришнага ўзининг моддий эҳтиёжларини қондириш мақсадида хизмат қилмайди. Худонинг содик хизматкорлари ҳаётда ҳеч нарсага муҳтож эмас. Кришна онгига бўлган одам камбағал бўлиб қолади, деб ўйламаслик керак. Агар қалбимизда Худо, Кришна бўлса, бизнинг ҳамма нарсамиз етарли бўлади, чунки Кришна - ҳамма нарсанинг манбаидир. Лекин, бу - "биз Кришна билан келишиб олганмиз, энди Худодан "Менга уни бер!", менга буни бер!" - деб bemalol талаб қилишимиз мумкин" - дегани эмас. Кришна бизларнинг эҳтиёжимизни биздан кўра яхшироқ билади. Одатта ёш бола ота-онасидан ҳеч нарса талаб қилмайди. Ота-оналар боласига нима кераклигини яхши билгани сабабли боласининг улардан бирор нарсани талаб қилишининг умуман ҳожати йўқ. Худди шунингдек, Худодан бирор нарсани тилашнинг, сўрашнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Бунинг нима кераги бор? Худо ҳамма нарсага қодир ва ҳамма нарсадан хабардор, шунинг учун У бизнинг нимага муҳтож бўлиб турганимизни билади ва зарур бўлган ҳамма нарсани етказиб беради. Ведалар шуни тасдиқлади. Эко баҳунам йо видадхати каман. "Ягона ва қудратли Парвардигор миллион ва миллиард тирик мавжудотларни барча зарур нарсалар билан таъминлаб туради". Биз Парвардигордан ҳеч нарса сўрамаслигимиз керак, чунки бизнинг барча эҳтиёжимиз ўз-ўзидан таъминланган. Ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса етарли. Энди бизнинг вазифамиз - қалбимизда Худога нисбатан муҳаббат уйғотишdir. Гарчи черковларга бориб Худодан бирор нарса сўраб юрган бўлмасалар ҳам, ҳатто ит ва мушуклар ҳам ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминланган. Агар Худои Таоло ит ва мушукларга ҳам ғамхўрлик қилаётган бўлса, наҳотки У Ўзининг содик хизматкорига ғамхўрлик қилмайди? Шунинг учун, Худога у ёки бу илтимос билан мурожаат қилгандан кўра, биз шунчаки Уни севишга ҳаракат қилишимиз лозим. Шунда биз ўзимизнинг барча эҳтиёжларимизни қондирган бўламиз ва йоганинг энг олий поғонасига эришамиз.

Маълумки, тананинг ҳар хил аъзоларининг вазифаси - бутун танага хизмат қилишdir. Масалан, менинг бирор жойим қичишаётган бўлса, кўлим дарров шу ерни қашишга боради. Агар мен бирор нарсани кўрмоқчи бўлсам, кўзларим дарров шу тарафга қарайди. Агар бирор жойга боришини истасам, оёкларим мени шу ерга олиб боради. Худди шунингдек, Худо яратиб кўйган бутун борлиқ Худога хизмат қиласи,

аммо Унинг Ўзи ҳеч кимга хизмат қилишга мажбур эмас. Агар тананинг барча аъзолари бутун танага хизмат қилса, улар ўз-ўзидан, табиий равишда, ҳаёт учун зарур нарсаларга, ҳаёт кучига эга бўладилар. Биз ҳам шундай, Кришнага хизмат қилиш билан, ҳеч қандай қўшимча харакатларсиз ҳаёт учун зарур ҳамма нарсага эришамиз.

"Шримад Бхагаватам"да биз Парвардигори оламнинг ажралмас бўлаклари эканимиз айтилган. Агар тананинг бирор аъзоси ўзининг вазифаларини бажармай қўйса, у бутун танага азоб беради. Худди шунингдек, Худога хизмат қилмайдиган киши ҳам, Уни безовта қилиб, ҳар хил ташвишларга солади.

Албаттa, худди давлат қонунларини бузган киши сингари, ундай одам жазоланади. Жиноятчи ўзи ҳақида жуда юқори фикрда бўлиши мумкин, аммо, хукумат қонунларини бузиб, у хукуматни ташвишга солади, шунинг учун уни қамаб қўядилар. Агар тирик мавжудотлар Парвардигорга ташвиш келтира бошласа, У уларнинг барчасини тўплаб мана шу ерга, моддий оламга жўнатади. Аслида У шундай тирик мавжудотларга шундай дейди: "Сизлар бутун оламга ташвиш келтирияпсизлар. Сизлар - жиноятчисизлар, шунинг учун сизлар моддий оламда яшайсизлар"

*иа эшам пурушам сакиад атма-прабхавам ишварам*

*на бхаджсанти аваджсананти стханад бхраштах патанти адхах*

"Барча тирик мавжудотларнинг бобокалони, азалий Парвардигорга хизмат қилмайдиган ва Худонинг олдидағи ўз бурчини бажармайдиган ҳар қандай зот ўзининг азалий ҳолатидан маҳрум бўлади".(Бхаг.11.5.3). Агар бармоғим гангрена билан касалланса, уни олиб ташлаш керак бўлади, акс ҳолда у бутун организмни касал қилиши мумкин. Биз Худонинг қонунига карши чиққанимиз учун, У бизларни азалий ҳолатимиздан маҳрум қилган. Ана шу ҳолатга қайтадан эришиш учун биз Худога садоқатли холис хизмат қилиш билан банд бўлишимиз лозим. Бошқа йўл йўқ. Акс ҳолда биз ўзимизга ҳам, Худога ҳам ташвиш келтириб юраверамиз. Масалан, агар менинг ўғлим номаъкул ишлар қилса, у менга ҳам озор берган бўлади, ўзи ҳам қийналади. Худди шунингдек, бизлар ҳаммамиз - Худонинг фарзандларимиз, Унинг қонунларига амал қилмай Үнга ҳам, ўзимизга ҳам озор берамиз. Яхиси бундай ҳолатдан қутулишг учун, қалбимиизда Кришна онгини ривожлантириб, ҳаётимизни Худога хизмат қилишга бағишлишимиз лозим. Азалдан руҳий оламда, Голока Вриндаванада бўлган ҳақиқий ҳаётимизнинг асл маъноси шундан иборат.

"Шримад Бхагаватам"дан келтирилган юқоридаги шеърда аваджсананти ибораси ишлатилган, унинг маъноси "тан олмаслик,

эътибор бермаслик, бажармаслик” деганни билдиради. Худони тан олмаслик - “Нимага мен Худога хизмат қилишим керак, мен ўзим Худоман!” - деб ўйлашдир. Жиноятчи ҳам худди шундай ўйлади: - “Нимага мен хукumatтага бўйсунишим керак? Нима қилишни мен ўзим биламан!” Шундай ўйлар аваджананти деб аталади. Агар биз хукumat чиқариб кўйган қонунларни тан олмасак, қонунни ҳимоя қилиш органлари бизни жазолайди. Худди шунингдек, Худонинг қонунларини тан олмаганимиз сабабли Унинг моддий қуввати бизни уч турдаги азоб-уқубатларга мубтало қилади. Ана шундай азоб-уқубатлар Худони тан олмайдиган ёки ўзини ва бошқаларни Худо деб эълон қиласидиган ярамаслар учун мўлжалланган.

Шундай қилиб, йога билан шуғулдана бошлаган киши бир пасда камолотга эришмайди. Аввалига у карма-йогани, яъни натижаларига боғланган ҳолда фаолият кўрсатишни ўрганади. Аксарият одамларнинг турмушдаги барча ҳаракатлари кўпинча гуноҳ ишлардан иборат, аммо карма-йога деганда муқаддас китобларда кўрсатилган ҳалол, савоб ишларни тушуниш керак. Карма-йогада юксалишга эришиб, одам гяна-йога, яъни Худо ҳақидаги илмни ўрганиш билан шуғулланади. Шундан сўнг у дхайана, дхарана, пранаяма, асана ва ҳоказо, саккиз поғонадан иборат аштанга-йога билан шуғулланишга ўтади. Аштанга-йога ёрдамида ақлини Вишнунинг қиёфасида жамлашга ўрганиб, у бхакти-йога поғонасига кўтарилади. Бхакти-йога - йоганинг энг олий поғонаси ҳисобланади, ва агар одам ҳаётини Кришнани англаш фаолиятига бағишиласа, у бирданига ана шу олий поғонага эришган бўлади. Мана шу - Худонинг даргоҳига олиб борувчи энг яқин ва тўғри йўлдир.

Агар одам гяна-йога билан шуғулланиб юриб, йоганинг камолотига эришдим, деб ўйласа, у адашади. У мақсадга эришиши учун ҳали анча юксалиши лозим. Агар биз зинапоя билан юз қаватли бинонинг тепасига чиқмоқчи бўлсақ, ўттизинчи қаватга бориб, мақсадга эришдик, деб ҳисобламаслигимиз керак. Аввал айтиб ўтганимиздек, йога тизимини Худонинг даргоҳига олиб борувчи зинапояга қиёслаш мумкин. Охирги натижага - Олий Шахс-Худога эришиш учун йоганинг энг олий поғонасига, бхакти-йога поғонасига эришиш лозим.

Аммо, агар лифтдан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлса, зинапоядан кўтарилишнинг нима ҳожати бор? Лифт ёрдамида биз охирги қаватга бир неча дақиқада кўтарилишимиз мумкин. Бхакти-йога бизга йоганинг олий мақсадига энг қиска вактда эришиш имконини берадиган энг осон ва тўғри йўлдир. Шу мақсадга астасекин, поғонама-поғона, барча йога усууллари орқали ҳам эришиш мумкни, бирданига тўғридан-тўғри эришиш ҳам мумкин. Ҳозирги замонда одамлар жуда қиска умр кўришлари, ҳамиша ҳавотирда,

ташвишда юришларини инобатга олиб, Парвардигор Чайтания Махапрабху Ўзининг англаб бўлмас чексиз марҳамати билан, дарров бхакти-йога даражасига кўтарила олиш имконини берувчи йўлни кўрсатиб кетган. Бу осон усул - Худои Таоло Чайтания Махапрабхунинг бизга берган бебаҳо нэъматидир ва у Харе Кришна мантрасини такрорлашдан иборат. Рупа Госвами Унга шундай деб эҳтиром кўрсатади: *намо маҳа-ваданайайа кришина-према-прадайа тे* - “Сен Худонинг қиёфалари ичиди энг саҳоватлisisan, чунки, Сен барчага Кришнага бўлган муҳаббатни сахийлик билан улашяпсан. Одатда, Кришнага нисбатан соф муҳаббатга эришиш учун одам йоганинг барча погоналаридан бирма-бир ўтиши лозим, аммо Сен бу муҳаббатни дарров ато этяпсан. Шунинг учун Сендан ҳам саҳоватлироқ Зот йўқ”.

“Бхагавад Гита”нинг ўн саккизинчи бобида шундай дейилган:  
*бхактийа мамабхиджанати йаван йаши часми таттватаҳ  
тато мам таттвато джнатва вишате тад-анантарам*

“Фақат холис, садоқатли хизмат қилиш шарофати билангида Олий Шахс-Худони У аслида қандай бўлса, шундайлигини англаб етиш мумкин. Ўзининг садоқати шарофати билан Худони тўла англаб етган киши Худонинг даргоҳига кириш хукуқига эга бўлади”.(Бг.18.55). Йоганинг бошқа турлари озгина миқдорда бхакти билан аралашган бўлади, лекин бхакти-йога соф садоқатдан иборатдир. Бхакти-йога - Худои Таология садоқат билан холис хизмат қилишдир. Одатда Худога бирор нарса, ўз истакларимизни амалга оширишни сўраб илтижо қилиш одат тусига кириб қолган бўлса ҳам, Худодан фақат хизмат қилиш имкониятини сўрабгина илтижо қилиш керак. Худодан ўзимизнинг моддий эҳтиёжларимизни кондиришни сўраб илтижо қиласлик ҳақида Худованд Чайтания Махапрабху бизга ўзининг илтижоларида ўрнак кўрсатиб кетган. Биз аввалроқ Чайтания Махапрабхунинг мукаммал илтижосини келтириб ўтган эдик:

*на джанам на джанам на сундарим кавитам ва джагад-иша камайе  
мама джанмани джанманишваре бхаватад бхактир ахатуки твайи*  
“Эй курдатли Худойим, менга бойлик ҳам, чиройли аёллар ҳам, кўплаган издошлар ҳам керак эмас. Сендан фақат Ўзингнинг чексиз марҳаматинг билан менга умрлар оша Сенга садоқат билан холис хизмат қилиш имконини беришингни сўрайман!”(Шикшаштака-4). Бу ерда Чайтания Махапрабху Худои Таология Джагадиша деб мурожаат қиляпти. *Джагат* ибораси “олам”, *иша* ибораси эса, - “хукмдор” маъносини англатади. Худонинг Олий Шахси бутун оламга хукмронлик қилиши барчага маълум. Шунинг учун Чайтания Махапрабху Ўзининг илтижосида Худога Рама деб эмас, Кришна деб эмас, айнан Джагадиша деб мурожаат қиляпти. Моддий оламда биз

хар хил ҳокимиятга эга бўлган ҳукмдорларни учратишимиз мумкин, демак бутун оламнинг ҳам Ўзига яраша ҳукмдори бўлиши керак. Чайтаня Махапрабху бойлик, чиройли аёллар ёки издошлар тилаб Худога илтижо килаётганий ўқ, чунки бу неъматларнинг барчаси ўткинчи нарсалардир. Жаҳонда кўпчилик одамлар бошқалардан устун бўлишга, дунёда етакчи лавозимларга, мартабага эришишга интиладилар. Улар Форд ёки Рок-феллер сингари бадавлат бўлишни орзу қиласидилар, бошқа бирорлар давлат президенти бўлишга ёки бошқа қандайдир жамоат арбоби бўлиб, кўплаб одамларга раҳбарлик қилишга интиладилар. Аммо буларнинг барчаси моддий истаклардир: “Бой-бадавлат бўлишни истайман, издошларим кўп бўлишини истайман, чиройли хотиним бўлишини истайман!” Чайтаня Махапрабху буларнинг барчасини рад этади ва очиқдан очиқ айтяпти: -“Менга булар керак эмас!” У Худодан ҳатто озодликка чиқишни ҳам сўраётганий ўқ, - мама джсанмани джсанманишваре. Агар дунёвий одамларни моддий бойликлар қизиктирса, ўғлар одатда озодликка чиқишга интиладилар. Лекин Чайтаня Махапрабху ҳатто озодликка чиқишни ҳам истамаяпти. У нима максадда Кришнага сингиняпти ўзи? Кришнага умрлар оша садоқат билан хизмат қилишда давом этиш учун. Чайтаня Махапрабху ҳатто Худо уни туғилиш, ўлиш, кексайиш ва касалликлардан озод қилишини ҳам сўрамаяпти. У Худодан хеч қандай моддий нарса сўрамаяпти, мана шу - бҳакти-йоганинг энг олий погонасиdir.

Харе Кришна мантрасинин зикр қилас эканмиз, биз ҳам Худодан: -“Илтимос, Сенга садоқат билан хизмат қилишга изн бер!” - деб илтижо қиласидир. Бу мантрани бизга Чайтаня Махапрабхунинг Ўзи ўргатиб кетган. *Харе* ибораси Худонинг қувватини билдиради, "Кришна" ва "Рама" иборалари эса, Худонинг мукаддас номларидир. Биз мантра зикр қилаётганимизда, Ундан хизмат қилишга рухсат беришини сўраймиз. Ҳозир биз моддийлик касалига чалинганимиз, бу касалимизнинг ягона сабаби - Худога хизмат қилишни унутиб қўйганимиздир. Алданиш таъсири остида биз: “Мендан бошқа ким Худо бўлиши мумкин? Нимага кимгadir хизмат қилишим керак? Ўзимга ўзим хизмат қиласман, ўзим Худоман!” - деб ўйлаймиз. Мана шу бизнинг касалимиз. Бу - майянинг бизга қўйган охирги тузоги. Аввалига биз ҳукмдор бўлгимиз келади, президент бўлгимиз, Рок-феллер, Форд ёки яна кимдир бўлгимиз келади, бунга эриша олмасак, ёки эришган мақсадимиз бизга баҳт олиб келмаса, ҳафсаламиз пир бўлганидан, Худо бўлгимиз, яъни президентдан ҳам буюкроқ бўлгимиз келади. Президент бўлиш бизга мангу илм ва лаззат бера олмаслигини тушуниб етгандан кейин, биз ҳаётдан яна ҳам юксакроқ нарса талаб қила бошлаймиз. Биз Худо бўлишни истаймиз. Лекин

унда ҳам, бунда ҳам қандайдир юкори лавозимга интиламиз, ана шу бизнинг касаллигимиз белгисидир. Алданиш таъсири остида биз бошқалардан, ҳаммадан устун бўлишга интиламиз. Лекин, бхактийога бизни бутунлай қарама-карши нарсага ўргатади. Бхактийога бизни Худонинг хизматкорининг хизматкорининг хизматкори бўлишга ўргатади. Бу йўлга кирган кишининг бошқалардан устун бўлиш хаёлига ҳам кирмайди: бу йўлдаги одам фақат бир нарсани - Худога хизмат қилишни ўйлади.

Хизматкор бўлиш - бизнинг табиий бурчимиздир, Худога хизмат қилишга бўлган иштиёқ, ихлос эса бизнинг Худога бўлган садоқатимизнинг ягона белгисидир. Моддий ҳаётда ҳам, гарчи буни ўзимиз англаб етмасак ҳам, биз ҳамиша кимгадир хизмат қиламиз. Масалан, давлат президенти бўлиш учун сайловчиларга жуда кўп ваъдалар бериш керак. Аслида президентликка номзод бўлган киши: - "Мен барча ватандошларимга хизмат қиласман!" - деб айтиши керак. Агар у шундай деб ваъда бермаса, уни президент қилиб сайлашлари ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, жамиятда энг катта лавозимни эгаллаб туриб ҳам, одам барибир хизматкор бўлиб қолади. Аксарият одамлар буни қийинчилик билан тушуниб етадилар. Аммо, ҳатто ҳукумат бошлиғи ҳам ўзининг ҳалқига хизмат қилишга мажбур. Акс ҳолда, уни ё лавозимидан олиб ташлайдилар, ё ишдан четлаштирадилар ё ўлдирадилар. Моддий ҳаётда бирорвга хизмат қилиш жуда хавфли. Озгина хато қилсангиз ҳам, сиз дарров ўрнингиздан айрилиб қолишингиз мумкин. Президент Никсоннинг хизмати америкаликларни қаноатлантирумай қўйганида, улар президентни истеъфога чиқишига мажбур қилдилар. Президент Кеннеди ҳам ўзининг хизмати билан кимгадир ёкмай қолган эди, уни ўлдириб юбордилар. Ганди ҳам ана шундай ҳалокатга учради. Уни ҳам ўлдиридилар, чунки баъзи бирорвлар унинг қилаётган хизматларидан норози эди. Моддий оламда бундай ҳоллар ҳар қадамда учраб туради, шунинг учун кимларгадир ўткинчи, моддий нарсаларга эришиш ниятида хизмат қилишдан воз кечиш учун одам етарли фаросатга, заковатга эга бўлиши керак. Биз Парвардигори оламга, Худои Таолога хизмат қилишимиз лозим, мана шу - инсон ҳаётининг ҳақиқий маъноси, мазмунидир.

Улар эсидан чиқариб, унуги юрган ана шу ҳақиқатни одамларга эслатиб қўйиш учун мен "Кришнани англаш Ҳалқаро жамияти"ни ташкил қилдим. Моддий оламда яшаб юриб, биз Радха-Кришнага хизмат қилишимиз лозимлигини эсимиздан чиқариб қўйганмиз, шунинг учун майя(алданиш)нинг, ўз хиссиётимизнинг қули бўлиб юрибмиз. Жамиятимизга келган ҳар бир одамга биз: - "Шунча вақтгача сиз хиссиёт(нафс)ингизнинг қули бўлиб келдингиз. Энди

ҳаётингизни Радҳа-Кришнага хизмат қилишга бағишиланг. Сиз барибир кимгадир хизмат қилишингиз керак - ёки майяга, яъни ҳиссиётингизга, ёки Шри Радҳа-Кришнага!" - деймиз.

Моддий оламда ҳамма ҳиссиётларига хизмат қиласди, лекин бу хизмат ҳеч кимни қаноатлантирумайди. Биз ҳиссиётимизга қанчалик кўп хизмат қилсак, улар шунчалик кўпроқ лаззатланишни истайди, демак, биз уларга тиним билмай хизмат қилишимиз лозим. Барибир биз хизматкор бўлиб қолаверамиз. Лекин муаммо - биз хизматимиздан ўзимизни бахтиёр сезишни, лаззатланишни истаймизми, йўқми, мана шунда. "Бхагавад Гита" ва бошқа муқаддас китоблар қатъий ишонч билан таъкидлайдиларки, биз ҳиссиётимизга, нафсимизга хизмат қилишдан ҳеч қачон бахтли бўла олмаймиз, чунки, ҳиссиётимиз, нафсимиз - азоб-уқубатларимизнинг манбаидир. Шунинг учун ҳам Чайтаня Махапрабху Кришнадан Унга садоқатли хизмат қилиш имконини бериш ҳақида илтижо қиласди. Бундан ташкари У шундай дейди: -

*аий нанд-тандужса кинкарам патитам ма вишаме бхавамбуудхау  
крипайа тава пада-панкаджа-стхита дхули-садришам вичинтаиа*  
“О Махараджа Нанданинг ўғли, мен - Сенинг мангу хизматкорингман, лекин қандайдир сабаблар билан бу туғилиб ўлишлар уммонига тушиб қолдим. Сендан илтимос, мени бу уммондан қутқариб ол ва Сенинг оёқларинг пойидаги заррача гардга айлантир”(Шикшаштака-5). Бу Кришнага қаратилган ва хизмат қилиш имконини сўраб илтижо қилинган яна бир мурожаат.

Мұхаббат тўла садоқат билан Худои Таолонинг факат шахс кўринишидаги қиёфаси - Кришнага, Шямасундарага хизмат қилиш мумкин. Имперсоналистлар кўпинча Парвардигорнинг *вишва-рупа*, яъни фазовий қиёфасига зътибор берадилар, бу ҳақда "Бхагавад Гита"нинг ўн биринчи бобида ҳикоя қилинади. Аммо, шу бобнинг йигирма биринчи шеърида Худонинг фазовий қиёфаси фаришталарни даҳшатга солади, деб айтилган. Арджуна ҳам шундай дейди:

*адришита-пурвам хрисито “сми дриштва  
бхайена ча правятхитам mano ме*

*тад эва ме даршайа дева рупам прасида девеша джаган-ниваса*

“Сенинг аввал ҳеч кўрмаган фазовий қиёфангни кўриб, мен кувониб кетяпман, лекин ақлим даҳшатга тушиб кетяпти. Шунинг учун Сендан илтимос, марҳамат қилиб, менга яна Ўзингнинг Шахс қиёфасидаги сиймонгни(Кришна ёки Шямасундара кўринишида) намоён кил, эй хукмдорлар хукмдори ва бутун оламнинг нажоткори!”(Бг.11.45). Вишва-рупага нисбатан ҳеч қандай мұхаббат ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Агар Кришна кўз олдингизда Ўзининг фазовий, оламшумул қиёфасида намоён бўлса, шундай даҳшатга тушасизки,

Унга бўлган муҳаббат эсингизга ҳам тушмай қолади. Шунинг учун, имперсоналистларга ўхшаб, Худонинг *вишва-рупа* қиёфасини кўришга интилишнинг ўрнига Кришнага, Шямасундараага муҳаббат тўла садоқат билан хизмат қилиш керак.

Кунларнинг бирида, уруш бўлаётган пайтда(1942 йил Калкуттада) мен Кришна Ўзининг вишва-рупа қиёфасида қандай намоён бўлишини ҳис қилганман. Кутимагандা бирданига ҳаводан ҳавф ҳалокат келаётгани ҳақида шошилинч хабар, (тревога)сигнал янгради, бизлар ҳаммамиз бомбадан саклайдиган жойга чопдик. Бомбалар тушиб, портлашлар бошланди. Мен атрофга қараб фикр юрита бошладим: - ”Албатта, мана шу вишва-рупа - Кришнанинг бир қиёфаси, аммо у ҳаммани ўзига жалб қиласидан даражада жозибадор эмас”. Содик Кришнани фазовий қиёфасида эмас, Унинг азалий қиёфасида севишни истайди. Худо ҳохлаган қиёфага кириши мумкин, лекин Унинг қиёфаларининг ичида энг жозибадори, ҳаммани ўзига мафтун этувчи қиёфа - Кришна, Шямасундара қиёфасидир. Масалан, полиция бўлиб ишлайдиган киши ўзининг уйида оиланинг шунчаки суюкли отаси ҳисобланади. Агар у ишдан келиб ҳам, ҳатто уйида ҳам пистолетдан ўқ ота бошласа, унинг фарзандлари у ўзларининг севимли отаси эканини унутиб кўядилар. Фарзандлар отасини уйда, табиий ҳолда қандай бўлса, шундайлигича севишга ўргангандар. Худди шунингдек, биз ҳам Кришнани Унинг Шямасундара қиёфасида севамиз, ана шу қиёфасида У Ўзининг мангу даргоҳида яшайди.

Ўзини Худо деб эълон қиласидан ярамасларнинг фирибларига йўл қўймаслик учун Парвардигор Шри Кришна Аржунга Ўзининг *вишва-рупа* қиёфасини намоён қилди. Аржун Крришнадан *вишва-рупа* қиёфасини намоён қилишни илтимос қилди, шу билан у Худонинг намоён бўлган аватараларининг ҳақиқийлигини текшириб кўриш мезонини билиш имконини яратди. Бошқача қилиб айтганда, агар кимdir ўзини Худо деб эълон килса, унга: - “Агар сен ҳақиқатан ҳам Худо бўлсанг, вишва-рупа қиёфангни кўрсат!” - деб айтишнинг ўзи кифоя. Ишончингиз комил бўлсинки, ҳеч бир фирибгар-муттаҳам бунга қодир эмас.

Албатта, Аржун Кришнанинг вишва-рупа қиёфасига чукур эҳтиром кўрсатди. Барчага ҳурмат кўрсатиш, сертавозелик содикларга хос фазилатдир. Содик ҳатто фаришта Дургага, ёки Майяга ҳам ҳурмат кўрсатади, чунки Майя тимсолида у Кришнанинг кувватини кўради. Агар биз Кришнага эҳтиром кўрсатсак, ҳаммага, ҳатто чумолига ҳам эътиборли бўлишимиз лозим. Шунинг учун Брахма ўзининг илтижосида шундай дейди:

*сришти-стхити-пракаля-садхана-шактир эка  
чхайэва йасая бхуванани бибхарти дурга*

*иичханурупам ани йасайча чешиштате са  
говиндам ади-пурушам там ахам бхаджасами*

“Ташки қувват, Майя, - бу Худонинг рухий чит қувватининг соясидир. Одамлар унга моддий оламни яратадиган, мавжудлигини таъминлаб турадиган ва яксон қиласиган Дурга сифатида сифинадилар. Мен азалий, бошлангич Парвардигор Говиндага сажда қиласман, Дурга ана шу Парвардигорнинг амрини бажариб юради”. (“Брахма-самхита”5.44). Шундай экан, Кришнага сифинар эканмиз, биз айни пайтда Дургага ҳам сифинаётган бўламиз, чунки Дурга - Кришнанинг қувватидир. Дургага сифинганда эса, биз Кришнага мурожаат қилган бўламиз, чунки Дурга Унинг ҳукми остида ҳаракат қиласи. Майянинг намоён бўлган ҳар қандай кўринишида ҳам содик Кришнанинг кўради, чунки содик биладики: Майя Кришнанинг ҳукми остида. Биз полициячига хурмат билдирганимизда, аслида ҳукуматга хурмат билдирган бўламиз. Моддий қувват, Дурга жуда қудратли: у бутун коинотларни яратишга, мавжудлигини таъминлаб туришга ва яксон қилишга қодир, аммо бу ишларнинг барчасини у Кришнанинг амри билан қиласи.

Бхакти, Кришнага соф садоқат билан химат қилиш ёрдамида Майянинг чангалидан кутулиб, Кришна билан мангу ҳамроҳ бўлиб юрганлар даврасига кириши мумкин. Кришнанинг дўстларининг баъзилари - Унинг мангу ҳамроҳлари, кўплари эса, бундай мартабага Худонинг марҳамати билан эришганлар. Агар Кришна билан факат Унинг мангу ҳамроҳларигина ўйнаб, лаззатланадиган бўлса, бизнинг Кришна онгига эришиш учун интилишимизнинг ҳеч қандай маъноси қолмаган бўларди. Лекин, узок умрлар давомида эзгу ишлар қилиб, биз ҳам Кришнанинг мангу ҳамроҳлари даврасига киришимиз мумкин. Аслида, Кришнанинг моддий оламдаги Вриндавандаги ҳамроҳларининг кўпчилиги аввал шартланган ҳолатда бўлган, кейин қалбида Кришна онгини ривожлантирган рухлар сирасига киради. Аввало бундай тирик мавжудотларга, Кришнанинг ўйинлари бўлиб ўтадиган сайёralарининг бирида Кришна билан мулоқотда бўлиш имконияти берилади, кейин улар рухий оламга Голока Вриндавана деб аталаидиган илохий сайёрага кўтариладилар. Шунинг учун “Шримад Бхагаватам”да (10.12.11) *крита-пунья-пунджасах* - дейилган.

Бхакти-йоганинг маъноси Худои Таоло, Кришна билан муносабат ўрнатиб, Унинг мангу ҳамроҳи бўлишдан иборат. Бхакти-йога қандайдир бошқа мақсадни кўзлаши мумкин эмас. Масалан, буддизмни бхакти-йога деб атаб бўлмайди, чунки бу дин фалсафаси Олий Шахс-Худонинг мавжудлигини рад этади. Буддизмдан фарқлироқ христиан дини бхакти-йоганинг бир тури, чунки, христианлар Иисус Христосга Худонинг ўғли деб сифинадилар, демак,

Худонинг Ўзи ҳам борлигига ишонадилар. Бошқача қилиб айтганда, агар одам Худонинг борлигига ишонмаса, бхакти-йога ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. Христианлар Худонинг борлигини тан олганлари сабабли, бу динни вайшнавизмнинг бир кўриниши деб ҳисоблаш мумкин. Шунга қарамай Худони англаб етишнинг ҳар хил поғоналари мавжуд. Христианлар Худонинг буюклигини тан оладилар, бу жуда яхши, лекин Худонинг накадар буюклигини факат "Бхагавад Гита" ва "Шримад Бхагаватам" муқаддас асарларини ўрганибгина англаб етиш мумкин. Худонинг буюклигини тан олиш - бхактининг биринчи поғонаси. Мусулмонлар ҳам бхакти-йога билан шуғулланадилар, чунки ислом динининг мақсади Худога қовушишdir. Лекин, Худонинг шахс эканини тан олмайдиган диний таълимотлар имперсонализм фаласафаси асосида курилган ва бхакти-йогага ҳеч қандай алоқаси йўқ ҳисобланади. Бхакти-йога уч нарсани ўз ичига олади: хизматкор, хизмат ва хизмат қилиш обьекти, яъни Худо Шахси. Хизмат қиладиган шахснинг ўзи, хизматни қабул қиладиган шахс бўлиши шарт. Хизмат қилиш жараёни, бхакти-йога ана шу икки шахсни боғлаб турувчи восита. Лекин, агар хизмат қилиш лозим бўлган Шахс бўлмаса, бхакти-йога ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Шунинг учун ҳам бхакти-йога усулини Олий Шахс-Худони тан олмайдиган дин ёки мавҳум фалсафий қарашларда қўллаб бўлмайди.

Бхакти-йогада руҳий устознинг вазифасига жуда катта ҳаамият берилади. Гарчи руҳий устоз, то ўзининг шогирдлари Худони англаб етмагунча, уларни руҳий оламга қайтариб олиб кетиш учун, моддий оламга қайтиб келаверишга тайёр бўлса ҳам, руҳий устознинг бу ҳолатини сущистемол қилиш керак эмас. Руҳий устозни ташвишга солмаслик учун, бхакти-йогада шу ҳаётнинг ўзидаёқ юксак камолотга эришиш лозим. Шогирд руҳий устозига хизмат қилишга жуда жиддий эътибор бериши керак. Фаросатли содикнинг фикри қуидагича бўлади: - "Мен ҳаётда руҳий устозим мени кутқариш учун яна моддий оламга келишга мажбур бўладиган тарзда яшамаслигим керак. Яхшиси Кришнани шу ҳаётнинг ўзида тўла англаб етишим ва Олий мақсадга эришишим лозим!" Мана шу тўғри фикрлаш бўлади. Ҳеч қачон: - "Руҳий устоз барибир мени кутқариб олади. Шунинг учун мен ҳоҳлаган ишимни қиласераман!" - деб ўйламаслигимиз керак. Агар руҳий устозимизни озгина севсак, уни яна бу оламга қайтиб келишга мажбур қиласдан, шу ҳаётнинг ўзидаёқ камолотга эришишга интилишимиз лозим. Шу ерда буюк содик Билвамангала Тҳакурни эслаб ўтиш ўринли. У аввалги ҳаётида садоқатли хизмат қилишнинг энг олий поғонасига, према-бхакти даражасига етишига оз қолган эди. Аммо, ҳатто содик ҳам адашиши мумкин бўлгани сабабли, қандайдир сабабларга кўра Билвамангала ҳам бхакти-йога йўлидан адашиди.

Кейинги ҳаётида "Бхагавад Гита"нинг 6.4 шеърида айтилгандек, *шучинам ириматам гехе* - у жуда бой брахманларнинг оиласида туғилди. Бахтга қарши, одатда аксарият бой оилаларнинг болалари орасида бўлгани сингари, унинг бир фохиша аёлга ишки тушиб қолди. Шунда руҳий устоз унга фохиша аёлнинг оғзидан шундай деди: - "Сен оддий гўшт ва суюкларга шунчалик муҳаббат қўйгансан! Агар сен шундай муҳаббат билан Кришнани севганингда аллақачон руҳий оламга эришган бўлардинг!" Фохишадан бу гапларни эшитиб, Билвамангала дарров *бхакти-йога* йўлига қайтди.

Руҳий устоз ўзининг шогирдлари олдида катта маъсулият олади, лекин унинг бу жавобгарлигини сустеъмол қилимаслик керак. Шогирд ҳамиша руҳий устозини мамнун қилишга ҳаркат қилиши лозим(*яасая прасадад бхагват-прасадаҳ*). Руҳий устозни бизни фохишаҳонадан чиқариб оладиган ҳолатга солиб қўймаслигимиз керак. Лекин, агар зарур бўлса, руҳий устоз шундай қиласи ҳам, чунки шогирдни қабул килаётисиб, у унинг учун барча жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Биз бхакти-йога йўлини мана шу ҳаётимиз давомида охиригача албатта босиб ўтишимиз лозим, чунки ҳозир бизда Кришна онгини тўлиқ англаб етиш учун барча имконият мавжуд. Бизларда ҳамма шароит бор: мриданга, бронзадан қилинган караталалар, ва тилимиз. Бошка асбоблардан фарқли равишда тилни сотиб олишининг ҳожати йўқ. Бундан ташқари бизнинг қулогимиз бор, унинг ёрдамида тилимиз зикр қилган муқаддас номларни тинглашимиз мумкин. Шундай қилиб, бизга зарур бўлган ҳамма нарса ҳамиша ёнимизда, ва бхакти-йогада камолотга эришиш учун биз Харе Кришна мантрасини куйлаб тингласак бас. Бунинг учун буюк олим ёки файласуф бўлишнинг ҳожати йўқ.

Шундай қилиб, камолотга эришишга халакит берадиган ҳеч қандай қийинчилик, муаммо йўқ, чунки Худонинг яратиб қўйган ҳамма нарсаси мукаммал. *Пурнам адаҳ пурнам идам.* Масалан, бизнинг сайёрамиз ҳам мукаммал қилиб яралган: океанларда сувлар тўла, улар куёш нури ҳароратида бугланиб булутларга айланади ва ерни суғоради, шу билан уруғларнинг кўкаришига ёрдам беради. Бундан ташқари тоғ қояларидан келадиган дарёлар одамларни тоза сув билан таъминлаб туради. Атиги бир неча литр сувни буғлантириш учун биз қанча ҳаракат қилишимиз лозим, аммо олам шунчалик мукаммал яратилганки, фалла ва ўсимликларни етиштириш учун зарур бўлган миллионлаган тонна сув ўз ўзидан океандаги сувлардан бугланиб кўтарилади, булутга айланиб, муз кўринишида тоғ қояларида тўпланади, кейин ерларга оқиб келади. Олам мукаммал яратилган, чунки у мукаммал манбадан чиқсан. Худди шунингдек, бизнинг танамиз ҳам руҳий юксалишга эришиш, руҳий ўзликни англаш

имконини берадиган даражада мукаммал яратилган. Бизда бунинг учун мукаммал асбоб - инсон танаси мавжуд. Моддий табиатнинг бизга келтираётган барча азоб-укубатларидан кутулиш учун биз фақат шу танадан фойдаланиб, Харе Кришна мантрасининг илоҳий товушларини куйлаб, тинглашимиз лозим.

## Тўққизинчи боб. Кейинги ҳаётида йог нимага эришади.

*сарва-дварани самйамиа мано хриди нирудхия ча  
мурдхни адхйатманаҳ пранам астхито йога-дхаранам*

“Йог хиссиётларнинг фаолиятини бутунлай тўхтатиши керак. Тананинг барча эшикларини бекитиб, ақлини қалбига жамлаб ва ҳаёт нафасини калласининг юқори кисмига кўтариб, транс ҳолатига кириши лозим”.(Бг.8.12).

йога иборасининг маъноларидан бири - “кўшиш, қўшилиш”, яъни айриш, ажратиш сўзларининг аксини билдирувчи, антоним сўздир. Ҳозир бизнинг онгимиз моддий кувват билан булғангани сабабли биз Худодан ажралганимиз. Лекин биз Худованд билан қўшилганимизда, яъни Уни ўзимизнинг борлиғимизга, ҳаётимизга қўшганимизда, бизнинг ҳаётимиз мукаммал бўлади. Бу ишни ажал етмасдан бурун қилиш керак. Ажал етганда танани тарқ эта туриб, Парвардигори оламни, Кришнани эслай олиш учун, ҳали тирик бўлган пайтимидаёқ комил ҳаёт тарзига эришишимиз керак.

*прайана-кале манасачалена  
бхактия йукта йога-балена чаива  
бхрувор мадхье пранам авешийа самйак  
са там парам пурушам упашти дивиам*

“Ажали етганда йога усули ёрдамида ҳаёт нафасини қошлари ўртасида жамлаган, ақлини жиловлаб олиб, уни Кришнада мужассам қилган, Худо ҳакида муҳаббат ва садоқат билан фикр юритган киши албатта Олий Шахс-Худонинг даргоҳига эришади”.(Бг.8.10). *пранайа-кале* сўзи “ажали етганда” деган маънони англатади. Аслини олганда инсон ҳаёти - ўлимга, охирги имтиҳонга ўзига хос тайёргарлик

жараёнидир. Агар биз ана шу имтиҳондан муваффақиятли ўта олсак, биз рухий оламга эришамиз. Бенгалликларнинг машхур мақоли бор: “Рухий юксалиш йўлида канчалик юқори кўтарилганинг ажалинг етганда маълум бўлади”.

Йога жараёнида ҳиссиёт эшикларини ёпиш усули санскрит тилида *пратяхара* - “бутунлай акси” деб аталади. Ҳозир бизнинг сезгиларимиз моддий, ташки гўзалликни қабул қилиш билан машгул. Бунинг бутунлай акси - йогнинг ҳиссиёти ташки гўзалликдан ажратилиб, ички гўзалликка қаратилган ҳолатdir. Ўзининг эшитиш қобилиятини йог ичидаги *омкара* товушини тинглашга жалб қиласди, ва шу тарзда бошқа сезгиларини ҳам ташки фаолиятдан тўхтатиб ички фаолиятига йўналтиради. Кейин у ақлини қалбидаги Вишну-муртига жамлайди, *манаҳ хриди нирудҳҳа*. *Нирудҳҳа* ибораси “ақлни қалбга жойлаш” деган маънени англатади. Шу тарзда ҳиссиётини ичига қаратиб, ақлини жиловлаб, йог хаёт нафасини бошининг юқори қисмига кўтариади, ва қаерга жўнаш кераклигини ҳал қиласди. Коинотда сон-саноқсиз сайёralар бор, ундан ташқарида эса, чексиз рухий олам ястаниб ётибди. Худди мен Америкага келишимдан олдин, унинг мавжудлигини китоблардан, бошқа одамлардан билиб олганим сингари, йоглар ҳам бу сайёralар ҳақида, рухий олам ҳақида барча маълумотларни ведавий битиклардан билиб олганлар. Рухий оламнинг барча сайёralари ведавий битикларда батафсил таърифланган учун, йог улар ҳақида ҳамма нарсани билади, ва ўзи ҳоҳлаган сайёрасига йўл олиши мумкин. Бунинг учун унга космик кеманинг ҳожати йўқ.

Шунча йиллар давомида олимлар космик кемалар ёрдамида бошқа сайёralарга боришига уриняптилар, лекин уларнинг уринишларидан ҳеч қандай фойда йўқ. Ҳатто бир икки космонавт бошқа бирор сайёрага боришига муваффак бўлса ҳам, аксарият одамлар бундай йўл билан бошқа сайёralарга бора олмайдилар. Одатда, олий сайёralарга эришишни истаган кишилар гяна-йога билан шуғулланадилар. Бхакти-йога эса, ҳеч қандай моддий сайёralарга эришишни мақсад қилиб кўймайди, бхакти-йога бундай мақсадлар учун мўлжалланмаган.

Худонинг содик хизматкори, содиклар моддий оламнинг бирорта сайёрасига қизиқмайдилар, чунки биладиларки, бу оламнинг барча сайёрасида азоб-уқубатларнинг тўрт тури албатта мавжуд: туғилиш, кексайиш, касаллик ва ўлим. Олий сайёralарда ерга қараганда анча узок умр кўриш мумкин, лекин барибир ўлим у ерда ҳам бор. Шунинг учун Кришнани англаб етган содиклар моддий дунёдаги ҳаётга умуман бефарқ қарайдилар: уларни азоб-уқубатларнинг тўрт туридан бирортаси ҳам бўлмаган рухий, мангу ҳаёт қизиқтиради. Фаросатли одам моддий оламнинг бирор сайёрасига эришишни мақсад қилиб кўймайди. Олий сайёralарга бориш учун ўша сайёрада яшашга

яроқли бўлган танага эга бўлиш керак. Олий сайёralарга механик, моддий қурилмалар ёрдамида эришиб бўлмайди. Бунинг учун ўша сайёralарга хос бўлган, у ерда яشاшга мослашган танага эга бўлиш керак. Одам сувнинг остида атиги бир неча минут туро олади, балиқ эса, сув остида бир умр яшайди. Аксинча, балиқнинг танаси қуруқлиқда яшаш учун мўлжалланмаган. Худди шунингдек, олий сайёralарда яшаш учун шунга мос келадиган танага эга бўлиш керак.

Ведавий битиклардан маълумки, олий сайёralардаги бир кун - ердаги вақт ҳисоби бўйича олти ой давом этади, ва у ерда яшайдиган аҳоли ўн минг йил умр кўради. Олий сайёralарда хаёт - ўн минг йилми, йигирма минг йил, миллион йилми - қанчалик узоқ давом этмасин, барибир у ерда ҳам ўлим мукаррар. Лекин "Бхагавад Гита"нинг бошида айтилганки, аслида биз мангу руҳмиз.

*на джайате мрийате ва кадачин найам бхутва бхавита ва на бхуяҳ аджо нитияҳ шашвато "йам турано на ханияте ханиамане шарире*

"Рух туғилмаган ва ўлмайди ҳам. У ҳеч қачон пайдо бўлмаган, пайдо бўлаётгани ҳам йўқ, пайдо бўлмайди ҳам. У туғилмаган, мангу, ҳамиша мавжуд ва азалий. Тана ҳалокатга учраганда у ўлмайди".(Бг.2.20). Бу ерда Кришна айтилтики, бизлар - мангу руҳлармиз. Шундай экан, нимага биз ўзимизни ўлиб-тирилишларга мубтало қиляпмиз. Тафаккури етарли ривожланган ҳар бир одам буни тушуна олади. Кришна онгига эга бўлган киши ажал, ўлим мукаррар бўлган сайёрага боришга интилмайди: унинг максади - Худоники сингари мангу танага эга бўлиш учун мангу руҳий оламга эришишдир. *Ишвараҳ парамаҳ кришинаҳ сач-чит-ананда-виграхаҳ*. Худонинг танаси мангу, илм ва лаззатга тўла. Шунинг учун Кришнани "чексиз лаззат манбаи" деб атайдилар. Агар, танамизни тарк этгандан кейин руҳий оламга - Кришнанинг сайёрасига ёки бошқа хоҳлаган руҳий сайёрага - кўтарилисак, биз ҳам сач-чит-анандага тўла танага эга бўламиз.

Моддий танага қамалган жон - аслида кичкина руҳий заррачадир. Моддий танадан фарқли равишида, жон, рух кўзга кўринмаса ҳам, у тананинг мавжудлигини, ҳаётини таъминлаб туради. *Сат-чакра-йога* ёрдамида руҳни калланинг юкори қисмига кўтариш мумкин. Шундай қилиб, дхяна-йогада камолотга эришган киши ўзи хоҳлаган олий сайёralарнинг бирига кўтарилиши мумкин. Дхяна-йог - ўзига хос саёҳатчиидир, у ўзича шундай деб ўйлади: - "Аввал мен Ойга бораман, у ерда нима қизиқ бор экан, кейин ундан ҳам юкорироқ сайёralарга кўтарилиман". Худди одамлар ерда аввал Нью-йоркдан Калифорнияга, кейин Канадага сайр килгандлари сингари, йог ҳам коинот бўйлаб сайр қилиб юради. Лекин, Кришна онгига бўлган кишини моддий коинотдаги сайёralар бўйлаб қилинадиган саёҳат қизиктирмайди.

Бундай одам Кришнага садокат билан хизмат қилиб рухий оламга күтарилишга интилади.

*ом итий экакшарам браhma вийахаран мам ануスマран  
йаx прайати тийаджсан дехам са йати парамам гатим*

“Мана шу йога билан мунтазам шугулланиб юрган киши танасини тарк этаётиб, Мени, Худонинг Олий Шахсини эсласа, муқаддас "ОУМ" бўғинини талаффуз қиласа, у албатта рухий олам сайёralарига эришади.(Бг.8.13). *Оум, ёки омкара* - рухий товушнинг қисқарган, шахсиятсиз кўринишидир. Оум бўғинини талаффуз қилиш билан бирга дхяна-йог Кришна, ёки Вишну, Олий Шахс-Худо ҳақида ўйлаши керак. Бу бўғин Кришнанинг шахсиятсиз, товуш шаклидаги қиёфасидир ва Харе Кришна мантрасининг таркибиغا ҳам киради. Шундай қилиб, йоганинг барча усулларининг вазифаси - одамга бутун дикқатини Вишнуда мужассам қилишга ёрдам беришдан иборат. Лекин, Вишнунинг қиёфасини кўз олдига келтиришга уринаётган имперсоналистлардан фарқли равишда, содиклар ҳақиқатан ҳам Худонинг Олий Шахсини яққол кўрадилар. Нима бўлганда ҳам йог ўзининг фикрий назарини Вишнуда жамлаши керак. Бу ерда ишлатилган *мам* ибораси Олий Шахс-Худога, Вишнуга тегишли. Агар одам ажали етганда Вишну ҳақида ўйлай олса, у рухий оламга эришади.

Рухий ўзлигини англаб етган ҳар бир аклли, фаросатли одам албатта ўйланиши керак: - ”Агар мен - мангру рух бўлсан, ўткинчи нарсаларга эгалик қилишга интилишнинг нима кераги бор?” Масалан, ҳеч кимнинг бирор нарсага вақтинча эга бўлгиси келмайди. Агар биз бегона квартирада яшасак, унинг эгаси ҳоҳлаган пайтда сиздан квартирани бўшатишни илтимос қилиши мумкин, сиз кетишга мажбурсиз, ва бундан ҳечам хурсанд бўлмайсиз. Гарчи биз ундан ҳам яхшироқ квартира топишимиз ва кўчганимизга пушаймон бўлмасак ҳам, барибир, ҳеч қаерга кўчмасдан, ҳамиша бир жойда яшагимиз келади. Буни, аслида ўзимиз мангру рух эканимиз, ўзимизнинг мангру ҳолатимизга интилаётганимиз деб тушунтириш мумкин. Биз мангаликка интиламиш ва шу боис ўлишни истамаймиз. Биз туғилиш, кексайиш, касалланиш ва ўлиш билан боғлиқ бўлган азоб-уқубатларга мубтало бўлишни истамаймиз. Моддий табиат бизга рўпара қилаётган бу азоблар бизнинг истагимизга қарши, худди касалликдай, ўз-ўзидан келаверади. Касалликдан қутулиш учун қандайдир чора кўриш керак. Худди шунингдек, мана шу азоб-уқубатлардан халос бўлиш учун моддий танадан қутулиш керак, чунки азоб-уқубатлар моддий ҳаётнинг ажралмас қисмидир.

Танасини тарқ этаётіб, оум бүғинини талаффуз қилған ва Худои Таоло ҳақида ўйлаган йог рухий оламга эришади. Имперсоналистлар учун эса, Худованд Шри Кришнанинг рухий сайёрасига киришга йўл йўқ. Улар рухий оламнинг ташқарисида, *браҳмаджайоти* нурларида яшашга маҳкум. Қуёш нурлари қуёшдан фарқ қилмагани сингари, Олий Шахс-Худо тарататётган *браҳмаджайоти* нури ҳам Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Имперсоналистлар браҳмаджайотига тушиб, у ерда кичик зарралар кўринишида қоладилар. Биз аслида рухий заррачалармиз, ва браҳмаджайотида ана шундай рухий зарралар сонсаноқсиз равишда кўп. Имперсоналистлар Худои Таолонинг рухий борлиғи билан қўшилиб кетадилар, лекин барибир ўзларининг алоҳида шахс сифатини сақлаб қоладилар. Алоҳида шахс сифати - рухнинг ажралмас хусусияти, сифатидир, лекин имперсоналистлар ўзлари шахсий хусусиятларга эга бўлишни истамаганлари сабабли, шахсиятсиз браҳмаджайоти ёғдуси таркибида, қуёш нурлари сингари, рухий зарралар кўринишида мавжуд бўладилар. Браҳмаджайотидаги алоҳида рухий заррачалар худди бирга қўшилиб кетгандек бўлиб кўринадилар.

ТИРИК МАВЖУДОТ СИФАТИДА БИЗ БАРЧАМИЗ ЛАЗЗАТЛАНИШГА ИНТИЛАМИЗ. Биз шунчаки мавжуд бўлиш билан қаноатлангимиз келмайди. Ўзимизнинг асл табиатимизга кўра биз *сач-чиқ-ананд*: мангум-сат, илм - чит ва лаззат - анандага тўламиз. Шахссиз браҳмаджайотига тушган киши факат Браҳман билан бириккани ҳақидаги илми билан қаноатланиб, у ерда узоқ қола олмайди. Узоқ йиллар давомида ким ҳам бир хонада ёлғиз ўзи, қандайдир китобни ўқиб лаззатланиб яшай оларди? Биз ҳамиша ёлғиз яшаб, мангум лаззатлана олмаймиз. Эртами-кечми албатта хонадан чиқамиз ва ўзимизга ҳамсұхбат излай бошлаймиз. Бошқалар билан дилдан, самимий ҳамсұхбат бўлиш - бизнинг табиий эҳтиёжимиздир. Шунинг учун, Худонинг шахссиз борлиғидаги ёлғизлик ҳолатидан қаноат ҳосил кила олмай, имперсоналистлар яна бу моддий оламга қайтиб келадилар. "Шримад Бхагаватам" шуни тасдиқлайди:(10.2.32).

*йе “ние “равиндақиша вимукта-манинас  
твай аста-бхавад авишудха-буддхайаҳ  
арухя криччхrena парам падам татаҳ  
патантай адҳо “надрита-йушмад-ангхрайаҳ*

“Эй нилуфар кўзли Парвардигор, гарчи қаттиқ риёзатлар ёрдамида рухий юксалишга интилаётган содиқлар озодликка эришдим деб ўйласалар ҳам, уларнинг тафаккури барибир пок эмас. Сенинг нилуфар қадамларинг пойини тан олмагани сабабли улар ўзларининг бошқалардан соxта устунлигидан дарров маҳрум бўладилар”.

Имперсоналистларни қайсиdir бошқа сайёralарга учадиган космонавтларга ўхшатиш мумкин. Агар улар ўша сайёрада қола олмасалар, яна қайтиб Ерга келишгә мажбур бўладилар. "Шримад Бхагаватам"нинг мана шу шеърида айтилганидай, имперсоналист моддий оламга қайтиб келишгә мажбур, чунки у муҳаббат ва садоқат билан Худои Таолога хизмат қилишни истамади. Биз ерда яшаган пайтимида Парвардигор Кришнага хизмат қилишни ва Уни севишини ўрганишимиз лозим: шунда биз Унинг руҳий сайёрасига кўтарилими. Қалбимизда Кришнага нисбатан муҳаббат уйғотмай туриб, биз имперсоналистлар сингари факат брахмаджйотига эриша оламиз, унда яна моддий оламга тушишга мажбур бўламиз, чунки у ердаги ёлғизлик бизни шунга мажбур қилади. Аслини олганда ҳар биримиз Худои Таоло билан мангу мулоқотда бўлишга интиламиз, чунки ўзимизнинг табиатимиз шундай - илм ва лаззатга тўла, мангу. Ёлғиз қолиб, Худои Таоло билан алоқамизни йўқотиб, биз ҳеч қачон ҳам ҳаётдан лаззатлана олмаймиз. Агар ҳаётдан лаззат олмасак ҳеч қачон ҳам мамнунлик, қаноат ҳосил қилмаймиз. Ҳаётда лаззатланишга интилиш бизни ҳар қандай алоқага, ҳар қандай мулоқотга ва ҳар қандай эрмакка, кўнгилхушликка ундидаи. Ҳафсаламиз пир бўлиб, биз яна моддий лаззатларга қайтамиз. Мана шу имперсоналистлар олдида турган катта хатар ҳисобланади.

Дунёвий ҳаётда ҳиссиётларга энг кучли лаззатни жинсий алоқа беради. Ана шу лаззат руҳнинг руҳий оламда Кришна билан ўзаро мулоқотидан оладиган лаззатининг бузилган аксидан бошқа нарса эмас. Агар руҳий оламда жинсий алоқа бўлмаса, у моддий оламда ҳам бўлмасди. Лекин шуни тушуниш лозимки, бу ерда жинсий алоқа бузиб акс эттирилган. Факат Кришна билан боғлиқ нарсаларгина ҳакикий бўлиши мумкин. Кришна лаззатга тўла, ва агар биз Унга Кришна онгида садоқат билан хизмат қилишни ўргансак, кейинги ҳаётимизда руҳий оламга - Кришналокага, Кришнанинг сайёрасига - эришамиз ва Унинг даврасида чексиз лаззатланиб яшаймиз.

Кришнанинг сайёраси "Брахма-самхита"да шундай таърифланади:(5.29).

*чинтамани-пракара-садмасу калпа-врикиша-  
лакшавритешу-сурабхир абхипалайантам  
лакими-сахасра-шата-самбхрама-севийаманам  
говиндам ади-пурушам там ахам бхаджами*

"Мен барча тирик мавжудотларнинг бобокалони бўлган азалий Парвардигор Говиндага сажда қиласман. У барча истакларни рўёбга чиқарувчи сигирларни боқади. У фалсафа тошидан курилган саройда яшайди, сарой миллионлаган орзулар дарахти билан ўралган. У ерда Унга минглаб равнақ фаришталари муҳаббат ва садоқат билан хизмат

қиласылар.” Бу ерда айтилганки, Кришналокада барча иморатлар фалсафа тошлари, чинтаманидан қурилған. Ана шундай тошнинг бир зарраси темир бўлагига тегса, темир шу захоти олтинга айланади. Моддий оламда албатта бундай тош йўқ, лекин, “Браҳма-самхита”да айтилишига кўра, Кришналокада барча иморатлар ана шундай тошлардан қурилған. Бундан ташқари Кришналокада орзулар дараҳти мавжуд, *калтаврикиша*. Уларнинг шундай аталишининг сабаби шундаки, улар ҳар қандай орзуни рўёбга чиқаришга қодир. Бу дунёда манго дараҳти факат манго мевасини беради, лекин Кришналокадаги дараҳтлар бизнинг истагимизга яраша ҳоҳлаган мевани бериши мумкин, чунки уларнинг барчаси орзулар дараҳти ҳисобланади. Бу Кришналоканинг, Кришнанинг руҳий оламдаги мангу даргоҳининг озгина таърифи, холос.

Шундай килиб, бизнинг моддий коинотдаги бирор сайёрага тушишга интилишимизнинг ҳеч қандай маъноси йўқ, чунки, уларнинг барчасида туғилиш, ўлиш, кексалик ва касаллик билан боғлиқ бўлган азоб-уқубатлар албатта мавжуд бўлади. Ҳозирги замондаги олимлар ўзларининг илмий ютуқлари билан жуда гердаядилар, аммо, улар ҳалигача кексаликни, касаллик ва ўлимни енга олганлари йўқ. Аксинча, улар одамларнинг ажалини яқинлаштирадиган нарсалар яратишга эришдилар холос, лекин ажални тўхтатиш уларнинг қўлидан келмайди. Ақл-заковати етарли киши туғилиш, касаллик, кексайиш ва ўлишлардан биратўла холос бўлиб, чексиз илм, лаззат мангум хукм сурадиган руҳий оламга киришга интилиши лозим. Бхакти-йог бунинг учун ҳозир Кришна онгидаги яшаш ва ажал етганда Кришна ҳақида ўйлаш кераклигини билади.

*ананиа-четах сататам йо мам смарати нитиашаҳ  
тасайахам сұлабхах партха нитиа-йуктасия йогинаҳ*

“О Притхининг ўғли, ҳамиша Мени ўйлаб юрган киши Менга осон эришиши мумкин, чунки У ҳамиша Менга хизмат қиласи”.(Бг.8.14). *нитиа-йукта* ибораси “ҳамиша транс ҳолатида бўлиб” деган маънени англатади. Ҳамиша Кришнани ўйлаб юрган киши ва ҳамиша Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлған одам йогларнинг энг аълоси ҳисобланади. Унинг дикқати гяна-йога, дхайана-йогага ёки ўзликни англашнинг бошқа усуларига чалғимайди. Унинг ҳаётда фақат битта мақсади бор - Кришна. *Ананиа-четах* дегани “адашмасдан, чалғимасдан” деган маънени англатади. Кришнанинг содик хизматкорини ҳеч нарса чалғитмайди, ташвишга сола олмайди, чунки унинг фикру-хаёли ҳамиша Кришна билан банд. *Сататам* ибораси содикнинг ҳамиша ва ҳар ерда Кришнани ўйлаб юришини кўрсатади. Ерга ташриф буюрганида Кришна вақтини Вриндаванда ўтказди. Гарчи мен ҳозир Америкада яшаётган бўлсам

хам, барибир Вриндаванда яшаётган бўлиб қолавераман, чунки ҳамиша Кришна хақида ўйлайман. Одам Нью-йоркда яшаси мумкин, аммо, унинг фикру-хаёли Вриндаванда бўлса, бу унинг ўзи Вриндаванда яшагани билан баробар.

Кришна онгида бўлиш - Кришна билан Унинг мангу руҳий сайдрасида яшаш демакдир. Агар биз Кришнани англаб етган бўлсак, биз У билан бирга яшаётган бўламиз. Биз шунчаки моддий танамизни тарқ этадиган ва руҳий оламга кўтариладиган пайт келишини кутишимиз керак, холос. Ҳеч нарсага чалғимасдан, ҳамиша Кришнани ўйлаб юрган киши Унга ҳеч қийналмасдан эриша олади. *Тасъахам сулабҳаҳа партҳа* дейди Кришна, - "Мен ҳамиша унинг ёнида бўлламан". Бхакти-йога билан шугулланиб, ҳеч қийналмасдан биз энг нодир, бебаҳо неъматга, Кришнага осонликча эришишимиз мумкин. Агар бхакти-йога ёрдамида Унга эришиш осон, деб Кришнанинг Ўзи айтган бўлса, бунинг учун қандайдир бошқа қийин ишларни килишнинг нима кераги бор? Биздан факат ҳамиша Харе Кришна мантрасини зикр қилиб юриш талаб этилади: Харе Кришна, Харе Кришна, Кришна Кришна, Харе Харе, Харе Рама, Харе Рама, Рама Рама, Харе Харе. Буни кўчада ҳам, метрода кетаётиб ҳам, уйда ва ишда ҳам килиш мумкин. Харе Кришна мантрасини такрорлаш учун ҳеч қандай қонун қоидалар йўқ, бунинг устига ҳеч қандай пул ҳам тўланмайди.

Кришна қудратли, демак енгилмас, лекин шунга қарамай, садоқатли хизмат қилиш ёрдамида нафакат Унга эришиш, ҳатто Уни енгиш ҳам мумкин экан. Аввал айтиб ўтганимиздек, Олий Шахс-Худони англаб этиш жуда мушкул; шунинг учун Парвардигори оламни одатда Аджита, енгилмас, деб атайдилар. "Шримад Бхагаватам"да Тангри Браhma Аджитага шундай илтижо қиласи:

*джсане прайасамудапасайя наманта эва  
дживанти сан-муххаритам бхавадийа-вартам  
стхане стхитах шрути-гатам тану-ван-манобхир  
иie прайашо "джита джито "ни аси таис три-локиам*

"Эй Аджита(енгилмас), Парвардигор, шахсиятсиз қиёфадаги Мутлак Ҳақиқат тасаввурини рад этган, фикрий мулоҳазаларга қизиқмайдиган содиклар, руҳий ўзлигини англаб етган одамлар тилидан Сенинг муқаддас номларинг, қиёфанг, кароматларинг ва сифатларинг ҳақидаги хикояларни тинглаши лозим. Содиклар ноконуний жинсий алокани, қимор ўйинларини, маст қилувчи нарсаларни ва тирик мавжудотларни ўлдиришни тарқ этишлари лозим ва садоқатли хизмат қилишнинг барча қоидаларига изчил риоя қилишлари керак. Танаси, тили ва ақли билан Сенга хизмат қилиб, улар истаган варна ва

ашрамнинг хизматини қилишлари мумкин. Гарчи Сен енгилмас бўлсанг ҳам, шундай содиклар Сени енгишга қодирдирлар”.

Джсане *прайасам* ибораси бу ерда йиллар, умрлар оша Худони, ёки Мутлак Ҳақиқатни илм орқали излаб юрган файласуф олимларни назарда тутади. Ўзининг уринишлари билан улар кудуқдан чикмай туриб, Тинч ёки Атлантик океанининг катталигини ўзи яшаётган кудуққа киёслаб, кўз олдига келтиришга уринаётган курбакани эслатадилар. Агар биз, ҳатто оддий бир коинотнинг ўлчамларини билмасак, англай олмасак, Худои Таолони, Парвардигори оламнинг улуғворлигини англаб етишга уринишнинг қандай маъноси бўлиши мумкин? Бундай уринишларнинг фойдаси йўқ. Шунинг учун "Шримад Бхагаватам" бизга бундай уринишларни тарк этишни тавсия этади. Ҳар қандай ақл-фаросатли одам ҳам, чекланган илм ёрдамида Худони ўрганишнинг ҳеч қандай маъноси йўқлигини тушуниб етади. Бунинг ўрнига биз қалбимида камтаринлик, ночорлик туйғусини ривожлантириб, бу яралган оламда ўзимизнинг *арзимас зарра* эканимизни тушунишга ва ожизлигимизни тан олишга интилишимиз лозим. *наманта* иборасининг маъноси шуки, биз шунчаки камтаринлигимиз, мискинлигимиз шарофати билан ишонарли манбадан Парвардигори олам ҳақида аниқ илмга эга бўла оламиз. “Ишонарли манба” деганда нима назарда тутилади? *Сан-мухтаритам*: ўзининг руҳий табиатини англаб етган зотлар. Аржун Худо ҳақидаги илмни Худои Таолодан, Кришнанинг Ўзидан тинглади, биз эса, ўз навбатида, Худо ҳақидаги илмни Аржундан ёки унинг вакилидан тинглашимиз лозим. Ким бўлишингизнинг аҳамияти йўқ - индуスマисиз, америкаликми, японияликми ёки мусулмонми. Бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Биз шунчаки эшитган нарсамизни тушунишга ва уни ҳаётда кўллашга ҳаракат қилишга ҳаракат қилишимиз лозим. Қалбимида камтаринлик, мўминлик, итоаткорлик ҳолатини ривожлантириб, аниқ манбадан илм ўрганиб ва уни ҳаётда кўллаб, инсон ҳатто Худои Таолони ҳам енгишга қодир бўлади. Шу йўл билан бораётган одам осонлик билан Парвардигорга, Кришнага эришади. Одатда Худои Таолони англаб етиш жуда мушкул, лекин Худо ҳақидаги ҳикояларни мўмин, камтар ҳолда тинглаётган киши учун, *шрути-гатам*, бунинг ҳеч қандай кийин жойи йўқ.

Ўрганишнинг икки йўли мавжуд: *ароҳапантха* - пастдан юқорига, ва *авароҳа-пантха*, юкоридан пастга. Биринчи усулга одамнинг ўзи фалсафий фикрлашлар ёки муроқаба усули билан Худони англашга интилиши киради. Иккинчи усул эса, илмни ишонарли манбадан - ҳақиқий руҳий устоздан ва мужқаддас китоблардан ўрганиш киради. Пастдан-юқорига усулида ўрганиш ҳақида "Браҳма-самхита"да шундай дейилган:(5.34).

*пантхас ту коти-шата-ватсара-сампррагамайо  
вайор атхапи манасао муни-пунгаванам  
со “ни асти йат-прапада-симий авичинтия-таттве  
говиндам ади-пурушам там ахам бхаджами*

“Осмонда миллиард йил давомида шамол ёки хаёл тезлигида ҳаракат қилиб, йог ва гянilar мен сифинадиган азалий Парвардигор Говинданинг қадамлари пойининг бармоқларигагина эришишлари мумкин”. Хаёлнинг тезлиги қанчалик катта эканини тасавур қилиш мумкин. Гарчи, мен ҳозир Нью-йоркда бўлсан ҳам, дарров бу ердан минглаб километр узокда бўлган Ҳиндистон ҳақида ўлашим мумкин. Бу ерда айтилганки, агар одам миллиард йил ана шундай тезликада ҳаракат қиласа ҳам, у барибир Кришнага эриша олмайди. *Муни-пунгаванам* ибораси оддий одламларни эмас, буюк файласуфларни назарда тутади. Агар ҳатто буюк мутафаккир осмонда хаёл тезлигида миллиард йил давомида ҳаракат қиласа ҳам, Парвардигори олам унинг учун эришиб бўлмас орзу бўлиб қоловеради. Аксинча, агар одам Кришнани англаш йўлидан оғишмай борса, осонлик билан Кришнага эришади. Нимага? Кришна бу саволга шундай жавоб беради: *нитийа-куйтасия йогинаҳ.* - “Чунки, ундан одам ҳамиша Менга садоқат билан хизмат қилиб юради, ва Мен ундан одамни унута олмайман”. Кришнани англаш усулининг мазмуни мана шундан иборат. Худонинг назарига тушиш учун фақат қалбимизда муслимлик, мўминлик, бўйсуниш, итоаткорлик сифатини ривожлантириб, Унга хизмат қилиш керак. Менинг руҳий устозим ҳамиша “Худони кўришга ҳаракат қилманг. Бунинг ўрнига Унга шундай хизмат қилингки, Худонинг Ўзи сизни кўришни истаб қолсин. Худои Таоло албатта сизга Ўзининг илоҳий назарини ташлайди, лекин сиз Уни кўришга интилманг!”

Биз кўришни истаган заҳоти, Худои Таоло худди хизматкордек олдимиизда пайдо бўлади, деб ўйламаслик керак. Худои Таоло бизнинг истакларимизни бажариши шарт бўлмагани сабабли, факат муҳаббатимиз ва садоқатли хизматимиз билан Уни ўзимизга карата оламиз. Давлатнинг шоҳини ёки президентни учратиш қанчалик кийин эканини ҳамма яхши тушунади. Бир марта чақирганда унинг ёнимизга келиши у ёқда турсин, ҳатто, оддий одамнинг ҳукумат бошлиғи билан учрашишининг деярли иложи йўқ. Шунга қарамай, барибир одамлар Худонинг, Парвардигори оламнинг дарров уларнинг олдида пайдо бўлишини истайдилар. Биз Кришнага нисбатан табиий равишда маҳлиё бўлиб боғланниб қоламиз, чунки бутун оламда ҳеч ким Кришнадай жозибадор, чиройли, бой, кудратли, билимдон ва машҳур эмас. Мана шундай сифатлар ҳаммани ўзига жалб этади, Кришна эса - ана шу сифатларнинг туганмас манбаидир. Барча сифатлар Кришнадан чиқади(*расо вай пумсаҳ*), шунинг учун, агар биз

гүзалликка, кудратли бўлишга, илмли бўлишга ёки шон-шуҳратга интилаётган бўлсак, диққат-эътиборимизни Кришнага қаратишимииз лозим. Шунда бизнинг барча орзу-истакларимиз ўз ўзидан амалга ошади.

## Ўнинчи боб. Камолот йўли

*мам упетия пунар джсанма духхалайам ашашибатам  
напнуванти маҳатманаҳ самсидхим парамам гатаҳ*

“Менга эришганларидан кейин, содик-йоглар, буюк руҳлар ўткинчи, азоб-уқубатларга тўла бу дунёга бошқа қайтиб келмайдилар, чунки улар камолотнинг энг юксак чўққисига кўтарилигандар бўладилар”.(Бг.8.15).

Бу оламни яратган Парвардигори оламнинг, Худои Таолонинг айтишига кўра моддий олам - *духхалайам*, яъни “азоб-уқубатлар макони”, шундай экан, биз уни қандайдир илмий-техник тараққиёт ёрдамида ўзгартира олармидик? *Духхла* дегани “баҳтсизлик ёки азоб-уқубат, мусибат” дегани билдиради; ҳақиқий мусибатлар бу - туғилиш, ўлиш, қарилик ва ўлиш ҳисобланади. Мана шулар тирик мавжудот ҳаётининг энг муҳим, жиддий муаммоларидир, аммо одамлар бу ҳақда ўйлашни истамайдилар, чунки уларни бартараф этишига кодир эмаслар. Олимлар факат атом бомбалари ва космик кемалар яратиш билан машғул, лекин шундай савол туғилади: нимага улар одамларга шунча мусибатлар келтириб турган мана шу энг муҳим муаммолар билан шуғулланмайдилар? Кўриниб турибиди, бу муаммоларни ҳал қилиш уларнинг кўлидан келмайди.

Аммо, юқоридаги шеърда Шри Кришна бу муаммоларни ҳал қилиш йўлини айтияпти: *мам упетия пунар джсанма* - “Менинг даргоҳимга эришган киши, азоб-уқубатларга тўла бу дунёга бошқа келмайди”. Бахтга карши, ғофил одамлар ўзларининг ночор аҳволда, мусибатлар ичida яшаётганларини билмайдилар ҳам. Ҳайвонларнинг ҳаёти ҳам азоб-уқубатларга тўла, аммо улар ўзларининг шу ахволини англамайдилар, чунки уларнинг фаросати, заковати, тафаккури ривожланмаган. Ҳайвондан фарқли равишда, инсон чукур тафаккур

соҳиби ҳисобланади, у ўзининг фаросати, заковати ёрдамида аслида мусибатда, азоб ичида яшаётганини англай олади, афсуски, ҳозир биз яшаётган Кали-юга даврида одамлар ақл-фаросатини факат ҳайвоний сифатларни ривожлантиришга ишлатадилар. Тафаккур, идрок, заковат одамга мусибатлардан қутулиш учун берилган. Агар биз ҳаётда ҳамиша Кришна онгида қилинадиган фаолият билан машғул бўлиб юрсан, ҳеч қачон бошқа ишларга чалғиб кетмасак, умримизнинг охирида албатта Кришнанинг даргохига эришамиз ва мусибатларга тўла бу дунёда яна туғилиш хавфидан биратўла қутуламиз. *Махатманаҳ самсиҳдҳим парамам гатаҳ*: камолотга - Кришнани англашга эришган буюк рухлар, азоб-уқубатлардан биратўла халос бўладилар. Бу ерда ишлатилган *махатма* ибораси, Кришнани англаб етган одамни назарда тутади. Ана шундай одам Худонинг, Кришнанинг даргохига кириш ҳуқуқига эга бўлади. Махатма ибораси Махатма Ганди сингари сиёсий арбобларни эмас, буюк рухларни, Худонинг содик хизматкорларини назарда тутади.

Кришна махатмалар Менинг даргоҳимга кирадилар деганида, Ўзининг руҳий даргоҳини, Голока Вриндаванани назарда тутяпти. Мен келган жой *Бхаума Вриндавана* деб аталади, яъни “Ер сайёрасига тушган Вриндавана” деб аталади. Кришна Ўзининг ички қуввати ёрдамида бу сайёрага ташриф буюради, худди шунингдек, Унинг дхамаси, даргоҳи ҳам, ерга тушади. Бошқача қилиб айтганда, Кришна бизнинг сайёрамизга ташриф буюрганида, айнан Вриндаванда Ўзини намоён қиласди, ва шунинг учун Вриндаван мукаддас жой ҳисобланади. Бундан ташқари руҳий оламда Кришнанинг мангу даргоҳи бор, ана шу даргоҳи Голока Вриндавана деб аталади.

Махатма ўзининг бу ердаги ҳаётида Кришнанинг руҳий даргохига кириш учун тайёрланади. Ҳайвонлардан фарқли равишда, инсон танасида яаша бизга мана шундай энг олий мақсадга эришиш имконини беради. Шу имкониятдан фойдаланиб қолиш ва уч хил азоб-уқубатларга тўла бу дунёга қайтиб келмаслик учун, махатма даражасига эришишга ҳаракат қилиш керак. Уч хил азоб-уқубатлар - булар: тана ва ақлимиз, табиий оғатлар ва бошқа тирик мавжудотлар келтирадиган мусибатлардир. Моддий оламда қандай мартабада бўлмайлик, қандай холатда яшамайлик, албатта у ёки бу мусибатларга дучор бўламиз. Шри Кришна тўғридан-тўғри айтяптики, моддий оламда азоб-уқубатлардан, мусибатлардан қутулиб бўлмайди, чунки, моддий олам тирик мавжудотларга азоб бериш учун мўлжалланган жойдир. Агар бу ерда мусибит, азоб-уқубат бўлмаса, биз Кришнани, Худони англаш даражасига етмаган бўлардик. Мусибатлар бизларнинг онгимизни ривожлантириб, махатма даражасига кўтарилиш имконини беради. Фаросати бор ҳар бир одам биладики,

гарчи қийналишни истамаса ҳам, мусибатлар ўз-ўзидан келаверади. Ҳеч ким хаётда қийналишни, азоб чекишини истамайди, шунинг учун, agar ақл-фаросати етарли бўлса, инсон ўйланиши керак: “Нимага менинг истаганим бўлмаяпти, нимага истамасам ҳам азобланишга мажбур бўляпман?” Афсуски, ҳозирги одамлар ўзларининг мусибатлари, чекаётган азобларининг сабабини излашга ҳаракат қилмайдилар, бунинг устига кандайдир маст қилувчи ичимлик билан уларни унтишига ҳаракат қиласидар. Лекин, маст қилувчи нарсалар ёрдами билан хаёт муаммоларини хал қилиб бўлмайди. Мастилиги тарқагандан кейин инсон яна ўзининг аввалги муаммоларига рўпара бўлади. Моддий тирикчиликнинг азоб-уқубатларига фақат руҳий ўзлигимизни, Кришнани, Худони англаш билангина чек қўйиш мумкин. Агар биз ҳамиша руҳий ўзлигимизда бўлиб, Кришнага хизмат қилиш ёрдамида ҳамиша Уни эслаб юрсак, ажалимиз етганда моддий танамизни тарқ этиб, Кришнанинг мангу руҳий сайёрасига кўтарилишимиз. Мана шу энг олий мақсад, комиллик чўққисидир.

Кимдадир савол пайдо бўлиши мумкин: - ”Сиз Кришнанинг сайёрасига эришиш - энг олий мақсад, деб айтапсиз. Биз эса Ой сайёрасига эришишни истаймиз. Буни камолот чўққиси деб бўлмайдими?” Албатта, олий сайёralар инсонни ўзига жалб этади. Шунинг учун ҳам тирик мавжудотларни *сарва-гата* деб атайдилар; у ҳамиша сайр, саёҳат қилишни яхши кўради. Тирик мавжудотнинг табиати шундай. Бадавлат Америкаликлар хордик чиқариб, дам олиш учун Хиндистонга, Европага ёки бошқа ерларга саёҳатга чиқадилар. Саёҳат қилиш истаги бизга табаитан хос бўлган хусусиятдир, шунинг учун ҳам биз Ойга ёки яна қаергадир саёҳат қилишни истаймиз. Лекин Кришна бизга айтяптики, ҳатто моддий оламнинг энг буюк сайёрасига борсак ҳам, моддий азоб-уқубатлардан кутула олмаймиз.

*а-браҳма-бхуванал локаҳ пунар авартино “рджуна  
мам упетийа ту каунтейа пунар джсанма на видйате*

“Моддий оламнинг ҳамма сайёralари - энг олий сайёрадан то энг куйи сайёрагача, - азоб-уқубатлар масканидир. Бу ерда ҳар бир тирик мавжудот такрор ва такрор туғилиш ва ўлишга маҳкум. Лекин, Менинг даргоҳимга эришган киши, эй Кунтининг ўғли, ҳеч қачон бу ерда туғилмайди.”(Бг.8.16).

Моддий коинот сайёralари ўн тўрт тизимга бўлинади(*чатурдаша-бхувана*) - етти олий ва етти куйи сайёralар тизими. Ер сайёраси уларнинг ўртасида. Бу ерда Шри Кришна айтяптики, *а-браҳма-бхуванал локаҳ* - ҳатто энг олий сайёрада, Браҳмалокада ҳам туғилиш ва ўлиш мавжуд. *Пунар-авартинаҳ* ибораси “яна келиш”, ёки “туғилиб ўлиш жараёни орқали такрор

ўтиш” маъносини англатади. Биз худди кийимларимизни алмаштиргандек, танамизни алмаштириб, бир танани ташлаб, иккинчисига кириб юрамиз. Ҳамма сайёralарда тирик мавжудотлар яшайди. “Фақат Ер сайёрасидагина ҳаёт бор” деб ўйламаслик керак; тирик мавжудотлар олий сайёralарда ҳам, қуий сайёralарда ҳам яшайди. Атрофимизга назар солиб, Ер сайёрасида тирик мавжудотлар яшамайдиган бирон жой топилмаслигини кўришимиз мумкин. Ерни қазий бошласак, у ерда яшаётган чувалчангларни учратамиз, океан тубига тушсак сув ости ҳайвонларини учратамиз. Осмонда кушлар учиб юрибди, ҳатто ернинг яқин орбитасида, космосда ҳам, - агар яхшилаб ўрганадиган бўлсак, ҳар хил тирик мавжудотларни учратиш мумкин. Шунинг учун бошқа сайёralарда ҳаёт йўқ деб ўйлаш мантиққа тўғри келмайди. Аксинча, улар сон-саноқсиз тирик мавжудотлар билан тўла.

Шундай қилиб, Кришна тушунтириб айтиптики, ҳамма ерда, - олий сайёralарда ҳам, қуий сайёralарда ҳам, - туғилиш ва ўлиш ҳамиша бир бирини алмашиб юради. Лекин, аввалги шеърдаги сингари У шундай дейди: *мам упетіа* - “Агар сен Менинг даргоҳимга келсанг, мусибатга тўла бу моддий дунёга қайтиб келмайсан!” Мана шу ҳақиқатнинг муҳимлигини таъкидлаш учун Кришна тақрорлаб айтиптики, Голока Вриндаванага, Унинг мангу даргоҳига эришган киши туғилиб-ўлишлардан биратўла халос бўлиб, мангу ҳаётга эришади. Моддий қийинчиликлардан қутулиб, илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга эришиш - инсоннинг бурчидир. Бахтга қарши, ҳозирги давр одамлари яшашдан мақсад нима эканини унугиб, эсларидан чикариб қўйганлар. Нима учун? *Дурашайа йе баҳир-артҳаманинаҳ.*(шб.7.5.31). Одамлар моддий тараққиётнинг, зафарларининг алдамчи жилолари билан алданиб, моддий оламнинг сохта гўзаллигига маҳлиё бўлиб қолганлар: уларни осмонўпар бинолар, катта заводлар, сиёsat ва шу каби нарсалар қизиктиради. Уйлари қанчалик баланд бўлмасин, унинг ичидаги мангу яшай олмаслигини улар сира англаб етмайдилар. Биз ўз кучимизни катта-катта шахарлар барпо этишга сарфламаслигимиз лозим: биз ўз кудратимиздан Кришнани, Худони англаб этиш даражасига кўтарилиш учун фойдаланишимиз лозим. Кришнани, Худони англаш илмини қандайдир диний дунёқараш ёки шунчаки маънавий вақт ўтказиш деб ўйламаслик керак. Кришнани, Худони англаш - инсоннинг ҳаётдаги энг муҳим вазифаси бўлиши керак.

Одамлар юқори сайёralарга эришишга интиладилар, чунки у ерда лаззатланиш даражаси бу ердагига қараганда бир неча минг марта яхшироқ ва узокроқ давом этади. "Бҳагавад-Гита"да айтилагки,(8.17)

*саҳасра-йуга-парийантам ахар йад брахмано видух  
ратрим йуга-саҳасрантам тे “хо-ратра-видо джанаҳ*

Моддий коинотнинг мавжудлик вақти чекланган. Уни *калта* цикллари билан ҳисоблайдилар. *Калта* - Браҳманинг бир кунидир. Браҳманинг бир куни тўрт юга: Сатя, Трета, Двапара ва Кали-югадан иборат бўлган минг циклдан таркиб топган. Сатя-югада одамлар ҳамиша эзгу ишларга берилган, донишманд ва тақводор бўладилар: бу даврда ғофиллик ва гуноҳ ишлар деярли учрамайди. Сатя-юга 1.728.000 йил давом этади. Трета-югада гуноҳ ишлар пайдо бўла бошлайди, бу юга 1.296.000 йил давом этади. Двапара-югада ғофиллик яна ҳам кўпаяди, эзгу ишлар камайиб, худосизлик кучаяди, бу юга 864.000 йил хукм суради. Ва ниҳоят Кали-юга, 5000 йил аввал бошланган, ва ҳозир биз яшаётган давр. Бу давр - ғофиллик, жанжаллар даври, динсизлик авжига чикиб, гуноҳ ишлар кўпайган давр. Бу даврда эзгу ишлар деярли учрамайди. Кали-юга 432.000 йил давом этади. Кали-югада худосизлик шу қадар кучайиб кетадики, унинг охирида Худонинг Олий Шахси Калки-аватара қиёфасида келиб, барча иблисларни яксон қиласди ва содикларни озодликка чиқариб, янги Сатя-югани бошлаб беради. Кейин тўла цикл яна кайтадан бошланади. Минг марта тақрорланган мана шу даврлар Браҳманинг бир кунини ташкил қиласди. Браҳма - моддий коинотни яратишга маъсул бўлган фаришта. Унинг туни ҳам шунча вақт давом этади. Браҳма шу тарзда юз йил яшайди, кейин “ўлади”. Браҳманинг юз йиллик умри Ердаги вақт ҳисоби бўйича 311триллион 40 миллион йилни ташкил қиласди. Ерда яшайдиган бизлар учун Браҳманинг умри жуда узундай, ҳатто мангудай туюлади, аммо мангуликка нисбатан олиб қараганда, у худди яшин чақнашидек қисқа вақтдир. Худди Атлантик океанидаги сувнинг сон-саноқсиз тўлкинлари устида пайдо бўладиган кўпиклар сингари, Сабаблар уммонида ҳам сон-саноқсиз Браҳмалар пайдо бўлиб ва йўқолиб туради. Браҳма ҳам, у яратган моддий коинот ҳам моддий оламнинг бир бўлагидир, ва шунинг учун улар мангу мавжуд бўла олмайдилар.

Моддий оламда ҳатто Браҳма ҳам туғилиш, кексайиш, касалланиш ва ўлишга махкум. Аммо Браҳма, моддий коинотни бошқариш билан бевосита Худои Таолонинг Ўзига хизмат қилаётгани сабабли, у дарров озодликка эришади. Улуғвор саннисилар ўлимидан кейин Браҳманинг сайёрасига, моддий коинотнинг энг буюк сайёраси - Браҳмалокага эришадилар. Бу сайёра ҳатто олий, жаннатий сайёralар яксон бўлганида ҳам мавжуд бўлиб тураверади, лекин, вақти келганда Браҳманинг ўзи ҳам, Браҳмалокада яшайдиган бошқа тирик мавжудотлар ҳам, моддий табиатнинг бешафқат қонунларига бўйсунган ҳолда ҳалок бўладилар:

*авйактад вйактайах сарваҳ прабхаванти ахар-агаме  
ратра-агаме пралийанте татраивайакта-самджсанаке*

“Браҳманинг кундузи бошланганида барча мавҳумлик ҳолатидаги тирик мавжудотлар мавжудлик ҳолатига ўтадилар, кейин Браҳманинг туни кирганида эса, улар яна мавҳумлик ҳолатига кирадилар”.(Бг.8.18).

Бизлар то руҳий оламга эришмагунча қайта-қайта такрорланаверадиган туғилиб-ўлишлар, яралиш ва яксон бўлиш жараёнларидан қутула олмаймиз. Браҳманинг ҳар бир куни тамом бўлганида моддий оламнинг барча сайёralари сув остида қолади, янги кун бошланганида эса, улар қайтадан яратилади. *Aхар* ибораси “кун давомида” деган маънони англатади, Браҳманинг куни эса, ўн икки соат давом этади. Мана шу вакт давомида моддий оламнинг сайёralари мавжудлик ҳолатида бўладилар, Браҳманинг туни кирганида эса, уларнинг барчаси сув тошқини остида қолиб кетади, - яксон бўлиш, емирилиш жараёни мана шундан иборат. *Ратри-агаме* дегани “тун кириши билан” деган маънони англатади. Браҳманинг бутун туни давомида сув остида қолган сайёralар кўзга кўринмайдилар. Шу тарзда яратиш ва яксон қилиш жараёни алмашиб туради. Бу жараён моддий олам мавжудлигининг табиий ҳолатидир.

*бута-грамаҳ са эвайам бхутва бхутва пралийате  
ратрий-агаме “вашаҳ партха прабхавати ахар-агаме*

“Ҳар гал Браҳманинг кундузи бошланганида барча тирик мавжудотлар дунёга келадилар, тун кириши билан эса, ўзлари истамаган ҳолда мавҳумликка кетадилар”.(Бг.8.19). Бутун моддий оламда охир-замон муқаррар бўлиб туради, ҳеч ким бундан четда қололмайди. Браҳманинг туни кирганида бутун дунё сув остига киради, унинг кундузи бошланганида эса, сув аста-секин қайтиб кетади. Масалан, маълумки, гарчи ҳозир Ер юзининг тўртдан уч қисми сув билан қопланган бўлса ҳам, қуруқлик тобора каттайиб боряпти. Бир пайтлар шундай кун келадики, умуман ер юзида сув қолмайди, Ер юзи бутунлай қуруқликка айланади. Бундай жараёнлар бутун моддий олам бўйлаб рўй бериб туради.

*парас тасмат ту бхаво “нио “вйакто “вйактат санатанаҳ  
йах са сарвеши бхутешу нашшатсу на винашшати*

“Аммо, бундан бошка мангур, намоён бўлмаган табиат ҳам мавжуд - у гоҳ пайдо бўладиган, гоҳ йўқолиб кетадиган бу моддий оламдан ташқарида жойлашган. Ана шу олий табиат мангур, ҳеч қачон емирилмайди. Моддий оламда ҳамма нарса яксон бўлганда ҳам, у табиат ўзгармай қолаверади”(Бг.8.20).

Биз ҳатто ўзимиз яшаётган коинотнинг ўлчамини билмаймиз, моддий оламда эса, бундай коинотлар сон-саноқсиз. Моддий оламнинг ташқарисида руҳий олам ястаниб ётибди, у ердаги

сайёralарнинг барчаси мангу. Шунингдек у сайёralардаги ҳаёт ҳам мангу. Моддий олам бутун борлиқнинг атиги тўртдан бир қисмини ташкил этади. Экамшана стхито джагат. Экамшана ибораси “чорак” деган маънони англатади. Қобиклар билан ўралган ва катта шарга ўхшайдиган моддий оламдан ташқарида Борлиқнинг тўртдан уч қисми ястаниб ётади. Ана шу қобикларнинг қалинлиги миллиард километрни ташкил этади, ва факат шу қобиклардан ўтгандан кейингина руҳий оламга - мангу ва чексиз маконга эришиш мумкин. Бу ерда *парас тасмат ту бхаво* “ниаҳ - “Лекин, бошқа табиат ҳам бор”, дейилган. *Бхава* ибораси “табиат” дегани билдиради. Биз ҳаётдаги тажрибамизда моддий табиатдан бошқа нарсани била олмаймиз, аммо, “Бхагавад Гита”ни ўқиб, руҳий табиат ҳам борлигини англашимиз мумкин: у моддий оламдан ташқарида ётибди. Асл табиатимизга кўра бизлар ҳам руҳий зарралармиз, чунки барча тирик мавжудотлар - руҳий табиатга эга бўлган жонлардир, аммо, биз ҳозир моддий танага тушиб қолганмиз, шунинг учун ҳозир моддий ва руҳий табиатнинг бирикмасимиз. Шуни англаб етсак, моддий оламдан ташқарида руҳий олам мавжуд эканини бемалол англай оламиз. Руҳий табиатни олий табиат деб атайдилар, чунки, айнан руҳий табиатга эга бўлган жон моддани, танани ҳаракатга келтириб туради.

Руҳий табиатни экспериментал, эмпирик, дунёвий илм-фан орқали англаб бўлмайди. Сиз телескоп орқали соатлаб юлдузларни томоша қилишингиз, кузатишингиз мумкин, лекин бу билан уларга бир қадам ҳам яқинлаша олмайсиз. Худди шунингдек, биз ўзимизнинг ҳозирги мукаммал бўлмаган ҳиссиётларимиз ёрдамида руҳий табиатни англаб етишга бир қадам ҳам яқинлаша олмаймиз. Шунинг учун ҳам биз Худони ва Унинг даргоҳини илмий тадқиқотлар орқали англаб етишга уринмаслигимиз керак. Руҳий илм олишнинг ягона йўли - Худои Таолонинг Ўзи айтган “Бхагавад Гита”да келтирилган насиҳатларга амал қилиш. Агар биз отамиз ким эканини билмокчи бўлсак, онамизнинг гапига ишонишимиш лозим, чунки бошқа иложимиз йўқ. Худди шунингдек, Худони ва Унинг даргоҳини англаб етиш учун биз “Бхагавад Гита”да айтилган гапларни ўзлаштириб олишимиз лозим. Бу илмни тадқиқотлар йўли билан ўргана олмаймиз. Ўзидা Кришна онгини ривожлантириб, одам Худони ва Унинг табиатини тушунишга эришади, шунда унга ҳамма нарса аён бўлади: “Ҳа, Худо ва Унинг мангу даргоҳи мавжуд, шунинг учун мен шу даргоҳга боришим керак. Мен руҳий оламга қайтишга тайёрланишим керак”.

*Вийакта* ибораси “намоён бўлган” деган маънони англатади. Биз қисман кўриб турган моддий олам “намоён бўлган” деб аталади. Масалан, тун қоронғусида осмонда биз сон-саноқсиз юлдуз ва сайёralарни кўришимиз мумкин. Лекин, *вякта*, намоён бўлган бу

оламдан ташқаридан бошқа олам бор, шу олам *авйакта*, “намоён бўлмаган” деб аталади. Ана шу олам - ўзининг табиатига кўра мангу, *санатана* бўлган руҳий оламдир. Моддий табиатнинг бошланиши, аввали ва охири бор, руҳий табиат эса мангу. Моддий олам *маҳаттава*, моддий унсурлар билан қопланган. Уни булутга қиёслаш мумкин. Ёмғир ёғаётганда бутун осмонни булат қоплаб олгандек туюлади, аммо аслида булат осмоннинг кичкина бир қисмини қоплаган бўлади, холос. Биз ўзимиз жуда кичик бўлганимиз сабабли, кўзимизга гўё бутун осмонни булат қоплаб олгандай бўлиб кўринади. Аслида булат осмоннинг бир неча километр қисмини қоплаган бўлади. Шамол булутларни тарқатиб юборган заҳоти бутун осмон яна кўз ўнгимиизда намоён бўлади. Махаттава ҳам ана шу булутлар сингари чекланган. Булутнинг ҳам боши ва охири бўлганидай, моддий тана ҳам, моддий табиатнинг бир қисми бўлгани сабабли, маълум бир вақт давомида пайдо бўлиб туради. Тана маълум вақт давомида пайдо бўлади, ўсади, бироз вақт бир хилда мавжуд бўлиб туради, насл қолдиради, кексаяди ва ниҳоят ўлади. Моддий оламдаги ҳамма нарса мана шу олти хил ўзгаришга маҳкум, ва охир-оқибатда ҳаммаси емирилади. Лекин бу ерда Кришна айтяптики, емирилишга маҳкум бўлган моддий табиатдан ташқаридан мангу мавжуд бўлган руҳий, олий табиат бор. *Йах са сарвешу бхутешу наийатсу на винашайати*. Моддий олам емирилганида руҳий олам мавжудликда давом этаверади. Мана шу *авйакто* “вийактат” деб аталади.

“Шримад Бхагаватам”нинг иккинчи қўшигида руҳий оламнинг ваунда яшовчиларнинг таърифи келтирилган. Биз бундан у ерда яшаётгандарнинг қандайлигини, уларнинг қандай сифатларга эга эканини биламиз. Биз руҳий оламда ҳам ҳаво кемалари мавжудлигини, у оламда яшаётган тенгсиз гўзалликка эга бўлган озод рухлар ана шу ҳаво кемаларида руҳий олам бўйлаб бемалол сайр қилиб юришларини билиб оламиз. Моддий олам, - биз яшаб турган мана шу дунё - шунчаки руҳий оламнинг акси, холос; бу ерда биз қўриб турган нарсаларнинг барчаси руҳий оламда мавжуд бўлган нарсаларнинг бузилган, хира аксиadir холос. Моддий оламни кино билан қиёслаш мумкин: экранда биз факат ҳаётнинг соxта аксини кўрамиз, холос. Моддий олам - руҳий оламнинг шунчаки соxси, холос. “Шримад Бхагаватам”да (1.1.1.) шундай дейилган: *йатра три-сарго* “*мришиа* - “соxта моддий олам моддий унсурлар бирикмаси холос”. Магазин ойнасидан биз ҳар хил чиройли манекенларни қўришимиз мумкин, аммо бирорта ақли бор одам уларни одам деб ҳисобламайди, чунки тушунадики, манекен шунчаки одамга ўхшатиб ясалган қўғирчок, соxта тана. Худди шунингдек, моддий оламда бизни жуда гўзал, турли-туман қиёфалар ўраб турибди, аммо мана шу гўзалликнинг

ҳаммаси рухий, мангу оламда мавжуд бўлган ҳақиқий гўзалликнинг шунчаки хира акси, холос. Шридхара Свами айтганидек, *“ни сатийатайа митхъя сарго”* “ни сатийават пратийате - рухий олам реал, ҳақиқийдир, алдамчи, саробий бўлган моддий олам эса ҳақиқийдек туюлади, холос. Ҳақиқий нарса ҳеч қачон емирилмас бўлишини, ҳеч қачон йўқолмас бўлишини англаб олиш керак. Аслини олганда ҳақиқийлик, реаллик деганда мангуликни тушуниш керак. Шунинг учун ўткинчи моддий лаззатларни ҳақиқий лаззат деб ҳисобламаслик керак; ҳақиқий лаззат - Мангу Кришнадаги лаззатдир. Шунинг учун ҳақиқий лаззат, ҳақиқий қадрият излаб юрган киши бу дунёning ўткинчи нарсаларига эътибор бермайди, ҳаётда улар билан алданиб, қаноатланиб қолмайди.

Шундай қилиб, ҳамма нарса емирилиб кетадиган бу моддий оламдан фарқли равишда, рухий олам мангу, ҳамиша мавжуд бўлиб қолади. Шунинг учун, инсон ҳаётининг мазмунни, мақсади ана шу мангу рухий оламга эришишдир. Бахтга қарши, одамлар ана шу рухий даргоҳ ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. "Шримад Бхагаватам"(7.5.31)да шундай дейилади: *на те видух свартха-гатим хи вишнум* - одамлар ўзлари учун энг олий, ҳақиқий саодат нима эканини билмайдилар. Инсон бўлиб яшашдан мақсад - рухий, ҳақиқий нарсаларни англаб этиш ва мангу рухий оламга эришиш учун тайёрланиш эканини улар билмайдилар. Моддий оламда ҳеч ким мангу яшай олмайди. Бу ҳақда бизга барча муқаддас китоблар таълим беради. *Тамаса джйотир гама:* - "Бу зулмат ичиди қолиб кетма, ёруғликка чиқ!" "Бхагавад Гита"нинг ўн бешинчи бобида шундай дейилади:(15.6)

*на тад бхасайате сурью на шашанко на павакаҳ  
йад гатва на нивартанте тад дхама парамам мама*

"Менинг олий даргоҳим на күёш, на ой, на электр қуввати билан ёритилмайди. Унга эришган киши моддий оламга бошқа қайтиб келмайди". Моддий олам ҳамиша зулмат билан қопланган, шунинг учун уни ҳамиша сунъий равишда олов ёки электр қуввати билан ёритишга тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, зулмат - моддий оламга хос хусусиятдир, лекин рухий олам ҳамиша ёруғ. Күёш, ёруғлик бор жойда зулмат бўлмайди. Худди шунингдек, ҳар бир сайёра ўзидан нур таратиб тургани сабабли рухий олам ҳамиша ёруғ. Шундай экан, рухий оламни күёш, ой ёки электр қуввати билан ёритишнинг ҳожати йўқ. *Сурью* ибораси "куёш" деганидир, *шашанко* эса, ойни билдиради, *павакаҳ* ибораси эса, "олов" ёки "электр" деган маънони англаатади. Рухий оламда мана шу ёруғлик манбаларининг бирортасига ҳожат йўқ. Юкоридаги шेърда Кришна: *йад гатва на нивартанте тад дхама парамам мама* - "Менинг олий даргоҳим шундай, унга эришган киши бошқа бу моддий оламга қайтиб

келмайди”, дейди. “Бхагавад Гита”да бу ҳақда жуда күп айтилган. “Бхагавад Гита”нинг саккизинчи бобида Кришна шундай дейди:

*авијакто “кишара итти укташ там ахух парамам гатим  
йам пратиа на нивартанте тад дхама парамам мама*

“Ведантистлар намоён бўлмаган ва емирилмас деб атайдиган, ҳаётнинг олий мақсади деб ҳисоблайдиган, эришган одам қайтиб бу моддий дунёга келмайдиган жой - Менинг Олий даргоҳимдир”.(8.21). Бу ерда ҳам *авијакта*, “намоён бўлмаган” ибораси ишлатиляпти. *Акишара* ибораси “емирилмас” ёки “хар хил нуқсонлардан, номукаммалликлардан холи” деган маънони англатади. Бу демак, олий даргоҳ мангу ва шу боис, у биз юқорида айтиб ўтган олти хил ўзгаришларга маҳкум эмас.

Ҳозир биз моддий ҳиссиётлардан тикилган моддий тана билан қопланган бўлганимиз сабабли, руҳий оламни кўра олмаймиз, шунинг учун руҳий табиатга эга бўлган жоннинг табиатини тўлиқ англай олмаймиз. Шунга қарамай, танамизда моддий бўлмаган нимадир бор эканини ҳис қилишимиз мумкин. Ҳатто, руҳий жиҳатдан мутлақо саводсиз одам ҳам ўзида, ичидагандир руҳий зот мавжудлигини сезиши мумкин. Бунинг учун шунчаки ўзимизга бир неча саволлар билан мурожаат қилиб, чуқурроқ ўйланишимиз лозим: “Мен кимман ўзи? Мана шу бармоқ, соchlар, қорин - менми? Йўқ, мен униси ҳам, буниси ҳам эмасман. Мен - бу танамдан бошқа бир нарсаман. Мен ўзи кимман? Мен - руҳман”. Шу тарзда фикр юритиш натижасида биз танамизнинг ичидагандир руҳий табиатга эга бўлган бир зот борлигини англаймиз. Ўлган тананинг ичидагандир руҳнинг, жоннинг йўқлигини тушуниш қийин эмас. Агар ўлаётган одам кузатиб турилса, ўлаётган пайтида унинг танасидан бир нарса(жон) чиқиб кетишини сезиши мумкин. Гарчи биз уни кўзимиз билан кўришга қодир бўлмасак ҳам, ана шу “нарса” руҳий табиатга эга эканини англаб олиш мумкин. Моддий танада руҳнинг мавжудлиги “Бхагавад Гита”нинг бошида тушунтирилади: (2.17)

*авинаши ту тад виддхи ѹена сарвам идам татам  
винашам авайасийасай на каичит картум архати*

“Билгинки, бутун танага сингиб кетган нарса емирилмасдир. Мангу руҳни ҳеч ким йўқ қила олмайди”.

Руҳий борлиқ мангу, тана эса ўткинчидир. Яна маълумки, руҳий табиат *авијакта*, намоён бўлмаган. Ундей бўлса, биз уни қандай қабул кила оламиз, сеза оламиз. Бунинг жавоби битта: бунинг учун Кришнани англаш усулини кўллаш керак. Кришнани англаш усулининг мақсади - бизнинг сезгиларимизни намоён бўлмаган руҳнинг табиатини сезадиган қилиш. “Падма-пурана”да шундай дейилади.

*атах шри-кришна-намади на бхавед грахйам индрийаиҳ  
севонмуке хи джихвадау свайам эва спхурати адаҳ*

“Асл ҳолида Кришна қандай эканини ҳеч ким ўзининг қўпол моддий сезги органлари билан сеза олмайди. Аммо, садоқат билан қилаётган хизматидан мамнун бўлиб, Кришна содиқ хизматкорларига Ўзини намоён қилади”. *Индрийаиҳ* ибораси сезги органларини билдиради. Бизнинг атрофимизни ўраб турган оламни сезадиган, қабул қиладиган беш органимиз (кўзлар, кулоклар, бурун, тил, тери), ҳаракат қиладиган ҳам беш органимиз бор(гапириш органи, кўллар, оёқлар, жинсий орган ва анус). Ана шу ўн орган ақлга бўйсунган. “Падма-пурана”дан келтирилган шеърда айтилишича, мана шу қўпол сезги органлар ёрдамида Кришнани - на Унинг муқаддас номини, на қиёфасини, ва на Худо билан боғлиқ бўлган бирор нарсани сезиб бўлмайди. Нимага? Чунки, Кришна - бутунлай руҳий ва мутлақ табиатга эга. Демак, Унинг номи, қиёфаси, ва У билан боғлиқ нарсаларнинг ҳаммаси руҳий табиатга эга. Ҳозир биз моддий мавжудлик билан шартланиб қолганмиз, моддий оламда тутқунмиз, шунинг учун руҳий табиатни англай олмаймиз. Лекин, агар Харе Кришна мантрасини мунтазам тақрорлай бошласак, бундай ғоғилликдан кутулишимиз мумкин. Ухлаётган кишини товуш ёрдамида уйғотиш мумкин: бунинг учун унинг номини айтиб чақириш кифоя: -”Уйғон! Турадиган вакт бўлди!” Гарчи ухлаётган одамнинг онги уйқуда бўлса ҳам, унинг эшлиши қобилияти уйғоқ, шунинг учун товуш одамни уйқудан уйғотади. Худди шунингдек, моддийлик шартларига қамалган ҳолатда караҳт бўлгани учун бизнинг руҳий онгимиз ҳам уйқуда ётиби, биз уни трансцендент, илоҳий товушлар ёрдамида уйғотишмиз мумкин: Харе Кришна, Харе Кришна, Кришна Кришна, Харе Харе, Харе Рама, Харе Рама, Рама Рама, Харе Харе. Аввал айтиб ўтганимиздек, Харе Худонинг кувватига мурожаат этишdir, Кришна ва Рама эса - Худонинг Ўзи. Демак, биз мантра тақрорлаётганда, Худога илтижо қилиб ёлворамиз: -”Эй Худойим, эй Худонинг куввати, илтимос, мени қабул қил!” Биз фақат шуни сўраб илтижо қиласиз: “Илтимос, мени қабул қил!” Худои Таоло Чайтаня Махапрабху ўргатиб кетганки, Худодан бизни қабул қилишини сўраб, кўзимизда ёш билан самимий илтижо қилишимиз лозим. Чайтаня Махапрабхунинг Ўзи шундай зорланиб илтижо қилган:

*айи нанда-тандужса кинкарам патитам мам вишаме бхавамбудхау  
крипайа тава пада-панкаджа-стхита-духили-садришам вичинтайа*  
“О Кришна, Нанданинг эркатойи, қандайдир сабаблар билан мен мана шу ғоғиллик ботқоғига ботиб қолдим. Илтимос, мени шу ғафлат уммонидан кутқариб ол ва Сенинг қадамларинг пойида бир зарра бўлишимга ёрдам бер!” Океанда чўкиб бораётган одамнинг кутулиш

учун биргина имконияти бор: кимдир унга ёрдамга келиши керак. Уни сувдан чиқарып олган захоти у енгил тортади. Худди шунингдек, Кришнани англаш йўлига киргандан кейин, биз ҳам ҳаётдаги барча азоб-уқубатлардан биратўла кутулиш йўли борлигини дарров сезишмиз мумкин.

Моддий оламдан ташқарида руҳий табиатнинг мавжудлигига шубҳа қиласлик керак. "Бхагавад Гита"ни Худонинг Ўзи айтган, ва биз Унинг гапларини иккilanmasdan қабул қилишимиз лозим. Бизнинг вазифамиз Худои Таолонинг бизга айтаётган гапларини, ҳакикат илмини тушунишга ва англаб олишга ҳаракат қилишдан иборат. Ана шу илмни қабул қилиш ва тушуниб олиш, англаш қобилиятимиз Харе Кришна мантрасини мунтазам зикр қилиш шарофати билан ўсиб боради. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш шарофати билан биз руҳий оламнинг ва руҳнинг табиатини англай оламиз, бизга моддий олам, Худо ҳақидаги илм очилади, ўзимизнинг шартланган ҳолатимизни, ана шу шартланганлик ҳолатидан кутулиш йўлини ва бошқа жуда кўп нарсаларни англаб етамиз. Мана шу жараён *чето дарпана марджанам*, ақлимиз ойнасини тозалаш, покланиш деб аталади.

Ҳар ҳолда биз Худонинг, Шри Кришнанинг гапларига ишонишимиз лозим. "Пан-Американ" ёки "Эйр Индия" компаниясининг билетларини сотиб олар эканмиз, уларнинг бизни кўзлаган манзилимизга олиб боришига албатта ишонамиз. Бу ерда бизнинг ишончимиз авиакомпанияларнинг ҳамма томонидан тан олинганига асосланган. Биз кўр-кўронга ишонмаслигимиз керак: ишонарли, мўътабар одамлар тан олган, ишонган нарсага ишониши керак. Ҳиндистонда "Бхагавад Гита"ни азалдан, бир неча минг йиллардан бери муқаддас китоб деб, одамлар унга ишониб келадилар. Ҳатто Ҳиндистондан ташқарида ҳам жуда кўп дин арбоблари, олимлар ва файласуфлар "Бхагавад Гита"ни тан оладилар. Маълумки, Альберт Эйнштендай машхур олим ҳам мунтазам равища "Бхагавад Гита"ни ўқиб юрган, шунинг учун унинг ҳақиқатан ҳам ишонарли манба эканига ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Шундай қилиб, Кришна айтадики, олий, мангу даргоҳ мавжуд ва биз шу жойга эриша оламиз, демак, Унинг гапларига ишонишимиз керак. Кўп файласуфлар "руҳий даргоҳ - бўшлиқ, шахссиз чексизлиқдир", деб ҳисоблайдилар. Йўқлик, бўшлиқ таълимотини тарғибот қилувчи имперсоналистлар ва буддистлар шундай фикр юритадилар. Аммо, "Бхагавад Гита" ундей гаплар билан бизнинг умидимизни пучга чиқармайди. Бўшлиқ фалсафаси атеизмнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Руҳ ўзининг табиатига кўра лаззатга тўла бўлгани учун хамиша лаззатга интилади. Бу моддий оламда яшар

экан, у келажақда бўшлиққа, йўқлилкка маҳкум эканини, келажақда ҳеч қандай лаззат йўқлигини “билиб”, ҳозирги моддий шартланган ҳолатида лаззатланиш чораларини излай бошлайди. Шу тариқа имперсонализм моддий лаззатларга боғланиб қолишини ва фалсафий сафсатабозликни келтириб чиқаради. Инсон фалсафий фикрлашларга қанчалик берилмасин, бундан ҳеч қандай руҳий фойда келиб чиқмайди.

Шастраларда шундай дейилади: *бхактаҳ парешанубхаво вирактири айатра ча*(ШБ.11.2.42). Инсон қалбида Парвардигорга садоқат руҳини ривожлантирган заҳоти унда моддий лаззатларга нисбатан қизиқиш ўз-ўзидан сусайиб, йўқолиб кетади. Одам овқатлана бошлаганида у очлик туйғусидан қутула бошлайди, корни тўйғандан кейин эса у: “Бўлди, мен бошқа емайман; мен тўйдим!” - дейди. Фарогат, осойишталиқ, хотиржамлик - Кришна онгига бўлган, Худони англаб етган кишини бошқалардан ажратиб турадиган атлардир.

*брахма-бхутах прасаннатма на шочати на канкишати  
самах сарвеши бхутешу мад-бхактим лабхате парам*

“Трансцендент, илохий даражага эришган одам Олий Брахманинг табиатини дарров тушуниб етади, ва унинг қалби қувончга тўлади. У ҳеч нима ҳақида қайғурмайди, ҳеч нарсани истамайди ва барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади. Шу пайтдан бошлаб у ўзини Менга соғ садоқат билан холис хизмат қилишга бағишлиайди”.(Бг.18.54).

Руҳий ўзлигини англаш даражасига эришган одам бутунлай хотиржам, фарогатда бўлади, моддий оламнинг ўткинчи лаззатлари бошқа уни қизиқтирумай қўяди. “Бхагавад Гита”да шундай дейилган:(2.59)

*вишайа винивартанте нирахарасия дехинаҳ  
раса-варджам расо “ни асия парам дриштва нивартате*

“Хатто ҳиссий лаззатлардан ўзини тутиб турганда ҳам, танага мужассам бўлган рух, аввалгидай лаззатларга интилаверади. Аммо, буюкроқ, улуғроқ лаззатни тотиб кўргандан кейин, моддий лаззат келтирадиган нарсаларга қизиқмай қўяди ва руҳий ўзлигида, руҳий онгига мустаҳкам ўрнашиб олади”. Одатда врач беморга жуда кўп нарсаларни таъқиқлаши мумкин: - ”Уни еманг, буни еманг, жинсий алоқа қилманг, ўрнингиздан турманг, кўчага чиқманг”. Шу тарзда бемор кўп нарсалардан маҳрум бўлиши мумкин, лекин у ичида ўйлаши мумкин: “Агар шуларнинг ҳаммасини қилишга менга руҳсат берса, қандай зўр бўларди!” Истаклар барибир қолади. Аммо, Кришна онгига мустаҳкам турган киши шундай иродада кучига эга бўладики, ҳиссий лаззатлар ҳақида у хатто ўйламайди ҳам. Гарчи у импотент,

жинсий ожиз бўлмаса ҳам, жинсий алоқа қилиш лаззати уни қизиктирмайди. Ундан одамнинг фарзандлари кўп бўлиши мумкин, аммо у уларга боғланиб, кул бўлиб қолмайди. *Парам дриштва нивартате*. Буюкроқ нарсага эга бўлган кишининг табиий равишда пастроқ нарсага қизикиши камайиб кетади. Олий нарса - Кришна, Худои Таоло, Олий Шахс. Атеизм ва имперсонализм бизни Худога яқинлаштира олмайди. Фақат соф, холис садоқат шарофати билангина Худога эришиш мумкин.

*пурушаҳ са парах партха бхактия лабхайас тв ананиайа  
йасиантах-стхани бхутани ѹена сарвам идам татам*

“О Притхининг ўғли, фақат соф садоқат йўлидан бориши билангина тенгсиз Парвардигори оламнинг даргоҳига эришиш мумкин. Парвардигор ҳамиша Ўзининг даргоҳида, айни пайтда У ҳамма ерда мавжуд ва бутун борлиқ Унда мужассам”.(Бг.8.22). *пурушаҳ са парах* ибораси улуғворликда барча шахслардан устун бўлган олий шахсни билдиради. Бу бўшлиқ эмас, шахс сифатларига мукаммал эга бўлган алоҳида шахсдир. Олий даргоҳга эришиб, Худони яққол кўра оламиш ва У билан, худди мен ҳозир сизлар билан гапиришиб ўтиргандек, гапириша оламиш. У билан ўйнашимиз, овқатланишимиз ва бошқа хилма-хил ишларни қилишимиз мумкин. Бундай имкониятларга ақлий фикрлашлар ёрдамида эришиб бўлмайди: унга фақат Худога муҳаббат ва садоқат тўла хизмат қилиш билангина эришиш мумкин(*бхактия лабхайах*) *тв ананиайа* сўзи *бхакти*(Худога бўлган муҳаббат)нинг ҳеч қандай аралашмаси бўлмаслиги кераклигини билдиради. Ҳақиқий муҳаббат соф, пок бўлиши керак.

Олий Худо шахс бўлишига қарамай, руҳий оламда Унинг Ўз салтанати, даргоҳи бор, У Ўзини ҳамма ерга таратиб сингдириб қўйган, ва бутун борлиқ Унда мужассам бўлган. У ҳар бир нарсанинг ҳам ичида, ҳам ташқарисида мавжуд. Гарчи Худо ҳамма ерда мавжуд бўлса ҳам, У Ўзининг руҳий мангу салтанатида, Ўзининг даргоҳида яшайди. Қуёш ўзининг нурлари билан бутун оламни ёритиб туради, лекин у барибири сайёра сифатида бир ерда мажуд.

Ўзининг олий даргоҳида Олий Шахс-Худонинг рақиблари йўқ. Биз биламизки, ҳар қандай жамиятнинг раҳбари, йўлбошчиси бўлади. Масалан, Қўшма Штатларда президент бор. Лекин сайлов вактида маълум бўладики, президентнинг жуда кўп рақиблари бор экан. Аксинча, Худонинг руҳий оламда ҳеч қандай ракиби йўқ. Худо билан рақиб бўлишни истаганлар моддий оламга тушадилар, ва улар учун моддий табиат ҳозирлаб қўйган шарт-шароитларнинг ҳукми остида яшашга мажбур бўладилар. Руҳий оламда рақобат йўқ, ва у ерда яшайдиган зотларнинг барчаси озод руҳлардир. "Шrimad

Бхагаватам"дан биз биламизки, руҳий оламда яшайдиган зотлар илохий даражада чиройли бўладилар. Баъзи сайёralарда Худо ўзини икки қўллик қиёфада, баъзи сайёralарда эса, тўрт қўллик қиёфада намоён этади. Бу сайёralардаги тирик мавжудотлар ҳам худди шундай қиёфага эга, ва уларни Худодан ажратиш қийин. Озодликка эришишнинг ана шу турини *сарупя-муқти* деб атайдилар. Сарупя-муқтигга эришган киши худди Худонинг Ўзига ўхшаган танага эга бўлади. Озод руҳларнинг беш тури мавжуд: сарупя, *саюджя*, *салокя*, *саршти*, *ва самипя*. Саюджя-муқти дегани Худонинг шахсиятсиз ёғдуси, брахмаджйоти билан қўшилиб кетиш демакдир. Озодликнинг бу турини аввал мухокама қилгандик ва шахс сифатини йўқотиб, брахмаджйотига қўшилиб кетиш нотўғри ва хавфли эканига амин бўлган эдик. Сарупя-муқтига эришиш - Худоники сингари танага эга бўлиш демакдир. Салокя-муқти Худо билан бир сайёрада яшаш имконини беради, саршти-муқти эса, - Худоники сингари фазилатларга эга бўлиш имконини беради. Масалан, Худо жуда қудратли, ва биз ҳам Худодай қудратли бўлишимиз мумкин. Мана шу саршти деб аталади. Самипя-муқти - ҳеч қачон Ундан ажралмасдан, ҳамиша Худо билан бирга бўлиш демакдир. Масалан, Арджун, Кришнанинг дўсти сифатида ажралмасдан ҳамиша Унинг ёнида юради, озодликнинг мана шу турини самипя-муқти деб атайдилар. Биз ана шу беш турдаги озодликнинг хоҳлаган турига эришишимиз мумкин, лекин, вайшнавизм нуқтаи-назаридан саюджа-муқти, - Худонинг шахсиятсиз борлиғига қўшилиб кетиш - қабул қилиб бўлмайдиган фикр деб хисобланади. Биз Худога шахс сифатида сифинамиз, хизмат қиласиз ва ўзимиз ҳам, ҳамиша Унга хизмат қилиш имкониятига эга бўлиш учун шахс бўлиб қолишни истаймиз. Майявади, имперсоналистлар таълимотининг издошлари эса, ўзларининг шахс сифатларини йўқотишга интиладилар ва Худонинг борлиғига қўшилиб кетишни истайдилар. Бу ўзини ўзи ўлдириш билан баробардир, ва Кришна "Бхагавад Гита"да бу йўлдан боришини тавсия қилмайди. Худога хижрон, айрилиқ қайфиятида сигинишни тарғибот қилган Чайтаня Махапрабхунинг Ўзи ҳам бу йўлни рад этган. Аввал айтиб ўтганимиздек, Худонинг содик хизматкори озодликка эришишга интилмайди; у умрлар оша Худонинг содик хизматкори бўлиб қолишни илтижо қиласди. Чайтаня Махапрабхунинг илтижоси шундай. "Умрлар оша" деган сўз Унинг озодликни назарда тутмаётганини билдиради. Худонинг содик хизматкорини озодликка чиқиш ёки чиқмаслик кизиктирмайди; у ҳамиша Кришна онгига бўлишни, Худога хизмат қилишни истайди. Худога трансцендент, илохий муҳаббат билан хизмат қилишга бўлган ўзгармас интилиш, истак, иштиёқ - соф садоқат белгисидир. Аслини олганда, содик

каерда бўлмасин, хатто унинг моддий танаси бўлса ҳам, у ҳамиша Вайкунхада бўлади. У ҳеч қандай озодликка чикишни истамайди, бошқалардан устун бўлишга ёки ўзи учун қандайдир қулайликлар яратишга интилмайди. Шунинг учун бизлар фақат бир нарсани исташимиз: руҳий оламда Худои Таоло билан бирга бўлиш учун Унинг соғ содик хизматкори бўлишни исташимиз лозим.

Соф садоқат даражасига эришмаганларга, озодликка эришиш учун қандай вактда танани тарқ этиш лозимлигини Кришна шундай тушунтиради:

*йатра кале тв анавриттим авритеттим чаива йогинаҳ  
прайата йанти там калам вакийами бхаратарашабха*

“О Бхаратлар аълоси, ҳозир Мен сенга йоглар таналарини тарқ этадиган пайтларни айтаман. Йогнинг бу оламга қайтиб келишкелмаслиги унинг қайси вактда танасини тарқ этганига боғлик.(8.23). Ғарбий астрологиядан фарқли равишда Ведавий астрология илми, одам туғилган вактдаги юлдузларнинг ҳолатига қараб, унинг келажагини аниқ айтиб бера олади. Бундан ташкари, одамнинг қандай вактда танасини тарқ этганига қараб, ўлганидан кейин унинг кейинги ҳаётида қандай шароитга тушганини аниқлаш мумкин. Буларнинг ҳаммаси астрологик ҳисоб-китоблар натижасида аниқланади. Астрология қонун-қоидаларини тасдиқлаган ҳолда, Кришна маълум пайтда танасини тарқ этган йог озодликка эришиши мумкинлигини айтяпти. Танасини қачон тарқ этганига қараб руҳ озодликка эришиши ёки яна бу моддий оламда туғилиши мумкин. Бу албатта тасодиф, лекин, барибир тирик мавжудот шунчаки тасодиф курбони эмас. У фақат тасодиф сабаблигина у ёки бу нарсага эришмайди. Лекин Худонинг содик хизматкори ҳеч қандай тасодифга боғлик эмас. Агар одам ҳамиша Кришна онгига бўлса, у танасини тарқ этаётганда юлдузлар қандай ҳолатда бўлмасин, барибир озодликка эришади. Бошқалар эса бутунлай тасодиф амрига боғлик - агар улар яхши, шарофатли вактда танасини тарқ этсалар, озодликка эришадилар ва руҳий оламга кўтариладилар, акс ҳолда - яна моддий оламда туғилишга мажбур бўладилар.

*агнир джайотир ахах шуклаҳ шан-маса уттарайанам  
татра прайата гачханти брахма брахм-видо джанаҳ*

“Олий Брахманни англаб етган одам, агар танасини кундуз куни, олов ва ёруғлик фариштаси ҳукмрон бўлган пайтда, ой тўлишаётган икки хафта ичида ва қуёш шимолий ярим шар бўйлаб юрган олти ой давомида тарқ этса, Худонинг даргоҳига киради”.(Бг.8.24). Маълумки, қуёш йилнинг турли фаслида ҳар хил ҳаракат қиласиди. Олти ой давомида у кўпроқ шимолий ярим шар устида туради, олти ой давомида эса, кўпроқ жанубий ярим шар устида туради. Ведавий

битикларга, шу жумладан "Шримад Бхагаватам"га кўра, Қўёш сайёраси ҳам ўзининг орбитасига эга ва коинотнинг марказида жойлашган. У ҳам коинотнинг барча сайёralари сингари ҳаракат қиласи; унинг ҳаракат тезлиги секундига йигирма олти минг километрни ташкил қиласи. Агар одам қўёш шимолий ярим шар устида вақтида ўлса, у озодликка эришиши мумкин. Бу фақат "Бхагавад Гита"да эмас, бошқа битикларда ҳам кўрсатилган:

*дхұмо раттис татха кришина шан-маса дақишина йанам  
татра chanдрамасам джийотир йоги пратіа нивартате*

"Танасини тунда, тутун фариштаси ҳукмронлик қилаётган пайтда ой камайиб бораётган икки ҳафта давомида ва қўёш жанубий ярим шар устида ҳаркат қилаётганда тарқ этган йог, Ой сайёрасига боради, лекин яна Ерга қайтиб келади".(Бг. 8.25) Қачон ўлишини ҳеч ким билмайди, шунинг учун ажал ҳамиша кутилмаганды келади. Лекин Худонинг содиқ хизматкори кутилмаганды тасодифга боғлиқ эмас.

*шукла-кришине гати хи эте джагатаҳ шашвате мате  
екайа йати анавриттим аниайавартате пунаҳ*

"Ведаларда бу оламдан кетишининг икки йўли кўрсатилган: қоронгуда ва ёруғда. Ёруғ йўл билан танасини тарқ этган киши бу ерга бошқа қайтиб келмайди, қоронгуда кетган киши эса, қайтиб келишга мажбур".(Бг.8.26). Шунга ўҳшаган далилни Баладева Видябхушана ачаря "Чхандогя-упанишада"дан ҳам келтиради. Кармали фаолият билан, ақлий, фалсафий фикрлашлар билан машғул кишилар қадим замонлардан бери бу дунёга келиб, кетиб юрадилар. Улар ўз ихтиёрини Кришнага топширмагани сабабли бу моддий оламдан биратўла кутулиб кета олмайдилар.

*наите срити партха джанан йоги мухъяти каичана  
тасммат сарвешу калешу йога-йукто бхаварджусна*

"О Аржун, Менга садоқат билан хизмат қилаётганлар бу икки йўлни биладилар, аммо бу уларни қизиқтирмайди. Шунинг учун ҳамиша садоқатли хизмат қилиш билан банд бўл!"(Бг.8.27). Бу ерда Кришна садоқатли хизмат қилиш билан банд бўлган кишининг тасодиф қурбони бўлмаслигини тасдиқлаяпти, чунки, ундан одамнинг ўлимидан кейин борадиган жойи аллақачон тайёрлаб қўйилган. Худонинг содиқ хизматкори учун танасини қачон тарқ этишининг ҳеч қандай фарқи йўқ - қўёш шимолий ярим шар устидами, жанубий яримшар устида тургандами. Аввал айтиб ўтганимиздай, агар одам танасини тарқ этаётиб, Кришнани ўйлаб ўлса, у шу захотиёқ Кришнанинг даргоҳига эришади. Шунинг учун Кришна Аржунга ҳамиша Кришна онгига бўлишни маслаҳат беряпти. Ҳамиша Кришна онгига бўлиш учун Харе Кришна мантрасини мунтазам зикр қилиб юриш керак. Кришна ва Унинг илохий даргоҳи мутлақ табиатга эга

бўлгани сабабли, улар бир биридан фарқ қилмайди, худди шунингдек, Кришна ва Унинг муқаддас номи, Унинг товуш қиёфаси орасида ҳам хеч қандай фарқ йўқ. Шунчаки Унинг номини зикр қилиш билан биз Кришна билан мулоқотда бўламиз. Биз Харе Кришна мантрасини зикр килиб кўчада кетаётганда Кришна ҳам биз билан бирга кетаётган бўлади. Агар кўчада кетаётгиб осмонга қарасангиз, ой ёки қуёш ҳам сиз билан бирга кетаётганини кузатиш мумкин. Эсимда, бундан эллик йилча олдин, оилали пайтимда, иккинчи ўғлим билан кетаётган эдик, у хали тўрт ёшларда эди, - у менга шундай деган эди: -”Нимага ой ҳам бизлар билан бирга кетяпти?“.

Агар Ой сингари моддий нарса бизлар билан бирга юра олса, ҳар нарсага қодир бўлган Олий Шахс, Худои Таоло ҳақида бирор нарса дейиш мумкинми? У ҳамиша биз билан бирга бўла олади. Худо учун иложи йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Ҳамиша биз билан бирга бўлиш Унинг учун қийин иш эмас, лекин ҳамиша Худонинг ёнида бўлишга бизнинг ўзимиз лойик бўлишимиз керак. Соф содиклар ҳамиша Худо ҳакидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрадилар, ва ҳамиша Кришна ўзининг ёнида эканини эсида сақлайдилар. Тангри Чайтаня Махапрабху “Шикшаштака” шеърида Кришнанинг мутлак табиатини тасдиқлайди:(2)

*намнам акари баҳудҳа ниҷжа -сарава-шактис  
матрарпита ниyамитах смаране на калаҳ  
этадриши тава крипа бҳагаван мамани  
дурдаивам идришиам ихаджсани нанурагаҳ*

“Эй Худойим, эй Худонинг Олий Шахси, Сенинг муқаддас номинг тирик мавжудот учун энг олий саодат келтиради, шунинг учун Сенинг Кришна, Говинда сингари номларинг жуда кўп. Ана шундай номлар ёрдамида Сен Ўзингни ҳар ерда намоён этасан. Сен муқаддас номларингга бутун қудратингни мужассам қилгансан, уларни зикр қилишнинг хеч қандай қийин қоидалари ҳам йўқ. Эй Худойим, гарчи Сен адашган, шартланиб қолган рухларга Ўзингнинг қудратли муқаддас номларингни саховат билан ҳадя қилиб, марҳамат кўрсатаётган бўлсанг ҳам, мен шунчалик баҳтиқаро, омадсизманки, уларни ҳақорат билан зикр қиласман, ва шунинг учун ўзимда уларга нисбатан хеч қандай боғланиш сезмайман”.

Агар биз Кришна учун эҳром курмокчи ёки эҳромни ташкил этмоқчи бўлсак, бунинг учун катта маблағ сарфлашимиз ва жуда кўп конун ва қоидаларга амал қилишимиз керак бўлади. Бунинг устига, эҳромни таъминлаб туриш учун ҳамма нарсани йўлга қўйишимиз керак бўлади. Аммо, бу ерда тасдиқланганидек, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш шарофати билан ҳар қандай одам ҳам энг олий мукофот, Худо билан мулоқотда бўла олади.

Худди Аржун ўзининг аравасида Кришна билан сухбатлашиш шарофати билан энг буюк баҳтга эришгани сингари биз ҳам шунчаки Харе Кришна мантрасини зикр қилиш шарофати билан Худо билан бевосита мулокотда бўлишимиз мумкин. Харе Кришна, Харе Кришна, Кришна Кришна, Харе Харе, Харе Рама, Харе Рама, Рама Рама, Харе Харе. Бу маҳа-мантрани мен ўзим ўйлаб топганим йўқ. У ишонарли мантра, чунки уни Худои Таоло, Чайтаня Махапрабхунинг Ўзи бериб кетган. Уни барча илоҳиёт одамлари нафакат руҳий илмнинг ишонарли манбаи деб, балки Худованд Кришнанинг навбатдаги аватараси деб тан олганлар. Айнан Чайтаня Махапрабхунинг Ўзи шундай деб айтипти: -"Эй Худойим, Сен моддий оламда яшаётган одамларга нисбатан шунчалик меҳрибонсанки, улар Сен билан мулокотда бўла олишлари учун Ўзинг муқаддас ном қиёфасида ташриф буюргансан".

Гарчи маҳа-мантрапи санскрит тилида айтилса ҳам, ва кўплар унинг маъносини тушунмасалар ҳам, барибир у шу қадар жозибадорки, Худонинг содиқ хизматкорлари уни қандай зикр қилаётганини кўриб, бошқалар ҳам уларга қўшиляптилар ва ўзлари ҳам уни куйлаяптилар. Биз маҳа-мантрани зикр қилаётганимизда, ҳатто энг қийин, хатарли, даҳшатли шароитда бўлсак ҳам, тўла хавф-хатарсиз ҳолатда бўламиз. "Шримад Бхагаватам"да шундай дейилган: *падам падам йад випадам на тешам.* Моддий оламда биз ҳамиша ҳар хил хавф-хатарлар остида яшаймиз. Лекин мана шу мусибат ва азоб-уқубатлар макони - Худонинг содиқ хизматкорининг жойи эмас, улар бу ерда узоқ колиб кетмайдилар. Демак, ҳозир биз инсон танасида эканмиз, қалбимизда Кришна онгини ривожлантириш учун иложи бўлган ҳамма нарсани қилишимиз лозим, шунда биз албатта туганмас, хақиқий мукаммал баҳтга эришамиз.

## Оммабоп Бҳакти-йога

Буюк донишмандлар, табаррук авлиёлар ва тақводор шоҳлар қадим замонлардан бери Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилиб келганлар. Қадимда машҳур шоирлар Худога садоқат билан хизмат қилишини олқишилаб ғазаллар ёзган, Худои Таолога бўлган соғ муҳаббатини қўшикларда шарафлаб куйлаганлар.

Биз яшаётган ҳозирги кунда Худога садоқат билан хизмат қилиш - бҳакти-йога, минг йил аввалигига қараганда ҳам зарурроқ, муҳимроқ бўлиб қолган, чунки, Худо билан боғланишни тарғибот қиласидан бошқа йўлларнинг, бошқа динларнинг ҳар хил кўрсатма ва қонун-қоидаларини бажаришга ҳозирги одамларнинг вақти ҳам, имконияти

ҳам йўқ. Аммо ҳаётда Худони англашнинг бхакти-йога усулига амал қилиш жуда қулай. Бхакти-йога билан шуғулланиш инсонга ўзида барча улуғвор, эзгу фазилатларни ривожлантиришда ва ҳаётда ҳар бир одам интилиб юрган нодир баҳт - мангу ҳаёт, мангу лаззат ва мукаммал илмга эришиш имкониятини беради.

Ҳаётда ким бўлишидан қатъий назар, ҳар бир одам бхакти-йога билан шуғуллана олади. Бунинг учун таркидунё қилишнинг, ишлаётган ишимизни, оиласизни ёки уйимизни тарк этишнинг, ёки катта харажатлар қилишнинг ҳожати йўқ. Биз ҳаётимизнинг энг муҳим, асосий мақсадини Парвардигор Кришна қилиб олсак бас. Кундалик турмушдаги барча ўй-фикрларимиз, орзу-истакларимиз ва қиласидаги барча ишларимизни Худои Таолога бағишлишимиш лозим. Агар биз муҳаббат ва садоқат билан Худонинг муқаддас номларини - Ҳаре Кришна мантрасини мунтазам зикр қилиб юрсак, бхакти-йога конун-коидаларига амал қилиб, Ҳазрат Прабхупаданинг китобларини мунтазам ўқиб, пиширган овқатларимизни аввал Худои Таолога таклиф қилиб юрсак, албатта Парвардигор бизнинг қалбимиздан жой олади ва биз ҳаётда энг баҳтиёр одам бўламиш.

## Муроқаба усули

Ҳаётда барча мусибат ва ташвишлардан биратўла халос бўлиб, ҳақиқий баҳтга эришишга интилаётган киши учун муроқаба билан шуғулланиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Муроқаба дегани "ҳаёлан кўз олдига келтириш" демакдир. Одамнинг ақлини банд қилиб юрган кундалик турмуш ташвишларидан халос бўлиш учун инсон ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан устун турадиган илоҳий даражага кўтарилиши лозим. Бундай холатга мунтазам равишда Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш, шу тарзда Худои Таоло билан мулоқотда бўлиш натижасида эришиш мумкин.

Ҳар хил муқаддас китобларнинг тасдиқлашига кўра Худои Талонинг номлари кўп: Кришна, Рама, Иегова, Оллоҳ, Будда ва ҳоказо. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш инсоннинг қалбини поклаб, ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан руҳий даражага кўтарилишда ёрдам беради. Ҳиндистоннинг авлиё одамлари қадимдан Худонинг муқаддас номларини мантраплар кўринишида зикр қиласидар. Санскрит тилидан олинган "мантра" ибораси "Инсон ақлни ҳар хил ташвишлардан поклайдиган илоҳий товушлар бирикмаси" деган маънони билдиради.

Муқаддас китобларда чексиз поклаш қудратига эга бўлган маҳамантра, яъни "буюк мантра" мавжудлиги ҳақида маълумотлар берилган. "Кали-сантарана-упанишад" деган муқаддас китобда ўн олти бўғиндан иборат бўлган ана шу маҳа-мантрани зикр қилиш ҳозир биз яшаётган Кали-юга - ўзаро жанжаллар, иккизламачилик ва ташвишлар авж олган даврда руҳий юксалишга эришиш воситаси сифатида алоҳида тавсия қилинган: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Худонинг муқаддас номлари бўлган Кришна, "ҳаммани Ўзига маҳлиё қиласидиган", Рама - "барчага лаззат бағишлайдиган" деган маънони, Ҳаре ибораси эса, Худога садоқат билан хизмат қилиш қувватига мурожаат қилишни билдиради. Яъни, маҳа-мантранинг мазмуни тахминан қўйидагича: "Эй ҳаммани Ўзига маҳлиё қиласидиган, барчага лаззат бағишлайдиган Парвардигор, эй Худонинг чексиз қудрати! Мени Ўзингга садоқат билан хизмат қилишга мушарраф қил!"

Бу мантрани истаган жойда, истаган оҳангда, истаган вактда зикр қилиш мумкин. Мантрани якка ҳолда тасбехда зикр қилиш - "жапа" деб, жамоа, кўпчилик билан биргалиқда зикр қилиш эса - "киртан" деб аталади. Киртан одатда ҳар хил мусиқа асбоблари жўрлигига қўйланади.

## Жапа

Зикрий муроқабанинг бу тури билан шугулланиш учун тасбех керак бўлади. Тасбех ипга тизилган 108 дона кичик мунчоқ ва бир дона каттароқ мунчоқдан иборат. Каттароқ мунчоқ "Кришнанинг мунчоғи" деб аталади ва унда мантра ўқилмайди. "Кришна мунчоғи"нинг ёнидагидан бошлаб, биринчи мунчоқни, катта ва ўртanca бармоқлар билан ушлаб туриб, маҳа-мантрани тўлиқ талаффуз қилиш керак: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Кейин иккинчи, учинчи ва хоказо. То "Кришна мунчоғи"га етгунча, 108 мунчоқнинг ҳаммасида айтиб чиқсангиз, бир "доира" зикр қилган бўласиз. Кришнанинг мунчоғида мантра айтмасдан, зикрнинг иккинчи доирасини тасбехда Кришна мунчоғидан ўтмасдан, тескари йўналишда айтиш керак. Тасбех билан мантра айтганда одамнинг руҳий юксалиши, покланиш жараёни тезлашади, чунки мурокаба жараёнiga унинг тили, ақли ва қулоғидан бошқа бармоғи ҳам жалб қилинган бўлади. Мантра ибораларини дикқат билан аниқ талаффуз қилиб, уни тинглашга ҳаракат қилиш керак. Шунинг учун мантра сўзларини эшитарли даражада овоз чиқариб талаффуз қилган маъқул.

Албатта тек турмас ақл, хаёл бошқа нарсаларга чалғиб кетишга интилади, лекин уни ҳамиша мантранинг ҳар бир иборасини дикқат билан тинглашда ушлаб туришга ҳаракат қилиш керак. Айниқса, куннинг эрталабки пайтларида зикр муроқабаси билан шуғулланиш кишига жуда катта руҳий самара беради. Иложи борича ҳар куни аник бир вақтда муроқаба қилишга одатланиш лозим. Тажриба учун кунига бир ёки икки доира жападан бошлаш мумкин, руҳий камолотта эришишга жиддий интилаётган киши аста-секин доиралар сонини кўпайтириб бориши мумкин. Ҳар бир доирага тахминан 7-12 минут вақт кетади.

Биринчи боб. Йоганинг фаолият сифатида кўриниши - 1

Иккинчи боб. Ақл ва ҳиссиётларни жиловлаш - 9

Учинчи боб. Худони кўришга ўрганиш - 18

Тўртинчи боб. Йога жараёнида ҳиссиётларни жиловлаш - 29

Бешинчи боб. Йога билан шуғулланишда қатъият ва шижоат - 45

Олтинчи боб. Олий Рухга эришиш - 55

Еттинчи боб. Ҳозирги даврнинг йога усули - 65

Саккизинчи боб. Йога билан шуғулланиш жараёнида  
муваффакият ва омадсизликлар - 69

Тўққизинчи боб. Кейинги ҳаётида йог нимага эришади - 87

Ўнинчи боб. Камолот йўли - 95